Definition 2. The Julia set is the common boundary of the filled Julia set

$$J(F_c) = \partial K(F_c)$$

Definition 3. The Mandelbrot set [8] M_{F_c} of the mapping (1) is the set of all points $c \in \mathbb{R}$ on the parameter line, which the orbits of the all critical points are bounded.

We know from [1] and [3] the following statements for the mapping (1).

Proposition 1. If $c > 0.25$ then $K(F_c) = \emptyset$ and $J(F_c) = \emptyset$.

Proposition 2. If $-2 \leq c \leq 0.25$ then $K(F_c) = \left[-\frac{1 + \sqrt{1 - 4c}}{2}, \frac{1 + \sqrt{1 - 4c}}{2} \right]$ and

$$J(F_c) = \left\{ -\frac{1 + \sqrt{1 - 4c}}{2}, \frac{1 + \sqrt{1 - 4c}}{2} \right\}.$$

Proposition 3. If $c < -2$ then $K(F_c)$ is the Cantor type set.

Proposition 4. Mandelbrot set of (1) is

$$M_{F_c} = [-2, 0.25].$$

Theorem 1. If $c = -2$ then there exist many chaotic orbits in $K_{F_c} = [-2, 2]$.

Let $S^{m-1} = \{x = (x_1, x_2, \dots, x_m) : \sum_{k=1}^m x_k = 1, x_k \geq 0\} \subset \mathbb{R}^m$, $(m-1)$ -dimensional simplex in \mathbb{R}^n .

Quadratic stochastic operator (q.s.o) $V : S^{m-1} \rightarrow S^{m-1}$ is defined by

$$(Vx)_k = x'_k = \sum_{i,j=1}^m P_{ij,k} x_i x_j, \quad k = \overline{1, m}$$

where $P_{ij,k} \geq 0, P_{ij,k} = P_{ji,k}, \sum_{k=1}^m P_{ij,k} = 1, x = (x_1, x_2, \dots, x_m) \in S^{m-1}$.

In mathematical genetics, V is called the evolutionary operator of populations. A population is defined as closed relative to the propagation of a community of organisms. Successive generations F_1, F_2, \dots are distinguished in the population. The state of a population is a set of $x = (|x_1|, |x_2|, \dots, |x_m|)$ densities of

varieties. Inheritance coefficients $P_{ij,k}$ is the probability of the birth of an individual belonging to the k -th variety when the individuals of the i -th and j -th species are crossbreeding.

In [2] investigated some properties of the evolutionary operator of populations on S^{m-1} .

Let $H_p = \{x = (x_1, x_2, \dots, x_m) : \sum_{k=1}^m x_k = p\} \subset \mathbb{R}^m, p \in \mathbb{R}, (m-1)$ -dimensional hyperspace in \mathbb{R}^m .

When $p = 1$ the hyperspace H_1 is the expansion of the $(m-1)$ -dimensional simplex i.e. $S^{m-1} \subset H_1$.

In this paper we study the properties of the quadratic stochastic operator (q.s.o) in the case $m = 3, S^2 \subset H_1, V : H_1 \rightarrow H_1$.

0.1 Main Part

We investigate population of dynamics of the biological systems which has three kinds creature. Let the populations kinds have a following laws

$$\begin{aligned}
I + I &\mapsto I \\
I + II &\mapsto II \\
III + III &\mapsto III \\
I + II &\mapsto II \\
II + III &\mapsto I \\
I + III &\mapsto III
\end{aligned}$$

then the evolution of this biological system is defined by the following mapping

$$V_0 : H_1 \rightarrow H_1$$

$$V_0 : \begin{cases} x_1' = x_1^2 + 2x_2x_3, \\ x_2' = x_2^2 + 2x_1x_2 \\ x_3' = x_3^2 + 2x_1x_3 \end{cases} \quad (2)$$

If the population kinds have following laws

$$\begin{aligned}
I + I &\mapsto I \\
I + II &\mapsto II \\
II + III &\mapsto III \\
I + II &\mapsto I \\
I + III &\mapsto II \\
I + III &\mapsto III
\end{aligned}$$

then the evolution of this biological system is defined by the following mapping $V_1 : H_1 \rightarrow H_1$

$$V_1 : \begin{cases} x_1' = x_1^2 + 2x_1x_2, \\ x_2' = x_2^2 + 2x_1x_2 \\ x_3' = x_3^2 + 2x_1x_3 \end{cases} \quad (3)$$

Using computer program we get filled Julia set for the mapping (2) on H_1 hyperplane which is depicted in Fig. 1.




Figure. 1. The filled Julia set for the mapping (2) on H_1 .

Using computer program we get filled Julia set for the mapping (3) on H_1 hyperplane which is depicted in Fig. 2.




Figure. 2. The filled Julia set for the mapping (3) on H_1 .

Let

$$V = \lambda V_0 + (1 - \lambda)V_1$$

V is the new evolution operator that has both properties of V_0 and V_1 which depends on $0 \leq \lambda \leq 1$

Theorem 2. Operator V has chaotic orbits and Sharkovsky order bifurcations at the value $\lambda = \frac{1}{2}$ on H_1 **Proof.** Since $\lambda = \frac{1}{2}$ and $x_3 = 1 - x_1 - x_2$

$$V : \begin{cases} x_1' = x_1^2 + x_2 - x_2^2, \\ x_2' = x_2 \\ x_3' = x_2^2 - 2x_2 - x_1^2 + 1 \end{cases} \quad (4)$$

If we consider x_2 as a parameter then interesting dynamics occur $-2 \leq x_2 - x_2^2 \leq 0.25$.

We know from [3] that if c decreases from 0.25 to -2 then period doubling bifurcation with Sharkovsky ordering occurs [9]. According to theorem (1) we easily understand that orbits are chaotic at $c = -2$.

It means that if x_2 increase from 0.5 to 2 and decrease from 0.5 to -1 operator V has Sharkovsky ordering bifurcations. At $x_2 = -1$ and $x_2 = 2$ operator V has chaotic orbits on H_1 .

By the propositions (2),(4) we get following statements.

Theorem 3. The filled Julia set for V is

$$FJ(V) = \begin{cases} -\frac{1}{2} - \left| x_2 - \frac{1}{2} \right| \leq x_1 \leq \frac{1}{2} + \left| x_2 - \frac{1}{2} \right|, \\ -1 \leq x_2 \leq 2, \\ -\frac{3}{2} - \left| x_2 - \frac{1}{2} \right| \leq x_3 \leq \frac{5}{2} + \left| x_2 - \frac{1}{2} \right|, \end{cases} \quad (2)$$

Theorem 4. Mandelbrot set for V is the set of all values of λ $M = [0,1]$.




Figure 3. The filled Julia set of the mapping V on H_1 for $\lambda = 0.5$.

0.2 Conclusion

In the present paper we investigated mathematical model of populations of the biological systems having three kinds by three – dimensional case of the quadratic mapping on the hyperplane to itself. We used the methods of one dimensional dynamical systems. The main results of this paper are existence of the chaotic orbits and Sharkovsky order bifurcations three - dimensional case of the quadratic mapping on the hyperplane $H_1 \subset R^3$.

References:

1. Ganikhodzhaev R.N., Seytov Sh. J. Multi-dimensional case of the problem of Von Neumann-Ulam. Annual Review of Chaos Theory, Bifurcations and Dynamical Systems 9 (2020), pp. 27–42.
2. Ganikhodzhaev R.N. Quadratic stochastic operators, Lyapunov functions and tournaments. Mathematical Manual 183 N 8 (1992), p. 119–140.
3. Devaney R.L. A first course of chaotic dynamical systems, Addison-Wesley, Boston, 1992.
4. Fatou P. Sur les Equations Fonctionelles. Bull. Soc.Math. France 48 (1920), 33-94, p. 208 – 314.
5. Feigenbaum M.J. Qualitative Universality for a Class of Nonlinear Transformations. J. Stat. Phys. 19 (1978), p. 25–52.
6. Julia G. Memoire sur l’Iteration des Fonctions Rationnelles J. Math Pures Appl. 4 (1918). p. 47–245.
7. Li T., and Yorke J. Period Three imply Chaos. American Mathematical Monthly 82 (1975), p. 985–992.
8. Mandelbrot B. Fractals Aspects of Nonlinear dynamics, Annals of the New York Academy of science 357 (1980). p. 249–252.
9. Sharkovsky A.N. Coexistence of Cycles of a Continuous Map of a Line into itself. Ukrain J. Math. 16 (1964), p. 61–71.

Rakhimov Ilkham Davronbekovich

(3th year PhD student of the Physics and Mathematics faculty of UrSU, e-mail: ilxom@urdu.uz.)

A GENERALIZED (G' / G) – EXPANSION METHOD FOR THE NON-LINEAR SCHRÖDINGER EQUATION WITH SELF CONSISTENT SOURCES

Аннотация. Moslangan manbali soliton tenglamalar muhim fizik tatbiqlarga ega. Shuning uchun soliton tenglamalar yechimlarini topish har doim qiziq bo'lgan. Ushbu ishda (G' / G) metodi yordamida moslangan manbali nochiziqli Schrodenger tenglamasining soliton yechimlarini topish o'rganilgan.

Аннотация. Солитонные уравнения с самосогласованными источниками имеют важные физические приложения. Поэтому всегда интересно найти ее солитонные решения. В данной ра-

боте изучены солитонные решения нелинейного уравнения Шредингера с самосогласованным источником с помощью метода (G'/G) .

Annotation. Soliton equations with self-consistent sources have important physical applications. Therefore, it is always interesting to find its soliton solutions. In this article, by using (G'/G) method, the soliton solutions of nonlinear Schrodinger equation with self-consistent sources are studied.

Kalıt so‘zlar: soliton yechimlar, (G'/G) metod, moslangan manbali, Schrodenger tenglamasi.

Ключевые слова: солитонное решение, метод (G'/G) , самосогласованным источником, уравнение Шредингера.

Key words: soliton solution, (G'/G) -expansion method, self-consistent sources, Schrodenger equation.

Introduction. There are several methods to find solutions of nonlinear differential equations. In 1971, Hirota¹ proposed the Hirota direct method for the Korteweg-de Vries (KdV) equation. Soliton equations with self-consistent sources (SESCS) were discussed in literature^{2,3,4,5}. In recent years, extensive research has been conducted on SESCO using the Hirota method^{6,7,8,9}. Apart from that, other methods exist to find solutions of SESCO, such as inverse scattering method and the special treatments of the singularity in the evolution of eigenfunctions^{10,11,12}, the binary Darboux transformations for the KdV hierarchies with self-consistent sources have been proposed.¹³ Alternatively, the (G'/G) – expansion method^{14,15,16,17} is also effective in finding traveling wave solutions of nonlinear evolution equations. In this work, we will show the usage of (G'/G) – expansion method for solution of the nonlinear Schrodinger equation with self-consistent sources.

¹ Hirota R. Exact solution of the Korteweg-de Vries equation for multiple collisions of solitons, Phys. Rev. Lett. 27, 1192 (1971).

² Leon J. Latifi A. Solution of an initial–boundary value problem for coupled nonlinear waves, J. Phys. A: Math. Gen. 23, 1385 (1990).

³ Mel'nikov V. K. Capture and confinement of solitons in nonlinear integrable systems, Commun. Math. Phys., 120, 451 (1989).

⁴ Mel'nikov V.K. Integration method of the Korteweg-de Vries equation with a self-consistent source, Phys. Lett. A., 133, 493 (1988).

⁵ Mel'nikov V.K. Integration of the nonlinear Schroedinger equation with a self-consistent source, Commun. Math. Phys., 137, 359 (1991).

⁶ Zhang D.J. The N-soliton solutions for the modified KdV equation with self-consistent sources J. Phys. Soc. Japan, 71, 2649 (2002).

⁷ Deng S. F., Chen D. Y., Zhang D. J. The Multisoliton solutions of the KP equation with self-consistent sources, J. Phys. Soc., 72, 2184 (2003).

⁸ Zhang D.J. The N-soliton solutions of some soliton equations with self-consistent sources, Chaos Solitons Fractals, 18, 31 (2003).

⁹ Zhang D.J., Chen D.Y. The N-soliton solutions of the sine-Gordon equation with self-consistent sources Physica A, 321, 467 (2003).

¹⁰ Lin R. L., Zeng Y.B., Ma W. X. Solving the KdV hierarchy with self-consistent sources by inverse scattering method, Physica A, 291, 287 (2001).

¹¹ Urazboev G.U., Khasanov A.B. Integrating the Korteweg-de Vries equation with a self-consistent source and "steplike" initial data, Theor. Math. Phys., 129, 1341 (2001).

¹² Zeng Y.B., Ma W.X., Lin R. Integration of the soliton hierarchy with self-consistent sources, J. Math. Phys., 41, 5453 (2000).

¹³ Rogers C. and Shadwick W. F., Backlund Transformations, Mathematics in science and engineering, Academic Press, New York, (1982).

¹⁴ Zayed E.M. E. The (G'/G) - expansion method and its applications to some nonlinear evolution equations in the mathematical physics, J. Appl. Math. Comput., 30, 89 (2009).

¹⁵ Zayed E.M. E. The (G'/G) -expansion method combined with the riccati equation for finding exact solutions of nonlinear pdes, J. Appl. Math. Inform., 29, 351 (2011).

¹⁶ Zayed E.M. E. and Alurrfi K. A., Extended generalized (G'/G) expansion method for solving the nonlinear quantum zakharov kuznetsov equation, Ricerche Mat., 65, 235 (2016).

¹⁷ Zayed E.M. E. and Gepreel K. A., The (G'/G) expansion method for finding traveling wave solutions of nonlinear partial differential equations in mathematical physics, Journal of Mathematical Physics, 50, 013502 (2009).

We consider the system of nonlinear Schrodinger equation with self-consistent sources

$$iu_t + 2|u|^2 u + u_{xx} = 2i(\varphi_1^2 - \bar{\varphi}_2^2), \quad (1)$$

$$\varphi_{1x} = -i\xi\varphi_2 + u\varphi_1, \quad (2)$$

$$\varphi_{2x} = i\xi\varphi_2 - \bar{u}\varphi_1,$$

where the bar means complex conjugation, ξ is eigenvalues and the functions φ_1, φ_2 are eigenfunctions of the equations (2).

Description of the generalized (G'/G) -expansion method. Let us be given a nonlinear partial differential equation in the form below

$$F(u, u_t, u_x, u_{tt}, u_{xx}, u_{xt}, \dots) = 0 \quad (2)$$

with two independent variables x and t . $u = u(x, t)$ is a unknown function, F is a polynomial in u and its partial derivatives in which the highest order derivatives and nonlinear terms are involved. Now we give the main steps of the (G'/G) -expansion method¹:

Step 1. We look for the u in the travelling form:

$$u(x, t) = u(\xi), \quad \xi = kx + \gamma t, \quad (3)$$

where k, γ is parameter. We reduce equation (2) to the following nonlinear ordinary differential equation:

$$P(u, u', u'', u''', \dots) = 0, \quad (4)$$

where P is a polynomial of $u(\xi)$ and its all derivatives $u'(\xi), u''(\xi), \dots$ and $u' = du(\xi)/d\xi, u'' = d^2u(\xi)/d\xi^2, \dots$

Step 2. We assume that the solution of equation (4) has the form:

$$u(\xi) = \sum_{j=0}^m a_j \left(\frac{G'}{G} \right)^j, \quad (5)$$

where $G = G(\xi)$ satisfies the following second order ordinary differential equation

$$G'' + \lambda G' + \mu G = 0, \quad (6)$$

where $G' = dG(\xi)/d\xi, G'' = d^2G(\xi)/d\xi^2$ and λ, μ, a_j ($j=1, 2, \dots, m$) are constants that can be determined later, provided $a_m \neq 0$.

Step 3. We determine the integer number m by balancing the nonlinear terms of the highest order and the partial product of the highest order of (4).

Step 4. Substitute (5) along with (6) into (4) and collect all terms with the same order of $\left(\frac{G'(\xi)}{G(\xi)} \right)$,

the left-hand side of (4) is converted into a polynomial in $\left(\frac{G'(\xi)}{G(\xi)} \right)$. Then, set each coefficient of this polynomial to zero to derive a set of over-determined partial differential equations for a_j ($j=1, 2, \dots, m$) and ξ .

Step 5. Substituting the values a_j ($j=1, 2, \dots, m$) and ξ as well as the solutions of equation (6) into (5) we have the exact solutions of equation (2).

Exact Solutions of the nonlinear Schrodinger equation with self consistent sources. In this section, we will show how to find the exact solution of (1)-(2) using the (G'/G) -expansion method. In order to usage (G'/G) -expansion method, firstly we make the transformation

¹ Wang M., Li X., Zhang J., The (G'/G) -expansion method and travelling wave solutions of nonlinear evolution equations in mathematical physics, Phys Lett. A., 372, 417 (2008).

$$u(x,t) = V(x,t)e^{i\theta(x,t)}, \quad (7)$$

$$\varphi_1(x,t) = P(x,t)e^{\frac{1}{2}i\theta(x,t)}, \quad (8)$$

$$\varphi_2(x,t) = H(x,t)e^{-\frac{1}{2}i\theta(x,t)}, \quad (9)$$

where $V(x,t)$, $P(x,t)$, $H(x,t)$ and $\theta(x,t)$ are amplitude and phase functions. Substituting (7)-(9) into (1)-(2) and separating the real and imaginary parts, we obtain

$$\begin{cases} V'_t + 2\theta'_x V'_x + \theta''_{xx} V - 2P^2 + 2H^2 = 0, \\ -\theta'_t V + 2V^3 + V''_{xx} - \theta'^2_x V = 0, \\ P'_x = -VH, \\ H'_x = VP, \\ \theta'_x = 2\xi, \end{cases} \quad (10)$$

$$\theta(x,t) = \Phi(t)x^2 + \Gamma(t)x + \Omega(t), \quad (11)$$

where $\Phi(t)$, $\Gamma(t)$, $\Omega(t)$ are differentiable functions to be determined.

We perform the steps above for (10). The travelling wave variable below

$$u(x,t) = u(\eta), \quad (12)$$

$$P(x,t) = P(\eta), \quad (13)$$

$$H(x,t) = H(\eta), \quad (14)$$

where $\eta = kx + \gamma t$, k and γ are constants. We are converting equation (10) into system of differential equations for $u = u(\xi)$, $P = P(\xi)$ and $H = H(\xi)$

$$\begin{cases} (\gamma - 4xk\Phi + 2k\Gamma)V' + 2\Phi V' - 2P^2 + 2H^2 = 0, \\ (-\Phi'_t x^2 - \Gamma'_t x - \Omega'_t - 4x^2\Phi^2 - 4x\Phi\Gamma - \Gamma^2)V + 2V^3 + k^2V'' = 0, \\ kP' = -VH, \\ kH' = VP, \\ 2x\Phi + \Gamma = 2\xi, \end{cases} \quad (15)$$

We express the solution of (16) in the form of a polynomial in (G'/G) below

$$u(\xi) = \sum_{j=0}^{m_1} a_j \left(\frac{G'}{G} \right)^j, \quad (16)$$

$$P(\xi) = \sum_{j=0}^{m_2} b_j \left(\frac{G'}{G} \right)^j, \quad (17)$$

$$H(\xi) = \sum_{j=0}^{m_3} c_j \left(\frac{G'}{G} \right)^j, \quad (18)$$

where $G = G(\xi)$ satisfies equation (6). Considering the homogeneous balance between V' and P^2 ($m_1 + 1 = 2m_2$), V' and H^2 ($m_1 + 1 = 2m_3$), V'' and V^3 ($m_1 + 2 = 3m_1$), P' and VH (

$m_2 + 1 = m_1 + m_3$), H' and VP ($m_3 + 1 = m_1 + m_2$) in (15), we required that $m_1 = 1$, $m_2 = 1$, $m_3 = 1$ so we can write (16)-(18) as

$$u(\xi) = a_1 \left(\frac{G'}{G} \right) + a_0, \quad (19)$$

$$P(\xi) = b_1 \left(\frac{G'}{G} \right) + b_0, \quad (20)$$

$$H(\xi) = c_1 \left(\frac{G'}{G} \right) + c_0, \quad (21)$$

By using (19)-(21) and (6), V' , V'' , P' , P^2 , H^2 and V^3 are easily derived that

$$V' = -a_1 \left(\frac{G'}{G} \right)^2 - a_1 \lambda \left(\frac{G'}{G} \right) - a_1 \mu, \quad (22)$$

$$V'' = 2a_1 \left(\frac{G'}{G} \right)^3 + 3a_1 \lambda \left(\frac{G'}{G} \right)^2 + (2a_1 \mu + a_1 \lambda^2) \left(\frac{G'}{G} \right) + a_1 \lambda \mu, \quad (23)$$

$$P^2 = b_1^2 \left(\frac{G'}{G} \right)^2 + 2b_0 b_1 \left(\frac{G'}{G} \right) + b_0^2, \quad (24)$$

$$H^2 = c_1^2 \left(\frac{G'}{G} \right)^2 + 2c_0 c_1 \left(\frac{G'}{G} \right) + c_0^2, \quad (25)$$

$$V^3 = a_1^3 \left(\frac{G'}{G} \right)^3 + 3a_1^2 a_0 \left(\frac{G'}{G} \right)^2 + 3a_1 a_0^2 \left(\frac{G'}{G} \right) + a_0^3, \quad (26)$$

$$P' = -b_1 \left(\frac{G'}{G} \right)^2 - b_1 \lambda \left(\frac{G'}{G} \right) - b_1 \mu, \quad (27)$$

$$H' = -c_1 \left(\frac{G'}{G} \right)^2 - c_1 \lambda \left(\frac{G'}{G} \right) - c_1 \mu, \quad (28)$$

Substituting (19)-(28) into (15), and collecting all terms with the same order of (G'/G) together, the left-hand sides of (15) are converted into two polynomials in $(G'/G)x^j$, ($j=0,1,2$). Setting each coefficient of the polynomials to zero, we derive a set of over-determined differential equations for a_j , b_j , c_j ($j=0,1$), $\Phi(t)$, $\Gamma(t)$, $\Omega(t)$ and γ as follows:

$$\left(\frac{G'}{G} \right)^3 : 2a_1^3 + 2k^2 a_1 = 0,$$

$$\left(\frac{G'}{G} \right)^2 x : -4a_1 k \Phi = 0,$$

$$\left(\frac{G'}{G} \right)^2 : -\gamma a_1 - 2a_1 k \Gamma - 2b_1^2 + 2c_1^2 = 0, \quad 6a_1^2 a_0 + 3a_1 \lambda k^2 = 0, \quad kb_1 = a_1 c_1, \quad -kc_1 = a_1 b_1,$$

$$\begin{aligned}
& \left(\frac{G'}{G} \right) x^2: -\Phi'_i a_1 - 4a_1 \Phi^2 = 0, \\
& \left(\frac{G'}{G} \right) x: -4a_1 k \lambda \Phi = 0, \quad -\Gamma'_i a_1 - 4a_1 \Phi \Gamma = 0 \\
& \left(\frac{G'}{G} \right): -\gamma a_1 \lambda - 2a_1 \lambda k \Gamma + 2a_1 \Phi - 4b_1 b_0 + 4c_0 c_1 = 0, \quad kb_1 \lambda = a_1 c_0 + a_0 c_1, \\
& -\Omega'_i a_1 - a_1 \Gamma^2 + 6a_1 a_0^2 + 2a_1 k^2 \mu + a_1 \lambda^2 k^2 = 0, \quad kc_1 \lambda = a_1 b_0 + a_0 b_1, \\
& \left(\frac{G'}{G} \right)^0 x^2: -\Phi'_i a_0 - 4a_0 \Phi^2 = 0, \\
& \left(\frac{G'}{G} \right)^0 x: -4a_1 k \mu \Phi = 0, \quad -\Gamma'_i a_0 - 4a_0 \Phi \Gamma = 0, \\
& \left(\frac{G'}{G} \right)^0: -\gamma a_1 \mu - 2a_1 \mu k \Gamma + 2a_0 \Phi - 2b_0^2 + 2c_0^2 = 0, \quad kb_1 \mu = a_0 c_0, \\
& -\Omega'_i a_0 - a_0 \Gamma^2 + 2a_0^3 + a_1 \lambda \mu k^2 = 0, \quad kc_1 \mu = a_0 b_0,
\end{aligned}$$

By solving these the equations, if $\lambda^2 - 4\mu = 0$ then we obtain the followings

$$\begin{aligned}
\Phi = 0, \quad \Gamma = 2\xi, \quad a_0 = \frac{\lambda ik}{2}, \quad a_1 = ki, \quad b_0 = \frac{\lambda i}{2}, \quad b_1 = i, \quad c_0 = \frac{\lambda}{2}, \quad c_1 = \frac{2\mu}{\lambda}, \\
\gamma = -4\xi k - \frac{4i}{k}, \quad \Omega = -4\xi^2 t + \Omega^0,
\end{aligned} \tag{29}$$

λ , μ , k and Ω^0 are arbitrary constants. Substituting (29) into (19)-(21) and (11), and using (5), we have exact solution of (1)-(2) as following:

$$u(x, t) = \frac{A_2 k i e^{2i\xi x - 4i\xi^2 t}}{A_1 + A_2 \left(kx - \left(4\xi k + \frac{4i}{k} \right) t \right)}, \tag{30}$$

$$P(x, t) = \frac{A_2 i e^{i\xi x - 2i\xi^2 t}}{A_1 + A_2 \left(kx - \left(4\xi k + \frac{4i}{k} \right) t \right)}, \tag{31}$$

$$H(x, t) = \frac{A_2 e^{-i\xi x + 2i\xi^2 t}}{A_1 + A_2 \left(kx - \left(4\xi k + \frac{4i}{k} \right) t \right)}, \tag{32}$$

where A_1 and A_2 are constants.

Абидов Одилжон Салахович (ГДТУ)
**ФАЗОВИЙ ТАСАВВУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯДАН
МАСАЛАЛАР ЕЧИШНИНГ ЎРНИ**

Аннотация. Мақолада чизма геометрия масалаларининг бўлғуси инженер-техник ходимлар, лойиҳачиларни тайёрлаш ва уларнинг фазовий тасаввурини кенгайтиришидаги ўрни ҳақида сўз юритилади. Бундай масалаларни ечиш бўйича талабаларнинг малакасини ошириши усуллари ўрганилади.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы развития навыков пространственного мышления будущих инженерно-технических кадров, проектировщиков путем решения задач по начертательной геометрии. Приведены примеры решения некоторых задач.

Annotation. The article deals with the development of skills of spatial thinking of future engineering and technical personnel, designers by solving problems in descriptive geometry. Examples of solving some problems are given.

Калим сўзлар: чизма геометрия, фазовий тасаввур, тўғри чизиқ, текислик, конструктив масала.

Ключевые слова: начертательная геометрия, пространственное мышление, прямая, плоскость, конструктивная задача.

Keywords: descriptive geometry, spatial thinking, line, plane, constructive task.

Муҳандислик (машинасозлик, самолотсозлик архитектура ва қурилиш ва бошқалар) соҳаси йўналишлари бўйича мутахассисларни амалий фаолиятга тайёрлашда уларнинг фазовий тасаввурини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилиши ўқув жараёнининг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади. Ўқув жараёнининг дастлабки босқичларида “Чизма геометрия” фанининг ўзлаштирилиши айнан шу мақсадни кўзда тутаяди. “Чизма геометрия” фанини ўқитиш ва уни ўзлаштириш амалиёти шуни кўрсатадики, талабаларда фазовий тасаввур қилиш кўникмаси жуда кам ривожланган бўлади. Фикрлаш фаолиятининг махсус кўриниши бўлган фазовий тасаввур қилиш кўникмасининг йўқлиги уларнинг ҳам назарий ҳам амалий мазмундаги масалаларни еча олмасликларига сабаб бўлади. Фазовий тасаввурнинг шаклланган юқори формаси бу воқеликнинг хоссалари ва ундаги муносабатларни образлар кўринишида тафаккур қилишдир.



Фазовий тасаввурни кенгайтиришда ўқитишнинг турли формалари билан бир қаторда, масалалар ечиш амалиёти ижобий натижаларга олиб келади. Амалиёт дарсларида ва дарсдан ташқари мустақил таълим жараёнларида масалалар ечишга эътиборни кучайтириш лозим. Шу жиҳатдан, Х.А.Арустамовнинг тизимли амалий масалалар ечишга мўлжалланган “Чизма геометриядан масалалар тўплами” ва Т.Ж.Азимовнинг “Chizma Geometriya” ўқув қўлланмаси узоқ вақт давомида ўзининг афзаллигини исботлаган ўқув қўлланмаси ҳисобланади.¹

Геометрик масалалар, асосан, берилиши ва нимани топишга қаратилганлигига қараб 3 турга бўлинади. Биринчиси – ҳисоблашга доир масалалар. Бундай масалалар турмушда кўп учрайдиган, геометрик фигураларга тааллуқли бўлган, у фигуранинг бирор элементини топишга ёки унинг юзасини, ҳажмини топишга доир масала киради.

Иккинчиси – геометрик фигуралар ёки уларнинг элементларини геометрик яшаш қуроллари ёрдамида яшашга доир масалалар киради. Бундай масалаларни ечишда ўрганилган геометрик назарияларни кетма-кет қўллаб, яшашга доир геометрик масалалар ҳал қилинади. Яшашга доир геометрик масалаларни «конструктив масалалар» дейилади ва геометриянинг бу қисмини ўрганиладиган бўлимини «конструктив геометрия», деб аталади.


Учинчиси исботлашга доир масалалар бўлиб, бундай масалаларга ўрганилган геометрик фигуралар, уларнинг хоссалари, аломатлари ёки улар орасидаги муносабатларига кўра назарий жиҳатдан асослашга доир масалалар киради.

¹ Арустамов Х.А. Сборник задач по начертательной геометрии. Изд. 9-е, стереотип. Учебное пособие для вузов, М., «Машиностроение», 1978, 445 с.



б)

1-шакл.



2-шакл.

Геометрик ясашга доир масалаларни ечишда бу аксиомалар чекли марта қўлланилади. Геометриянинг фигураларни ясашга доир қисми анча мураккаб ва кенг соҳа бўлиб, бу устида чет эл геометрларидан Италия геометри Маскерони 1797 йилда, немис олими Якоб Штейнер 1833 йилда, Адлер 1890-йилларда ўзларининг ахборотларида ҳар бир яшаш қуролининг аҳамияти ҳақида мукамал фикр юритиб, уларнинг ҳар бири ва уларнинг ўрнини босувчи бошқа асбобларни таъриф-

лаганлар ва табақаларга ажратганлар.¹ Француз математиги Адамар элементар геометрия курсида шундай деб ёзади: «Геометрик яшашлар деган сўздан чизгич ва циркуль ёрдами билан бажариладиган яшашларни тушунилади».

Бу олимлар геометрик яшаш қуроллари сафига икки томонли чизгич, тўғри ёки ўткир бурчак, гўния каби асбобларнинг моҳияти устида ҳам фикр юритадилар.

Ўрта осийлик олимлардан Умар Хайём (1048–1030), Насриддин Тусий (1201–1274), Бағдод математиги Абул Ҳасан Собит ибн Карра (836–901), Абул-Вафо Муҳаммад ал-Буздакони (940 – 988), Сиджизи (951–1024), Ал-Куҳи (X аср), Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн (XII аср) чизмачиликнинг такомиллаштириши ва чизмачилик асбоблари, яшашга доир тарихий масалаларнинг ечими ҳақида рисоалар яратганлар.

Талабаларнинг графикавий саводхонликка эга бўлиши уларнинг фикрлаш ва ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашади ва натижада уларнинг рационализаторлик ва ихтирочилик фаолиятини шакллантиради. Олий таълим муассасаларида чизмачиликни ўқитиш жараёнида талабаларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш ва улар билимида тасвирларни алмаштиришга доир кўникма ва малакасини ошириш муаммолари тўлиқ ҳал қилинган деб бўлмайди.²

Фазовий тасаввурни кенгайтиришнинг самарали йўлларида бири бу чизма геометрияга оид масалаларни тизимли равишда ечишдир. Бу жиҳатдан Х.А.Арустамовнинг “Сборник задач по начертательной геометрии” (Чизма геометриядан масалалар тўплами) масалаларни ечиб бориш жуда катта аҳамиятга эга.

Мисол сифатида ушбу қўлланмада берилган баъзи масалаларнинг ечилишига эътибор қаратамиз.

Берилган: Кубнинг битта $AB(A_1B_1; A_2B_2)$ қиррасининг проекциялари ва BC қирраси тегишли бўлган m тўғри чизикнинг m_2 фронтал проекцияси берилган (1-шакл, а).

Масала: Кубнинг тўлиқ чизмасини чизиш талаб қилинади.

Масаланинг ечими – тўғри чизикнинг текисликка перпендикулярлиги тўғрисидаги теоремага бориб қадалади. Кубдаги ёндаш қирраларнинг хусусияти шундаки, биринчи қирра унга ёндаш қирра ётган текисликка перпендикуляр бўлади.

Биринчи босқичда, B нуқта орқали AB тўғри чизикқа перпендикуляр текислик $\Sigma(f, h)$, ўтказамиз. m тўғри чизикнинг фронтал проекцияси m_2 ва Σ текисликка тегишлилиги орқали унинг етишмовчи m_1 проекцияси аниқланади.

Кубнинг BC қиррасининг проекциялари унинг AB қиррага перпендикуляр бўлган Σ текисликка тегишлилиги асосида аниқланади (1-шакл, б). Яъни, $AB \perp \Sigma(f, h), BC \in \Sigma(f, h)$. AB тўғри чизикнинг ҳақиқий катталигини аниқлаш орқали, тегишли равишда BC нинг ҳам узунлиги аниқланади: $A_0B_2 = B_2C_0$.

CD ва DA қирраларнинг проекциялари параллел чизикларнинг проекциялари ҳақидаги теоремага асосланиб аниқланди, яъни $A_1B_1 \parallel C_1D_1, A_2B_2 \parallel C_2D_2$ ҳамда $B_1C_1 \parallel A_1D_1, B_2C_2 \parallel A_2D_2$.

AE қирранинг ҳолати унинг $ABCD$ квадрат текислигига перпендикулярлиги асосида аниқланди. Унинг узунлиги $AE = AB$ бўлади.

Қолган қирралари ўзаро параллел ва узунликлари бир хил бўлади. $AE = BF = CG = DH$. Натижада кубнинг барча учлари қурилади. Кўринар-кўринмаслиги аниқланиб, чизма ниҳоясига етказилади (2-шакл).

Шу тариқа, чизма геометрия масалаларини ечиш жараёнида талабаларнинг фазовий тасаввури кўзгалувчанлиги (фаоллиги) ривожланади. Таркибида лойиҳалаш элементлари бўлган машқ ва масалаларни ечиш эса уларда ижодий фикрлаш кўникмасини ва келгусида лойиҳалаш фаолияти шаклланишади муҳим омил ҳисобланади.

¹ Ануфриенко С.А. Инверсия. Геометрия Мора-Маскерони. Учеб. пособие, Екатеринбург, УрФУ, 2019, 40 с.

² Ёдгоров Н.Ж. Ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш ҳақида. “Педагогик маҳорат”, Бухоро, 2007, 1-сон, 69 – 71-бетлар.

Мухаммадиева Олия Нарзуллаевна (Денов Тадбиркорлик ва педагогика институти
Тарих ва фалсафа кафедраси мудири), Рашидов Камрон Камолиддинович (ДТПИ ўқитувчиси)
**ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИДА ТОМОНЛАРНИНГ
АЛОҲИДА РОЛИ, ШАРҚОНА ҚАРАШЛАР ВА УРФ-ОДАТЛАР НИГОҲИДА**

Аннотация. Ушбу илмий маълумотлар бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бўлган оила қуриши, унга таёргарлик ва ёш оилаларнинг эрта ажралиши каби баъзи муаммоларга ечим бўлишига умид қилган ҳолда, эркалар ва аёлларнинг, умуман олганда, ёшларнинг бу жараёндаги бевоқиф ахлоқий ва руҳий роли, аҳамиятини баҳолашга ҳаракат қилдик.

Аннотация. Мы попытались оценить прямую моральную и духовную роль мужчин и женщин и молодежи в целом в этом процессе, надеясь, что эти научные данные решат некоторые из наиболее актуальных проблем сегодняшнего дня, такие, как брак, подготовка к нему и ранний развод молодых семей.

Annotation. We tried to estimate spiritual and moral role of men and women, generally of the youth in the process of one of the present day actual problems as to make a family, preparation for it, and early divorce of young families hoping that these scientific data would be way out of such kinds of problems.

Калим сўзлар: никоҳ, ҳалол, солиҳлик, руҳий тарбия, солиҳа аёл, миллийлик, урф-одат, тақво, адаб, гўзаллик, итоат, глобаллашув.

Ключевые слова: брак, честность, праведность, духовное воспитание, праведница, национальность, традиция, благочестие, порядочность, красота, послушание, глобализация.

Key words: marriage, honesty, righteousness, spiritual upbringing, virtuous woman, nationality, tradition, piety, decency, beauty, obedience, globalization.

Оила – муқаддас ва нозик қадриятлар устига қурилган, эр-хотин бир-бирига Аллоҳнинг муқаддас бир омонати этиб берилган мўъжазгина бир макондир. Омонатнинг яхши сақланмоғи, унга хиёнат қилинмаслигининг зарурлиги динимиз арконлари томонидан етарлича тушунтириб ўтилган.

Барча давр ва замонларда турли жамиятда оила ва унинг жамиятдаги аҳамиятига қарашлар ўша давр сиёсати, ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб шаклланган. Бу борадаги қарашларнинг энг афзали ва қимматлисини бизнинг диёр, умуман олганда, Шарқ маданиятида учратамиз десак, муболаға бўлмайди. Оила кичик Ватан тушунчасининг негизида ҳам жуда катта маъно бор. Оила, аввало, муқаддас маскан, ундаги аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқаларини ўзида жамлаган ва ишонч, жисмоний-руҳий мойилликлар, мосликлар асосига қурилган кўрғондир. Оилада ижтимоий алоқалар мустаҳкамланади, манфаатлар ва эҳтиёжлар юзма-юз келади, аъзоларнинг турли қарашлари, жумладан, маълум мақсад йўлида жамланишини кузатиш мумкин. Хориж мамалакатларидаги синов ва маълум муддатлик ҳамроҳлик алоқаларидан кейинги қурилажак оилавий муносабатлар билан муқаддас Исломи, Шарқона оилавий алоқалар орасида ер билан осмон қадар фарқ мавжуд. Ислолда, даставвал, оилавий алоқаларнинг кўприги, муқаддас риштаси, боғловчи воситаси никоҳ ҳисобланади.

Никоҳ, аввало, Аллоҳ таолонинг буйруғи (фарз) ва муборак пайғамбаримиз Мухаммад с.а.внинг кўрсатмаларига мувофиқ суннатдир. Шарқона қарашларнинг ва диний маданиятга хос қурилажак муносабатларнинг нақадар мустаҳкам ғоявий асосга ва фойдага эга эканлигини бутун дунё эътироф этмоқда. Бинобарин, мавжуд қонунлар ҳам шу асосда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шунинг учун бу ҳақиқатларга ақийдавий татбиқ сифатида қарашдан сақланишни сўраймиз.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади: “Сизларнинг орангиздаги тул (эркак ва аёл)ларни ва чўриларингиздан яроқлиларини уйлантирингиз. Агар (улар) камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни ўз фазли билан бойитур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва доно Зотдир” (Нур. 24–32).

Расулulloҳ с.а.в.: “Никоҳ менинг суннатимдир. Ким менинг суннатимдан юз ўғирса, менадан эмас”, дея марҳамат қилганлар.¹ Бу риштанинг муқаддаслиги, боғланажак алоқалар жараёнига алоқадор мажбурият ва ҳуқуқларнинг нақадар муҳимлигини ҳуқуқий-меъёрий қонун ҳужжатларда

¹ Уйланиш одоби. Имом Ғаззолий. Тошкент Исломи университети, Тошкент, 2009, 2-бет.

хам кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 8 бўлим, 30 боб ва 238 моддадан иборат (30.04.1998).

Икки томоннинг ўзига хос вазифалари қарашлари ва англаб етиш лозим бўлган ҳақиқатлари мавжуд. Қувонарли томони, барча миллат, дин ва мамлакат одатларига кўра, оила қуришнинг та-мал тоши бу никоҳ риштасини боғлашдир. Томонларнинг тайёргарлиги ҳақида эса босқичма-бос-қич сўз юритамиз:

Эркак ишончли бир жуфт эканини хотинига қабул қилдира олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Болаларига шафқатли, меҳрибон бўлиши, меҳр-муҳаббат ва қайғу ғамда шерик, ҳамдард бў-лиши, ўзини аямаслиги керак.¹ Барча давр ва замонларда оила деган ном муқаддас ва боғловчи во-сита сифатида жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган. Буни юқоридаги асл диний қадриятлар намуна-сини ўзида жо қилган Имом Ғаззолийнинг “Эй фарзанд” номли китобидаги фикрлардан ҳам би-лиш мушкул эмас. Оила қадриятлар эъзозланадиган маскан бўлиши билан бирга, муқаддас никоҳ ришталари ва аҳду вафо асосига қурилган, шаръий шартнома билан қафолатланган жамиятнинг асосий бўғинидир.

“Уйланинг, кўпайинг. Чунки тушган бир бола билан бўлса ҳам, қиёмат куни ўзга умматлар олдида сиз билан фахрлангайман” (Абдуллоҳ ибн Умардан (р.а.) Байҳақий ривоят этган).²

Таъкидлаш жоизки, оиланинг мустаҳкамлиги ва ундаги ўзаро ҳурмат ва муносабатлар, фаро-вон ҳаётнинг асосида томонларнинг руҳий, жисмоний, ақлий ва иқтисодий ижтимоий жиҳатдан тайёрлиги ётади. Барча омилларнинг қисман бутлиги ва камчиликлардан холи бўлмаслиги ҳам фаро-вон ҳаётни қафолатлай олмайди. Зеро, инсон мукамал ишланган машина эмас. Арзимас эҳтиёт қисм арзимас ёки кичик туюлса ҳам, ҳал қилувчи вазиятларда камчиликни намоён этиши ҳеч гап эмас. Шу ўринда, мустақиллик даврида оиллага берилган эътибор ва ҳозирда бу соҳада олиб бори-лаётган ишлар ҳақида ҳам гапирмай илож йўқ.

2019 йилдан бошлаб, ҳар йили 15 майда Ўзбекистонда Халқаро оила куни нишонланади. Ҳу-кумат фармойишининг тегишли лойиҳаси жорий йил 1 сентябрда Вазирлар Маҳкамасига кири-тилади.³

Статистик маълумотлар ва жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, йигитларнинг оила қу-риш учун мос биологик ёши 20, қизларда эса 18 ёшни ташкил этади. Бу ёш икки жинс вакиллари учун ҳам балоғатга етиш ва мустақил ҳаётга жисмоний таёргарлик ёши ҳисобланади. Организм-даги гормонал ва функционал ўзгаришлар, ташқи характер-хусусиятларида ўз ифодасини топади. Аммо фақат биологик ёш барчасига ечим бўла олмайди, бу кўрсаткичга баробар равишда ақлий, руҳий вояга етиш, албатта, мукамал бўлмаса-да, тасаввурга эга бўлиш лозим. Масалан, баъзи ўс-мирларнинг ақлий фаолияти ёшига нисбатан илгарилаб кетиши, аксинча, бошқаларда бу ҳолат-нинг тескарисини кузатиш мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам буни ютуқ дея олмаймиз, чунки ақлий фаолият, руҳиятнинг барқарорлиги ва жисмоний кўрсаткичларга мувофиқ келмаслиги, бир томон-дан, муаммо бўлса, жисмоний тез ривожланишнинг сабаби гормонал функциянинг бузилиши ик-кинчи муаммо ҳисобланади. Бундай муаммолар айнан оила қуриш даврида турли туман белгилар-ни беради. Бу жараёнда асосий куч ва ҳал қилувчи роль диний ва дунёвий жиҳатдан йигитлар зим-масида бўлади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-моддаси никоҳ ёши масалаларига тегишли бўлиб унда, никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белги-ланади.⁴

Балоғат белгиларини, биологик ўсишнинг асоси бўлса-да, оила қуришнинг энг асосий мақ-садларидан бири бу кўпайиш, насл қолдиришдир. Кўпайиш организмнинг авлод қолдириш хусу-сиятидир. Икки хил жинсий ҳужайралар қўшилиши ҳисобига янги организмлар ҳосил бўлади. Жинсий кўпайиш эса ирсий (наслий) хилма-хилликка олиб келади.⁵

Сўровнома ва кичик статистик кузатув таҳлили натижаларига кўра, оила қуриш даврида ўтиш даврида йигитлар дуч келадиган муаммолар қуйидагича:

1. Биологик, яъни жисмоний жиҳатдан таёргарликнинг етарли эмаслиги (гормонал, антро-пометрик, гигиеник, физиологик, генетик ва ҳ.к.).

¹ www.ziyouz.com kutubxonasi. Abu Homid G‘azzoliy. Ey farzand. 40-bet.

² Имом Ғаззолий. Уйланиш одоби. 3-бет.

³ www.gazeta.uz

⁴ O‘zbekiston Respublikasi Oila kodeksi. 15-modda.

⁵ B.Aminov. Odam va uning salomatligi. 145-bet.

2. Рухий таёргарликнинг талаб даражасида эмаслиги (ақлий, интеллектуал, дунёқараш, онг, мулоқот, нутқ ва фаолият лаёқати).

3. Ҳар томонлама кўрсаткичларнинг мослиги ва мувофиқлиги ҳақидаги талаблар информациялар, кўникма ва малакаларнинг йўқлиги (малакалар, кўникмалар, маълумотлар ҳозирги замон талаби ва шароитига номувофиқ лоқайдлик).

4. Ташқи омилларнинг салбий таъсири натижасида юзага келадиган муаммолар ва уларга нисбатан совуққонлик хусусияти (ота-онанинг қарашлари, маданий маърифий савия, оммавий маданият, интернет ва ахборот технологиялари, зарарли одатлар ва давраларнинг таъсири).

5. Зарур имкониятлар ва шароитларнинг талаб даражасига жавоб бермаслиги (иқтисодий, моддий ҳолат, ижтимоий келиб чиқиш, характер-хусусиятлари темперамент ва дунёқараш номуаносиблиги).

Уқоридаги муаммоларни давом эттириш мумкин, бироқ биз айтмоқчи бўлганлар асосий ҳаётий аҳамиятга эга жиҳатлари бўлиб, уларга панжа ортидан қараш ва ҳал этишни кечиктириш нафақат оила қуриш истагидаги ўсмирларни, балки улардан дунёга келадиган ёш авлод наслининг соғлигини хавф остига қўяди. Ҳар томонлама соғлом ва лаёқатли ёш авлод тарбияси барчамизнинг асосий мақсадимиз, миллатимиз жамиятимиз ҳаётини ҳал этувчи жараён эканлигини унутмаслик лозим.

Шу ўринда, яна диний бир мисол. Йигитнинг уйланадиган қизга нисбатан зийрак бўлиши лозим бўлган ва эътиборга молик жиҳатлари 4 та. Биринчиси, қизнинг моли, иккинчиси, ҳусну жамоли, учинчиси, номунасаби, яъни ижтимоий келиб чиқиши, тўртинчиси, диндорлиги (ислом дини вакили эканлиги энг улуғ ва алмашмас хусусиятидир).¹

Келажак бунёдкори, тарбиячиси бўлган мухтарам аёлларнинг солиҳалиги нафақат буюк мақом, балки икки дунё саодатининг калитидир.

Шу эътибордан, қуйидаги тўрт хусусда хотинлар эркаклардан зиёда бўлишлари керак:

1. Гўзаллиги.
2. Адаби.
3. Таквоси.
4. Феъли-қўйи ва хулқ-атвори.

Солиҳа аёл нафақат дин нуқтаи назаридан, балки дунёвий ишларда ҳам, оиласига, эрига ёрдам бериб, унинг айтганларига, сўзсиз, итоатда бўлган аёлдир. Муносиб рафиқа таквоси, чиройи, хулқи, қўйингки, ҳар бир ҳаракати, сўзида ҳам муҳаббатни тараннум этадиган, содиқлик ва итоатда собитқадам, уйга келган бегиннинг ҳузур-ҳаловати, синовларда тоқати, яхши ёмон кунда ҳамроҳи, умуман олганда, юракка яқин ҳамдард, иймонининг, виждонининг, бутун вужудининг тенг ярмига айланмоғи лозим. Албатта, ушбу даражага етган аёлнинг мартабаси, асло, пасаймайди, у доим ардоқда, ҳурматда севимли бўлади, эрининг бошидаги тожи бўлиб қолади.

Мазкур етуқлик ҳақида, умуман, айтилган муаммоларга мос ечимлар келтириш асносида, шайх ҳазратларининг асарларидан хулосаларни баён этишга уриндик. Бу борада Ҳазратнинг “Бахтиёр оила” ва “Ижтимоий одоблар” китобларида сўз юритганимиз солиҳа аёл мақомига оид фикрлар заргарона баён этилган:

Хотин эрининг ҳақини ўзи ва бошқа яқинлари ҳақидан устун қўйиши лозим, чунки зиммасидаги бу ҳақини бажармаслик эрига қарши исён ва бўйсунмаслик ҳисобланади.²

Оилада хотиннинг бурчлари:

1. Хотиннинг эрга итоат қилмоғи.
2. Ҳузурида эри бор вақтда аёл киши эрининг рухсатисиз нафл рўза тутмаслиги лозим.
4. Аёл киши эрининг рухсатисиз бегона одамни уйига киритмаслиги шарт.
5. Аёл киши эри хоҳлаган вақтда, шаърий узр бўлмаса, унинг жинсий эҳтиёжини қондириши керак.
6. Аёл киши эри ёмон кўрадиган кишиларни уйга киритмаслиги ва унинг тўшагига ўтирғизмаслиги керак.
7. Эрга нисбатан барча ишларда яхши муомалада бўлмоқ.
8. Эри учун ўзини сақлаши...

¹ Shayx Muhammad Sodiқ Muhammad Yusuf. Zikr ahlidan so‘rang. 4-qism, 188-bet.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. Тошкент, 2012, 77-бет.

Хулоса қилиб айтганда, муаммо бор жойда унинг ечими ҳам мавжуд. Бунда жаҳон тажрибаси эмас, балки ўзимизнинг шарқона гўзал урф-одат ва анъанларимизга, ота-боболаримиз, мутафаккирларимиз муқаддас динимиз кўрсатмаларига амал қилсак, энг маъқул йўл бўлар эди, назаримизда.

Ҳар бир аёл ва эркак оилада ўз ўрнини муносиб гўзал хулқи билан эгалласа ва мулоқотнинг асоси бўлган каломда ширин сўз бўлса, ўзини сақлаган ҳолда, бир маромдаги барча қонуний ва диний, миллий ва умуммиллий меъёрларни имкон даражасида бажаришга ҳаракат қилса, шубҳасиз, оилада тинчлик аҳлик, барака ва фаровонлик бўлади, бу оила барча шодлик ва гўзал орзу-умидлар шукрона ва ихлос билан қилинадиган ибодат масканига айланади. Унутмаслик жоизки, инсон мукамал эмас, унинг соф табиати хато қилишга мойилдир. Шунинг учун камчиликлар ва хатоларга кўз юмиб, равияда, мўътадил умр кечириш нафақат диний рукнларга мос келади, балки бутун жаҳон тажрибасида ҳам ўз самарасини беради.

Инсоннинг ҳақиқий зийнати хусни хулқидир. Бинобарин, бу борада таълимий-тарбиявий ишларга эътибор қанчалик кўп берилса, шахс маънавияти шаклланади, шунинг негизида оила мустаҳкамланади ва жамият ҳам маданий ҳаётда барқарорликка эришади.

**Ибрагимова Найира Анваровна (фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Тошкент Ахборот технологиялари университети доценти в.б.; e-mail: nayira@inbox.ru)
ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ
ТАҲЛИЛИ**

Аннотация. *Инсоният тарихида экологик хавфсизликни таъминлаш, яъни табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш – жаҳон ҳамжамиятининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ва маънавий-ахлоқий ҳаётининг таркибий қисми ва цивилизацияси асоси бўлиб келганлиги асосланган. Бу эса экологик хавфсизликни таъминлашнинг нафақат иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатдан, балки ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этишни тақозо қилади. Экологик хавфсизлик масалаларига эътибор кучайишининг асосий сабаблари, унинг ижтимоий-фалсафий таҳлилида экологик хавфсизликни таъминлаш асоси бўлган асосий муаммолар таҳлил қилинган. Дунё олимларнинг экологияни фан сифатида эътироф қилиш тўғрисидаги тавсиялари, экологик хавфсизлик соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари, янги назарий гоялари, фикрлари ва методологик тавсиялари тадқиқ этилган.*

Аннотация. *В истории человечества было обособлено, что обеспечение экологической безопасности, то есть защита природной среды и рациональное пользование ресурсов, является составной частью цивилизации, социально-экономической, политической, культурной и духовной жизни международного сообщества. А это требует исследования экологической безопасности не только с точки зрения экономики, политики и культуры, но также исследование с социально-философской точки зрения. Основными причинами повышенного внимания к экологической безопасности и ее социально-философского анализа являются основные проблемы, лежащие в основе экологической безопасности. Изучены рекомендации мировых ученых о признании экологии наукой, исследования в области экологической безопасности, новые теоретические идеи и методические рекомендации.*

Annotation. *In the history of humanity, it was substantiated that ensuring environmental safety, that is, protecting natural environment and rational use of resources, is an integral part of civil, social, economic, political, cultural and spiritual life of the international community. It requires a study of environmental safety not only in terms of economy, politics and culture, but also a study from a socio-philosophical point of view. The main reasons for big attention to environmental safety and its socio-philosophical analysis are the main problems underlying in the root of environmental safety. The recommendations of world scientists on recognition of ecology as a science; research in the field of environmental safety, new theoretical ideas and methodological recommendations are studied.*

Калим сўзлар: *экологик хавфсизлик, миллий хавфсизлик, биосфера, ижтимоий-фалсафий, табиий ресурслар, экотизм.*

Ключевые слова: *экологическая безопасность, национальная безопасность, биосфера, социально-философский, природные ресурсы, экотизм.*

Key words: *environmental safety, national security, biosphere, socio-philosophical, natural resources, ecosystem.*

Кириш. Миллий хавфсизликни таъминлаш ва миллий экологик хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш, ўзаро узвий боғлиқ жараёнлардир. Зеро, давлатимиз миқёсида қарайдиган бўлсак, экологик хавфсизлик – Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожланишининг табиий-тарихий асоси ва миллий хавфсизлигининг таркибий қисми бўлиб, шахс, давлат ва жамиятнинг атроф-муҳитга таъсирлари, шунингдек, табиий офатлар, саноатдаги авариялар ҳамда техноген ҳалокатлар натижасида юзага келадиган хавф-хатарлардан химоялашдан иборат комплекс-системали тадбирлар тизимини амалга оширишдир.

Шу нуқтаи назардан, масаланинг ижтимоий-фалсафий таҳлилида экологик хавфсизликни таъминлаш асоси бўлган қуйидаги муаммоларга эътиборни қаратиши лозим, яъни:

–табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш;

–табиат экологик мувозанатини тиклаш, биохилма-хилликни сақлаш ва етказилган зарарни қоплаш;

–табиат ресурсларидан фойдаланишда чиқитсиз технологияларни жорий этиш ва энергиянинг янги манбаларини топиш;

–қишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришда янги инновацион технологиялардан фойдаланиш;

–умуминсоний манфаатларга асосланган халқаро экологик сиёсий муносабатларни ривожлантириш назарда тутилади.

Асосий қисм. Ҳозирги кунда экологик хавфсизлик масалаларига эътибор кучайишига тез-тез содир бўлаётган техноген экологик фожиалар, табиий офатлар ва хўжалик фаолиятида инсониятнинг яшаши ва саломатлиги асосларини, биосфера экологик мувозанатини издан чиқарилиши сабаб бўлмоқда. Бу муаммоларнинг ечими, бевосита ёки билвосита ижтимоий-фалсафий масалалар ҳисобланади. Зеро, инсоннинг табиатни – табиат учун эмас, балки ўзи ва келажак авлодлари учун муҳофаза қилиши ва унинг хавфсизлигини таъминлаши, шубҳасиз, ижтимоий-фалсафий муаммодир.

2015 йил Руминиянинг Бухарест шаҳрида экологик хавфсизлик муаммолари бўйича Киото аъзоларининг навбатдаги йиғилишида ҳозирги даврда инсоният цивилизациясига таъсир этувчи экологик хавфсизликка таҳдидларнинг уч тури ажратиб кўрсатилди: 1) инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган экологик ҳаёт тарзига зарар келтирувчи табиий офатлар; 2) инсоннинг иқтисодий фаолияти натижасида вужудга келадиган антропоген экологик хатарлар; 3) планета биосфера структурасида инсоннинг антропоген таъсирида вужудга келадиган хавфлар комплекси.

Бу анжуманда атмосфера азон қатлами бузилиши, биологик хилма-хиллик йўқолиши, ўрмонларнинг қисқариши, чиқиндиларнинг кўпайиши, иқлим ўзгариши ва бошқа биосфера экотизими бузилишига олиб келувчи омилларнинг экологик муаммоларни кескинлаштириш ва глобаллаштириш имкониятларига эътибор қаратилди, яъни:

а) ер юзида табиат ресурсларининг бир хил тақсимланмаганлиги ва захиралари қисқариши натижасида юзага келувчи қазилма бойликлар ва энергия “қашшоқлиги”;

б) планета аҳолиси кўпайиши натижасида табиат ресурслардан фойдаланиш, антисанитария-гигиеник ҳаёт тарзи, эпидемиялар тарқалиши, нораціонал урбанизация;

в) ичимлик сув ресурслари чекланганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш ёки аксинча, айрим давлатларда қашшоқлик, очлик;

г) экологик хавфсизликка жиддий таҳдид бўлган (ҳатто, локал) урушлар оқибатида вужудга келиш эҳтимоли юқори бўлган ижтимоий-сиёсий зиддиятлар кучайиши билан боғлиқ муаммоларнинг халқаро даражада турли (муқобиликларига қарамасдан), муносабатларида умумий туташ нуқталар, “чорраҳалар” борлиги кўзга яққол ташланади.¹

Дарҳақиқат, экологик хавф-хатарларнинг олдини олиш глобал муаммо ҳисобланиб, кескинлашиш тенденцияси жаҳон ҳамжамияти давлатлари экологик сиёсатида ўзаро мурося фалсафасига, “халқ дипломатиясига” асосланган ҳамкорликни тақозо қилмоқда.

Ҳозирги цивилизациялар ривожланиши даврида экологик хавфсизлик глобал муаммога айланиб, олимларнинг муҳим илмий тадқиқот йўналишига айланди. Гарвард университети (АҚШ)

¹ Ștefania-Diana, Roxana Simus. Potential risks to ecological security. Bucharest, 2015, 9 p.

профессори С.Хантингтоннинг “Цивилизациялар тўқнашуви” асари ва бошқа мақолаларида сўнги юз йиллик давомида келиб чиққан урушлар цивилизациялар ўртасидаги конфликтлар сабабли юз берган маданиятлараро тўқнашув жаҳон сиёсатининг етакчи омилига айланди”, деган хулосаси, бевосита экологик хавфсизликка ҳам алоқадор.¹ Зеро, дунё олимлари бу жараён экотизим бузилишига олиб келишини жамиятнинг индустриал тараққиётида XX асрдан бошланган янги фан-технологиялар даврини саноат инқирози билан боғламоқдалар.²

Экологик хавфсизлик муаммолари билан Европадаги қатор “Халқаро тинчлик тадқиқоти институтлари” шуғулланмоқдалар. Шундай институтлардан бири Норвегияда (Осло шаҳрида) фаолият кўрсатиб, тадқиқот натижалари махсус журнал ва илмий тўпламларида чоп этилмоқда. Жумладан, Нина Грегернинг “Экологик хавфсизлик” ҳақидаги мақоласи эътиборга моликдир.

Олиманинг фикрича, инсон фаолиятида ташқи табиий муҳит ўзгариши билан экологик хавфсизликни таъминлаш ўртасидаги ўзаро корреляцион алоқадорликка тўртта асосий сабаб борлиги эътироф этилади. Яъни: 1) атроф-муҳит шароитининг ёмонлашуви ерда инсон ҳаёти учун жиддий хавф туғдиради. Бу – ҳаво ва сув таркибининг бузилиши, ўрмонлар кесилиб, катта массивларининг саҳрога айлантирилиши, тупроқ таркиби бузилиши билан боғлиқ ҳодисалардир; 2) табиий атроф-муҳит ёмонлашишига, табиат ресурсларидан ноқилона фойдаланиш ёки ҳарбий ҳаракатлар натижасида аҳоли миграцияси, этник, диний ва ижтимоий-иқтисодий тангсизликларга нисбатан келиб чиқадиган норозиликлар; 3) табиатга зарар етказувчи йирик саноат қурилмалари ва технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ атроф-муҳитнинг ёмонлашиши; 4) хавфсизлик билан атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг когнитив алоқадорлиги эътироф этилиб, экологик хавфсизлик соҳасида сиёсат – бош масъулиятли сиёсат деб қаралади.³

Питер Ф.Бруссард “Глобал экологик келишув: барқарор ривожланиш стратегиялари ва институционал инновациялар» номли мақоласида аҳолининг кўпайиши озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик суви, энергия ва бошқа муҳим ресурсларни етишмаслигига олиб келади, деган эди.

Экологик хавфсизлик муаммоси бўйича МДХ давлатлари олимлари томонидан ҳам жиддий илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, В.И.Данилов-Данилян, В.Н.Бурков, А.В.Шепкин, А.А.Сергуниев, В.Н.Федосеев, А.В.Возженников, А.Багатуров, Д.М.Гвишиани ва бошқалар миллий хавфсизликнинг ҳуқуқий, сиёсий ва халқаро тамойилларига эътибор қаратганлар.

Ҳақиқатдан ҳам, кўп қамровли экологик хавф-хатарларнинг ҳар қандай кўриниши ва оқибатлари, нафақат инсон ва жамият ҳаётига катта зарар етказиши, балки кишилар хулқ-атвори, психологияси ва дунёқарашига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун экологик таҳдидларнинг мазмун-моҳиятини, уларнинг инсон турмуш тарзига, табиий атроф-муҳитга келтирадиган зарарлари олдини олишда экологик хавфсизлик феноменининг ижтимоий-фалсафий мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш, муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда, бир томондан, планетада содир бўлаётган экологик хавф-хатарлар олдини олишнинг долзарб муаммолари юзага келаётган бўлса, иккинчи томондан, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, хусусан, табиатга антропоген, антропотехноген, антропогенетик, антрополитик таъсир йўналишлари кучайиши, “табиат-жамият-инсон” муносабатларининг нафақат иқтисодий, тарихий, ҳуқуқий, сиёсий жиҳатларини, балки ижтимоий-фалсафий мазмунини тадқиқ этишни тақозо қилмоқда.

Умуман, ҳар қандай тарихий даврда ва шароитда экологик хавфсизликка шахс, жамият, давлат хавфсизлигининг таркибий қисми сифатида қаралиши, унинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини ташкил қилади. Экологик хавфсизликни таъминлашнинг асосий субъекти, сиёсий институти бўлган давлат – бу соҳада вазифаларни ҳокимият тақсимланиши тамойилига кўра, қонунчилик, ижро ва суд-ҳуқуқ органлари орқали ташкиллаштиради, бошқаради ва назорат қилади.

Хулоса. Ўзбекистон Республикасида давлат экологик хавфсизлик сиёсатининг ижтимоий-фалсафий моҳиятида: 1) фуқаролари ҳаёти учун зарур экологик хавфсиз муҳитини таъминлаш,

¹ Хантингтон С. Сталкновение цивилизации? Полис, 1994, NL. Политический порядок в меняющихся обществах. М., “Прогресс-Традиция”, 2004.

² Juma. The Perils of Centralizing Global Environment Matters, 2000, p. 13–15; Dalby, Simon. “Ecology, Security, and change in the Antropocene.” “The Brown Journal of World Affairs” 13, №2 (2007), p. 155–64; Grumbine R. Edward. “Assessing Environmental Security in China.” Frontiers in Ecology and the Environment. Vol. 12, №7, 2014, p. 403 – 411.

³ Graeger Nina. Journal of Peace Research, Vol. 33, № 1(Feb, 1996), pp. 109 –116.

яъни табиатни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш асосий мақсад қилиб қўйилган; 2) миллий давлат ҳудудида “табиат-жамият-инсон” тизими муносабатларини мувофиқлаштириш, минтақа ва глобал миқёсда экологик хавфсизлик шартидир; 3) Ўзбекистонда шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларини қондириш – экологик муҳит хавфсизлигини таъминлашга боғлиқдир; 4) экологик хавфсизликни таъминлаш – жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий маданий тараққиёти истиқболларини белгиловчи омилдир; 5) умуминсониятнинг экологик хавфсизликка эҳтиёжи ва уни таъминлашдан манфаатдорлиги дунё геоэкологик манзарасини белгилайди.

Жураев Бобомурод Тожиевич (Бухоро Давлат университети Педагогика кафедраси ўқитувчиси)
СОМОНИЙЛАР ДАВРИ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ-ИЖТИМОЙ
ҚАРАШЛАРИДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

***Аннотация.** Мақолада сомониёлар даврида ижтимоий-маданий ҳаёт ва бу даврда яшаб ижод қилган айрим мутафаккирларнинг педагогик қарашлари ёритилган.*

***Аннотация.** В статье описывается социокультурная жизнь саманидов и их педагогические взгляды некоторых мыслителей, которые жили и работали в этот период.*

***Annotation.** The article describes the socio-cultural life of the Samanids and their pedagogical views of some thinkers who lived and worked during this period.*

***Калим сўзлар:** сомониёлар, маънавий мерос, таълим, тарбия, педагогик қараш, илм, маданият, мутафаккирлар.*

***Ключевые слова:** саманиды, духовное наследие, образование, воспитание, педагогическое мировоззрение, наука, культура, мыслители.*

***Keywords:** Samanids, spiritual heritage, education, upbringing, pedagogical worldview, science, culture, thinkers.*

Таълим ва тарбия ҳар доим инсониятнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб, ҳозирги кунга қадар уни амалга оширишнинг шакл, метод ва воситалари мутафаккир ва тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинган. Марказий Осиё халқлари қадим замонлардан бошлаб таълим, тарбия ва шахсни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор билан ёндашганлар. IX–XI асрларда шахсни тарбиялаш ва шакллантириш масаласи энг долзарб масалалардан бири эди. Бу даврда яшаган таниқли илм-фан ва адабиёт мутафаккирларининг асарларида таълим ва тарбия масаласи асосий муаммолардан бири сифатида қаралган.

Таъкидлаш жоизки, сомониёлар даврида илғор таълимий ва тарбиявий қарашлар негизида илм-фан, маданият ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари ривожлана бошланди. Мовароуннаҳр ва Хуросонда илм-фан, адабиётнинг ривожланиши кўп асрлик анъаналарга асосланган эди. Бухоро, Самарқанд, Балх, Марв, Панжакент, Нишопур, Ҳирот, Хўжанд, Хулбук, Истаравшан, Бунжакат каби Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шаҳарлари маданий, илмий ва адабий марказларга айланди. Бу давр маданият ва фалсафий-адабий тафаккур тарихидаги ноёб даврдир.

“Дунёнинг турли халқлари маданияти ва адабиёти тарихида ўз тараққиёти ва гуллаб-яшнаши билан ажралиб турадиган ва жаҳон цивилизациясининг ноёб ютуқлари билан бойитган махсус даврлар мавжуд. Қадимги юнон фалсафаси ва санъати, Италия Уйғониш даври, француз-немис таълим даври, 19-аср рус адабиёти ана шундай гуллаб-яшнаган тарихий даврлар сирасига киради. Минг йиллар давомида турли тилларда ва ёзувларда пайдо бўлган Эрон халқининг бой ва қадимий адабиёти тарихида сомониёлардан бошланган X аср адабиёти ва маданияти жаҳон цивилизацияси тарихида гуллаб-яшнаган даврлардан бири ҳисобланади. Олимлар бу даврни “Олтин аср” ёки “Ажамнинг тикланиши” деб аташлари бежиз эмас”, деб таъкидлайди М.Мирзо.¹

Бу даврнинг муҳим маданий марказларидан бири Бухоро шаҳри бўлиб, у ерда бошқа минтақалардан мутафаккир ва олимлар йиғилган. Хусусан, ўша пайтда дунёдаги энг катта кутубхоналардан бири бўлган “Сивон ул-ҳикмат” (“Ҳикматлар хазинаси”) кутубхонасида турли хил китоблар мавжуд бўлиб, олимлар ва адабиёт арбобларини ўзига жалб қилган. Бухоро китоб бозоридан ўша даврнинг яхши илмий асарларини топиш мумкин эди.

¹ Муллоаҳмад М. Равзанаи хирад. «Равшанфикр», Душанбе, 2017, с. 5.

Сомонийлар томонидан яратилган маданий муҳит фан, адабиёт ва санъатнинг ҳар томонлама ривожланишига ҳисса қўшди. Демак, айнан шу даврда нафақат бизнинг маданиятимиз тарихида ноёб бўлган, балки илм-фан, маданият ва жаҳон адабиётида юқори мавқега эга бўлган бир қатор буюк ёзувчилар ва алломалар этишиб чиқди. Бу даврда шеърят, айниқса, машҳур бўлган. Таниқ-ли шоирлар Абу Абдуллоҳ Рудакий, Шаҳид Балхий, Муродий, Абул Шакур Балхий, Башшор Мар-ғазӣ, Фароловий, Имора Марвазий, Робе Қаздорӣ, Сипеҳр Бухорӣ, Мантиқий Розӣ, Абулаббос Марвазий, Шокир Бухорӣ, Тайён Марғазӣ, Кисоӣ Марвазий, Абулмуайяд Балхий, Дақиқӣ, Мунжиқ Термизӣ, Маъруфӣ Балхий, Хусравонӣ, Абулфатҳ Бустӣ, Қамарӣ Журжонӣ турли асарлари билан шеърятини нафақат ривожлантирдилар, балки энг юқори нуқтага олиб чиқдилар.

Бу даврда таълим манбаи бўлган адабиёт ниҳоятда ривожланди. Юқорида тилга олинган буюк инсонларнинг барча асарлари адолатли ва инсонпарвар жамиятнинг ахлоқий меъёрларига бағишланган. Ушбу буюк мутафаккирлар ахлоқий, маърифӣ ва педагогик мероси билан нафақат Шарқ халқларига тарбиявий таъсир кўрсатган, балки уларнинг асарларининг жаҳон цивилизациясига таъсири ҳам катта.

Рудакий шеърятини маърифат ва чуқур тафаккурни ифодалашнинг энг яхши намунасидир. Рудакийнинг машҳур таниқли асарларидан бири бу “Калила ва Димна” бўлиб, унда илм-фан, кундалик ҳаётни ўрганиш, унинг инсон онги ривожланишидаги ўрни, ижтимоӣ муҳитнинг инсон қиёфаси ва маънавий табиатига таъсири ҳақидаги ғоялар келтирилган.

Рудакий таълим тизимида илм ва фанни ўрганишни зарур деб билади ҳамда инсоният жамиятининг тараққиётини ўрганиш ва билишда кўради. Рудакийнинг таъкидлашича, билим ва донолик ҳар доим жамиятнинг ривожланишига ҳисса қўшган. Инсоният илм-фан ва билимларни авлоддан-авлодга мерос қилиб олди. Рудакий нуқтаи назаридан доно ва билимдон одам ҳар хил офат ва тўсиқларни донолик ва билим ёрдамида енгиб, бахт ва саодатга эришади:

*То ҷаҳон буд аз сари мардум фароз,
Кас набуд аз роҳи дониш бениёз.
Мардумони бихрад андар-ин замон,
Роҳи дониширо ба ҳар гуна забон.
Гирд карданду гиромӣ доштанд,
То ба санг андар ҳаме бингоштанд.
“Дониш андар дил чароғи равшан аст
В-аз ҳама бад бар тани ту ҷавшан аст”.¹*

Таржимаси:

*Одамдан юқори тураркан олам,
Билим оширмоққа муҳтождир одам.
Ақлли кишилар ҳар қайси тилда
Ҳар қандай замонда ҳар қайси хилда.
Билимларни тўплаб ҳурмат этдилар,
Тошларга нақш этиб, битиб кетдилар.
“Одамлар қалбининг чароғи билим,
Балодан сақланиш яроғи билим”.²*

Рудакийнинг фикрига кўра, инсон доимо илм ва билимга муҳтож, бу унинг қалбининг “ёркин нури”, “танасининг зирҳи” ва ҳаёт муаммосини ҳал қилувчидур. Билим маънавий ва маданий хазинадир, унга ҳеч бир хазина тенг келмайди:

*Ҳеч ганче нест аз фарҳанг беҳ,
То тавонӣ, рӯй бар ин ин ганч неҳ.³*

Таржимаси:

*Илимдан яхшироқ хазина бўлмас,
Қўлингдан келганча тера олсанг бас!⁴*

¹ Рудақӣ А. Ашъор. Душанбе: «Адиб», 2007, с. 43.

² Рудақӣ ва Бобо Тоҳир шеърятидан Шоислом Шомӯҳаммедов таржималари. Т., 1994, с. 61.

³ Рудақӣ А. «Осор». Сталинобод, 1958, с. 393.

⁴ Рудақӣ ва Бобо Тоҳир шеърятидан Шоислом Шомӯҳаммедов таржималари. Т., 1994, 64-бет.

Рудакийнинг фикрига кўра, инсон онги ва ақл-идроки, илм ва билимларни инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ўрганиш маъно ва қадриятга эга бўлади. Мутафаккир ҳаётни инсоннинг кадр-қиммати билишнинг асосий мезони деб билади ва инсон табиатининг намоён бўлишини, унинг маънавий бойишини хатти-ҳаракатларида ва амалларида кўради. Демак, Рудакий ўзининг таълим тизимида одамларни қийин пайтларда тушкунликка тушмасликка ва ҳаётдаги қийинчиликларни кучли ирода билан, айниқса, билим ва донолик билан енгишга чақиради.

Рудакийнинг яна бир машҳур китъасида инсон иродасининг муҳим фазилати бўлган мардоналик фазилати эътироф этилган. У ушбу иродавий фазилатнинг инсон шахсиятида шаклланишини таъкидлайди. Шунинг учун ўз-ўзини бошқариш мардлик белгисидир, дейилган. Муҳтож, носоғлом кишиларга самимийлик, меҳр-оқибат ва ҳурмат қилишни жасорат деб билади. Рўдакий мардликни йиқилганга озор беришни раво кўрмасдан, аксинча, унинг қўлидан ушлаб, ёрдамга шошилган кишида кўради.

*Гар бар сари нафси худ амирӣ, мардӣ,
Бар кўру кар-ар нукта нагирӣ, мардӣ.
Мардӣ набувад фитодаро пой задан,
Гар дасти фитодае бигирӣ, мардӣ.¹*

Таржимаси:

*Ўз нафсини мағлуб этолган марддир,
Ғийбатлардан узоқ кетолган марддир,
Номард тегиб ўтар йиқилганларни,
Ожизлар қўлини тутолган марддир.²*

Ушбу мисралардан кўриниб турибдики, Рудакий жасоратни инсоннинг маънавий камолоти-га ҳисса қўшадиган юксак ахлоқий фазилатлардан бири деб билган. Жасорат инсон иродасини бошқаришда асосий роль ўйнайдиган энг муҳим фазилатдир. Бинобарин, Рудакий ушбу фазилатнинг инсон шахсиятида шаклланишини таъкидлайди.

Сомонийлар даврида ижод қилган машҳур шоир Абу Шакур Балхий ўзининг “Офариннома” маснавийсини ахлоқ мавзусига бағишлаган. “Офариннома”да шоир инсоннинг турмуш уринишлари, мавжуд ижтимоий тузум билан боғлиқ кўплаб сиёсий, маънавий, маиший масалалар хусусида, ахлоқий-таълимий муаммолар борасида бир мутафаккир файласуф сифатида мушоҳада юритади, ибратли хулосалар чиқаради; ўзининг назарий мулоҳазаларини ҳаёт тажрибасидан, оғзаки ижоддан олинган мўъжаз ҳикоятлар билан исботлаб боради, панд-насихатлар беради; адолатли ҳукмрон ғоясини илгари суради. Хусусан, дostonнинг ҳунар ва илм ўиганишнинг фойдаси, яхшилик ва хайру эҳсоннинг шарофати, адолатнинг нафи-ю зулмнинг касофати тасвирига бағишланган бўлимлари катта тарбиявий аҳамиятга эга.³

Шоир ушбу асарда ақл, маърифат, яхшилик, билим каби мавзуларнинг таҳлилига киришиб, инсонда ахлоқий тарбия устуворлигини ҳаётгй далиллар орқали кўрсатган. Абул Фатҳ Бустий XI аср бошида “Офариннома”ни араб тилига ўгирган. “Офариннома” асари ўша даврларда дидактик асар сифатида шуҳрат қозонган эди. Шоир мазкур маснавийда билимли бўлиш, илм ва ҳунар ўрганиш ҳақида алоҳида тўхталиб, билимли шахс юқори чўққиларни забт этишини таъкидлайди:

*Бад-он кўш, то зуд доно шавӣ,
Чу доно шавӣ, зуд воло шавӣ.⁴*

Таржимаси: Доно (билимли) бўлиш учун ҳаракат қил, доно бўлсанг, тезда кўтариласан.

Илмли шахсларга нисбатан шоҳларнинг эҳтиёжи борлиги ва мамлакатни бошқаришда до-нишмандлардан маслаҳат сўрашларини айтиб, доимий равишда илм ўрганишга даъват этади ва шодликни илм меваси сифатида билади. Шоир маснавийда таълим ва тарбия олган шахсни улуғла-ниб, “ҳаёт давомида таълим олиш” принципини тарғиб қилади.

*Биёмўз, ҳарчанд битвонӣ,
Магар хештан шод гардонӣ.....
Биёмўз, то зиндаӣ рўзу шаб,
Чунин гуфт доно, ки бикшод лаб.*

¹ Рудакий А. Ашъор. Душанбе, «Адиб», 2007, с. 267.

² Рудакий ва Бобо Тохир шеърятгидан Шоислом Шомухаммедов таржималари. Т., 1994, 34-бет.

³ Homidiy N. Daholar davrasi. T., "O'qituvchi", 2011, 46-bet.

⁴ Ашъори ҳамасрони Рўдакӣ. Душанбе, «Адиб», 2007, 162-бет.

Таржимаси:

*Ғайратинг борича илм ўрган,
Агар ўргандинг, доим шодсан. ...
Ўрган кечаю кундуз токи тириксан
Доно киши лаб очиб шундай айтган.*

Абу Шакур Балхий мазкур маснавийда инсонларга яхшилик қилишни ва яхшилик инсоннинг ёмонликлардан ҳимоя қилувчи восита эканлигини, шунингдек, худо яхшилик қилган шахсга яхшилик, ёмонлик қилганга эса ёмонлик мукофот беришини айтади. Шоир нуқтаи назаридан ёмонлик инсонни ичидаги яширин оловга ўхшайди, ўзини тўсатдан пайдо қилиб, инсоннинг қилган барча яхшиликлари бир зумда ёниб кетади:

*Ба некї шавад чашим равшан туро,
Зи ҳар бад бувад нек ҷавшан туро.
Зи некї ҳама нек ояд ба ҷой,
Ба некї диҳад низ некї Худой.
Бадї ҳамчу отаиш бувад дар ниҳон,
Ки пайдо кунад хештан ногаҳон.*

Таржимаси:

*Яхшилик кўзларингни ёритиб берар,
Ҳар қандай ёмонликдан сақланиб юрар.
Яхшиликка ҳар доим яхшилик қайтар,
Худо ҳам яхшиликка яхшилик берар.
Ёмонлик яширин оловга ўхшайди.
Ўзини тўсатдан пайдо қилади.*

Сомонийлар даврида яшаб ижод қилган яна бир буюк мутафаккир Закариё ал-Розийдир. Закариё ал-Розий тиббий маълумотни Бағдодда олиб, сўнг у Табарий раҳбарлиги билан Миср, Испания ва бошқа мамлакатларда бўлиб, бир муддат Мовароуннаҳр, Хуросон, хусусан, сомонийлар давлатининг пойтахти Бухорода яшаган. Мутафаккир фалсафий-ижтимоий қарашларида ўқитувчи ва унинг касб масъулиятига эътибор қаратиб, ёзади: “Тарбиячи ўқувчиларнинг камчиликларини ўз вақтида кўрсатиб туриши ва улардан ҳеч қачон ҳафа бўлмаслиги, уларга паст назар билан қарамаслиги, уларга нафратланмаслиги керак. Бунинг ўрнига, юзингизда доим табассум бўлсин, шогирдни хотиржамлик ва жиддийлик билан тингланг”.¹

Закариё ал-Розий таъкидлаганидек, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқитувчи ўқувчиларни тинглаши ва улардан рози бўлишга ҳаракат қилиши керак. Аммо агар ўқувчи хижолат бўлиб ниманидир яширса, бирон бир нарса айтишни истамаса ёки ўзининг ноҳўя ҳаракатларидан уялиб қолса, доно ўқитувчи кўп хавотирга тушмаслиги ва жаҳл қилмаслиги лозим. Шу билан бирга, ўқитувчидан буни кутмаганлигини айтиб, юзидан нимани ҳис қилганини билдириши керак. Шунинг учун ўқитувчи ҳар доим дарс пайтида ҳам, таълим жараёнида ҳам ўқувчининг руҳий ҳолатини ҳисобга олиши ва моҳир ўқитувчи сифатида ҳаракат қилиши керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги глобаллашув жараёнида цивилизациялар тўқнашувви кучайиб, дунёда кўплаб муаммоларни келтириб чиқишга сабаб бўлган бир даврда миллий кадриятларимизни ҳимоя қилиш долзарб масалалардан бирига айланди. Миллий кадриятларимизни ўрганиш ва тадқиқ этиш, шу асосда миллий тараққиётни шаклланишига эътибор қаратиш муҳимдир. Ҳар қандай халқ ва миллат юксалишининг асосий элементларидан бири бу ўтмишдаги бой тажрибаларни таълим ва тарбия соҳасида қўллашдир. Замонавий таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириш учун қуйидагиларга эътибор беришимиз лозим:

– таълим ва тарбия тизимини модернизациялаш жараёнида сомонийлар даврида ижод қилган мутафаккирларнинг педагогик қарашларини амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир;

– таълим тизимида сомонийлар даврида ижод қилган мутафаккирларнинг педагогик меросидан самарали фойдаланиш бу соҳада қутилган самарадорликка эришиш имконини беради;

– сомонийлар даврида ижод қилган мутафаккирларнинг асарларида инсоннинг иймони поклиги ва мустаҳкамлиги билан бир қаторда, ахлоқ-одоби, муомала маданияти, қундалик инсоний ва оилавий муносабатлари, маҳалла, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар билан ўзаро муомаласига алоҳида эътибор берилади. Бугунги кунда олий таълим тизимида “Педагогика назарияси ва тарихи”,

¹ Рази Абу Бакр. Духовная медицина. Душанбе, “Ирфон”, 1990, с. 12.

“Диншунослик”, “Таълим фалсафаси” каби ўқув фанларини ўқитиш жараёнида мазкур мутафаккирлар ғояларидан фойдаланиш муҳим педагогик восита ҳисобланади. Уларнинг ёшлар тарбияси-га оид педагогик меросни ўрганиш ёш авлодни жамиятнинг ҳар томонлама шаклланган аъзолари қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Karimova Dilfuza Abduqayumovna (Navoiy viloyat XTXQTMOHM katta o‘qituvchisi)
YOSHLARNING ZAMONAVIY MADANIY QIYOFASINI SHAKLLANTIRISH MASALALARI

Аннотация. Мақоллада bugungi kunda yoshlarning zamonaviy madaniy qiyofasini shakllantirish, ularni milliy va umuminsoniy qadriyatlarga sodiq ruhda tarbiyalash masalalari yoritilgan.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы формирования современного культурного образа современной молодежи, воспитания ее в духе приверженности национальным и общечеловеческим ценностям.

Annotation. The article deals with the formation of a modern cultural image of modern youth, educating them in the spirit of adherence to national and universal values.

Калит so‘zlar: yoshlar, madaniy qiyofa, umuminsoniy qadriyat, an’ana, milliy ruh, mafkura, tarbiya, ta’naviyat.

Ключевые слова: молодежь, культурный образ, общечеловеческие ценности, традиции, национальный дух, идеология, воспитание, духовность.

Keywords: youth, intelligence, human values, traditions, national spirit, ideology, education, spirituality.

Darhaqiqat, shiddat bilan rivojlanayotgan hayotimizda ro‘y berayotgan yuksalish jarayonlari o‘zini barcha sohalarida namoyon etmoqda. Binobarin, mustaqillikka erishgan yillarimizning ilk davrida biz o‘zimizning milliy o‘zligimizni anglash, boy tarixiy-ma’naviy hamda ilmiy merosimizning asl mazmun-mohiyati, mag‘zini chaqish va uni ro‘yobga chiqarishga intilgan bo‘lsak, endilikda xalqimiz jipslanib “milliy tiklanishdan – milliy yuksalish” g‘oyasini sobit qadamlik bilan amalga oshirishga kirishdi. Bu davrda jamiyatimizda ijtimoiy tafakkurning yuksalish tendensiyasi qaror topishi, unga xos ham milliy, ham umuminsoniy qadriyatlarning mujassamligi e’tirof etilmoqda.¹ Milliy ruh va umuminsoniy qadriyatlar uyg‘un bo‘lgan ijtimoiy tafakkur – mamlakatimiz barqaror rivojlanishining o‘zan mezon va mustahkam poydevoriga aylanmoqda.

Bugun O‘zbekistonda yoshlarning ezgu maqsadlarini hayotga tatbiq etishlari uchun zarur barcha sharoitlar yaratilmoqda. Yoshlar muammolari davlat siyosati darajasida hal etilmoqda. 2017-yil 30-iyunda mamlakatimiz yoshlari hayotida yangi sahifa ochildi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tashabbusi bilan O‘zbekiston Yoshlar ittifoqi tashkil etildi, uning asosiy faoliyati yoshlarning barcha tashabbuslarini qo‘llab-quvvatlash va amalga oshirishga qaratildi.²

Yoshlarning ijtimoiy faolligini oshirish, ularda ijodkorlik, kreativlik qobiliyatlarini yanada rivojlantirish maqsadida qator yangi loyihalar ishlab chiqilmoqda.

Yoshlarni yuksak axloq va intizomli qilib tarbiyalash, ularning sifatli ta’lim olishi va vatanparvarlik ruhida voyaga yetishi mamlakat iqtisodiy va siyosiy taraqqiyotining kaliti hisoblanadi. Bu esa ijtimoiy barqarorlik va muvaffaqiyat asosidir. Yoshlarni har tomonlama barkamol qilib tarbiyalash, ularni ijtimoiy va ijodiy faollikka undashda milliy-umuminsoniy an’analarning ahamiyati, bugungi kunda yoshlar tarbiyasi muammolari deyarli barcha mamlakatlar uchun umumiy masaladir. Yoshlar tarbiyasi mavzusi bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev BMT Bosh Assambleyasi 72-sessiyasida shunday dedi: “Bugungi dunyo yoshlari – son jihatidan butun insoniyat tarixidagi eng yirik avloddir, chunki ular 2 milliard kishini tashkil etmoqda.”³

¹Shavkat Mirziyoyev. Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari. “O‘zbekiston” nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020-yil.

² O‘zbekiston “Kamolot” yoshlar ijtimoiy harakatining 2017-yil 30-iyun kuni O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti ishtirok etgan IV qurultoyi.

³ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 19-sentabr kuni Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida nutqi.

Sayyoramizning ertangi kuni, farovonligi farzandlarimiz qanday inson bo'lib kamolga yetishi bilan bog'liq. Bizning asosiy vazifamiz – yoshlarning o'z salohiyatini namoyon qilishi uchun zarur sharoitlar yaratish, zo'ravonlik g'oyasi "virusi" tarqalishining oldini olish.

Buning uchun yosh avlodni ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, uning huquq va manfaatlarini himoya qilish borasidagi ko'p tomonlama hamkorlikni rivojlantirish lozim, deb hisoblaymiz. O'zbek xalqining asriy an'analari, jumladan, tarbiya sohasidagi an'analari ajdodlarimizning tabarruk qadriyatlarini bilan bog'liq. Yoshi kattalarga salom berish, ularni hurmat qilish, yoshi kichiklar va kuchsizlarni avaylash, ilm olish va kasb o'rganishga da'vat, halol mehnat qilishga chaqirish, qo'shnilar bilan xushmuomala bo'lish kabi an'analar o'zbeklar oilalarida, ularning dinga munosabatlaridan qat'iy nazar, yoshlarga singdirib kelingan.

Afsuski, ilg'or qarashli, o'qimishli, odobli va kelajagini bugundan, yoshlik chog'idan qurayotgan yoshlar bilan bir qatorda, ishyoqmas, qo'pol, takasaltang, savodsiz va gumroh o'spirin yoshlar ham uch-rab turibdi. Kuzatishlar shuni ko'rsatadiki, bunday yoshlar ham dunyoviy, ham diniy savodsiz bo'lib, ularning tarbiyasiga oilalarida kam e'tibor berilgan, asosan, moddiy ta'minlab qo'yish bilan cheklanilgan.

Buyuk ajdodlarimizning bebaho ilmiy-ma'rifiy meroslarini o'rganishdan tashqari, ushbu muassasalarning asosiy vazifasi yoshlarni buyuk va shonli o'tmishga hurmat hamda iftixor bilan qarash, ulug' ajdodlarga munosib avlod bo'lishga, ilm va ma'rifat olishga intilish ruhida tarbiyalashdan iborat. Yoshlar va jamiyatning turli yoshdagi boshqa a'zolarining ma'rifiy-madaniy tarbiyasida tabarruk qadriyatlarimiz imkoniyatlari, buyuk ma'naviy-ma'rifiy merosimizdan foydalanish jarayonida Din ishlari bo'yicha qo'mita, O'zbekiston Musulmonlari idorasi, Yoshlar, Xotin-qizlar va boshqa jamoatchilik tashkilotlari faoliyat olib bormoqdalar. Umid qilamizki, barcha sa'y-harakatlar o'zining ijobiy natijalarini, albatta, beradi. Yoshlar tarbiyasiga barcha mas'ul hamkasblarimizni, yoshlarimizning o'zlarini dinimiz tarixi, milliy-diniy va madaniy an'analarimizni chuqurroq o'rganish, ulardan ma'rifiy-tarbiyaviy maqsadlarda faolroq foydalanishni taklif qilgan bo'lardim.

Hozirgi kunda butun dunyoda globalashuv, madaniyatlar aralashuvi jarayoni kechmoqda. Bu murakkab jarayon nafaqat yoshlarga, balki kattalar dunyoqarashiga ham ta'sir etyapti. Bir tomondan, axborot texnologiyalari kundalik hayotimizga shu qadar shiddat bilan kirib kelyaptiki, buni har qanday raqamlarsiz ham kuzatishimiz mumkin.

Yoshlarda kuchli fuqarolik pozitsiyasini shakllantirishda, afsuski, amaliyotda quyidagi muammolar ko'zga tashlanmoqda. Tarbiya jarayoni va bunda ota-ona tomonidan yo'l qo'yilayotgan mas'uliyatsizlik. Afsuski, bugun ayrim oilalarda ota o'z bolasi uchun ideal shaxs sifatida gavdalanmay qo'ygan. Ko'rib turibmizki, ayni paytda, dunyo iqtisodiyotida innovatsion texnologiyalarning ulushi tobora ortib bormoqda. Shu bois yoshlarning innovatsion g'oya va tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash borasidagi ishlarni kuchaytirish, avvalo, mazkur yo'nalishdagi qonun hujjatlarini takomillashtirish masalasi qonun ijodkorlari oldiga katta mas'uliyat yuklamoqda. Bunda, ayniqsa, tadqiqot ishlari bilan mashg'ul, yangi zamonaviy loyihalar ustida ishlayotgan izlanuvchan, iqtidorli yoshlarni yanada rag'batlantirish, innovatsion texnologiyalarni iqtisodiyot tarmoqlariga keng jalb etishda ularning salohiyatidan to'g'ri va samarali foydalanish, eng muhimi, aholining eng harakatchan, serg'ayrat qatlami vakillarining imkoniyatini to'g'ri baholash masalalarida amaldagi qonun hujjatlarini qayta ko'rib chiqish va takomillashtirish ustuvor vazifa deb o'ylayman. Mamlakatimizda yoshlar jamiyatda o'z o'rnini topishida ularni jismonan baquvvat va aqlan barkamol qilib tarbiyalash, turli xavf-xatarlardan asrashda jamoatchilik nazoratiga e'tibor qaratilib kelmoqda.

Bolalarimizni birovlarining qo'liga berib qo'ymasdan, ularni o'zimiz tarbiyalashimiz lozim. Buning uchun yoshlarimiz bilan ko'proq gaplashish, ularning qalbiga quloq solish, dardini bilish, muammolarini yechish uchun amaliy ko'mak berishimiz kerak. Bu borada uyushmagan yoshlar bilan ishlashga alohida e'tibor qaratishimiz zarur. Bundan ko'rinadiki, yoshlarning ijtimoiy faollik pozitsiyasini oshirishda ularning ta'lim-tarbiyasiga ahamiyat qaratmoq lozim. Bugungi kunda falsafiy tafakkurning yangilanishi har bir jamiyat a'zosining ijtimoiy qiyofasi, ruhiy dunyosi, maqsad va ehtiyojlarining o'zgarishi barobarida jamiyat tafakkurining o'zgarishida namoyon bo'lmoqda.

Yoshlarning mafkuraviy immunitetini shakllantirish, ularning dunyoqarashini tarbiyalash va dunyoga munosabatini takomillashtirib borish bugungi kunning dolzarb masalalari qatoriga kiradi, chunki yosh avlod ertangi kunimiz davomchilaridir.

Shu ma'noda, yoshlarda ijtimoiy faollik pozitsiyasini shakllantirishda falsafa va uning roli hamda ahamiyati xususida to'xtalib o'tar ekanmiz, uning quyidagi jihatlari ahamiyatga molik:

◆birinchidan, falsafiy bilimlar bilan oziqlangan yoshlarda falsafiy dunyoqarash, ijtimoiy faollik pozitsiyasi shakllanadi, ularda olamga, voqea-hodisalarga, atrofini o‘rab turgan jamiyat a‘zolariga bo‘lgan ongli munosabat shakllanadi;

◆ikkinchidan, yoshlarda falsafiy bilimlar natijasida har qanday muammoli vaziyatlarda ham o‘zini o‘zi boshqara olish qobiliyati rivojlanib, o‘tib boradi;

Yoshlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirishda, ularning zamonaviy madaniy qiyofasini shakllantirishda, avvalo, ko‘plab islohotlar amalga oshirilayotganligini inobatga oladigan bo‘lsak, bu borada hali o‘z yechimini kutayotgan masalalar ham mavjud. O‘z o‘rnida ushbu masalalarni hal etishda buyuk ajdodlarimizdan meros bo‘lib qolgan nodir qo‘lyozmalarda yozilgan ilmiy-falsafiy meroslardan to‘g‘ri va samarali foydalanish maqsadga muvofiq. Zero, ertangi porloq kelajagimizni barpo etishda salohiyatli yoshlarni tarbiyalash dolzarb ahamiyat kasb etuvchi doimiy masalaga aylanmog‘i darkor.

Yoshlarning madaniy va axloqiy tarbiyasi yosh avlodda an‘anaviy qadriyatlarga hurmatni kuchaytirishga chaqiriladi. Yoshlarning ma‘naviy va axloqiy tarbiyasi faol faoliyat shaklida yaxshi tashkil etilgan. O‘z hududingizni obodonlashtirish, bolalar va qariyalarga yordam berish, tarixiy rekonstruksiya o‘yinlarida qatnashish yoshlarga yuqori axloqiy ideallarga qo‘shilishga imkon beradi. Yoshlarning ma‘naviy va axloqiy tarbiyasi imkon qadar samimiylilik bilan olib borilishi kerak. Agar tadbirlar faqat “namoyish uchun” tashkil etilsa, ular yaxshilikdan ko‘ra ko‘proq zarar yetkazishi mumkin.

Menimcha, yoshlarning ma‘naviy-axloqiy tarbiyasi muammosining dolzarbligi ayon. Yoshlik – bu butun insoniyatning kelajagi, shuning uchun yoshlar muammolari umumbashariy muammolar sifatida ko‘rib chiqilishi kerak.

Qadimgi zamonlardan beri dunyoda bitta oddiy haqiqat bor: “insoniyatning kelajagi – yoshlar bilan” va yoshlar 16 yoshdan 30 yoshgacha bo‘lganligi sababli, bu yosh avlodning muammolari umumbashariy muammolar ekanligini anglatadi. Ba‘zi narsalarda va savollarda zamonaviy yoshlarning ko‘plab namoyishlari katta avlodni hayratda qoldiradi.¹ Bu, birinchi navbatda, madaniyat darajasiga, jamiyatdagi o‘zini tutish qoidalariga, odob-axloq qoidalariga taalluqlidir va bu katta avlodga savol tug‘diradi, nega bunday oddiy haqiqatlar noma‘lum va buni qanday qilib bilolmaysiz?

Bugungi kunda yoshlarni ma‘naviy-axloqiy tarbiyalash masalasi juda dolzarbdir, chunki zamonaviy dunyoda inson ijobiy va salbiy kabi turli xil kuchli ta‘sir manbalari bilan o‘rab olingan va rivojlanmoqda (bu, birinchi navbatda, aloqa va axborot vositalari, uyushmagan ekologik hodisalar). Madaniyat umuminsoniy qadriyatlarni hurmat qilishda, foydali narsalarga intilishda namoyon bo‘ladi. Axloqiy me‘yorlarni hurmat qiladigan kishi ma‘lum ma‘naviy qadriyatlar va maqsadlarga rioya qiladi. Uning harakatlarida halollik, yaxshi niyat, rahm-shafqat kuzatiladi.

Yosh avlodning ichki madaniyatdan, avlodlarning ijtimoiy-tarixiy tajribasidan voz kechishi bizning davrimizning jiddiy muammosidir. Bolalarda madaniy meros haqida tushunchani rivojlantirish va unga maktabgacha yoshdan boshlab ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo‘lish kerak. Bugungi kunda har qanchogidan ko‘ra muntazam ravishda ma‘naviy-axloqiy tarbiyani tashkil etish dolzarb bo‘lib, hayotning birinchi yillaridan boshlab, ta‘lim tizimi yosh avlodning dolzarb muammolari bo‘yicha o‘zaro munosabati: bolalarga mehr qo‘yganlarning ichki madaniyatini tiklash, an‘anaviy mavzularni ishlab chiqish muhitiga yaqin muhitni yaratish zarur.

Mamlakatimizning kelajagi bo‘lmish yoshlarimizni har tomonlama yetuk, bilimli, salohiyatli shaxs, komil inson sifatida tarbiyalash masalasiga bugungi kunda ham o‘ziga xos tarzda, zamonaviy usullar asosida yondashilmoqda, ularning barcha huquq va erkinliklari, imkoniyat va manfaatlarini himoya qilishda tashkiliy-huquqiy asoslar zamon bilan hamnafas takomillashib bormoqda. Zero, masofaviy ta‘lim, onlayn rejimida uzluksiz tashkil etilgan holda yoshlarning bilim olish huquqini ta‘limda ta‘minlaganining o‘zi O‘zbekistonning bugun yoshlarga berayotgan ta‘lim-tarbiya va ko‘rsatilayotgan g‘amxo‘rlik, e‘tiborning amaliy ifodasidir.

Shu bois ham yoshlar barcha davrlarda jamiyatning faol qatlami sifatida e‘tirof etib kelingan. Sharq Uyg‘onish davrida ham, jadidlar faoliyatida ham, jamiyatning yangilanishida yoshlarning o‘rni beqiyos bo‘lgan. Shu jihatdan muntazam shakllanib boruvchi bu qatlam doimiy yo‘naltirib va qo‘llab-quvvatlab turishni talab etadi. Bu esa davlat tomonidan yoshlarning mamlakat manfaatlarini yo‘lida erkin ijtimoiylashuvi va o‘zini samarali namoyon etishi uchun maqbul sharoit va imkoniyat yaratish hamda yoshlarni qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan chora-tadbirlar tizimi yoshlarga oid davlat siyosatini anglatadi.

¹Bagashev A. Yoshlarni ma‘naviy-axloqiy tarbiyasi // Maktab o‘quvchilari tarbiyasi. - 2008. - № 9. - S. 10-13;

Эгамназарова Дурдона Шухратиллаевна (Андижон Давлат университети ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD); e-mail: durdona-e@mail.ru)
ЭКСПРЕССИВЛИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ ЁНДАШ ҲОДИСАЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ
МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада прагмалингвистиканинг энг баҳс-мунозарали масалаларидан бири экспрессивликнинг турли хил тавсиф ва ўзига хос талқинлари ҳақида сўз боради. Экспрессивлик категориясига ёндаш ҳодисалар бўлмиш эмоционаллик, баҳо ва интенсивлик категориялари бора-сида турли қарашлар ва ёндашувлар таҳлили ва улар асосида олинган хулосалар ҳавола этилади.

Аннотация. В статье идёт речь об одном из самых дискуссионных вопросов прагмалингвистики – различные описания и специфические интерпретации экспрессивности. Представлен анализ различных взглядов и подходов к категориям эмоциональности, оценки и интенсивности, которые являются феноменами, относящимися к категории экспрессивности, и выводы сделанные на их основе.

Annotation. The article discusses different descriptions and specific interpretations of expressiveness, one of the most vexed issues in pragmalinguistics. An analysis of different views and approaches to the categories of emotionality, evaluation and intensity, which are phenomena related to the category of expressiveness and the conclusions based on them are presented.

Калим сўзлар: экспрессивлик, эмоционаллик, объектив баҳо, субъектив баҳо, коммуникатив интенция, меъёр, интенсивлик.

Ключевые слова: экспрессивность, эмоциональность, объективная оценка, субъективная оценка, коммуникативная интенция, норма, интенсивность.

Keywords: expressiveness, emotionality, objective evaluation, subjective evaluation, communicative intention, norm, intensity.

Лисон ўз коммуникатив вазифасини бажарар экан, нафақат ўй-фикр, балки ҳис-туйғу ва майл ифодаси учун ҳам хизмат қилади. Мантиқ инсоннинг интеллектуал фаолияти сифатида ташқи таъсирга нисбатан эмоционал реакция билан узвий алоқадаги категориядир: инсон табиат ва жамият билан алоқага киришар экан, унда юз бераётган ҳодисаларни англаш билан бирга, ўз муносабатини ҳам ифодалайди; онг муайян ҳодисаларни объектив аксини кўра олса-да, субъектив-эмоционалликка шунчалик мойилки, аслиятнинг ўзгача талқини юзага чиқишига сабаб бўлиши ҳам мумкин, яъни, Е.М.Галкина-Федорук таърифи билан айтганда, субъектив баҳо камайгани сари ҳақиқатга яқинлашиш кузатилади.¹ Бироқ, тан олиш керакки, инсониятга инъом этилган ҳис-туйғу ва майл унинг аслиятни англашидаги энг муҳим омил ҳамдир. Дарҳақиқат, инсоннинг ақлий, ҳиссий ва ихтиёрий фаолияти сингари психологик-фалсафий триаданинг ажралмас табиатга эга эканлигини инкор этолмаймиз: улар, тенг даражада бўлмаса-да, ҳамкорликда юзага чиқади. Лисондаги эмоционал ва интеллектуал белгиларнинг ҳисобга олинмаслиги барча сатҳларда чалкашликларга олиб келиши, натижада коммуникатив интенциянинг муваффақиятига салбий таъсир кўрсатиши, табиий.²

Экспрессивлик категорияси тилшунослик нуктаи назаридан, ҳар доим баҳс-мунозарали масалалардан бири бўлиб келган. Бу шундан далолат берадики, мазкур ҳодиса борасида ягона таърифий ва тавсифий тўхтамга келинган эмас. Ю.М.Скрёбнев таърифи билан айтганда, «экспрессивлик тушунчаси устида ҳар бир услубшунос эмпирик аниқлик билан амалиёт олиб боради, бироқ, экспрессивлик атамаси, лингвистиканинг бошқа бир қатор терминлари сингари умумий қабул қилинган таркибга эга эмас ва онтологик жиҳатдан ноаниқ кўламга эга бўлган тушунчалар қаторидан ўрин олган».³

¹ Галкина-Федорук Е.М. Об экспрессивности и эмоциональности в языке. Сб. ст. по языкознанию. Профессору Московского ун-та академику В.В.Виноградову в день его 60-летия. М., изд-во Моск. ун-та, 1958.

² Галкина-Федорук Е. М. Кўрс.манба.

³ Скрёбнев Ю.М. Возникновение и становление языковой экспрессии. Проблемы экспрессивной стилистики. Вып.2. Отв. ред. Т.Г.Хаззагерев. Ростов-на-Дону, 1992, с. 19.

Шундай қилиб, тилшуносликда экспрессивлик категорияси масаласида турли-туман қарашлар мавжуд бўлиб, адабиётларда тадқиқотимиз объекти бўлмиш ҳиссий-экспрессив бўёқдорликни ҳосил қилувчи воситаларни тавсифлашга бўлган қуйидаги таърифлари келтирилган:

1. Экспрессив қурилма деганда хабар мазмунига аффектив нюанс юклаб, мантикий тартибнинг бузилишига олиб келувчи бирликлар жамланмаси тушунилади.¹

2. Баъзи тадқиқотларда экспрессивлик остида тил бирликларининг адресатга нисбатан таъсир ўтказиш функциясини тушунилади.²

3. Экспрессия лисоний элементнинг баҳо ва ифодалилик табиатини ташкил қилади. Хабарнинг нейтрал кўриниши экспрессивликка қарама-қарши қўйилса, ижобий баҳо категорияси салбий ҳақоратомуз экспрессия билан оппозитивдир. Шунингдек, нутқнинг патетик, эркалов, ироник, ҳақоратомуз оттенкалари билан бўёқдорликка эга бўлиши ҳам баҳо экспрессияси ҳисобланади.³

4. О.В.Александрова, Е.В.Губенко, В.Н.Гридин, Розенталь каби тадқиқотчилар экспрессивликни субъектив модаллик категорияси билан боғлаб таърифлайдилар. Уларнинг қарашларида экспрессивлик «коммуникатив акт жараёнида сўзловчи/муаллифнинг хабар мазмуни ёки адресатга нисбатан субъектив муносабат ифодаси учун хизмат қилувчи семантик ва стилистик бирликлар жамланмаси» сифатида талқин қилинади.⁴ В.Н.Телия ҳам ушбу категорияни субъектив модаллик билан боғлаб ўрганишни таклиф қилади: унинг фикрича, тил бирликларининг экспрессив вазифаси субъектив модалликни ифодалашдан иборатдир. Олим субъектив модалликнинг қуйидаги кўринишларга ажратади:

- ифода планига ижобий ёки салбий эмоционал муносабатни юкловчи модаллик;
- ифода планига квалификатив-баҳо муносабати;
- ифода планига ижтимоий реакцияни юкловчи модаллик.⁵

О.В.Александрова экспрессивликнинг таъсир ўтказа олиш хусусиятига эътибор қаратади: «Экспрессивлик у ёки бу хабар мазмунини субъектив йўсинда ифодалаш санъати бўлибгина қолмай, энг аввало, инсоннинг ҳис-туйғулари, кечинмаларини акс эттира олиш ва хабар мазмунига нисбатан эмоционал реакция уйғотиш ҳамдир».⁶ Е.Е.Егоршина ва Е.В.Самсонова, экспрессивликни ифодалилик ва образлиликнинг интенсив берилиши, «яратилган асарнинг таъсир кучини орттирилиши»⁷ сифатида талқин қилсалар, Гальперин «жумланинг муайян қисмларини эмоционал ёки мантикий планда кучайтириш», Арнольд эса «xabарнинг таъсир кучини орттириб берилиши»⁸ сифатида кўрадилар. Н.А.Лукьянова масалага интенсивлик ва эмоционаллик категориялари билан бир узвда ёндашади ва «лексик бирликнинг реал предметнинг сифатий ва микдорий табиатини ак-

¹ Bally, Ch. Précis de stylistique. Genève: A. Eggimann & Cie librairies – éditeurs, 1905, p. 148; Доза А. История французского языка. Пер. с фр. Под ред. и с предисл. М.С.Гурычевой. М., Едиториал УРСС, 2003, с. 370

² Долинин К.А. Стилистика французского языка. М., “Просвещение”, 1987, с. 116; Кругликова Л.Е. Структура лексического и фразеологического значения. Учеб. пособие, М., “Наука”, 1988, с. 53; Кругликова Л.Е. Структура лексического и фразеологического значения. Учеб. пособие, М., “Наука”, 1988, с. 21.

³Пиотровский Р.Г. Очерки по стилистике французского языка. Морфология и синтаксис. Л., Типография №1 «Печатный двор» им. А.М.Горького, 1960, с. 23.

⁴ Александрова О.В. Проблемы экспрессивного синтаксиса (на материале английского языка). М., “Высшая школа”, 1984, с. 45; Губенко Е.В. Экспрессивность средств выражения утверждения и отрицания в языке подлинника и переводов романов Э.М.Ремарка. Автореф. дис. ...канд. филол. наук, Краснодар, 2006, с. 3; Гридин В.Н. Экспрессивность. Лингвистический энциклопедический словарь. Гл. ред. В.Н.Ярцева. М., “Советская энциклопедия”, 1990, с. 591; Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. М., “Просвещение”, 1976, с. 591.

⁵ Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. М., Школа «Языки русской культуры», 1996, с. 308.

⁶ Александрова О.В. Кўрсатилган манба. 308-бет.

⁷ Егоршина Е.Е. Прагмалингвистические особенности лексических усилителей в современном немецком языке. Автореф. дис. ...канд. филол. наук, Пензенский гос. ун-т, Пенза, 1997, с. 7; Самсонова Е.В. Национально-культурный компонент экспрессивности в языке австралийской художественной прозы. Дис. ...канд. филол. наук. М., 2000, с. 47.

⁸ Арнольд И.В. Интерпретация художественного текста. Типы выдвижения и проблема экспрессивности. Экспрессивные средства английского языка. Л., ЛГПИ имени А.И.Герцена, 1975, с. 11 – 20.

туаллаштириш, унинг номдош бошқа предметлар фонида ажратиш кўрсатиш ва сўзловчи томонидан унга эмоционал баҳо бериш имконияти билан боғлиқ бўлган хусусияти» сифатида кўради.¹

Шундай қилиб, замонавий тилшуносликда экспрессивликнинг куйидаги талқинлари мавжуд:

- 1) мантиқийликнинг бузилиши билан характерланувчи аффектив ҳолат;
- 2) адресатга таъсир ўтказиш куч;
- 3) баҳо ва ифода хусусияти;
- 4) хабар мазмунига нисбатан субъектив муносабат ифодаси;
- 5) тил белгилари интенсификацияси;
- 6) предметнинг сифат ва микдор хусусиятларининг актуаллашуви ва эмоционал баҳо ифодаси.

Юқоридаги таҳлилларга асосланиб, экспрессивлик ниҳоятда серқирра, кенг камровли ва кўплаб ёндаш ҳодисалар билан бирга актуаллашувчи категория эканлигидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, экспрессивлик – хабар мазмунининг таъсир доирасини орттириш, унинг ифода планига образлилик, ҳиссий бўёқдорлик, интенсификация юклаш, жумланинг муайян компонентларига диққатни тортиш, актуаллаштириш, шу орқали адресатга адресант мўлжаллаган коммуникатив интенцияни муваффақиятли етиб боришини таъминлашда хизмат қилувчи категория сифатида қарашимиз мумкин.

Экспрессивлик лисоний ҳодиса сифатида эмоционаллик, интенсификация ва баҳо категориялари билан узвий боғланганлиги уларнинг тадқиқотимиз объекти билан муносабати доирасини кўриб чиқишни талаб этади.

Экспрессивлик ва эмоционаллик категорияси ҳақида сўз борар экан, айтиш жоизки, улар бир-бирини тўлдирувчи, интерпенетрацион категориялардир. Эмоционаллик субъектнинг ҳиссий-тарғабларга берилиш, ўз хатти-ҳаракатларига ҳиссий бўёқ бериш хусусиятидир.² В.В.Виноградов мазкур икки категорияни ажратиш тарафдори эмаслигини таъкидлайди: «Эмоционал ва экспрессив юкломаларни бир-биридан фарқлаш мушкул, чуеки ҳар иккиси ҳам муайян маънонинг ифода планини кучайтиришга хизмат қилади.³ Шунингдек, К.Бюлер ва И.П.Сусов сингари тадқиқотчилар ҳам ушбу ҳодисаларнинг бир хил вазифа бажаришларини уқтирган ҳолда Виноградовнинг фикрига кўшиладилар.⁴ Экспрессивлик ва эмоционалликнинг табиати хабарнинг интенционаллик аспектининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан боғлиқ эканлиги тўғрисида қарашлар ҳам мавжуд. Масалан, О.Шнайдер-Вернер турли синтактик курилмалар устида изланиш олиб борар экан, шундай ҳулосага келадикки, гапда сўзнинг экспрессив тартибидан оғишилганда эмоционаллик юзага келади. Тилшунос эмоционалликнинг икки хил шаклини ажратади: реципиент томонидан қабул қилинувчи шакли ва сўзловчи/муаллиф томонидан йўналган коммуникатив интенциядан ҳоли экспрессив ёки интенционалликка эга экспрессив шакл.⁵ Н.Ю.Горячева ҳам масалага интенционаллик нуқтаи назаридан ёндашади, бироқ ҳар иккисининг ўртасига чегаралов қўяди. Унинг фикрига кўра, интенционаллик экспрессивликни, унинг акси эса эмоционалликни келтириб чиқаради, яъни, эмоционаллик сўзловчи/муаллифнинг ички руҳий ҳолатининг акси сифатида намоён бўлса, экспрессивлик коммуникатив интенцияни кучайтириш воситасидир.⁶

Демак, экспрессивлик ва эмоционаллик категориялари бир-биридан ажралмас ҳисоблансада, мулоқот жараёнида куйидаги фарқли вазифаларни бажарадилар:

¹ Лукьянова Н.А. О семантике эмоционально-оценочных слов русского языка. Семантическая структура слова. Кемерово, изд-во Кемеровского ун-та, 1984, с. 72 – 80.

² Губенко Е.В. Экспрессивность средств выражения утверждения и отрицания в языке подлинника и переводов романов Э.М. Ремарка. Автореф. дис. ... канд. филол. наук, Краснодар, 2006, с. 11.

³ Виноградов В.В. Грамматика русского языка. Ред. кол. акад. В.В.Виноградов и др. М., изд-во Акад. наук СССР, 1952, с. 427.

⁴ Бюлер К. Теория языка. Репрезентативная функция языка. М., “Прогресс”, 1993, с. 34; Сусов, И.П. Формальные и семантические аспекты предложения. Теоретические проблемы синтаксиса современных индоевропейских языков. Л., “Наука”, 1975, с. 61 – 88.

⁵ Schneider-Verner O. Ecart émotionnel ou syntaxe expressive? Les lettres privées dans les procès en sorcellerie dans l'Allemagne du XVIIe siècle (электрон манба). Ecart et expressivité. Nancy, 2008, p. 28–31 URL:http://www.univ-nancy2.fr/recherche/actualites/08-09/atif_programme

⁶ Горячева Н.Ю. Некоторые особенности реализации просодической категории выделенности в спонтанном звучащем тексте. Автореф. дис. ...канд. филол. наук, М., 1999, с. 17.

1) эмоционаллик воқеликни ҳиссий баҳолаш вазифасини бажарса, экспрессивлик – реципиентга ифода кучи орқали мақсадли таъсир ўтказиш ҳисобланади;

2) эмоционаллик тил бирликлари услубий маъносининг таркибий қисми бўлса, экспрессивлик ўша тил белгисида мужассам хабар мазмунининг реципиент томонидан қабул қилиниш табиатини аниқлайди; Эмоционал коннотациянинг мавжудлиги, одатда, экспрессивликни жалб қилади, бироқ экспрессивлик эмоционалликни жалб қила олмайди. Экспрессивликнинг кўлами эмоционалликнидан анча кенг, шу сабабли у тилда прагматик табиат билан воқеаланади;¹

3) экспрессив ҳисобланган ҳар қандай қурилма эмоционал ҳамдир, бироқ ҳар қандай эмоционаллик экспрессив бўла олмайди.²

Экспрессия эмоциянинг икки тури ўртасидаги оралиқ категориядир: муаллиф/сўзловчи эмоцияси ва реципиентники. Реципиентга мулоқот жараёнида ҳосил бўлган экспрессия нотўғри етиб бориши ҳам мумкин, яъни, аслий (бирламчи) экспрессия реципиентга етиб боргунича ўзгариб, иккиламчи экспрессияни ҳосил қилиши мумкин.

Демак, эмоционаллик, аввало, руҳий категория бўлса, экспрессивлик унинг асносида юзага чиқувчи прагматик категориядир.

Экспрессивлик ҳақида сўз борар экан, кўплаб тилшунослар уни баҳо категорияси билан³, бошқалари эмоционаллик категорияси билан боғлайдилар.⁴

Баҳо категорияси бошқа лингвопрагматик ҳодисалар сингари кенг қамровли ва бахсталаб, шу сабабга кўра ҳам турли ёндашувлар асосида тавсифланувчи категориядир. Бир гуруҳ олимлар баҳони сўзловчи/муаллифнинг гап кетаётган предметга нисбатан муносабати, субъектив модаллик деб ҳисобласалар,⁵ бошқалари «субъектнинг объектга нисбатан қабул қилинган муайян меъёрга мувофиқлик нуктаи назаридан реакцияси» сифатида баҳолайдилар.⁶ Адабиётларда баҳо категориясининг икки хил кўриниши ажратилади: рационал (объектив) ва эмоционал (субъектив). Уларнинг иккаласи ҳам ижобий ёки салбий муносабат ифодаси сифатида юзага чиқиши мумкин.⁷ Рационал (объектив) баҳо категориясига техник, аксиологик (тўғрилиқ ёки нотўғрилиқ тамойили), этик, миқдорий, сифатий, эпистомологик баҳо қабилар тааллуқли бўлса, субъектив баҳо сенсор (ёқимлилик ёки ёқимсизлик), эстетик (чиройлилик, хунуқлик) қабилар хосдир.⁸ В.Г.Гак баҳони тўртта компонентга ажратади: баҳо бераётган субъект, баҳо қаратилган объект, баҳо мазмуни ва меъёр.⁹

¹ Арнольд И.В. Интерпретация художественного текста: Типы выдвижения и проблема экспрессивности. Экспрессивные средства английского языка. Л., ЛГПИ имени А.И. Герцена, 1975, с. 11 – 20.

² Тошович Б. Экспрессивный синтаксис глагола русского и сербского/хорватского языков. М., Языки славянской культуры, 2006, с. 17.

³ Колбукова И.В. Принципы и методы представления экспрессивной семантики слова в двуязычном словаре. Автореф. дис...канд. филол. наук, М., 2007, с. 31; Харченко В.К. Разграничение оценочности, образности, экспрессии и эмоциональности в семантике слова. “Русский язык в школе”, 1976, №3, с. 66 –71; Шаховский В.И. Проблема разграничения экспрессивности и эмотивности как семантической категории лингвостилистики. Проблемы семасиологии и лингвостилистики. 1975, вып. 2, с. 3 –25.

⁴ Вардзелашвили Ж.А. Коннотация и ее роль в метафоризации. Славистика в Грузии. 2000, вып.2, с. 18 – 23; Вольф, Е.М. Функциональная семантика оценки. Отв. ред. Г.В.Степанов. М., “Наука”, 1985, с. 37; Лукьянова Н.А. О семантике эмоционально-оценочных слов русского языка. Семантическая структура слова. Кемерово, изд-во Кемеровского ун-та, 1984, с. 72 – 80.

⁵ Харченко В.К. Разграничение оценочности, образности, экспрессии и эмоциональности в семантике слова. “Русский язык в школе”, 1976, №3, с. 66–71; Прищепчук, С.А. Структурно-семантические и функциональные особенности категории оценки в аспекте ее реализации при переводе политического дискурса. Вестник Северо-Кавказского государственного технического ун-та. Гуманитарные науки. 2008, №6, с. 192 – 196.

⁶ Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. М., “Добросвет”, 2004, с. 332.

⁷ Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл: логико-семантические проблемы. М., “Наука”, 2003; Брандес, М.П. Стилистика текста. Теоретический курс. Учебник, М., “Прогресс-Традиция”, ИНФРА-М, 2004; Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. Отв. ред. Г.В.Степанов. М., “Наука”, 1985; Лукьянова Н.А. О семантике эмоционально-оценочных слов русского языка. Семантическая структура слова. Кемерово, изд-во Кемеровского ун-та, 1984, с 72–80; Сковородников А.П., Копнина Г.А. Оценочность. Речевое общение (Теоретические и прикладные аспекты речевого общения). Специализированный вестник. 2006, вып. 8–9 (16-17), с. 174 –180.

⁸ Гак В.Г. Кўрсатилган манба. 376-бет.

⁹ Гак В.Г. Кўрсатилган манба. 377-бет.


Кўринадики, баҳо эмоционаллик категорияси билан узвий боғланган бўлиб, экспрессивликни ташкил қилувчи бирликлар ҳисобланади ва нутқнинг экспрессивлигини оширувчи воситалар орқали ифодланади.

Интенсивлик масалаларига бағишланган кўплаб адабиётларда ушбу категория қабул қилинган муайян меъёрлардан фарқли ёки оғишган вазиятларда қўлланилиши таъкидланади¹. Масалан, К.Ромеро назарида интенсивлик: «...X ҳодисанинг унга нисбатан олинган $x1$ ва $x2$ вазиятлар орасида меъёрдан оғишидир».² Ҳар қандай мезонлардан оғишиш ҳолати бир вақтнинг ўзида ҳам амплитуда (миқдорнинг меъёрдан оғиши), ҳам контрастни (сифатнинг меъёрдан оғиши) келтириб чиқаради. Амплитуда кўпинча гипербола, оксюморон, парадокс, антитеза, контраст эса ирония, сарказм, танбеҳ каби услубий воситалар учун асос бўлади.³

Яна бир гуруҳ тадқиқотчилар интенсивликни экспрессивликнинг хос хусусияти сифатида миқдорий меъёрдан ортиш ҳолатни ифодаловчи категория сифатида баҳолайдилар, яъни экспрессивлик объектнинг сифатий планига, интенсивлик эса миқдорий планига тегишли эканлиги назарда тутилади.⁴ Шунинг учун ҳам интенсивлик даражаланувчи лисоний категория сифатида тадқиқ қилинади. Е.М.Галкина-Федорук, Е.Н.Сергеева ва В.И.Болотов сингари тилшунослар интенсивлик экспрессивликнинг ҳосиласи эканлигини таъкидлайдилар.⁵

Кўринадики, интенсивлик категориясига экспрессивлик асосида ҳосил бўлувчи ва муайян меъёрдан сифатий ёки миқдорий оғишишни ифодаловчи, экспрессивликнинг даражаланиши билан боғлиқ бўлган ҳодиса сифатида қараш мумкин.

Юқоридаги таҳлиллар асосида эмоционаллик, баҳо ва интенсивлик категорияларининг экспрессивлик билан бевосита муносабатини қуйидагича визуал тартибда тасвирлаш мумкин:



Хулоса қилиш мумкинки, экспрессивлик эмоционаллик, баҳо ва интенсивлик каби ёндош категориялар билан чамбарчас алоқада бўлган ҳодисадир. Эмоционалликка, аввало, руҳий категория сифатида экспрессивликнинг воқеаланиши учун юзага келган мотив сифатида қараш мумкин; баҳо эса рационал ёки эмоционал табиатга эга бўлган категория бўлиб, эмоционаллик ва экспрессивлик ўртасидаги оралик ҳодиса; интенсивлик эса экспрессивликнинг ҳосиласи сифатида унинг даража ва йўналиш кўрсаткичлари (интенсификация ва деинтенсификация) учун хизмат қилувчи вербал ва новербал воситалар жамланмасидир.

¹ Балли Ш. Французская стилистика. М., изд-во иностр. литературы, 1961, с. 202.

² Romero C. Pour une définition générale de l'intensité dans le langage. Travaux de linguistique. La scalarité: autant de moyens d'expression, autant d'effet de sens, Bruxelles: Ed. P.Hadernann, M. Pierrard et D. van Raemdonck, 2007, p. 57 – 68.

³ Romero C. Кўрсатилган манба. 63-бет.

⁴ Вахитова Г.В. Способы передачи внутренней экспрессивности текста (на материале юридической литературы на русском и английском языках). Автореф. дис. ...канд. филол. наук, Уфа, 2007; Галеева И.Ф. Интенсивность и экспрессивность как основные характеристики рекламного текста. Критерии их разграничения (электрон манба). Вестник ТИСБИ. 2002, № 4, URL: http://www.tisbi.ru/science/vestnik/2002/issue4/Fil6_1.html; Туранский И.И. Семантическая категория интенсивности в английском языке. М., "Высшая школа", 1990; Болотов, В.И. Основы эмотивной стилистики текста. Ташкент, "Фан", 1981, с. 69; Сергеева Е.Н. Абсолютная степень интенсивности качества и ее выражение в английском языке. Проблемы лингвистического анализа. Фонология. Грамматика. Лексикология. М., "Наука", 1966, с. 69 – 83.

⁵ Галкина-Федорук Е.М. Об экспрессивности и эмоциональности в языке. Сб. ст. по языкознанию. Профессору Московского университета акад. В.В.Виноградову. М., изд-во Моск. ун-та, 1958, с. 103 – 124.

Атаджанова Нодирабегим Насимхўжа қизи (Муқимий номидаги Қўқон Давлат Педагогика институти Хорижий тиллар факультети инглиз тили ва адабиёти кафедраси эркин тадқиқотчиси, инглиз тили ва адабиёти кафедраси инглиз тили ўқитувчиси; mail: Angelina0705n@gmail.com)
ИЖТИМОЙ ГУРУҲГА МАНСУБЛИК ФЕНОМЕНИ – ТИЛШУНОСЛИК ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Аннотация. Ушбу мақолада мулоқот муҳитида “ижтимоий гуруҳга мансублик” тушунчаси илк бор тилшунослик объекти сифатида тадқиқ қилинди. Тушунчанинг дунё миқёсида ва ўзбек илмий доирасида ўрганилишига муносабат билдирилди.

Аннотация. В статье понятие «принадлежность к социальной группе» в коммуникативной среде впервые было исследовано как объект лингвистики. Была реакция на изучение концепции в мировом масштабе и в узбекском научном сообществе.

Annotation. In this article, the concept of “belonging to a social group” was first explored as an object of linguistics in a communicative environment. There was a reaction to the study of the concept on a global scale and in the Uzbek scientific community.

Калим сўзлар: ижтимоий гуруҳ, шахс, шахсият, мансублик, ўзаро мувофиқлик, расмий, норасмий, этник мансублик, миллий мансублик, мавқе, мансублик инқирози.

Ключевые слова: социальная группа, личность, личностный, принадлежность, совместимость, формальная, неформальная, этническая принадлежность, национальная принадлежность, статус, кризис аффилированности.

Keywords: social group, person, personality, affiliation, compatibility, formal, informal, ethnic affiliation, national affiliation, status, affiliation crisis.

Инсон шахс сифатида, аввало, оила муҳитида, кейинроқ бошқа ижтимоий гуруҳлар таркибидаги шахслараро муносабатлар жараёнида ва бу муносабатларнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда шаклланади. Ўз навбатида, шахслараро муносабатларда шахс сифатида ўзининг бошқаларга нисбатан шахсий ҳис-туйғулари, хулқ-атвори, фаҳм-фаросати, ақл-заковати каби индивидуал хусусиятлари, шунингдек, муайян жамиятда тартибланган хулқ-атвор меъёрлари ва қадриятлар стереотипларини ўзлаштириш даражаси, жумладан, мулоқот хулқи билан намоён бўлади.

Ўзбек тилшунослигида тил ташувчисининг муайян бир ижтимоий гуруҳга, одамларнинг маълум бир тоифасига мансублиги унинг гапириш усулида, тил бирликлари, хусусан, хос лексемалар, нутқий этикет, мулоқот хулқи элементларини қўллаши жараёнида акс этиши муаммосининг айрим жиҳатларига бошқа масалалар таркибида эътибор қаратилган. Хусусан, Ш.Искандарова аёллар нутқида учрайдиган хос лисоний бирликларни,¹ Ф.Мусаева ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланиши² кабиларни тадқиқ қилган. Ўзбек ва бошқа тилларда гендер мансубликка оид қарашлар тавсифий ва қиёсий характерда очиб берилган ишлар³ қаторида М.Расулованинг тадқиқотлари алоҳида ўрин тутади.⁴ Аммо ўзбек мулоқотида муайян ижтимоий гуруҳга мансублик (кейинги ўринларда “мансублик” атамаси қўлланади) масаласи махсус, тўлалигича ўрганилмаган.

Аввало, тушунчанинг атамаси муаммосини тадқиқ қилиш жоиз. Рус тилида “идентичность” термини билан номланадиган “ижтимоий гуруҳга мансублик” феномени ўзбек тилшунослигида

¹ Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. Филол.фанл. номз.дисс...автореферати, Самарканд, 1993, 19-бет.

² Мусаева Ф. Ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланиши. Филол.фан. бўйича фалс.докт.дисс.автореф., Тошкент, 2019, 24-бет.

³ Решетова Л., Умуров Қ. Род ва жинс категориясининг лексик-грамматик хусусиятлари. “Ўзбек тили ва адабиёти”, Тошкент, 1975, 6, 31–35-бетлар. Дадабоев Ҳ. Илк эски ўзбек тилида эркак жинсининг ифодаланишию Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. 5-сон, Тошкент, 2011, 31–35-бет. Хўжаниёзова Ш. “Девону луғот ит-турк”даги умумий ва фарқли маъноли лексик бирликлар хусусида. Докторант, аспирант, тадқиқотчи ва талабаларнинг илмий-назарий конференцияси мақолалар тўплами. Тошкент, 2010, 78–82-бетлар. Хўжаниёзова Ш. “Девону луғот ит-турк”даги ҳайвонлар жинсини ифодаловчи лексемалар. Лингвист. Тошкент, 2010, 84–87-бетлар. Йигиталиев У. “Жинс” концептининг семантик-функционал тадқиқи. “Ўзбек тили ва адабиёти”, Тошкент, 2017, 4-сон, 81–83-бетлар.

⁴ Расулова М. Жинс тушунчасининг турли тилларда ифодаланишига доир. “Ўзбек тили ва адабиёти”, Т., 1997, 3-сон, 66–69-бетлар. Расулова М. Ҳайвон номларида жинс тушунчасининг ифодаланиши. “Халқ таълими”, 1997, 1-сон, 117–119-бетлар. Расулова М. Инглиз ва ўзбек тилларида жинс тушунчасининг ифодаланиши. “Тил вфа адабиёт таълими”, Тошкент, 1997, 1-сон, 87–89-бетлар.

деярли ўрганилмаганлиги боис унинг атамаси муаммоси ҳам ҳал этилмаган. Электрон таржима луғатларида ва таржима матнларда атаманинг “шахс,” “шахсият”, “мувофиқлик”, “ўзига хослик”, “алоҳидалик” ва “мансублик” тарзидаги хилма-хил вариантларини бошқа атамалар билан аралаш ҳолда қўлланилишини кузатиш мумкин. Ўрганилаётган мавзунинг мазмун-моҳиятини ифодалай олиш имкониятини таҳлил қилиб, ушбу воқеликни “ижтимоий гуруҳга мансублик” атамасининг эллипсис варианты ўлароқ, “мансублик” атамасини қўллашни маъқул деб топдик. Мулоқот жараёнида коммуникантлар иштирокига кўра *этник, гендер, ижтимоий, маданий, ходимлик, ҳуқуқий, миллатлараро, спорт, сиёсий, тарихий (уруш ёки бирор воқелик қатнашчиси) мансублик* турларини фарқлаш мумкин. Социологлар томонидан бу мансублик турларига оид тил бирликларидан икки хил усулда – расмий ва норасмий тарзда фойдаланилиши эътироф этилади.

Мансуб (арабча – тегишли; алоқадор) қарашли, тегишли, тааллуқли, оид, кирадиган. *Умурт-қалилар синфига мансуб жонивор. Галогенларга мансуб элемент. Юқори табақага мансуб одам. тиш Девонбегилар авлодига мансуб бўлган. Шерназарбой Исломхўжани ич-ичидан ёмон кўрар, азалдан адовати бор эди* (Ж.Шарипов. Хоразм).

Мансубият (арабча – қариндошлик; алоқадорлик) *кт.* Мансублик, оидлик, тааллуқдорлик. *Гарчи сизнинг қипчоқ қавмига мансубиятингиз бўлса ҳам, Муслмонқулни ҳайдашда бизга унутмаслик хайрихоҳликлар ва хизматлар кўрсатдингиз* (А.Қодирий. Ўтган кунлар).

Мансублик 1. Мансуб ҳолат. *Синфий мансублик.* 2. Мансуб эканлик. *..қайси халқ, миллат, динга мансублигини суриштирмай, барчани баравар кўришларини жўшиб гапирди* (К.Яшин. Ҳамза).¹

Мансублик. Инсоннинг ўз қизиқишлари, истаклари, манфаатлари бўйича муайян ижтимоий гуруҳга бирлашиш – эҳтиёжни белгилайди.²

Юқоридаги изоҳлар антропоцентрик тилшунослик нуқтаи назаридан ижтимоий мавқедаги “мансублик” атамасига нисбатан тўғри ёндашганимизни кўрсатади.

Хўш, дунё илм-фанида мансублик феномени ҳақидаги тушунчалар қандай шаклланди?

Дж.Г.Мид, дастлаб, бу муносабатни икки “Мен” ўртасидаги икки хил даражадаги муносабатлар диалектикаси сифатида тадқиқ қилади. Ю.Хабермас унинг асосий ғояларини давом эттириб, шахслараро муносабат универсал аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, изланишлар жараёнида “Ўзлик” (Ч.Кули), “Мен” ва “У” (З. Фрейд), “индивидуаллик” (П.Лакан) каби атамалар қўлланган. Классик фалсафада мансубликнинг Иоан Дунс Скот томонидан тақдим этилган яна бир талқини ҳам мавжуд (Аполонов, 2011). М.Хейдеггер фалсафасидаги мансублик борлиқнинг универсаллиги сифатида талқин этилади. М.Хейдеггер фикрича, ҳар бир мавжудот ўзига хос мансублик. Ҳамма нарса бир вақтнинг ўзида бошқа ҳар қандай мавжудот билан бир хил. Бу назарияга кўра, ҳар бир объект ўзининг умумий табиати билан бирга шахс индивидуаллиги, унинг ўзига хослигини белгилайдиган “бу”сини намоён этади. Илк бор Д.Рисманнинг “Одинокая толпа” ва “Идентичность и тревога” номли ишларида ҳозирги маънодаги “идентичность” (“мансублик” атамаси) қўлланган. Э.Эриксон терминга оид тушунчалар тизимини яна-да кенгроқ тадқиқ қилди.³

“Ижтимоий гуруҳнинг ҳажми, шакли, хусусиятидан қатъий назар, уларнинг муҳим белгиси – аъзоларнинг бир умумий гуруҳга мансуб эканликларини англашидир. Одамлар ўз ҳаётининг кўп қисмини гуруҳлардаги мулоқотларда ўтказади. Ҳозирги жамиятдаги одамларнинг аксарияти кўпдан-кўп турли гуруҳларга мансубдир”.⁴ Муайян ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос тил белгилари мавжуд экан, “...коммуникантларнинг ижтимоий мавқеи ва шахсий психофизиологик хусусиятлари билан боғлиқ белгиларнинг мулоқот жараёнидаги ифодасини ўрганиш лисон ва воқелик муносабати муаммоси илмий таҳлили учун муҳимдир.”

Шахслараро муносабатлар турли шаклларда кўриниши мумкин, масалан, *ишга алоқадор* (расмий, ишончли, носамимий) ва *шахсий (норасмий, самимий)* шаклларда. *Ишга (хизматга) ало-*

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд, Т., ЎЗМЭ нашриёти, 2007, 629-бет.

² Азимова Л.С. “Ходимларни бошқариш” фанидан лекциялар курси. Тошкент, 2020, 93-бет.

³ Саракун Л.П. Теоретико-методологические основы исследования национальной идентичности. Идеи и идеалы, № 2, 2014, с. 20–26; Емельянова С.И. Что такое идентичность?//<https://cyberleninka.ru>; Овчинникова Ю.Г., Селюгина П.Б. Личностная идентичность: от философских истоков к психологической сущности//<https://cyberleninka.ru>;

⁴ Бекмуродов М.//<https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ijtimoiy-guruhlar-uz/>

қадор бўлган муносабатлар мансабдор шахслар томонидан ўрнатилган ёки мазкур муҳитда қабул қилиниб, узоқ вақт давом этган анъаналар натижасида шаклланган муайян қоидалар, маросимлар ва расмийликка амал қилиш билан боғлиқдир. Ишга алоқадор муносабатлар мажбурийлик хусусиятига эга.

Шахсий муносабатлар кўпроқ кишиларни ўзаро яқинлаштирадиган ёки узоқлаштирадиган, ёқтириш ёки ёқтирмасликни, яқинлик ёки бегоналикни келтириб чиқарадиган ҳис-туйғулар таъсирида таркиб топади. Шахсий муносабатлар оилавий, дўстона бўлиши, муҳаббат, дўстлик ёки нафрат асосида бўлиши мумкин.¹

Расмий мулоқот одамларнинг жамиятда бажарадиган расмий вазифалари ва хулқ-атворидан келиб чиқади. Масалан, раҳбарнинг ўз ходимлари билан, профессорнинг талаба билан мулоқотидир.

Норасмий мулоқот одамнинг шахсий муносабатларига таянади ва унинг мазмуни ўша суҳбатдошларнинг фикр-ўйлари, ният-мақсадлари ва эмоционал муносабатлари билан белгиланади. Масалан: дўстлар суҳбати, поездда узоқ сафарга чиққан йўловчилар суҳбати, танаффусда талабаларнинг спорт, мода, шахсий муносабатлар борасидаги суҳбати.²

Расмий мулоқот:

Тахта тўсиқ ортида ўтирган новча капитан норизо қиёфада ўрнидан турди.

– Нега честь бермайсан, сержант? – деди кўзимга тикандек қадалиб.

Ё, Худо! Хўп галати нарса-да, бу «ҳарбий интизом» дегани! Унвони ўзингдан бир поғона баландми, қоққан қозикдек гўдайгин-да, честь бер! Танисанг ҳам честь бер, танимасанг ҳам. Ҳурмат қилсанг ҳам честь бер, қилмасанг ҳам! Ўзини бир тийинга олмаслигинг мумкин. Аммо эғнида мундир, елкасида погон бор.

– Салом, ўртоқ капитан! – дедим фуқарочасига оддий қилиб. Киссамдан ҳужжатларимни олиб, тахта тўсиқ устига қўйдим.

– Устав бўйича доклад қил! – деди капитан дағдага билан (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар).

Норасмий (эркин) мулоқот:

– Салом, – Абдулла уялиб қараб турган бу жиккак, олифта кийинган йигитга қўлини узатди. – Қайси институтга?

– Ядрофизикага, – деди ҳозиржавоблик билан Пўлат. Унинг овози майин, худди қизларникига ўхшарди. – Икки йил бўлди очилганига. Дадам қаришлик қилсалар ҳам кетяпман.

– Яхши, – Абдулла ҳавас билан унга тикилди.

– Яхши бўлганда қандоқ! – гапга аралашиди Рустам. – Нима дединг, Аҳроп? Зўр бу, зўр!

– Ҳа, – деди жингалак соч йигит. – Агар мен ҳам медалга илинганимда, борар эдим.

– Ҳозир ҳам боравер, – деди сариққина йигит.

– Қўрқаман, имтиҳонлари оғир. Йиқилиб қолишим мумкин.

– Сиз-чи? – сўради Пўлат Абдуллага мурожаат қилиб. – Сиз қаерга кирмоқчисиз?

– Мен... – негадир ўйланиб қолди Абдулла, кейин деди: – Мен ҳам шу институтга борсам керак.

– Йўғ-э?! – деб юборди Рустам.

– Лекин, лекин ҳали аниқ эмас, – деди шошиб Абдулла (Ў.Умарбеков. Одам бўлиш кийин).

Мансублик тушунчасининг социопсихоллингвистик тамойилларини аниқлашда Э.Эриксон, Л.П.Саракунларнинг қарашлари эътиборга лойиқ.

Юсуф уларнинг олдиларига етар-етмас танаси қайрилайётган ток қарсиллаб ёрилди.

– Уҳ-уҳ-уҳ, – Одил ака токнинг ёрилган жойига ташивиши билан боқди, лекин ўғилларига далда берди, – эҳтиёт қилиб қайираверинглар!

– Энди одам бўлмаса керак, ота? – сўради етиб келган Юсуф ток танасида узунасига кетган ёриққа ишора қилиб.

Ток танасини қайириб олишгач, улар қучоқлашиб кўришидилар.

Ҳол-аҳвол сўрашиб анча турдилар. Сўнг ҳаммалари токнинг ёрилган жойини обдан кўздан кечирдилар.

¹ Муаллифлар гуруҳи. Шахс ва жамият. Ўқитувчилар учун услубий қўлланма. Т., 2006, 17–18-бетлар.

² Нурматова М. Мулоқот ва муомала психологияси. Ўқув-услубий қўлланма, Самарқанд, СамДЧТИ, 2016, 9-бет.

– *Одам бўлади, одам бўлиши керак!* – деди ниҳоят Одил ака қаддини ростлаб (У.Хамдам. Мувозанат).

Ушбу дискурсив вазиятда, оилага мансубликка хос ҳамжиҳатлик, яқинликдан ташқари миллий мансубликка хос белги ўзбек тилига оид иборанинг ўзига хос тарзда қўлланилганини кузатиш мумкин. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *одам бўлмоқ* иборасининг, айнан, шу матндаги маъноси келтирилмаган, лекин бунинг варианты сифатида *одам қилмоқ* ибораси қуйидагича изоҳланган:

3) *кўчма* тузатмоқ; яроқли ҳолга келтирмоқ. *Ташландиқ “Урал”ни одам қилган, шу приёминики тузата олмайсанми?* (Т.Ашуров. Оқ от).

“*Одам бўлмоқ*” бирикмасининг инсон маъносидаги биологик индивидгагина эмас, бошқа жонли-жонсиз предметларга нисбатан ҳам қўлланишини англаш, идрок этиш ва юқорида изоҳланган “яроқли ҳолга кел(тир)моқ” маъносини ситуатив вазиятга татбиқ этиш учун тил ташувчилари мана шу миллатга мансуб бўлиши ва уларда мана шундай идиоматик ибораларнинг маъзини чақа олиш компетенцияси шаклланган бўлиши керак.

Л.П.Саракуннинг таъкидлашича, мансублик нафақат ижобий, балки салбий вазиятларни ҳам юзага келтириши мумкин.

Э.Эриксон узоқ вақт давомида мансублик назариясини, жумладан, мансублик инқирозини ўрганди. Э.Эриксонга кўра, мансублик инқирозининг икки тури мавжуд. Улардан биринчисида одам қандай бўлишни хошлаётганини аниқлай олмайди, лекин ўзи учун баъзи мақсадлар ва кадрларни белгилаб олишга ҳаракат қилади. Иккинчи турда одамнинг жуда кўп ниятлари бор бўлса-да, уларнинг йўналишлари бир-бирига тўғри келмайди, натижада, йўқ деганда, уларнинг камида биттаси орқа фонда йўқолади.

Шунингдек, “мансублик инқирози” тушунчаси инсон ҳаётидаги муҳим дақиқаларда дуч келадиган вазиятларга нисбатан ҳам қўлланилади: иш жойидан ёки аввалги ижтимоий мақомидан маҳрум бўлиш, ота-она қарамоғидан ажрალიш ва мустақил ҳаётни бошлаш ва ҳ.к.¹

Бадий матнларда мана шундай мураккаб социопсихолингвистик жараёнларнинг реалистик тавирлари кўплаб учрайди.

Ҳозир ўқиш эмас, китобни жўн варақлаш ҳам уни толиқтирар эди. “Тавба, – деди Саидий китобни жавоннинг ичига улоқтириб, – одамлар бунча гапни қаердан топиб ёзар экан!”

Сорахон кирди. Унинг кўзига Саидий касалдай кўринди.

– *Ҳа, нима қилди?* – *Сорахон оғзидаги сақичини қирсиллатиб.*

Саидий анчадан кейин жавоб берди?

– *Яшаидан чарчабман...*

– *Оббо, нима қилибсизки, чарчайсиз... Ётинг, чўзилинг...*

“Яшаидан чарчабман” деган сўзга Сорахоннинг тушунмаслигини Саидий билар эди, аммо бу фикрни унинг фаҳмига яраша сўзлар билан айтишига эринди (Абдулла Қаҳҳор. Сароб).

Буюк сўз устаси Абдулла Қаҳҳор мана шу кичик эпизодда асар қаҳрамони Саидий психологик инқирозининг бутун бўй-бастини намоиш қилган. Биринчидан, унинг бутун ҳаёт маслагига айланган адабиёт, китоб ўқиш, маърифатга интилиш эътиқодининг инқирози сифатида ўзи бир умр интилган мансублик оламидан, яъни ёзувчиликдан қуйига – “китобни улоқтириш” даражасига тушди. Иккинчидан, асар қаҳрамони оилавий гуруҳда ҳам ўз мақсадларига эриша олмаган эди. Эр ва хотиннинг мансублик категориясидаги **ўзаро номувофиклиги** оила инқирозига, кичик гуруҳ иккала аъзосининг ҳам бахтсизлигига олиб келган эди. Сорахон томонидан биргина *чарчабман* сўзининг *жисмонан чарчамоқ* маъноси ўзлаштирилганлиги, иккинчи *руҳий чарчамоқ* маъносини, руҳий чарчоқ, *ётиш*, *чўзилиш* билан бартараф бўлмаслигини идрок этиш даражасида эмаслиги орқали улар орасидаги номувофикликнинг нақадар чуқур эканлигига ишора қилинади. Демак, лексемаларнинг фарқига бормаслик, уларни ўз ўрнида қўллай билмаслик ҳам мансублик номувофиклигини кўрсатувчи воситалардан бири бўлиши мумкин экан. Бундан кўринадики, мансублик доирасидаги шахслараро мувофиклик шаклланиши учун коммуникантларнинг олам лисоний манзарасини англаш даражаси ҳам бир хил бўлиши талаб этилар экан.

Жамиятдаги узоқ муддатли инқирозларда салбий элементларнинг ижобий томонга ўзгаришига умид қилган шахслар ва ижтимоий жамоалар ютқизиши мумкин. Бундан фойдаланган салбий энергия етакчилари оломонни қўллаб-қувватлаш йўлини топади, бундай кучлар мавжудли-

¹ <https://psylogik.ru/256-gerik-jerikson.html>

гининг ижтимоий асослари, айнан, салбий мансубликдир. Ижтимоий инқироз кадриятларнинг эски тизими бўшашиши билан тавсифланади. Миллий ўзликни англаш жараёнида “муҳим бошқалар”нинг таъсири кучаяди. Агар “дўстлар”нинг баъзи хусусиятлари янги шаклланган ғояларга мос келмаса ва уларнинг хатти-ҳаракатлари энди олдинги тажрибага асосланган кутишларга мос келмаса мансублик туйғуси кучайиши ёки йўқ бўлиб кетиши мумкин. Мана шундай “ўтиш” ҳолатларида ижтимоий гуруҳдаги кўплаб шахсларда мансублик инқирози юз бериши мумкин.¹

– Сен мусулмон бўлсанг бас, бизга тинчлик керак. Икки куннинг бирида келиб, дам отанг билан, дам Олиму Элбек билан уриш-жанжал қиласан. Бу ёқда мен сиқилиб адоийи-тамом бўлдим, - Ҳалима ая йиғлаб юборди. – Ахир ўзинг ҳам қирққа борганда намоз ўқишни бошладинг-ку. Булар ҳам секин-аста тушуниб қолар.

– **Менинг ўттиз беш ёшимгача ўриснинг замони эди.** Қуръоннинг нималигини билмасдик. Ҳозир ҳар хонадонда бор Қуръон, лекин олиб ўқийдиган ода – анқонинг уруги!.. – ҳалиям ҳовуридан тушмай давом этарди Амир.

– Сенга нима, ўғлим, –яна қўшилиб кетганини билмай қолди Одил ака. – Ҳар қўйни ўз оёғидан осадилар. У дунёда сен ўз савоб-у гуноҳинг учун ажр олганингдек мен ҳам қилиб юрган амалларимга қараб тақдирлайди...

– Нега энди менга, барибир, бўлар экан? Сизлар менга бегона эмассизлар, сизларга дўзахни раво кўрмайман!

– Сенинг бу уруш-жанжалларинг қайси дўзахдан кам? – Ҳалима ая бошини кўтариб, тўнғич ўғлига қаради. – Бор, уйингга! (У.Ҳамдам. Мувозанат).

Кўплар қатори ижтимоий мансублигини йўқотган Амир янгича қарашларга мослаша олмайди, мустамлака тузумдан кейин диний мансубликка эркинлик берилгани сабабли ижтимоий меъёрни унутади, натижада ундаги мансублик инқирози кучайиб кетади ва уни энди ижобий томонга йўналтириб бўлмай қолади. Бу ҳолат унинг мулоқот хулқига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Зеро, Арастунинг “Ахлоқи кабир” асарида шундай дейилади: “...инсон табиатида қайси нарса кўпроқ бўлса, фазилат ҳисобланувчи мўътадилликнинг зидди ҳисобланади. Мисол учун, вазминлик, босиқликка нисбатан енгилтаклик, тартибсизлик зиддир. Табиатимизда енгилтаклик, тартибсизлик қанчалик ортса, мўътадилликдан узоқлашаверади ва бу ҳол вазминликка таққосланса – ортиқчаликдир”.²

Шахснинг ижтимоий гуруҳга мансублиги ўзига хос белгиларидан бири – бу мавқе тушунчасидир. Инсоннинг жинси, ёши, касби, келиб чиқиши, қариндошлик, дўстлик ва бошқа мазмундаги алоқаларига, даромадлари миқдори ва ҳоказоларга мос равишда жамиятда тутган ўрни “ижтимоий мавқе” тушунчасининг мазмунини белгилайди. *Шахснинг ижтимоий мавқеи* – умр давомида эришиладиган (яъни туғма бўлмаган), ўзгарувчан ва “инжиқ” ҳодисани акс эттирувчи тушунчадир. Шахс мавқеининг ўзгарувчанлиги шуни англатадики, масалан, ишчи бўлган киши зиёли ёки ақлий меҳнат соҳибига айланиши мумкин. Мавқеининг “инжиқлиги” банкирни банкротга, ишсизни уйсизга айлантириб қўйиши мумкин. Шахс ижтимоий мавқеининг барча қирралари кишининг муайян ижтимоий хислатлар, вазифалар ёки ўринларга эга бўлиши (алмаштириши, йўқотиши ва б.) *ижтимоийлашув* жараёнида шаклланади, ўзгаради.³

– Адажониси, шу десангиз, Эйфел минорасини кўриб кетмаймизми?

– Манзураҳон, вақт оз қолди, душанбадан ишга чиқишим керак, - Саид ялинганнамо тушунтирди.

– Душанбагача уч кун бор. Бемалол улгураимиз, – деди Манзура.

– Оврупага келиб, Эйфелдек жойни кўрмай кетиш – уят. Бунинг устига болаларнинг истаги ҳам шу – Равшанингиз келганимиздан бери ҳол-жонимга қўймапти.

– Вой, сизни қаранг-у, вақт оз қолганда қандоқ бўларкин?

– Яхши бўлади. Костяни чақиринг, Эйфел масаласини ҳал қилсин.

– Ортиқча чиқим... – Саиднинг гапи оғзида қолди.

– Сизнинг чўнтагингиздан кетаётгани йўқ, ҳеч ташишилманманг, - Манзура туриб кузатувчи Костяга қўнғироқ қилди. Саид таслим бўлганди... Бироқ хотинининг олдида ёш боладек бўлиб қол-

¹ Саракун Л.П. Теоретико-методические основы исследования национальной идентичности. Идеи и идеалы № 2, 2014, с. 20–26.

² Арасту. Ахлоқи кабир. “Мулоқот” журнали, Т., 1998, 4-сон, 45–48-бетлар.

³ Муаллифлар гуруҳи. Шахс ва жамият. Ўқитувчилар учун услубий кўллама, Т., 2006, 17–18-бетлар.

ганлиги эркаклик гурурини ўйнатиб юборди. Унинг юзи қизарди, сўнгра хиёл қорамтир тусга кирди. У ўзи билан ўзи курашарди. (У.Ҳамдам. Мувозанат).

Саид обрў, мартаба, юқори даражаларга мансублик илинжида қайнотасининг мавқеидан фойдаланиб, муайян натижаларга эришса-да, оиладаги устунлик мавқеини бой беради. Охир-окибат, хотини томонидан иззат-нафси батамом топталиб, бор-будидан ҳам, мавқеидан ҳам айрилади, ижтимоий мувозанатини йўқотади.

Шундай қилиб, ижтимоий гуруҳга мансублик тушунчаси жамият ва шахс муносабатларини боғловчи мураккаб воқелик сифатида ўзининг ўзгарувчан ва мослашувчан механизмига эга. Обьектив ва субъектив таъсирлар натижасида бир туридан иккинчи турга кўчиши, горизонтал ва вертикал йўналишларда ўзгариши орқали шахснинг мулоқот жараёнидаги ўрни ва хатти-ҳаракатини белгилаб берувчи психофизиологик омиллардан бири сифатида инсон нуткий фаолиятини йўналтира оладиган кучли воситалардан бири ҳисобланади.

**Жумаев Турсунали (Қарши Давлат университети
Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти, ф.ф.н.; tjumayev@qarshidu.uz)
ФОНЕТИК РЕЛИКТИВЛИК ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАСИ**

***Аннотация.** Мақолада жаҳон, рус, туркий ва ўзбек тилшуносликларида сақланиб қолган синхроник фонетик бирликларнинг диахроник асослари этимологик нуқтаи назардан ёритилган, бундай архифонемаларнинг ҳозирги тиллардаги фонологик қиймати, уларнинг илмий жиҳатдан асосланиши мисоллар воситасида тасниф этилган.*

***Аннотация.** В статье описана диахроническая основа синхронных фонетических единиц, сохранившаяся в мировой, русской, турецкой и узбекской лингвистике с этимологической точки зрения, на примерах классифицировано фонологическое значение таких архифонем в современных языках, дано их научное обоснование.*

***Annotation.** The article describes the diachronic basis of synchronous phonetic units, preserved in the world, Russian, Turkish and Uzbek linguistics from an etymological point of view, using examples, the phonological meaning of such archiphonemes in modern languages, their scientific justification are classified.*

***Калим сўзлар:** тилшунослик, этимология, реликт, реликтолингвистика, унли, ундои, делабиализация, фонологик тизим, сегмент элемент.*

***Ключевые слова:** лингвистика, этимология, реликт, реликтолингвистика, гласная, согласная, делабиализация, фонологическая система, сегментный элемент.*

***Key words:** linguistics, etymology, relict, relictolinguistics, vowel, consonant, delabialization, phonological system, segment element.*

Сўз структурасининг фонетик асоси беҳад ўзгарувчан, чунки у нутқнинг энг кичик бирлиги сифатида ташқи ва ички омилларининг таъсирига ўта тез мослашади. Шу сабабли товушларнинг қадимги белгилари ҳақидаги фикрлар турли-туман ва, айни вақтда, тахминий фаразларлардан иборат бўлади. Бундай қарашлар аксарият ҳолларда бир-бирига зид бўлиши баробарида, ўзига хос ишоту далилларга ҳам эга бўладилар.

Америкалик тилшунос олимлар Дебора А.(Вайсс) Болник, Бет А.(Шултз) Шоок, Лайл Кемпбелл, Ивес Годдардларнинг “Американинг туб аҳолиси генетик ўзгаришини ўрганишда Гринбергнинг Америка лингвистик таснифидан фойдаланиш муаммолари” номли мақоласида¹ маҳаллий Америка тилларини генетик ва лингвистик жиҳатдан қиёслаганда жуда кўп муаммоли элементлар келиб чиққанлиги баён этилади. Унда уқтирилишича, эмпирик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, “кўп қиррали таққослаш” усули, баъзан, муваффақиятсизликликларни ҳам келтириб чиқаради, гоҳида эса унинг натижалари мутлақо ишончсиз бўлиб чиқади. Бундай қиёслаш чалғитувчилик хусусиятига эга бўлиб, у таклиф қиладиган лингвистик хулосалар ва келтирадиган “далиллар”, кўп ҳолларда, тасодифий ўхшашликларни юзага келтириб чиқариши мумкин.

Рус тилшунослигида фонетик реликт феномени қатор илмий тадқиқот ишларида монография планда ўрганилган. Чунончи, Н.А.Ганинанинг «Готик тилининг қолдиқлари» мавзусидаги диссертациясида ўрганилаётган мазкур тилдаги қолдиқлар назарий жиҳатдан тавсифланади ва

¹ <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC1182033/>

уларни ифода этувчи атамалар назарий томондан асосланади.¹ Унда келтирилган далиллар, тадқиқот мавзусининг муҳимлигини жуда аниқлик билан белгилаб беради, бу эса немис тадқиқотлари амалга оширган ишларга яна-да ёрқин маълумотлар қўшади. Кейинги пайтларда тилшуносликда «тил реликти» тушунчаси пайдо бўлиб, бир қатор қадимги немис тили ва унинг қолдиқларини ҳам «реликт» деб белгилаш таклиф қилинади, шу муаммо билан боғлиқ бир талай мунозараларга диққат қаратилади. Бу тушунчаларнинг пайдо бўлиши қадимги тилларнинг лисоний белгиларини тавсифлаш тамойиллари ва атамалари мунозарали масалалар билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади.

Бундан ташқари, немис реликт тилларидан бири бўлган қрим-гот тилининг мавжуд бўлганлиги далилланади ҳамда унинг ёзуви ҳар томонлама таҳлил қилинади ҳамда Қримдаги халқларнинг буюк миграцияси ва ўрта асрлардаги тарихий ва маданий вазият ёритилади. Кўриб чиқилган маҳаллий археологларнинг қайдлари қрим-гот тилининг реликт тили мақомини олган вазиятни тушуниш учун муҳим бўлганлиги диссертант томонидан таъкидланади.

Бошқа томондан, муаллиф қрим-татарларининг ғарбий қипчоқ лаҳжалари қрим-гот тилига таъсир қилганлиги, қрим-татарчасидаги сўз бошида келадиган жарангли *ð* ва *z*, қрим-гот тилида *κ*, *χ* га ўтиши мисоллар билан изоҳланади. Аммо қрим-готчидаги овозли спирантларнинг хусусиятларини аниқлашнинг иложи бўлмаганлиги, чунки реликт тил учун фонологик тизимнинг индивидуал позицияларини симметрик асослаш имкони ҳозирча йўқлигини муаллиф исбот этиб беради.

Шунга қарамай, тадқиқотчи қрим-гот тилидаги *ei* ва *ie* шакллари тарихан герман тилларида *yo* га ўтади ёки умумгерман дифтонги *ai* тарзида қисқаришини исботлашга интилади. Масалан: қрим-готча *seis* готча *saihs* “шесть” (“олти”, *iel* эса *hails* «соғлом, хавфсиз ва соғлом») (“здоровый, целый и невредимый”) сингари кўплаб реликтик бирликлар мавжудлиги ишда ўз тасдиғини топган.

И.В.Толкачеванинг “Турғун бўлмаган фонетик ҳодисалар лексикализация асоси сифатида: нижегород лаҳжалари материаллари асосида” мавзусидаги докторлик диссертациясидада ёритилишича, лексикализациялашган тартибсиз фонетик ўзгаришлар пайдо бўлишининг сабаблари, одатда, ҳар бир ўзига хос лексемага боғлиқ.² Энг умумий шакллари ҳисобга олганда, сўзнинг ташқи кўринишида белгиланган бетартиб хусусиятларнинг пайдо бўлишини икки йўналишга ажратиш мумкин:

- а) ҳодисанинг мунтазамлигини, давомийлигини йўқотиш тенденцияси;
- б) тарихий асл фонетик кўринишини сақлаб қолиш тенденцияси.

Лексикализациялашган диалектал хусусиятларни ўрганиш шуни кўрсатадики, бу лингвистик ҳодисанинг айрим хусусиятлари кучсизланса-да, умуман, йўқолиб кетмайди, унинг баъзи унсурлари шевадарда у ёки бу ҳолатларда, барибир, сақланиб қолаверади. Кўпинча, лексемаларнинг товуш мажмуасини модификация қилиш жонли ва фаол фонетик ҳодисалар билан изоҳланади, шунинг учун ноодатий, тартибсиз ўзгаришларни ўрганиш рус миллий тилининг ривожланиш жараёнларини аниқлаш учун зарур ва муҳимдир, бу ҳол адабий тилга нисбатан диалектларнинг камроқ кодланиши туфайли шевадарда ўз қадимийлигини йўқатмайди. Демак, олима тарихий сегмент элементларнинг ноодатий қўлланиши ҳамда сўзларнинг ихтисослашиши унинг тарихий реликтив хусусияти билан боғлиқ эканлигини ишда очиб беради.

Т.А.Сергееванинг “Ундошларнинг фонетик ўзгариши ва орфоэпик норма (рус адабий тилининг материаллари асосида)” мавзусидаги номзодлик диссертациясида икки ёки ундан ортиқ тил системасининг ўзаро таъсири натижасида келиб чиққан сегмент бирликларининг ўзгаришини ўрганиш замонавий фонетик тадқиқотларда муҳим муаммо бўлиб турганлиги қайд этилади.³ Таъкидлаш керакки, фонетикада ундошларнинг интервокал шовқин даражаси тилшуносликда ҳали етарлича ўрганилмаган. Бу иш ундош товушларнинг ўзгаришини экспериментал-фонетик тадқиқот методи асосида тасниф қилиш усулини таклиф этади ҳамда шаҳар аҳолисининг нутқи адабий тил ҳисобланиб, унинг ҳудудий диалектлар ва оддий халқ нутқининг ўзаро таъсири натижасида пайдо

¹ Ганина Н.А. Готские языковые реликты. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук, М., 2008 250 с.

² Толкачева И.В. Нерегулярные фонетические явления как основа лексикализации: на материале нижегородских говоров. 2012, 250 с.

³ Сергеева Т.А. Фонетическая вариантность согласных и орфоэпическая норма (на материале русского литературного языка. Дисс. ...канд. филол. наук, Ленинград, 1984, 182 с.

бўлганлигини кўрсатиб беради. Шунга биноан келтирилган тадқиқот натижалари Вологда, Курск ва Горкий шаҳарлари аҳолиси лаҳжалари асосида келтириб чиқарилганлиги таъкидланади.

Диссертант юмшоқ чўзиқ сирғалувчиларнинг фонемик талқини борасида турли фикрлар мавжудлигини баъзи олимларнинг тадқиқотларига таяниб, уларни бифонемик бирикмалар, комбинацияларнинг ихтиёрий вариантлари – «фонологик реликт», “овозсиз ифода” сингари атамалар билан номлаш мумкинлигини ҳозирги рус адабий тилнинг овоз тизимининг мустақил бирлиги сифатида белгилаш лозимлигини таклиф этади.

М.А.Гаджиевнинг “Кумик тилининг отемиш шевасининг фонетик ва морфологик хусусиятлари” мавзусидаги монографиясида туркий диалектология ҳозирги кунда туркий тилшуносликнинг энг ривожланган соҳаларидан бири сифатида тан олинган.¹ Асарда диалектал фактларни аниқлаш, тузатиш ва тизимлаштириш нуктаи назаридан бу жабҳанинг тараққиёти сўнгги ўн йилликларда ҳақиқатан ҳам юксак марраларни забт этганлиги, турли туркий тиллар шеваларини монографик, лингвографик ва қисман тарихий жиҳатда ўрганиш амалиёти ҳамон олиб борилаётганлиги ёритиб берилган.

Диссертацияда лабиал [у, у', о, о'] унли товушларини лабланмаган [и, а, э]ли вариантларга ўтиш ҳодисаси жуда кенг тарқалган фонетик жараён бўлиб, бу ҳолат қадимги унли товушларни сақлаб қолиш – реликтив тенденция билан боғлиқ. Делабиализация феномени кумик тилининг бошқа лаҳжаларига қараганда оталик диалектига кўпроқ хослиги: *хомурсг`а – к`амурсг`а* «чумоли», *хомуз – к`амуз «қимиз»*, *к`озукулак – к`азиг`улак` «шовул»* сингари мисоллар билан изоҳланади. Лаблашиш юқоридаги фонетик ҳодисанинг акси ўларок, барибир, бу тилда қонуният сифатида мавжуд эканлиги *гамииш – го`муч «буйвол»*, *йййрг`а – йумуртг`а «тухум»*, *бишлак` – бушлак` «пишлоқ»* ва бошқа мисоллар ёрдамида ёритиб берилади. Бу илмий тадқиқот лабораторизация ва делабиализация қадимги туркий тилнинг тарихий мероси эканлигини англаб олишга имкон беради.

Отемиш лаҳжасида шундай сўзлар мавжудки, уларнинг ўртасида ёки охирида адабий кумик тилида кузатилмайдиган ундошлар қўланади. Масалан, *голек – гойлек «кўйлак»*, *гамииш – гоимуч «буйвол»*, *дазув – таянч «чегара»*. Муаллиф бундай ундошларни тилда сақланиб қолган фонетик реликт деб баҳолайди.

Т.А.Баданованинг “Олтой тилида қиёсий аспектдаги сўз ўрғуси” дессиртацияси олтой тилида сўз урғусини қиёсий жиҳатдан ўрганишга бағишланган. Ҳозирги олтой тили Олтой Республикасининг туб аҳолиси тили бўлиб, унда туркий тиллар орасида урғунинг қўлланишидаги ўзгачаликлар мавжудлиги билан .

Туркий тилларда урғу нисбатан барқарорлик касб этиб, асосан, охириги бўғинга тушади, ўзакка кўшимчанинг кўшилиш тартибига қараб, урғунинг позицияси ҳам ўзгариб боради. Бу ҳолат ҳам урғунинг қадимги белгиси ҳисобланиб, бу жараён ҳозирги туркий тилларда олтой даврининг асосий қонунияти сифатида сақланиб келмоқда.

Рус тилида эса урғу бошқача: у эркин – ўзакдан олдингисига ҳам, пост-позицияли аффиксларга ҳам ўтиши мумкин. Туркий тилдаги кўп бўғинли сўзларда иккинчи даражали урғу мавжуд бўлади, бундай ҳолат рус тилида фақат мураккаб таркибли сўзларда бўлиши мумкин.

Т.А.Баданованинг илмий тадқиқот ишида сўз урғуси ва уйғунлик, туркий ва мўғул тилларидаги локализация ва урғунинг табиати, ҳозирги олтой тилидаги сўз урғусининг локализациялашуви, олтой тилидаги оғзаки урғунинг вазифалари ҳақида баҳс юритилган; бир, икки, уч ва кўп бўғинли сўзларда унлилар давомийлиги тасниф этилган; сўз урғусининг туркий тилларда ва рус тилидаги кўринишлари, уларнинг табиати, вазифалари, урғунинг туркона умумий ва хусусий белгилари ҳақида сўз боради.

Муаллиф диссертацияда сўз урғусининг вазифаларини тадқиқ қилиш билан бирга ҳозирги олтой тилидаги боботил унсурларининг – энг қадимги тилнинг реликт ҳолатлари мавжудлигини муҳим манба ва аниқ далилларга таянган ҳолда ёритиб беришга интилган.²

Фонетик реликтлар ҳақидаги дастлабки тушунчалар XI асрнинг дақиқ тилшуноси Маҳмуд Кошғарий томонидан талқин этилган. У ўша давр туркий тилининг хусусиятлари устида узоқ ва

¹ Гаджиева М.А. Фонетические и морфологические особенности отемишского говора кумыкского языка. Махачкала, 2006, 180 с.

² Баданова Т.А. Словесное ударение в алтайском языке в сопоставительном аспекте. Дисс. ...канд. филол. наук, 2007, 213 с.

собиққадамлик билан ишлаш натижасида тилда содир бўладиган товуш тушиши, товуш алмаши- ниши, товушларнинг сингиши каби қоида борлигини биринчи марта аниқлади ва бу ҳақда “Де- вон”да ёзиб қолдирди. Тилда фонетик қоидаларни ўрганиш ва унинг натижаларини тадқиқ этиш тил тараққиёти натижасида турли ўзгаришларга учраган сўзларнинг тарихи ҳақида фикр юритиш сўз этимологиясини аниқлашда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, олимнинг қайд этишича, *ҳўпламоқ* маъносидаги сўзнинг этимологиясини товуш ўзгариши қоидаси асосидагина аниқлаш мумкин. “Девону луғот ит-турк”да бу сўзнинг *ўпмоқ* шакли қўлланган бўлиб, унинг икки маъноси борлиги асарда изоҳланган: I – ўпмоқ (III том, 142-бет), II – ичмоқ (III том, 87-бет). Лекин бу сўз- нинг иккинчи маъноси бугунги кунда истеъмолдан чиққан.

Бундай мисолларни асардан кўплаб топиш мумкин. Масалан, ўзбек адабий тилида фаол бўл- ган *чиройли* сўзининг синоними *кўҳлик* Тошкент шеvasида учрайди. “Девон” маълумотлари бу сўзни *кўҳ* сўзига *-лик* қўшилиб ясалган деган хулосага келиш номақбул эканлигини кўрсатади. Ўз- ўздан аёнки, туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили учун “кўҳ” ўзаги на формал жиҳатдан ва на се- мантик жиҳатдан хос эмас.

Нутқ товушларининг реликтив хусусиятлари ҳақидаги ўта нозик лисоний далилларни Мир Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида дилпазирлик билан акс эттирган. Ҳозирги ўзбек тилида омонимлик қийматига эга бўлган бир қанча сўзлар орасидаги маъно ранг-барангли- гини товушлар орасидаги фонологик қиймат юзага келтиришини буюк “асадайн”нинг ўзи шарҳ эт- ган. Масалан:

Ва маъруф ва мажҳул кофияда «вовий», «ёйий» ҳамки, форсий ашъорда воқиф бўлур, икки ҳаракатдин ортуқ бўлмас, «вовий» андоқки хўд ва дуд на зўр ва нур, ва «ёйий» андоқки: пир ва шер.

Ва туркий алфозда бу маъруф, мажҳул ҳаракат тўрт навъ топилур ҳам «вовий» ва ҳам «ёйий»си. «Вовий»си андоқки:

отки – шайъи муҳриқдур;

ва өт – мурур маъниси била;

ва ут – муқаммирға бурд жиҳатидин амр;

ва ўтки боридин ириқ ҳаракатдур, каллани ўтга тутуп, тукин аритур маънидадур.¹

Алишер Навоий тасниф этган товушнинг фонологик ҳамда орфоэпик хусусиятлари XV аср туркий тили учун қадимги туркий тилнинг тарихий қолдиғи – фонетик реликти эканлигини аён қилади.

Ўзбек тилшунослигида тарихи й фонетиканинг энг мукамал тадқиқи устоз профессор Ҳ.Ғ. Неъматовнинг “Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси” монографиясида шарҳ этилган. Олим фо- нетика ва фонологияни қиёсан талқин қилиб, фонетикада товушларнинг акустик-артикулицион, яъни ҳосил бўлиш ва талаффуз каби табиий (физиологик) хусусиятлари, урғу ва оҳангнинг моддий (физик) белгилари (микдори, кучи), товушларнинг ўзаро таъсири асосида ўзгаришлари ўргани- лиши, фонологияда товуш, урғу ва оҳангнинг ижтимоий вазифаси – маъно фарқлаш хусусияти ўр- ганилиши очиб берилиши, яъни тилда фонологик қийматга эга бўлган ҳар бир ҳодиса, албатта, маълум бир ижтимоий қимматга – маъно фарқлаш хусусиятига эга бўлиши лозимлигини очиб бе- ради.

Монографияда ўзбек тили фонетикасини тарихий жиҳатдан ўрганишда XI–XIX аср тилшу- носларининг луғат ва грамматикаларида туркий сўзлар, товушларнинг талаффуз хусусиятлари ҳа- қидаги изоҳларидан, туркий тилларни қиёсий-тарихий ўрганиш натижаларидан, араб ёзувининг имкониятларидан, ўзбек шевалари маълумотларидан фойдаланиш натижасида аниқ мақсадга эри- шиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилади. Нуктадон олим тилнинг тараққиёт қонунлари ҳозирги тилда, шевада мавжуд бўлган қонуниятлар тил тараққиётининг аввалги даврларида ҳам маълум даражада мавжуд бўлиб, ҳозир қайсидир жиҳатдан ўзгаришга юз тутган бўлиши мукинлигини, умуман ол- ганда, тилда ўтмишда мавжуд бўлган, ҳозирда йўқолиб кетган ёки ўта кучсизланган қонуниятлар ҳеч қачон исиз йўқолиб кетмаслигини, аксинча, муайян бир тилда, айниқса, шеваларда қолдиқ- лар, эскирган ҳодисалар сифатида сақланиб қолишини исботлаб беради.

Таниқли тилшунос Б.Тўйчибоевнинг “Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари” монография- сида ўзбек тилининг фонетик ва морфологик сатҳлари ҳам диахроник, ҳам синхроник аспектда ўрганилади. Бу қиёсий-тарихий талқин бугунги тилшунослигимиз учун бир қадар муҳим лисоний

¹ Неъматов Ҳ.Ғ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992.

меросларнинг мавжудлигини англаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Инчунин, олим баъзи товуш жараёнлари ҳақида баҳс юритар экан, қадимги туркий тилда истеъмолда бўлган фонетик ҳодисалар эски туркий тилда ҳам, эски ўзбек тилида ҳам, ҳозирги ўзбек тилида ҳам бир оз ўзгаришлар билан қўлланаётганлиги аниқ далиллар билан ёритиб берилган. Хусусан, лабланган ва лабланмаган унлиларнинг алмашилини қўлланишидаги давомийлик: *огул* (Таф) – *оғыл* (Бн.) – *ўғил*. ҲўТ да ҳам *ўғил*; сирғалувчи ва портловчи ундошлар орасидаги фарқланишларнинг ҳозирги ўзбек тилида сақланиши: *карт* ва *карч*, *арт* ва *арч*, *сач*//*чэч*, *сичқон*//*чыққан*, *сўқич*//*чақыч* каби аниқ далиллар мисолида ёритиб беради.¹

Қ.Маҳмудовнинг “Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси” рисоласида туркий қавмларнинг этник алоқалари, туркий тилларнинг, хусусан, ўзбек тилининг ўрганилиши тарихи, туркий тилларнинг таснифи, ўзбек тили тарихини даврлаштирилиши, ўзбек тилининг шаклланиш жараёни ҳақида умумий маълумотлар берилди.

Фонетика бағишланган бўлимда унли ва ундош товушларнинг диалектик тараққиёти, унлилардаги чўзиқлик, қадимги туркий ёзувларнинг фонетик хусусиятлари, сингармонизм, фонетик ҳодисалар, урғу ва бўғин ҳақидаги диахроник маълумотлар берилди.

Шунингдек, олим товуш ўзгаришлари борасида фикр юритиб, муайян сўзнинг қадимги ва эски туркий тилларда ҳамда эски ва янги ўзбек тилларидаги шаклини аниқ манбалар асосида кўрсатиб ўтади. Масалан: *н>й*: *аныг* (ҚТМ, 3) >*айыг* (Сувр, 6) – бузилиш; *қон* (ҚТб, 12) >*қон* (Сувр, 6) – *қўй* (хайвон).

Асардан ўрин олган метатеза ҳақидаги мисоллар ҳам ҳозирги ўзбек тилининг қадим тарих билан ботиний алоқаси борлигини кўрсатади. Чунончи:

т~р: *отра* (МК, 1, 196) – *отра* (ТФ, 58,а) *отру* (МК, 1, 147) >*орту* (МК, 1, 145) – *ўрта*;

ш ~ н: *қошны* (МК, 1, 408) ~ *қошны* (МК, 1, 408) – *қўшни*;

ғ~м: *йағмур* (МК, 1, 425) ~ *йамғур* (МК, III, 45) // *чамғур* (МК, I, 425) – *ёмғир*.²

Умуман олганда, асар моҳият эътибори билан ҳозирги ўзбек тилида реликтив хусусиятлар анча-мунча сақланиб қолганлигини эътироф этиши билан характерли. Унда зоҳиран ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларини ўзида мужассам этган, бироқ ботинан энг қадимги тилларнинг изларини сақлаб турган, яъни ўзида формал ва семантик жиҳатдан синхроник ҳамда диахроник моҳиятни мужассамлаштирган, боз устига, тилимизда фаол қўлланаётган лисоний бирликларнинг моҳиятини англаб етиш, уни уқиш учун анча-мунча тарихий фонетикани билиш сингари малака талаб этилишини унутмаслик лозимлиги кўрсатиб берилди.

Umirzakov Qodirjon Toyirjonovich, Yusupov Odiljon Rasulovich (ADU Chet tillar fakulteti o‘qituvchilari) KOMPYUTER LINGVIKASI VA INTERNET TARMOG‘IDA TILSHUNOSLIKNING O‘RNI VA ROLI

Аннотация. IX asr oxiri – XX asr boshlarigacha mikrolingvistika doirasida izlanishlar qilindi. Olimlarning turli sohalarida tilning o‘rni yuqori ekanligini isbotlashga bo‘lgan qiziqishi natijasida makrolingvistika yuzaga keldi. Makrolingvistikaning bir sohasi sifatida kompyuter lingvistikasi alohida ahamiyatga ega edi. Maqolada computer lingvistikasi va tilshunoslikka bog‘liq jihatlari haqida fikr yuritimiz.

Аннотация. В конце IX и начале XX веков были проведены исследования в области микролингвистики. Макролингвистика возникла в результате заинтересованности ученых в доказательстве превосходства языка в различных областях. Компьютерная лингвистика имеет особое значение как область макролингвистики. В этой статье мы сосредоточимся на аспектах, связанных с компьютерной лингвистикой и лингвистикой.

Annotation. From the end of the ninth to the beginning of the twentieth century, studies were conducted in the field of microbiology. Macro-linguistics has emerged as a result of scientists' interest in proving the superiority of language in various fields. Computer linguistics was of particular importance as an area of macrolinguistics. In this article, we will focus on the aspects of computer linguistics and linguistics.

¹ Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996.

² Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. Тошкент, “Ижод” нашриёт уйи, 2006.


Kalit soʻzlar: kompyuter lingvistikasi, makrolingvistika, lingvistik taʼminot, texnik taʼminot, matn tahriri, mexanik xatolar, matn muharrirlari, robot tizimlar.

Ключевые слова: компьютерная лингвистика, макролингвистика, лингвистическая поддержка, техническая поддержка, редактирование текста, механические ошибки, текстовые редакторы, робототехнические системы.

Key words: computer linguistics, macrolinguistics, linguistic support, technical support, text editing, mechanical errors, text editors, robot systems.

Til kishilik jamiyatida yuzaga keladi muhim va birlamchi aloqa vositasi sifatida xizmat qiladi. U ijtimoiy hodisa hisoblanadi. Til turli fanlar uchun ham oʻrganish obyekti boʻla oladi va har bir fan oʻzining oʻzini mavzusini belgilab olishini hisobga olganda, lingvistik ikkiga (makrolingvistika va mikrolingvistikaga) ajratiladi.

Amaliy tilshunoslikning 2-bosqichi boʻlgan, kompyuter lingvistikasi fan sifatida 1960-yilda AQSH da paydo boʻlgan. Barcha sohalarida kompyuter til bilan yuzma-yuz keladi, bu til insonlarga tushunarsiz boʻlgan, formallashgan tildir. Kompyuterning ishlash prinsipi quyidagicha:¹



Bundan kelib chiqib ayta olamizki, bu taʼminotlar oʻzaro bir-biriga bogʻliq, shuning uchun kompyuter va tilshunoslik hamkorlik qiladi. Shuning natijasida kompyuter lingvistikasi fani yuzaga keldi. Kompyuter lingvistikasining asoschisi amerikalik tilshunos Noam Chomskiy, “Sintaktik strukturalar” nomli tatqiqotida transformatsion grammatikani ilgari suradi. Kompyuter lingvistikasi mumtoz tilshunoslikning anʼanalariga tayanib ish koʻradi.

Tabiiy tilni qayta ishlashning anʼanaviy kompyuter usullaridan farqi shundan iboratki, birinchisi tilshunoslik oʻrganadigan barcha narsalarni modellashtirishga, ikkinchisi tabiiy tillarni tavsiflashi mumkin boʻlgan matematik modellarni yaratishga qaratilgan.² Kompyuter lingvistikasi Oʻzbekistonda yangi yoʻnalish boʻlib, uning asosiy vazifasi til qoidalarining matematik modellarini yaratish, oʻzbek tilining formal nazariyalarini, shu asosda berilgan materiallarni kompyuter yordamida tahlil qilish, oʻqitish, bilimlarni baholash, xatolarni tuzatish algoritmlarni yaratish, matnni avtomatik qayta ishlash uchun qurilish modellari va ularning tegishli algoritmlari va dasturlari sifatida shakllantirilishiga xizmat qiladi.

Kompyuter tilshunosligining rivojlanishi robot tizimlariga kiradi. Aqlli robot tizimlar – bu turli analizatorlardan foydalangan holda obyektlar va ularning holatini taniydigan va odamlar bilan aloqaga asoslangan keyingi harakatlarni aniqlaydigan tizimlardir. Ushbu tizimlarda muammoli muhit modellarini tavsiflashga lingvistik yondashuv ishlab chiqilgan. Bunday model semantik tizimning bir turi sifatida koʻrib chiqiladi, unda sintaktik munosabatlarga qoʻshimcha ravishda, semantik munosabatlar, yaʼni semantik munosabatlar, maqsadga erishish yoʻlini izlashda ulardan foydalanishga imkon beradigan narsalar kiritilishi kerak.³ Bundan kelib chiqadiki, biz globallashtirish va avtomatlashuv davriga oʻtar ekanmiz, mamlakatimiz uchun kompyuter lingvistikasining rivojini yetakchi bosqichlarga olib chiqish oldimizda turgan muhim vazifalardandir.

XX asr tarixga ilm-fan inqilobi davri, kompyuter, avtomatizatsiya asri sifatida tarixga kirdi. Shu asrda, kompyuter orqali til muammolarini hal qilishning yangi davri boshlandi. Avval, tilga bogʻliq bir qator masalalar kompyuter orqali hal qilingan boʻlsa, endilikda, bu yoʻnalish internet tarmogʻi orqali bajarilish bosqichida. Maʼlumki, internet tarmogʻi tilga oid bir qator muammolarni hal qilishning qulay va tez yoʻli boʻlishi bilan bir qatorda, tilda bir qator buzilishlarni keltirib chiqaradi.

¹ Nelyubin L.L. Kompyuter lingvistikasi va mashina (kompyuter) tarjimai. M., 1991.

² Shemakin Y.N. Boshlangʻich kompyuter lingvistikasi. M., 1992.


³ Rahimov A. Kompyuter lingvistikasi asoslari. T., „Akademnashr“, 2011.

Internet orqali avtomatik til o'rgatish va bilimlarni diagnostika qilish, ma'lumot almashish va virtual olamda muloqot qilish kabi bir qator imkoniyatlar mavjud. Internet orqali fikr almashish jarayonida replikalar, kinoya, qochirimlarda gap yoki iboralarni qo'llanilishi, tilda yangi tushuncha va so'zlarni bo'lishidan tashqari, til normasidan chetga chiqishlar ham ko'p sodir bo'ladi, ya'ni internet muloqotda tilga oid cheklovlar qo'yishning imkoni mavjud emas va yuzaga kelayotgan lingvistik muammolar va til normalaridan chetga chiqishlarni tartibga solish ancha mushkul, shu bilan aktual masala ham. Bu muloqot turi mobaynida leksik, grammatik, orfografik va turli til birliklari normalari buziladi. Til normalariga amal qilinmagan va jiddiy yondashilmay yozilgan ma'lumotlar almashinuvi oqibatida tushunmovchiliklar yuzaga keladi. Virtual olamdagi axborot almashinuvi nihoyatda ulkan va chegarasiz ekanini hisobga olsak, bu masalani hal etishning imkoni yo'q, lekin uni maktab yoshidagi o'quvchilardan tortib, oliy o'quv yurti talabalari o'rtasida sohaga doir darsliklar va ma'ruzalarda ularga singdirish orqali masalani barqarorlashtirishga erishish mumkin. Virtual tizimning aksar userlari aynan shu yoshdagilar va bu yoshda shakllangan bilim va ko'nikmalar mustaxkam bo'lishi bilan xarakterlanadi.

Biz yuqorida insonning taqdir bitigi oldida ojiz ekanligini aytgandik Shoirning bu satrlarida ayni inson umri davomida abadiyat qonuniga itoat qilgan holda yashashi, peshonaga bitilganday bo'lishining hech o'zgarishlarsiz ro'yobga oshishini anglatadi. Oqimga qarshi suzib bo'lmaydi, suzish yo'qlik bilan barobar. Agar insonga yangi yo'l kerak bo'lsa, oqim bilan birgalikda borishi va uning yo'nalishini o'zgartirishi kerak. Xuddi shoirlardek! Shoirlarning, ayniqsa, bugungi modern shoirlarining she'rlari hech qolipga sig'masligi bilan o'z yo'nalishiga ega. Ularning bugungacha bo'lgan shoirlarning ijodidan o'zgachaligi ham so'z va ifoda uslubining hech qaysi qolipga sig'masligidadir.

Faxriyorning “Ko'ngil bu kecha ham uyda yotmadi”, “Daraxt bargi bilan yozar shukur oyatin”, “Manglayingdan sudrab o'tar yillar cho'pon tayog'in...”kabi bir qatordangina iborat bandli she'rlarida va yoki:

dan

Vaqt ayirar hamma narsa

ni. (Faxriyor. Izlam. 236-bet)

kabi satrlarini o'qirkansiz, Yaratgan va inson, inson va vaqt, vaqt va taqdir uyg'unligi har doim birini taqazo qilishini, biri boshqasi bilan aloqada ekanligini anglashimiz mumkin. Bugungi zamonaviy – modern she'riyatning ham jozibasi va vazifasi ancha zavorli bo'lib, teran takakkur talab qiladi. “Modernizm, – deydi adabiyotshunos olim Q.Yo'ldoshev, – “klassik falsafadagi san'atga real voqelikning in'ikosiy tarzida qarashdan voz kechib, borliqqa qat'iy bog'lanib qolish san'atkorni cheklab qo'yadi, u o'z o'y-u xayollari bilan voqelikdan tashqarida turganida ko'proq ijodiy imkoniyatga ega bo'ladi”¹.

Devonaning chorig'iday

yirtildi tushlarim kiyilaverib.

Tushlar yirtig'idan

to'kilib boradi kun-bakun

seni ko'rmoq umidi.

(Faxriyor. Izlam. 236-bet)

Tush takror ko'rilishi mumkin. Bu takror esa hikmatday tuyuladi. Oshiq yor ko'yida devona. Devonaning esa yurar yo'li ko'p. Shoir oshiq ko'ngilni devonaga mengzaydiki, devonaning kiyilaverib, yurilaverib ilma teshik bo'lgan chorig'iday eskirgan – yirtilgan tush – yagona ilinj. Ammo u o'ng emas, uning o'ngga aylanishi haqidagi umid esa ana shu yirtilgan joyidan tushib ketyapti.

Shoir she'r bitarkan, xayoliga kelganini emas, anglab, his qilganini yozadi. Faxriyor ijodida turli kayfiyatdagi she'rlar alohida o'rin egallaydi. She'rdagi tashbehtar (sensiragan sog'inch, ko'r saodat, ko'z

¹ Yo'ldoshev Q. Модернизм: илдиз, моҳият ва белгилар. “Гулистон”, 2014, 9-сон.

yosh soyasi, farrosh shamol, muazzin xazon, ibodat qilayotgan yaproqlar), qofiyalarning o'zgachaligi (o'tolmaydi – o't olmaydi, keladi – elagi, ko'tarsa – o't(ar)sa), so'z va shalk uyg'uligi ("Geometrik bahor"); o'ziga va butun insoniyatga aloqador tushunchalarni yangicha obrazlar bilan keltirishi shoirning o'ziga xos bo'lgan uslubidir.

*hindlar aytmoqchi
daryolar o'z suvin ichmasa hamki
daraxtlar o'z mevasin yemasa hamki
so'z so'zni yesa
hatto shoirni ham yesa o'sha so'z* (Faxriyor. Izlam. 170-bet)

Gulzorda gullarning tarovati, bo'yi turfa xildir. Ularni hidlab, qaysi gul ekanligini ayta olamiz. Shoir va uning she'ri ham xuddi shunday: shoirlar ko'p, ammo so'zning, uslubning, ma'noning, fikr va tuyg'uning takrorlanmasligi bilan she'r shoirga o'xshaydi. Alohida qiyofa kasb etadi. Yaxshi she'r esa ma'naviy xazinadir. She'r insonning ruhini tarbiyalaydi, unga ozuqa beradi, zero, uning o'zi ruhdan o'sib chiqqan...

She'riy tafakkur mohiyatiga nazar soladigan bo'lsak, u ijodkor tomonidan qayta idrok etiladi, so'z orqali turli ma'no tovlanishlari kasb etadi, yuksaladi. Badiiy kontekstda so'z obrazga aylanar ekan, uning ko'chma ma'nolari, so'zning so'z bilan o'zaro munosabati orqali o'zgacha qiyofa kasb etadi. Poetik obraz taraqqiyotini kuzatsangiz, u o'zida ijtimoiy taraqqiyot bosqichlari, ma'naviy-adabiy, ruhoni tafakkur ehtiyojlari bilan uyg'unlikka kirishadi. Faxriyor ijodida ham ayni an'anaviy hamda poetik obrazlar badiiy-estetik tafakkur mahsuli sifatida shoirning poetik g'oyasini, emotsiyasini she'rxonga go'zal ifodalarda etkazib bera olgan. Bu esa shoirning istiqloq davri o'zbek she'riyatini obraz turfaligi bilan boyitib, poetik obrazning inson va voqelikni badiiy o'zlashtirishga ko'mak bera olganligidan dalolatdir.

Турдиев Жаҳонгир Зафариддин ўғли (Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети Адабий манбашунослик ва матншунослик кафедраси таянч докторанти; e-mail: jahongirshoh15@mail.ru)
“МЕЪРОЖНОМА” АСАРИНИНГ ИСТАНБУЛ НУСХАСИ ВА УНИНГ МАТН КОМПОНЕНТЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақола туркий тилдаги “Меърожнома” асарининг Истанбул нусхаси ва унинг матн компонентларига бағишланган. Ундаги компонентлар матншунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилган. “Меърож” Аллоҳ таоло сўнги пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Қуддуси шарифдан юқорига, яъни Ўзининг ҳузурига кўтаришидир. Шу ҳодисага бағишлаб ёзилган асарлар “Меърожнома” деб аталади. Бунинг сингари асарлар, дастлаб, араб адабиётида яратилди. Кейинчалик. форс ва туркий адабиётда ҳам “Меърожнома”лар мустақил асар сифатида шакллана борди.

Аннотация. Статья посвящена изучению Стамбульской рукописной копии произведения «Мираджнаме» и ее текстовых компонентов. Его компоненты анализируются с текстологической точки зрения. «Мирадж» – это вознесение последнего Пророка Мухаммада (мир ему и благословение Аллаха) из Иерусалима в небеса к Аллаху. Произведения, посвященные этому событию, называются «Мираджнаме». Подобные произведения изначально были созданы в арабской литературе. Позднее в персидской и тюркской литературе «Мираджнаме» сложилось как самостоятельное произведение.

Annotation. This article is dedicated to the study of the Istanbul manuscript copy of “Mirajnama” and its textual components. Its components are analyzed from a textological point of view. “Meraj” is the ascension of the last Prophet Muhammad (peace and blessings of Allah be upon him) from Jerusalem to heaven to Allah. The works dedicated to this event are called “Mirajnama”. Such works were originally created in Arabic literature. Later in Persian and Turkic literature, Mirajnama was formed as an independent work.

Калим сўзлар: компонент, қўлёзма, Меърожнома, матншунослик тадқиқи, таржима, хат-тотлик.

Ключевые слова: компонент, рукопись, Мираджнаме, текстологический анализ, перевод, каллиграфия.

Key words: component, manuscript, Mirajnama, textual analysis, translation, calligraphy.

Тасаввуф адабиётида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Меърожга кўтарилишлари баён этилиб, шу ҳодисага бағишлаб ёзилган асарлар меърожнома деб аталади. Ислом дини тарихида алоҳида аҳамият касб этган ушбу воқеа ёритилган асарлардан бири “Меърожнома” бўлиб, унинг туркий тилдаги бир неча нусхалари кунимизгача етиб келган.

Маълумки, қўлёзма қанчалик қадимий бўлса, унинг кадри шунчалик юқори бўлади. Туркий “Меърожнома” асарининг араб ёзувида битилган қўхна қўлёзмаларидан бири ҳозирги кунда Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Фотиҳ фондида 2848-рақами остида сақланмоқда. Ушбу қўлёзма 1b-12b саҳифалари “Меърожнома”, 14–153-саҳифалари эса Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарларини ўз ичига олади. Бу нусха ҳижрий 917 йил ражаб ойининг 20 санасида (мелодий 1511 йилнинг 13 октябрида) Мисрда Нуриддин Али бин Кичкина Саййид Али ат-Талиқоний томонидан ўқилиши қулай бўлган настаълиқ хатида кўчирилган. Бу ҳақда қўлёзма тарихида шундай битилган: “Tarix toquz yuz on yetidä rahmat ayiniñ yigimisiä Nuriddin Ali bin Kiçkina Sayyid Ali at-Taliqāniy bitidi” (Тарих 917 да раҳмат ойининг йигирмасида Мисрда Нуриддин бин Али бин Кичкина Саййид Али ат-Талиқоний ёзди).¹ “Меърожнома” қисмининг биринчи ва охири саҳифаларидан ташқари, барча саҳифалари 15 сатрдан иборат бўлиб, ўлчами 29.5x20 см, жилди рангли қалин қоғозда. Асар араб ёзувининг настаълиқ хат турида кўчирилган бўлиб, хаттот Куръон оятлари, ҳадис ҳамда дуоларни, шунингдек, Тангри, Муҳаммад, Расул, Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ва яна баъзи сўзларни тилла рангли ва қизил сиёҳда ёзган. Ушбу қўлёзма Мисрда кўчирилган араб ёзувли, туркий тил ва адабиётини ўрганишда қимматли ва нодир ёзма ёдгорликларидан бири ҳисобланади.

Туркий «Меърожнома»нинг араб ёзувли Истанбул нусхаси муқаддима, сўнгги пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меърожга чиқишлари, жаннат билан дўзах саёҳати, фаришта Жаброил алайҳиссалом қанотига миниб Қоф тоғига чиқиб шу ерда яшаган пайғамбар Мусо алайҳиссалом умматларига насиҳат бериш қисмларига бўлинади.

Истанбул нусхасида сарлавҳа қўйилмаган. Аммо асарнинг биринчи саҳифасида сарлавҳани ёзиш учун махсус жой қолдирилган. Бизнингча, хаттот шарқ қўлёзмаларини ёзиш анъаналарига мувофиқ сарлавҳани бошқа хат турида битишни режалаштирган.²

«Меърожнома» асари муқаддимаси мухтасар бўлиб, мазкур муқаддима ҳам Ислом оламида яратилган асарлар анъанасига мувофиқ Аллоҳга ҳамд билан бошланади: «*Sukr va sepas va satāyīš Ūl qādīr, lam yazal ōn sakiz miñ ālāmni yaratqan, tūrātқан, munazze’, bir-ū bār, erklik Tāñri ta’ālāqa jalla jalalahu va tuqaddisu ismahu huva va la ilaha ġayri.*»³ («Шукр ва ҳамд ул мангу қодир, ўн саккиз минг оламини яратган, тартибга келтирган ва уларни неъматлантирган, биру бор ҳукмдор, Ундан ўзга илоҳ бўлмаган Тангри таолога (буюклиги юксалсин ва исмлари муқаддас бўлсин»).

Асарнинг ҳамд қисмига эътибор берсак, Аллоҳнинг сифатлари баён қилинаркан, уларни ифодалашда арабча сўзлар билан бир қаторда, туркий сўзлар қўлланганини кўришимиз мумкин. Дастлаб, арабча сўзларда «*qādīr*» ва «*lam yazal*» сифатлари келган. Шундан сўнг туркий сўзлар истифода этилиб Аллоҳ сифатлари «*ōn sakiz miñ ālāmni yaratqan*» (Ўн саккиз минг оламини яратган), «*tūrātқан*» (яратган), сўнг арабча «*munazze*», кейин яна туркий «*bir-ū bār*» (якка-ю ягона, воҳид) ва «*erklik*» (эркли, кодир) тарзида баён қилинган. Ҳамд сўнгида арабча сўзлар ишлатилган. Дастлаб ҳамд қисмида келган «*Tāñri*» сўзи ҳам туркий сўз бўлиб, матннинг асосий қисмида ҳам таржимон айни сўзни қўллайди.

Шундан сўнг Аллоҳнинг сўнгги пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга саловат, дуруд-у саломлар ва ул зотнинг аҳли байти, саҳобаларига раҳматлар йўлланган: «*Yānā yūz miñ salāvat-u tahiyyat Tāñri ta’ālāniñ habibi yūz yigirma tōrt miñ payġambarniñ sarvari Muhammad rasulullāhniñ jāniqa teksün, üküš rahmat rasuli alayhissallamniñ avlādi bila ċāryāriqa teksün. Rizvanallah alayhim ajma’in.*»⁴ («Яна юз минг салавот ва таҳийят Тангри таолонинг ҳабиби, юз йигирма тўрт минг пайғамбарнинг сардори Муҳаммад расулulloҳнинг руҳига етсин. Кўндан-кўн раҳмат расул алайҳиссаломнинг авлоди билан аҳли байтига етсин. Уларнинг барчасидан Аллоҳ рози бўлсин»).

¹ Sertkaya Osman Fikri. İslami Devrenin Uygur Harfli Eserlerine Toplu Bir Bakış. Boçum. 1977, 12-bet.

² Нуриддин Али ат-Талиқоний. Меърожнома. 2848 рақамли қўлёзма. Миср, 1511, 1-бет.

³ Шу манба.

⁴ Шу манба.

Ҳамд ва нат қисмидан сўнг келадиган қуйидаги жумлалардан асарнинг номини ва туркийга ўгиришдан кўзланган мақсадни билиб олишимиз мумкин:

«*Emdi bilgil-kim, bu kitabniñ atı “Merajnama» türür. “Nahjul-faradis» atliq kitabdin türk tiligä evürdik. Köp kişilärgä fayda teksün tep, Täñri ta’älāniñ tavfiqı birlä tamām bitilib, xalāyiqniñ köñli közigä širin körüngäy»*.¹ («Энди билгинки, бу китобнинг номи «Меърожнома»дир. «Наҳж ул-фародис» номли китобдан туркий тилга ўгирдик. Кўп кишиларга фойдаси тегсин деб. Тангри таолонинг тавфиқи билан ёзилиб халқнинг кўнгил кўзига ширин кўрингай).

Таржимон айтиб ўтганидек, бу китоб номи «Меърожнома» бўлиб, кўп кишиларга яъни, оммага фойдаси тегиши учун «Наҳж ул-фародис» номли китобдан туркийга ўгирилган. «Наҳж ул-фародис» китоби номининг маъноси асар сўнггида берилган қуйидаги жумладан билиш мумкин:

Bu kitabkä “Nahj ul-faradis” deyü ism qilindi, ta’nisı uçmaqlarniñ açuq yoli temäk olur.²

Асар омма ўқиши учун таржима қилинган экан, у халққа тушунарли ва раван тилда бўлиши талаб этилади. Асарни туркийга ўгиришда таржимон ана шу нарсага катта этибор берган.

Турколог Я.Экманн “Меърожнома”да тилга олинган “Наҳж ул-фародис” тили форсча эканлигини тахмин қилган ва қуйидаги фикрларни билдирган: “Мен бу ерда баҳс мавзуси бўлган “Наҳж ул-фародис”ни икки нуктага асослаиб, форсча эканлигини тахмин қилмоқчиман: 1) Паве де Куртейл томонида нашр қилинган “Мерожнома”да асар номининг биринчи қисми ҳаракатли бўлиб *ح* “наҳаж” шаклида берилганки, бу – Vullers луғатига кўра – сўзнинг форсча талаффузидир; 2) “Меърожнома”да асл меърож фаслидан кейин Жаннат ва дўзах саёхати бўлимининг бошида, *İmam Bağavî rahmatu’llahi alayhi Masabih atlik kitabında bü hâdisni keltirmiş türür* жумласидан сўнгра арабча ҳадис ўрнига “*farsi bitildi*” (“форсча ёзилди”) қайди, шундан сўнг эса ҳадиснинг туркий таржимаси бордир. Бу қайддан шундай маъно чиқариш мумкин: “Меърожнома” таржима қилинган “Наҳж ул-фародис” форсча ёзилган, балки, арабчадан таржима қилингандир. Туркий мутаржим ҳам бу ҳадиснинг форсчасини келтиришни лозим деб топмай, “форсча ёзилди” қайдини келтириб қисқартирган. Асар арабча бўлганида бу жумла ҳеч бир маъно ифода этмасди.³

Юқориди айтилганидек, асар бошида саҳоба имом Бағави раҳматуллоҳу алайҳнинг «Масобиҳ» номли китобидан араб тилидаги ҳадис келтирилган.

«*Anas ibn Mâlik Rasul alayhissalâmdin rivâyat qilürkim, Jabrâil Me’râj tünindä kelib meniñ üçün bir Burâq keltürdi. Eyarlik, yüganlik. Rasul alayhissallâm Burâqqa minayin tesa Burâq qöymas erdi. Jabrâil äytti: ya Burâq Muhammaddin azizrâq senga Täñri ta’älâ dargâhida heç kimersa minmädi teb tedi. Ersa Burâq terlâb teri âqä bâşlädi*».⁴

Мазкур ҳадис билан биринчи бўлим бошланади. Бу бўлимда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Буроқ номли бир жониворга миниб, меърожга чиқишлари, етти қават осмон ҳамда у ердаги фаришталарнинг тавсифи, ҳар бир қават осмон оралиқларида ўзларидан олдинги ўтган йирик пайғамбарлар билан мулоқотда бўлганликлари, Сидрот ул-мунтаҳога етганликлари, беш вақт намознинг фарз қилингани содда ва раван тилда баён қилинган:

«*İkkinçi qat kökkä yettük... Yänä äntin äsib ikki kişi kördüm. Bülär kim türür teb sördüm. Jabrâil äytti: Biri Yaхуä payğambar, birisi Zakariyâ payğambar türür teb. Alarqa salâm qildim. Äläр äytilär: Ya Muhammad, хuş keldüñ, kök elini muşarraf qildñ. Täñri ta’älāniñ suуurğäli qutluq bölsün teb*».

Дастлабки бўлим «*Antin söñrâ arş üzä çiqib Täñri ta’älāqa saјda qilib hamd-u sanâ äyttim. Taqî qayttim*».⁵ (Шундан сўнг аршга чиқиб Тангри таолога сажда қилиб, ҳамд-у сано айтдим. Кейин қайтдим) жумлалари билан ўз ниҳоясига етади.

Иккинчи бўлим «*Emdi yänä rasul alayhis-salamniñ uçmāq tamuqni tafarruj qilğāniñ bāуān qilālī. İmām Bağavī rahmatullāhi alayhi Masabih atliq kitabında bü hadisni keltirmiş türür*». («Энди яна расул алайҳис-саломнинг жаннат билан дўзахни томоша қилганини баён қилайлик. Имом Бағавий раҳматуллоҳи алайҳи “Масобиҳ» номли китобидида бу ҳадисни келтиради) деган жумлалар билан бошланган ва бирдан ҳадиснинг туркий таржимаси келтирилган. Бўлим “*Ya Muhammad sen uluq köñgül tütünmağil. Uluq köñül tutğan kişini sevmäsman*» жумлалари билан якунига етади. Бу қисмда

¹ Шу манба.

² Содиков Қосимжон. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. Т., 2006, 216-бет.

³ Eckmann Janos. Harezm, kırçak ve çаğatay türkçesi üzerine araştırmalar. Ankara, 2003, 47–48-betlar.

⁴ Нуриддин Али ат-Талиқоний. 2-бет.

⁵ Шу манба. 8-бет.

Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг жаннат билан дўзах саёҳати, жаннат манзаралари тавсифи, дўзах манзаралари тавсифи, фаришта Жаброил алайҳиссалом билан Кавсар ҳовузига борганликлари каби воқеалар баён қилинган.

Сўнги учинчи бўлим «*Āntin sōyrā Jabrāil meni qanāti üzä mindürüb Qāf tāğīqa keltürdi. Qāf tāğini kördüm*» жумлалари билан бошланади. Бу бўлим Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг Жаброил алайҳиссалом қанотига миниб Қоф тоғини ҳамда бу тоғда Жабалисо ва Жабалиқо номли икки шаҳарни кўрганликлари, шу ерда яшаган пайғамбар Мусо алайҳиссалом умматлари билан суҳбатлашгани ва уларга насиҳат беришлари билан ниҳоясига етади.

Сўнги бўлим «*Tāñri ta'ālā barċaqa yaqšiliq tā'at tavfiqini bersün, taqī tamuq azabidin āzad qilib uċtaq ravza qilsun. Amin, ya Rābbil a'lamin*» жумлалари билан якунланади.

«Меърожнома»нинг муқаддимасида келган жумлалар ҳамда асар матнининг ниҳоятда содда ва халқчил тилда битилганлиги асарни туркий тилга ўгирилиш сабабини кўрсатади. «Меърожнома»ни туркий тилга ўгиришдан асосий мақсад – оддий аҳоли ҳам асарни ўз тилларида ўқиб тушунишлари ва улар учун фойдали бўлиши кўзланган.

Туркий тилдаги “Меърожнома” асари ва унда бадий воситаларнинг ишлатилиши ўзбек адабиётини узоқ тарихга эгалитини кўрсатади.

Нодир дурдоналардан бўлган «Меърожнома» асарининг араб ёзуви қўлёмаси ҳам ўзига хос тарздаги одоби таснифда ёзилганлиги эътиборга лойиқ.

Туркий тилдаги «Меърожнома»нинг Истанбул нусхаси ўзбек матншунослиги тили, адабиёти ва ўзбек китобатчилик санъатини ўрганишда нодир ёзма обидалардан биридир.

**Ҳақимжонова Раъно (Алишер Навоий номидаги
Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси)
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ЛИРИКАСИДА ИЖТИМОЙ МОТИВЛАР**

Аннотация. Ушбу мақола Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърлятидаги ижтимоий мотивларни ўрганишга бағишланган. Ўз навбатида, муаллиф ижтимоий мотивларни Бобур ижодидаги аҳамиятига таяниб таснифлаган.

Аннотация. Данная статья посвящена исследованию социальных мотивов, встречающихся в поэзии Захириддина Мухаммада Бабур. Автор, в свою очередь, классифицирует социальные мотивы, опираясь на значимость социальных тем в творчестве Бабур.

Annotation. The article is dedicated to the study of social motives found in the poetry of Zahiriddin Muhammad Babur. Motives are also classified based on the importance of social motives in Babur's work.

Калим сўзлар: мотив, анъанавийлик, девон адабиёти, ижтимоийлик, соф санъат, рубоий, газал.

Ключевые слова: мотив, традиция, жанр дивана, социальность, чистое искусство, рубаи, газель.

Keywords: motif, tradition, traditionality, divan literature, sociality, pure art, rubai, gazelle.

Бобур нафақат тарих саҳнасига, балки шеърят майдонига ҳам алоҳида об-ҳаво билан кириб келган шахсдир. Бобургача бўлган шеърятимиз табиатига анъанавийлик, бир хиллик хос эди. Бобур шеърлятида шахсий дард, кайфият ярқ этиб кўзга ташлана бошлади. Ғазал жанри, умуман, девон шеърляти Навоий ва Бобур ижодигача фақат ишқий мавзуда ёзиб келинган. Бу ҳолни Абдурауф Фитрат ҳам ўз изланишларида Лутфий, Атойилар, асосан, сарой базмларида соқийлик қилган гўзалларнинг кўз, қошларини васф этганларини таъкидлаб ўтади.¹ Бундан кўринадики, улар ҳаётнинг ижтимоий томонларини қаламга олишни шеърятнинг вазифаси, деб билмаганлар.

Адабиёт майдонига бири вазир, бири шоҳ бўлган фаолият кишилари кириб келиши билан, туркий ғазал ва бошқа шеър жанрлар мавзу жиҳатидан янгиланди, бойиди. Улар шеърятга ижтимоий нафас олиб кирдилар. Албатта, бу билан Лутфийлар авлоди ёзган ишқий ғазаллар ижтимоийликдан холи эди, деб ҳам бўлмади. Чунки улар теурийлар даври сарой базмлари манзарасини бир қадар очиб беради. Адабиётшунос олим Д.Қуронов бадий адабиёт ҳам ижтимоий онг,

¹ А.Фитрат. Танланган асарлар. II жилд, Т., “Маънавият”, 2000, 41-бет.

ҳам санъат соҳаси сифатида иккиёқлама моҳиятга эгаллигини айтиб ўтади.¹ Шунга кўра, мумтоз шеърятимизда кенг қўлланган шам ва парвона жуфт мотивлари қатида ижтимоий ҳаёт манзараларини ҳам кўриш мумкин. Одамлар тун киргач, шам ёқишган ва шам ёруғида ижодий илҳом олишган. “Ижтимоийлик шахснинг фитратидаги азалий ибтидо бўлиб, у ҳамиша бўлган ва барча даврлар адабиётида ўзини намоён этади”.²

Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирик меросини, асосан, рубоий ва ғазаллар ташкил этади. Бундан ташқари, Бобур маснавий, маснуъ, туюқ, фард жанрларида ҳам самарали ижод этган. Маснавийлари, асосан, ишқий мактуб тарзида битилган. Зеро, А.Фитрат таъкидлаганидек: “Достонлар мактублар (кўбрак севги мактублари) маснавий йўсунли ёзиладир”.³ Маснуълари ёрга мурожаат шаклида битилган. Ғазал жанри кўпроқ ишқий мавзулар учун қулай бўлгани туфайли, Бобур ғазалларидан кўра рубоийларида ижтимоий мотивлар кўпроқ учрайди. Бобур лирикасида ижтимоий мотивлар биографик характерга эга.

Мумтоз адабиётимизда ижтимоий мавзудаги шеърлар Навоий ижодидан бошлаб ёзила бошлади ва такрор-такрор қўлланилиши натижасида мотив ҳолига келди. Шулардан келиб чиқиб, Бобур ижодида учрайдиган нисбатан барқарорлашган ижтимоий характердаги шеър намуналарини таҳлилга тортамыз.

1. Салаф шоирлар ижодида қўлланилган мотивлар:

Жаҳон ва одамларнинг, ёру дўстлар ва эл бевафолигидан эзилган ҳамда улардан йироқ бўлишни мақсад қилган лирик қаҳрамон мотиви:

Диёру ёрдин Бобур жафою жавр кўп кўрди

Хуш улким ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса, “Хуш ул озодаким, элнинг аросидан канор этса” ёки “Ким кўрубдур, эй кўнгул аҳли жаҳондин яхшилик” каби мисралари Бобурнинг серташвиш қисматида унинг кўнглини яралаган тақдир ва дўсту ёр туфайли қалбида пайдо бўлган изтироблар маҳсулидир.

Навоийда ҳам бундай мотивлар кўп учрайди:

Чун жаҳон бирла жаҳон аҳлига йўқ эрмиш вафо,

Эй Навоий, мен фано сарриштасин маҳкам тутай.

Бобур шоҳ шоир эди. Шу боис унинг шоҳлик фаолияти билан боғлиқ, доимий эл билан мулоқоти туфайли юзага келган турфа кечинмалари ҳам шеърятда ўз ифодасини топган. Шулардан бири эл билан лирик қаҳрамоннинг чиқишолмаслиги мотивидир:

Улфатим эл бирла оздур, кўндур эл жаври манга,

Не менинг таврим ёқар элга, не эл таври манга

ёки

Гўшае тутсам жаҳоннинг элидин гам кўрмасам,

Истарам эл кўрмаса мению, мен ҳам кўрмасам

Шу билан бирга, элга яхшилик қилиш, хайр улашишни ўзи учун доимий дастуриламал деб билган Бобур шахси ҳам намоён бўлади:

Бори элга яхшилик қилгилки мундин яхши йўқ,

Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

Навоий ижодида ҳам бу мотив юқори пардаларда қуйланган эди:

Манга ишқ дарди эмас муҳлику бас,

Замон дарди, аҳли замон дарди ҳамдур.

Бобур рубоийларида учрайдиган яна бир характерли мотив бу май мотивидир. Бобур ижодида май тасаввуфий эмас, балки ижтимоий мазмун касб этади. Бундай рубоийлар Умар Хаём меросида ҳам салмоқли ўрин тутади: “Кел, келки дами ўлтурубон май ичолдинг, Дунё ғамию ранжидин замоне кечолдинг”. Бобур майни тақдир ва фалақдан келаётган ташвишлардан қутулишнинг чораси сифатида ҳам, кўнгилга хуш келувчи баҳор, ёз фаслларининг безаги сифатида ҳам тараннум этади:

Баҳор фаслидур май ҳавоси бошимда,

Аёқ тут манга, соқийки, хуш хавойидур.

ёхуд

¹ Д.Курунов. Адабиётшуносликка кириш. Т., “Фан”, 2007, 25-бет.

² У.Ҳамдамов. XX аср ўзбек шеърятини бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Автореферат. Т., Академия ноширлик маркази, 2017, 16-бет.

³ А.Фитрат. Танланган асарлар. IV жилд, Т., “Маънавият”, 2006.

*Ёз бўлдию бўлди яна жаннат киби ёзи,
Хуш ул кишиким, айш ила ўтгай қишу ёзи*

Бобур май мотивини ўзига хос тарзда, кўпинча, фасллар билан боғлаб тасвирлайди. Баҳор, ёз фасллари май мотиви билан деярли ёнма-ён ифодаланади:

*Баҳор айёמידур доғи йигитликнинг авонидур,
Кетур соқий, шароби нобким ишрат замонидур.*

“Хуш улки баҳор фасли бу дунёда, Мендин газагу таом, сендин бода”, “Хотирни баҳор фаслида гашт оладир”, “Ёз фасли ёр васли дўстларнинг суҳбати, Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга холи бор” мисралари ҳам мазкур мотивнинг турфа хил кўринишларидир.

Атроф-муҳитдан, қисматдан зада бўлган шоир “мен”и кўб марта машаққатни ифода этади:

*Неча бу фалак солғуси гурбатқа мени,
Ҳар лаҳза тугонгусиз машаққатқа мени.
Не чора қилай, нетайки тенгри гўё,
Меҳнатни менга яратди, меҳнатга мени.*

ёхуд “Менким, ғаму меҳнат била ху қилмишмен” мисраларида Бобурнинг машаққатга тўла қисмати манзаралари гавдаланади.

2. Бобур ижодига хос бўлган мотивлар. Бобур рубойларида бот-бот дуч келинадиган энг фаол мотив бу жамият билан, яқинлари билан биргалик ҳиссини туйиш ва ундан роҳатланиш мо-тивидир. Бобур фаолият инсони бўлгани, яъни шоҳ бўлгани сабабли кўпчиликнинг ҳузурини, аҳ-бобнинг бирлашуви, тотувлигини истаган. Шу мазмундаги қатор рубойларига дуч келамиз девон-да:

*Аҳбоб, фироқингиз бирла эл нетгай?
Сизларга киши не чора айлаб етгай?
Жамъиятингизни жамъ тутқай тенгри,
Бобурни доғи бу жамъда жамъ этгай.*

ёки

*Аҳбоб йигилмоқни фароғат тутунгиз!
Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз!
Чун гардиши чарх бу дурур, тангри учун,*

Бир-бирини неча кун ганимат тутунгиз! – каби рубойларида яқинлари, дўсту ёр, аъёнлари билан биргаликни Ҳақдан келгувчи давлат деб билади ва уни ганимат тутмоқни, аввало, инсон, ҳам шоҳ сифатида уларга насиҳат қилади.

“Эл суҳбатиники орзу қилмишмен, Не хушлуғ ила бу гуфтугу қилмишмен” рубойиси, “Аҳ-боб йигинидин неча қолғоймен”, “Аҳбобдин ижтиноб қилмоқ мушқил”, “Эй ел, бориб аҳбобқа номимни дегил”, Ёки ғазалларида “Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър” каби мисралари Бобур шахсининг ёлғизликдан кўра, кўпчиликнинг дийдори ва ҳузурига толиб бўлганини кўрсатади.

Бобурга қадар ҳаммом мавзуси шеърятимизда ишлатилган эмас. Бобур ушбу мавзунини мотив даражасига етказди. Унинг рубойларида “Ҳаммомки қилдим кўрунгизким айём”, “Ҳаммомки, арк ичинда пайдо қилдим” каби ифодаларга дуч келамиз.

Бобур шеърятига хос етакчи мотивлардан яна бири бу ватан соғинчи мотивидир:

*Толеъ йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди,
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин не юз қаролиғ бўлди.*

Ватан соғинчи мотиви Бобургача бўлган шеърятимизда йўқ эди. Маълумки, мусофирлик-дагина, ватандан жудоликдагина Ватан соғинчи туюлади. Соғинч туйғусининг ўзи йироқликни талаб этади. Шу боисдан Бобурни Ҳинд сори юзлаштирган тақдир ҳар нафас ватан соғинчини ҳам Бобур қалбида томир ёздирaveraди ва бу туйғулар шеърят бағридан ўзига қўним топади.

Бошқа бир рубойсида “Кўнглум бу ғариблиқда шод ўлмади, оҳ”, деса, яна бирида “Ойирди мени бир йўли хонумондин”, “Кўпдин бериким ёру диёрим йўқтур” каби армон тавсирларини кўрамади.

“Ижтимоийлик даражаси эпик ва лирик асарларда жиддий фарқланади. Баъзан лирик асарларда ижтимоийликдан асар ҳам йўқдай кўринади. Айримлар, хусусан, “соф санъат” тарафдорлари

айни шу ҳолни мутлоқлаштирмакчи бўладилар, шеърият фақат кўнгил иши бўлиши керак деган гаплар эшитилади. Хўш, инсоннинг кўнглидаги туйғулар, изтиробу қувончларнинг ўзи келиб чиқиш жиҳатидан ижтимоий эмасми?”¹

“Бироқ яратилиши жиҳатидан, дунёга муносабат, ўша дунё туфайли пайдо бўлган ҳиссиётлар, фикрлар нуқтаи назаридан том маънода шахсий ҳодисадир”.²

Бобур шеъриятга реалистик руҳ олиб кирди. Чунки унинг лирик мероси шахси ва ҳаётидан сув ичади. Шунга кўра, “Бобурнома”да кўндаланг қўйилган масалалар эпик кўламда бўлиб, лирика табиатига зид бўлгани боис шоир ижтимоий воқеликдан юзага келган ҳисларини шеърга солган, деган хулосага келиш мумкин.

Бобурнинг айрим шеърларининг ёзилишидаги ижтимоий аҳамият ҳақида таяниладиган бирламчи манба Бобурноманинг ўзидир.

Бобурнинг ижтимоий мазмундаги шеърлари кўп. Биз мотив даражасига етганларини таҳлилга тортдик. Юқоридаги мисоллардан келиб чиққан ҳолда, Бобур лирикасида қўлланилган ижтимоий мотивларни салаф шоирлар ижодида такрорланиб келган мотивлар ҳамда Бобур ижодига хос бўлган мотивлар, дея таснифладик. Зеро, мотив тушунчасининг ўзи ҳам “бир шоир ижоди ёки бир даврда яшаган шоирлар ижоди доирасида такрорланувчи поэтик образ”дир.³

Искандарова Нодира Баҳромбековна (ТТАУФ) ҚИЁСИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИК ТИЗИМИДА ТАРЖИМА

Аннотация. Ушбу мақолада бадий таржима назарияси ва қиёсий адабиётшуносликнинг ўрни ва аҳамияти, шунингдек, қиёсий адабиётшунослик тизимидаги таржима масалалари ва муаммолари кўриб чиқилган. Функционал таржима муаммоси, таржимоннинг унинг фаолияти жараёнида назарий тайёргарлиги, шунингдек, асл нусханинг миллий ва маданий хусусиятларини сақлаб қолиш масалаларига катта эътибор берилди.

Аннотация. В статье рассматривается роль и значение теории литературного перевода и сравнительного литературоведения, а также вопросы и проблемы перевода в системе сравнительного литературоведения. Большое внимание уделяется проблеме функционального перевода, теоретической подготовке переводчика в процессе его работы, а также сохранению национально-культурных особенностей оригинала.

Annotation. The article examines the role and significance of the theory of literary translation and comparative literary studies, as well as issues and problems of translation in the system of comparative literary studies. There is much attention paid to the problem of functional translation, theoretical training of the translator in the process of his work, as well as the preservation of the national and cultural characteristics of the original copy of works.

Калит сўзлар: таржима, услуб, бадий шакл, қиёсий адабиётшунослик, мулоқот, шахс.

Ключевые слова: перевод, стиль, художественная форма, сравнительная литература, общение, личность.

Key words: translation, style, art form, comparative literature, communication, personality.

Халқлараро ижтимоий, маданий ва адабий алоқалар кундан-кунга ривожланаётган замонамизда қиёсий адабиётшунослик келажаги буюк йўналишларидан биридир. Ҳар қандай билимли инсоннинг маънавиятини ривожлантириш учун жаҳон адабиёти хазиналари билан танишиш муҳимдир. Аммо ҳамма ҳам асарларни асл нусхада ўрганишга қодир эмас. Жаҳон адабиётининг маданий мероси таржима ишлари орқали бизга етиб келади. Таржима инсониятнинг қадимий фаолиятидир. Таржима энг муҳим ижтимоий функцияга эга бўлиб, одамларга тиллар орқали мулоқот қилиш имкониятини яратди.

Ҳозирги вақтда бадий таржима назарияси ва қиёсий адабиётшунослик каби фанларнинг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Бу жамият эҳтиёжидир. Маълумки, Ғарб маданияти интеграцияси жараёни кўплаб муаммолар билан бирга келади, жумладан, тил тўсиғини бартараф этиш ва маданий алмашинувни қайта тиклаш масалалари. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда бадий таржима ма-

¹ Д.Курунов. Адабиётшуносликка кириш. Т., “Фан”, 2007, 29-бет.

² Ўша асар.

³ Д.Курунов. Адабиётшунослик луғати. Т., Akademnashr, 2010, 180-бет.

салалари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу республикада давлат ўзбек тили ва икки тилли жараёнларнинг ролини оширади.

Бадиий таржималарнинг аҳамияти ва кўлами, айниқса, янги минг йиллик остонасида, глобаллашув даврида, байналминаллашувнинг янги босқичи сифатида яна-да ошди. Бугунги кунда бадиий таржиманинг жадал ривожланиши, ўзлаштиришнинг фанлараро характерида ва таржима масалаларига турли хил ёндашувларда намоён бўладиган бир ажойиб хусусият билан ажралиб туради. Бадиий таржима жараёни кўп функционал, кўп қиррали ва шунинг учун турли хил филологик фанларнинг кўплаб натижаларига эга; таржиманинг айрим муаммоларини стилистика, лексикология, фразеология, лингвистик ва минтақавий тадқиқотлар ва бошқалар доирасида кўриб чиқиш мумкин. Шу билан бирга, ушбу натижаларнинг барчаси таржима қилинган матннинг аниқ масалаларини ҳал қилиш учун мўлжалланган бўлиб, жаҳон компаративистикасида қўлланиладиган таржима муаммоларининг мос равишда кўриб чиқилиши таржимашунослик соҳасининг кенгайишига ва ушбу фаннинг назарий, услубий ва концептуал масалаларининг чуқурлашишига ёрдам беради.¹

Ўзбекистон дунё ҳамжамиятига ишончли тарзда кириб келмоқда. Бошқа давлатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар ўрнатилмоқда. Бир тилдан иккинчи тилга бадиий таржималар дунё халқлари адабиётларининг ўзаро бойиши ва ўзаро алоқаларида, фан, маданият ва таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Кўриниб турибдики, бадиий таржима дунёни, турли хил маданий ва тарихий муҳитни турли хил қабул қиладиган турли халқларни бирлаштирувчи омил сифатида жуда муҳимдир. Таржима муаммолари нафақат муҳим ва тўғри ечимни талаб қилади, балки турли халқларнинг дунё ўзаро маданий алмашинуви жараёнига кириб бориши шароитида – асосий эътиборни талаб қиладиган асосий масалалардир.

Ўзбек адабиётшунослигида қиёсий йўналишдаги илмий ишлар олиб бориш жараёни асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Н.Владимированинг рус тилидан ўзбек тилига таржималарнинг назарий асосларига, А.Мирзоевнинг Фоний ва Ҳофиз шеърлятига бағишланган илмий ишлари бу борадаги илк тадқиқотлар ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб, компаративистик тадқиқотлар сони ва салмоғи кундан-кунга ошиб бормоқда. Ўзбек адабиётшунослигида Х.К.Хамраев Ойбек ва Қаҳҳор асарларини, С.Р.Бабаева Ғафур Ғулом, Г.Халлиева Навоий ва Бобур, З.Мирзаева Абдулла Қодирий ва бошқа жаҳид адиблари, Б.Холиқов Тоҳир Малик, Н.Тоирова Омон Мухтор, Ф.Хажиева Мақсуд Қориев, Н.Қобилова Абдулла Қаҳҳор асарларини жаҳон адабий контекстида ўрганиб, қиёсий адабиётшунослик ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар Адабий алоқалар доирасида бажарилган илмий ишларга М.Холбеков, Ш.Шамусаров, А.Қосимов, М.Бакаева, С.Камилова, Т.Султонов, С.Матқаримова ва бошқа олимларнинг илмий изланишларини намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

Бадиий таржима назариясининг асосий муаммоларидан бири бу функционал таржима муаммоси, таржимоннинг ўз фаолияти жараёнида назарий тайёргарликнинг ўрни, шунингдек асл нусханинг миллий ва маданий хусусиятларини сақлаб қолишдир. Таржима қилишда миллий ўзига хосликни йўқотишига йўл қўймаслик керак, у бадиий таржима назариясининг асосий постулатидан келиб чиқади: адабий асар бошқа тилга таржима қилинади ва асл нусхадаги миллий ўзига хослик таржимада унинг асосий принципи сифатида тўлиқ сақланиши керак.

Сўнгги йилларда бадиий таржиманинг вазифаси тобора кучайиб бормоқда: у қиёсий адабиётшуносликнинг муҳим ва ажралмас қисми сифатида тан олинган. “Биз, таржима компаративистика амалиётида эвфемистик равишда четлаб ўтилади демоқчимасмиз, – дейди словак олими Д. Дюришин бу борада, аксинча, қиёсий характердаги ҳар қандай тизимли асар, таржимани кўриб чиқишни ўз ичига олади, гарчи у тез-тез соддалаштирилган ва тушунарли бўлса ҳам. Бундай соддалаштиришлар, асосан, аниқ бир таҳлил усули масалалари бўйича қарашлар бирлигининг йўқлиги ва таржиманинг адабий қиёсий тадқиқотлар теоремалари тизимида кам бўлмаган тортишувли, кўп қиррали киритилиши, унинг тиллараро муносабатлар иерархиясидаги ўрнини аниқлаш билан боғлиқ.² Сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бадиий таржима назарияси, муҳим эволюцияни бошдан кечирди ва катта ютуқларга эришди. Бадиий таржима назарийчилари ва амалиётчиларининг ақсарияти ўнлаб йиллар давомида эътибордан четда қолган миллий ўзига хосликнинг барча хилма-хиллигини ўз ичига олган реалистик таърифни олган услубга мурожаат қилишди.

¹ Введение в литературоведение. Под ред. Л.В.Чернец. Изд. 2-е. М., 2006.

² Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. 1972, пер. со словац., М., 1979.

Таржима – бу мазмун ва услуб бирлигини сақлаб, бошқа тил ёрдамида асл нусхани аниқ нусхалаш. Таржима нафақат тилшунослик, балки, адабиётшунослик, жумладан –қиёсий адабиётшунослик объекти саналади. Чунки асарнинг ўзи ва таржимаси қиёслаш учун асос вазифасини бажаради. Таржимани қиёсий адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганаётган тадқиқотчи, албатта, бу борадаги назарий адабиётлар билан танишиши, оригинал асар ва таржимада айнан нимани қиёслаши кераклигини англаб етиши керак. Адабиётшунос олим М.Топпернинг “Таржима қиёсий адабиётшунослик тизимида” номли илмий асарида таржиманинг компаративистика объекти сифатидаги хусусиятлари жуда яхши очиб берилган.¹

Бизга маълумки, таржима моҳиятан коммуникация (ўзаро мулоқот) ва рецепция (таржиманинг қабул қилиниши) каби жараёнлардан иборат. Худди шу жараёнлар қиёсий адабиётшунослик учун ҳам хос бўлиб, иккита ҳар хил миллатга мансуб адабий асарни таққослаш жараёнида албатта бу жараёнлар таҳлил қилинади. Масалан, Носир Зоҳид ва америкалик ёзувчи Виктория Швабнинг бир хил номдаги “Қасос” романларини ўзбек ва хоризж китобхони бир хил қабул қилмайди, бу рецепция жараёни. Ҳар иккала романни таққослашга киришиш бу икки миллат, икки маданият, икки ёзувчи ўртасидаги коммуникация. Демак, биргина коммуникация ва рецепция тушунчалари мавжудлигининг ўзи таржимани қиёсий адабиётшунослик объекти сифатида ўрганишга тўла асос беради. М.Топпернинг фикрича, қиёсий адабиётшунослик методологияси жаҳон адабиётидаги турли хил миллий адабиёт намуналарини қиёслаш имконини беради, бу эса таржимашуносликка бўлган эътиборни оширади.²

В.М.Жирмунскийнинг (1891–1971) таъкидлашича, ёзувчи ижодини унга таъсир ўтказган миллий ва халқаро адабий анъаналар билан қиёсан ўрганиш ҳам жуда катта методик аҳамиятга эга бўлиб, адибнинг ижодий индивидуаллигини, миллий ва жаҳон адабиёти таракқиётидаги ўрни-ни аниқлашга ёрдам беради.³

Ҳар бир таржимон “янги” матнни яратиб, унинг таржимасидаги номувофикликлар, номувофикликларнинг асосий манбаи, объектив маълумотларга кўра, қабул қилинган таркибнинг барча нозикликларини, ўзига хослигини еткази олмайдиган янги тил тизими бўлишини яхши билади. Бундан ташқари, лингвистик тартибнинг қийинчиликлари тушунарли: чет тилини яхши биладиган таржимон, ёзувчи асарини, унинг услубини, бадиий услубини билган ҳолда, уни кутаётган ҳар хил номувофикликлардан қочишга интилади.⁴

Шуни таъкидлаш керакки, асарнинг бадиий шакли ва мазмунидан оғиш лингвистик тизимлар – асл тил ва унинг янги лингвистик шакли ўртасидаги номувофиклик билан боғлиқлигини таъкидлаб, саволни бундай шакллантириш жуда анъанавий ва ҳар томонлама ўрганилган. Хусусан, Д.Дюришиннинг «Таржима адабий алоқалар шакли сифатида» монографияларида, Г.Гачечиладзе, М.Алексеев ва бошқаларнинг таниқли асарларида жуда яхши очиб берилган.

Тадқиқот маълумотларидан кўриниб турибдики, чет тилидаги асарларни таржима қилишнинг мураккаблиги, ўқувчининг идрокига таққослаганда, ҳар қандай таржима таржиманинг боши ва охири сифатида икки босқични: таҳлил ва синтезни ўз ичига олганлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, чет эл муаллифининг она тилидаги асарини “етарлича” ёки аниқ қайта яратишни хоҳлаган таржимон ҳар доим ундаги икки хил принципни мувофиқлаштиришга интилади: ифода режаси – тилларнинг грамматик ва лексик тузилиши (асл тил ва таржима) бадиий таркиб режаси билан.

Ҳозирги вақтда таржима жараёни тадқиқотчилар томонидан таржимани тиллараро алоқа акти сифатида тавсифловчи назарий модел нуқтаи назаридан тобора кўпроқ кўриб чиқилмоқда. Маданиятлараро алоқа динамикаси ўзига хослигини сақлаш ва бошқаларнинг маъноларини қабул қилиш ўртасидаги мувозанати билан тавсифланади. В.В.Метелева, “таржиманинг коммуникатив томони концепциясига киритилган она тили учун фикрни шакллантиришнинг анъанавий услубига риоя қилмаслик таржима хатоларининг манбаи бўлиб чиқиши мумкин”. Шунинг учун таржимаси матнда қолдириб бўлмайдиган матннинг доминантларини ажратиш кўрсатиш муҳимдир, шу билан бирга, ушбу доминантларнинг таржимаси таржима қилинган тил меъёрлари билан мувофиқлаштирилиши керак.

¹ Топер П.М. Перевод в системе сравнительного литературоведения. М., 2000.

² Тот же.

³ Жирмунский В.М. Проблемы сравнительно-исторического изучения литератур. Известия АН. Т.ХІХ, вып. 3, М., 1960, с. 183.

⁴ Дима А. Принципы сравнительного литературоведения. 1972, М., 1977.

Таржима услубий масалалар билан узвий боғлиқдир. Таржимонни нафақат чет тилидаги матннинг мантикий моҳияти, балки унинг ўзига хос мужассамланиши, дизайни, у ёки бошқа табиатдаги хабарни ўз она тилида концептуал тарзда ифода этиш усули ҳам қизиқтириши керак. Услубий экспресив воситаларни таржима қилишда етарлича акс эттириш, шунингдек, таржима билан услубни сақлаш масалалари ҳар доим энг қийин ва зиддиятли бўлиб келган. Услуб тизим сифатида тилнинг барча қирраларини қамраб олади, шунинг учун унинг барча хусусиятларини таржимада узатиш катта куч талаб қилади ва бир қатор қийинчиликларга дуч келади.¹

Бадиий таржималар, ниҳоят, кейинги “маданий матнлар”дан ташкил топган, ҳамма нарсани ўз ичига олган вакиллик машинасининг бир қисмидир. Айни пайтда, Гринблатт Европа вакиллик тизимини ўрганиб, кашфиётларга олиб келган маданий таржиманинг кучли жараёнини ўз ичига олади. Шу билан бирга, у таржима амалиёти тўғрисида таълимнинг етакчи тарихий кучи сифатида муҳим хулосалар беради. Ушбу ҳодиса Иветан Тодоровскийнинг, шунингдек, Едвард Сайднинг тадқиқотлари билан алоқада бўлиб, иккинчиси шарқшунослик танқидий нуқтаи назаридан бадиий таржима ва мустамлакачилик маданияти гегемониясининг шериклигига эътибор қаратмоқда. Шарқшуноснинг саёҳатни таърифлаши ҳолатида, қандай қилиб чет эл (бошқа) маданиятининг намоиши, ҳақиқатан ҳам, ҳақиқатнинг ҳақиқий тасвири эмас, балки сиёсий ва иқтисодий манфаатларга хизмат қилиши аниқ бўлади.²

Таржима мустамлакачилик жараёнида бегона маданий образларни мустаҳкамлаш стратегияси сифатида, авваламбор, тарихий ҳаракатлар динамикасига ҳалақит бермайдиган Европадан ташқари жамиятларда Европани филтрлаш, ўзлаштириш ва бирлаштиришни англатади. Таржиманинг ўзаро жараёнлари ва маданиятлараро алоқалар ҳамда таржиманинг мавжуд блокранишига янги эътибор, таржимани тарихий ўрганиш учун янги диққат марказидаги кенгайтирилган тадқиқот доирасига асосланган. Матнларни алмаштириш кучларнинг тенгсизлиги билан боғлиқ бўлиб, бу, авваламбор, марказ ва атрофлар ўртасида жойлашган бўлиб, маданият таржимасини ҳам, матн таржимасини ҳам қийинлаштиради.³

Маданиятни чегаравий интерактивлик маъносида таржима қилиш – нафақат маъноларни таржима қилиш маъносида – маданиятлар ўртасидаги прагматик алоқа соҳасида муҳим роль ўйнайди. Бу этнолог Гисли Палссон тушунтирганидек, пост-шарқшунослик вакили услуби асосида демократик “ҳаёт муҳокамаси” амалиётига мос келади.

Матннинг бадиий таржимага боғлиқлиги горизонтал равишда кенгайиб борадиган интерактив муносабатлар эканлиги ҳисобга олинади. Тегишли муносабатлар доирасини ва таржима жараёнини ўрганиш, масалан, маданиятлар ўртасидаги ўзаро таржима ёки таржима ҳолатлари билан боғлиқ келишмовчиликлар, шунингдек, маданий тесқари таржима ёки ўзлаштириш ва маданий-сиёсий талқин қилинган тақдирда, ушбу интерактив фиксациялар тўғрисида муҳим тушунтиришлар беради. Таржима маданиятлар ўртасидаги алоқа воситасидир. Бундан ташқари, маданий алоқаларнинг ҳал қилувчи коммуникатив ва интерактив шакллари ҳисобга олинади: диалог, зиддият, низо. Биринчидан, таржима муаммоларининг мустамлакадан кейинги мунозараларда акс этиши таржиманинг тўсиқлари ва тўсиқларига ойдинлик киритмоқда, улар таржиманинг умумжаҳон талаблари билан ўчирилмаслиги керак, аммо таржиманинг маданий машаққатли жойида ўзларининг ифода шаклини топади: алоқа тўсиқлари, тушунмовчилик, маданий хилма-хилликнинг низолари самарали шакл сифатида маданий таржима янги усулда эътироф этилади.

Таржимон асл матнда ишлатилган турли хил тасвирий ва экспресив воситаларни бир, қарашда, кўринадиганидан кўра, тез-тез етказиш зарурати билан дуч келади. Деярли ҳар қандай бадиий матнда тасвирий бирликларнинг ўзига хос функциясини – услубийликни ташкил этадиган маълум бир троплар, нутқ фигуралари ёки сўзларнинг бошқа ифодалаш воситалари киради. Ҳар бири бадиий асарда ўз вазифасини бажарадиган ҳар хил турдаги образларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш катта ҳиссиётларни талаб қилади, асл эмоционал ва эстетик маълумотларнинг сақланишини ёки ўзгартирилишини ёки маълум бир образнинг ўзига хос маъносини таъминлайди. Бу нафақат шаклни, балки таркибни таркибидаги барча хилма-хил маънолар билан, уш-

¹ Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Л., 1979.

² Конрад Н.И. Проблемы современного сравнительного литературоведения. 1959, избр. труды. Литература и театр. М., 1978.

³ Жирмунский В.М. Проблемы сравнительно-исторического изучения литератур. Известия АН, Т. XIX. Вып. 3, М., 1960, с. 183.

бу маъноларни сақлашнинг ажралмас шарти билан етказиш зарурлигини англатади. Шу муносабат билан, Л.Л.Нелюбин таъкидлайди: “Таржима асл матннинг маъносини сақлаб қолган ҳолда ўзгариши бўлгани учун, таржимон бошқа тилда маълум бир маъно ифодалашнинг эквивалент шакллари топишга ҳаракат қилиши керак”.¹

Хуллас, “аслият руҳини имкон қадар тўғри ва тўла акс этирадиган таржима матнини яратиш учун таржимон ҳам талантли бадиий сўз устаси, ҳам истиснододли таржимашунос олим бўлиши керак”.² Мажозий воситалар таржималарини ўрганиш ва уларни илмий ва танкидий таҳлил қилиш асл нусханинг баъзи жиҳатларини, маълум бир миллатнинг бадиий қадриятларини чуқур англашга ва пировардида бадиий маданият орқали унинг менталитетини тушунишга ёрдам беради.

**Гадоева Мавлюда Ибрагимовна (БухДУ доценти,
филология фанлари номзоди; gmail: gadoyevamavlyuda59gmail.com.)
АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИНИНГ ИНГЛИЗЧА ВА РУСЧА ТАРЖИМАСИДА
СОМАТИЗМЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

***Аннотация.** Ушбу мақола Алишер Навоий ғазалларининг инглизча ва русча таржимасида соматизмларнинг ифодаланишига бағишланган. А.Навоий ғазалларининг инглизча ва русча таржималардаги соматизм маънолари ўрганилган.*

***Аннотация.** Статья посвящена выражению соматизмов в английских и русских переводах газели Алишера Навои. Изучены значения соматизм в английском и русском переводах газели А. Навои.*

***Annotation.** This article is dedicated to the expression of somatizms in the English and Russian translations of Alisher Navoi's gazelles. The meanings of somatizms in the English and Russian translations of A. Navoi's gazelles were studied.*

***Калим сўзлар:** соматизм, ғазал, кўкрак, киприк, кўз, бош, лаб, оғиз.*

***Ключевые слова:** соматизм, газели, грудь, ресницы, глаза, голова, губы, рот.*

***Key words:** somatizms, gazelle, breast, eyelashes, eyes, head, lips, mouth.*

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг ижодий мероси дунё аҳли маънавий юксалишида ва ёшлар тарбиясида ҳаминча самарали восита сифатида хизмат қилиб келган. Шунинг учун шоир шеърлари ўзбек тилидан дунёнинг бир неча, жумладан, унга оиласи нуқтаи назаридан ноқардош ҳисобланган рус ва инглиз тилларига ҳам таржима қилинган. Албатта, эски ўзбек тилида, шеърини кўринишда, аруз вазнида яратилган Алишер Навоий ғазалларини аслиятга мувофиқ таржима қилиш мураккаб иш. Шундай бўлса-да, бу борадаги уринишлар ўзини оқлай олган.

Буни бевосита шоир шеърларида кенг қўлланилган соматизмларнинг – инсон тана аъзолари номининг таржимада сақланиши ва берилиши мисолида ҳам тасдиқлаш мумкин. Зеро, бадиий нутқда соматик сўзлар ёки таркибан соматик сўзлар иштирокида шаклланган кўчма маъноли иборалар, идиомалар, мақол ва маталларнинг семантикасида фойдаланиб, образлилик яратиш поэтик анъана даражасига кўтарилган адабий ҳодисалардан биридир. Буни ўзбек мумтоз адабиётининг энг йирик вакили Алишер Навоий ижодида ҳам кузатиш мумкин. Шоир “Ҳазойин ул-маоний” қуллиёти таркибидаги “Наводир уш-шабоб” девонининг 326-ғазалини бевосита соматизмлар иштирок этган куйидаги мисралар билан бошлайди:

***Кўкрагимдур** субўнинг пироханидин чокрок,*

***Кирпиким** шабнам тўкилган сабзадан намнокрок.³*

Кўкрак тананинг бўйиндан қорингача бўлган олд қисми; кўкс бўлиб, шоир уни кўчма маънода юрак, дил тушунчасида қўллаган. Киприк эса кўз қовоқлари четида қатор жойлашган туклар бўлиб, улар кўринишига кўра қуюк ёки сийрак, узун ёки калта, қайрилма, ўсик, сурмали тарзида сифатланади. Эски ўзбек тилида *киприк* сўзи метатеза асосида, яъни таркибидаги товушларнинг ўрнини алмаштириш орқали *кирпик* тарзида талаффуз қилинган ва ишлатилган. Шунинг учун Навоий ғазалида ҳам *кирпик* сўзи қўлланган. Шоир киприкни сабзага (нозик ниҳолга) ўхшатган.

¹ Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Л., 1979.

² Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Т., “Фан”, 2005, 334-бет.

³ Навоий Алишер. Кўкрагимдур... “Жаҳон адабиёти”, адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал, 3, 2016, март, 5 – 6-бетлар.

Ўзбек тилида *киприк* иштирокида ҳосил бўлган иборалар ҳам мавжуд. Бунга *киприк қоқмоқ*, *киприк қоқмаслик* каби ибораларни мисол қилиш мумкин. Агар одам киприкларини юмиб-очмай, кўзи очик ҳолда киприкларини қимирлатмасдан бирор нарсага диққат билан тикилиб жим турса, бу ҳолат *киприк қоқмай турмоқ деб юритилади*.

Киприк қоқмоқ эса юқори ва қуйи киприкларини юммоқ, юмиб очмоқ ҳолатини англатади.

Баъзан *киприк* сўзи ўрнида унинг олинма синоними *мижгон*, *мижжа* сўзлари ҳам қўлланиши кузатилади. Шундан *мижжа* сўзи кўпроқ киприк остини англатади. *Мижжа қоқмаслик* эса *уйқусизлик*, *бедорлик*, *кўз юммаслик* маъноларини англатиб келади.

Алишер Навоий ғазалининг кейинги мисраларида такрорнинг олдини олиш мақсадида киприк сўзи ўрнида *мужгон* сўзини ишлатган:

Уйла мужгон ханжарига ёпишибдур дурри ашк –

Ким, магар андин ятиме йўқтурур бебоқрок.

Юқоридаги мисраларни А.Сендик қуйидаги кўринишда рус тилига ўттирган:

Грудь моя окрававленной, чем рассветные небеса,

Ресницы мои влажней травы, на которой роса.

Кўринадик, мутаржим ушбу байтни сўзма-сўз таржима қилган. Ўзбек тилидаги *кўкрак* сўзини рус тилида унга муқобил келадиган *грудь*, *киприк* сўзини эса *ресница* сўзи билан ифода этган. Бунинг натижасида *кўкрак* сўзининг шоир қўллаган юрак, дил тушунчасидаги кўчма маъноси сақланмаган.

Худди шу байтнинг инглизча таржимасини Н.Қамбаров қуйидагича амалга оширган:

My heart is torn like a dress of morning,

And my eye-lashes are wetter than the grass dew.

Байтнинг инглизча таржимасида ҳам сўзма-сўз таржима усулидан фойдаланган. Таржимон *кўкрак* сўзини инглиз тилида *heart* сўзи билан бериши натижасида унинг аслиятдаги кўчма маъносини сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Киприklar сўзи эса *eye-lashes* сўзлари билан ифода этилган. Натижада аслият билан таржимада қўлланган сўзларнинг тузилишига кўра кўриниши ўзгаришига учраган. Аслиятда қўлланган содда туб сўз таржимада кўшма сўз билан ўрин алмашган.

Шуниси муҳимки, ҳар иккала таржимон аслиятдаги “Менинг кўкрагим (юрагим) тонгнинг кўйлагидан ҳам ямоқлироқдир, кипригим эса шабнам тўкилган майсадан кўра намлироқдир. Кўз ёш дури киприк ханжарига шундай ёпишганки, бу худди ханжардан кўркмайдиган ботир кишини эслатади” деган мазмунни бера олган.

Чарх ҳажрингда яқиндур бошима емрулгай

Кўр нелар келтирадур бошима даврон сенсиз.¹

Алишер Навоий ушбу байтида “Айрилиқ шундай давом этадиган бўлса, яқин кунларда бу фалак менинг бошимга кулаб тушса керак, кўргилки, бу даврон бошимга сенсиз не кунларни сол-япти” демоқда. Шу байт Аъзам Обид таржимасида қуйидагича ўқилади:

The heaven might fall on my head from the bitterness of parting

See, what will these days at last for me transmit without you.²

Юқоридаги байтнинг икки ўрнида бош сўзи келтирилган бўлса-да, унинг инглиз тилидаги таржимасида фақат бир ўринда *бош* сўзи **head** сўзи орқали ифода этилган. Бу ғазалнинг русча таржимасида эса худди шу байт тушириб қолдирилган. Бунинг натижасида эса мазкур ғазалнинг ҳам байт қурилишига, ҳам асосий мазмун-моҳияти очиб берилишига зарар етказилган.

Бош сўзи одам ёки ҳайвонларнинг бўйиндан юқориги, олдинги қисмини англатади. Шевада *калла* сўзи унга синоним сифатида ишлатилади. Ўзбек тилида *бош* сўзи иштирокида ҳосил бўлган (*боши осмонга етмоқ*, *боши қотмоқ*, *бош кўтармоқ*, *бошга тушмоқ*, *бошга солмоқ*, *бошига ёғдирмоқ*, *бошидан ўтказмоқ*, *бошдан кечирмоқ* ва *ҳоказо сингари*) қатор иборалар мавжуд. Алишер Навоий ушбу байтида улардан *бошга тушмоқ*, *бошга солмоқ* каби *иккитасини ишлатган*. Улар кўмагида шоир лирик қаҳрамоннинг ишқ йўлидаги изтироблари ва ҳис-туйғуларини юксак ва бетакрор акс эттиришни кўзда тутиб, *бошима емрулгай* иборасини ҳаётда пешонасига ёзилган тақдир (*бошга тушмоқ*), *бошга келтурмоқ* иборасини оғир қийинчиликка, азобга дучор қилмоқ (*бошга солмоқ*) маъносида қўллаган.

¹ Навоий Алишер. Сенсиз... “Жаҳон адабиёти”, адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал, 10-бет.

² А.Навоий. Without you. 13 бет, № 12, 2016, декабрь.

Алишер Навоийнинг қуйидаги байтларида *лаб*, *огиз*, *бош* каби соматик сўзлардан фойдаланилган. Жумладан:

*Мен киму нўши лабингдан истамак қути ҳаёт,
Айласа гамзанг синони қатл бу миқдор бас.
Эй кўнгул, гамгин эсанг кўп, қуйса соқий оғзингга
Зарфни, сипқармагунча қилмагил зинҳор бас.
Юз бало келса бошингга сабр қилгил, эй кўнгул,
Ё халойиқ ихтилотни қил Навоийвор бас.¹*

Мазмуни: “Мен ким бўлибманки, сенинг лабинг бўсасидан ҳаёт неъматини истасам! Гамзанг мени қатл этса, шу етарли. Эй кўнгил, агар қайғуда бўлсанг-у соқий оғзингга май қуйса, жомдаги май тугагунча тўхтамасдан ичавер! Эй кўнгил, бошингга юз бало келса ҳам, сабр қил ёки Навоий каби халойиққа аралашиб юришни бас қил!”

Алишер Навоий яшаган даврда *лаб* сўзи *дудоқ*, *ирн* каби ҳозирги тил учун архаик сўзлар саналувчи луғавий бирликлар билан синоним (шакли ҳар хил, аммо маъноси бир хил) сифатида тенг ишлатилган. Лекин Навоий поэтик нутқида кўпинча *лаб* сўзининг қўллангани кузатилади. Шу байтнинг русча таржимасида *лаб* сўзи унга муқобил келувчи *губ* сўзи билан тўғри алмаштирилган бўлса-да, *огиз* сўзи тушуриб қолдирилган. Аслиятдаги мавҳум отдан иборат *кўнгил* сўзи ўрнида аниқ от бўлган *юрак* сўзи қўлланилган:

*Во мне нет дерзостной мечты коснуться губ твоих –
Твоей улыбки озорной – достаточно.
Пусть кравчий льет в бокал вино багровое –
Забываться влагою хмельной – достаточно.
Умер, о сердце Навои, свои стенания –
Боль обнажать перед толпой – достаточно.*

Мазкур байтнинг инглиз тилидаги таржимасида эса *лаб* (lip) сўзи қўлланмаган. “Эй кўнгул” ундалмаси “Oh my heart” кўринишида берилган. *Огиз* соматизми *mouth* соматизми билан ифода қилинган:

*Oh my heart, if you are sad and a toastmaster
Will pour wine into your mouth.
Do not stop to drink up the wine till the last drop,
Oh my heart, be patient even if you have a lot of misfortune.
Or disconnect your relations with people like Navoi,
Therefore I can't say to my beloved to be faithful.*

Кўринадики, аслиятдаги “бошга бало келмоқ” ибораси русча ва инглизча таржималарда сақланмаган. Қолаверса, аслиятдаги *юз* сўзи соматизм эмас, балки миқдор тушунчасини билдирувчи сон сўз туркумидаги *юз* рақамидир. Улар ёзилиши бир хил, аммо маъноси ҳар хил бўлган омоним сўзлар ҳисобланади. Келтирилган байтда *юз бало* кўп бало маъносини англатади.

Навбатдаги байтда *юз* сўзи соматизм сифатида эътиборни тортади. У орқали байтда “*Юзим остонангни ўпай деб тупроққа айланиб кетмиш, ҳолимга раҳм қилиб, шунча ранжимга бир муруват кўрсат, бу ранжларимни беҳудага чиқарма*” мазмуни ифода этилмоқда:

*Туфрог ўлмиш, мен қўяй деб осмонбўсунгга юз,
Ҳолима раҳм айлабон қилма бу ранжимни ҳабо.²*

Аммо шу байтнинг русча таржимасида *юз* сўзининг сақланмаганини кузатиш мумкин:

*Я стал бы прахом, лишь порог мне твой поцеловать,
О, сжался сделай для меня, стоб миг такой настал.*

Лекин худди шу байтнинг инглизча таржимасида *юз* сўзи сақланган бўлиб, ўзига мос муқобили *face* сўзи билан берилгани кўзга ташланади:

*My face turns into dust when I want to kiss your threshold,
be merciful, be generous, and do not make me angry for nothing.*

¹ Навоий Алишер. Хўблаб минг бўлсалар... “Жаҳон адабиёти”, адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал, № 2, 2016, февраль, 3, 5, 6-бетлар.

² Навоий Алишер. Бедилнинг хайрли Русул. “Жаҳон адабиёти”, адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал, № 7/230, 2016, июль, 3, 6, 7-бетлар.

Мумтоз шеърятда, жумладан, Навоий лирикасида энг кўп қўлланадиган соматизмлардан бири **бағир**дир. Ўзбек тилида бағир сўзининг бир неча маъноси бор. 1. Ўз маъноси: **жигар**. 2. **Кўчма маъноси**: а) тананинг бўйиндан қорингача бўлган олд қисми; кўкрак, кўкс, тўш; б) кучок; химоя, паноҳ; ён; в) улкан, чўзилган ҳудудли макон, фазо; кўйин, кучок; г) жуғрофий ҳудуднинг ён, нишаб томони. 3. Поэтик маъноси: юрак, қалб, дил.

Ҳозирги ўзбек тилида бағир сўзи иштирокида ҳосил қилинган *тоғ бағри, шаҳар бағри, сукунат бағри, коинот бағри, бағрига олмоқ, бағрига босмоқ, бағри қон, бағри хун, бағри совуқ, бағри қора, бағри қаттиқ, бағри кенг, бағри эзилмоқ, бағри куймоқ, бағри ярим, бағри бутун, бағри доғли, бағри кабоб, бағрини кўтариб олмоқ* сингари бир қатор кўчма маъноли бирикмалар, турғун иборалар кенг қўлланади. Алишер Навоийнинг қуйидаги байтида “*бағирни ёрмоқ*” ибораси қўллангани эътиборни тортади:

Жон риштасини чирмадим ўқунгга, войким,

Тигинг бағирни ёрдию тикмакка тор йўқ.¹

Мазмуни: “Жонимнинг риштасини сенинг ўқингга боғладим, лекин додки, сенинг тигинг (ханжаринг) бағримни ёрди, аммо бу жароҳатни тикишга бир ип топилмади”.

Русча таржимаси:

Душа послушной нитью вьется вокруг твоей стрелы.

И кровь из раны сердца льется. Защить – так нити нет.

Инглизча таржимаси:

I tied my heart to your arrow, to who can I wail now,

Your edge cut my flesh and blood – no thread to renovate.

Аслиятдаги *бағир* сўзи рус ва инглиз тилига таржима жараёнида *юрак* маъносини англаувчи *сердца/heart* сўзлари орқали берилган. Тўғри, ўзбек тилида *юрак* сўзи *бағир, қалб, дил* сўзларига синоним сифатида қўлланади. Ҳатто *юрак-бағир* сўзлари яқин маъноли сўзлар сифатида жуфтлашиб ҳам келади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *юрак* сўзининг қуйидаги бир неча маъноларда қўлланиши кўрсатилган: 1. Анатомик атама сифатида одам ва ҳайвонлар кўкрак қафаси ичида жойлашган, уларнинг қон айланиш системасидаги мускул қопчиққа ўхшаш марказий аъзо. 2. Кўчма маъноларда: а) кишининг ҳис-сезгиси, руҳи, кечинмаларининг рамзий маркази, улар сақланадиган жой; қалб, дил; б) кўркмаслик, жасорат ва шу кабилар рамзи; в) бирор нарса-нинг асоси, маркази.

Ўзбек тилида *юрак* сўзи иштирокида шаклланган жуда кўплаб иборалар учрайди. Бунга *юраги ачимоқ (ёки юраги ачишмоқ), юраги куймоқ, юраги оғримоқ, юрагини оғритмоқ, юрагини олмоқ, юрагини забт этмоқ, юраги бетламаслик, юраги бетламоқ, юраги ботинмоқ, юраги ёрилмоқ, юраги жиз (жиз) этмоқ, юраги шув этмоқ, юраги зир этмоқ, юраги зир титрамоқ, юраги сезмоқ, юраги йўқ, юраги кенг, юраги тор, юраги қора, юраги орзиқмоқ, юраги орқасига тортмоқ, юраги дукилламоқ, юраги ўйнамоқ, юраги пўкилламоқ, юраги тўхтамоқ, юраги урмоқ, юраги тепмоқ, юраги сиқилмоқ, юраги така-пука бўлмоқ, юраги типирчиламоқ, юраги тошмоқ, юраги ёрилмоқ, юраги тутдай тўкилмоқ, юраги увушмоқ, юраги чиқмоқ, юраги чопмоқ, юраги шув этмоқ (ёки юраги шиг этмоқ), юраги қинидан чиқмоқ, юраги қон, юраги хуноб, юрагига сигмаслик, юраги кўтаролмаслик, юрагига қўл солмоқ, юрагида кири йўқ, юрагини бўшатмоқ, юрагини ёрмоқ, юрагини очмоқ, юрагини тирнамоқ, юрагини чангалламоқ, юрагини эзмоқ, юрагини ҳовучлаб турмоқ, юрак олдирмоқ, юрак ютмоқ, юрак безовталиги, мамлакатнинг юраги, юраги гижимлаши, тоза юрак кабиларни мисол қилиши мумкин. Бундан ташиқари, тилимизда *юрақўйноқ, юракбуруғ, юракоғрик* сингари қўшма ясама, *юрақдош, юракли, юраксиз, юраксизлик, юраксинмоқ* сингари содда ясама ҳамда *юрақзада каби туб содда сўзлар* ҳам учрайди.*

“Жигар” сўзи ўзбек тилига форс-тожик тилидан олинган бўлиб, асл туркий тилдаги бағир сўзига синоним ҳисобланади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *жигар* сўзининг қуйидаги маънолари кўрсатиб ўтилган: 1. Анатомик термин сифатида одам ва ҳайвонларнинг ўт (сафро) ишлаб чиқарадиган, организмда моддалар алмашинувини таъминлайдиган ички аъзоси номини англатади. 2. Инсонлар овқат сифатида (*қовурма жигар, жигар кабоб каби*) ишлатадиган ҳайвонларнинг шу аъзоси. 2. Кўчма маънода энг яқин киши, туғишгандай яқин биродар; фарзанд.

¹ Навоий Алишер. Эл дарди ёрдин кам ўлур... “Жаҳон адабиёти”, адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал, № 10/233, 2016, октябрь, 3, 5, 6-бетлар.

Шуниси эътиборлики, ўзбек тилида жигар-бағри сўзлари ҳам худди юрак-бағри каби жуфтлик ҳосил қилиши кузатилади. Жумладан, халқ орасида *жигар-бағри* эзилмоқ ёки *юрак-бағри* эзилмоқ, *жигар-бағридан* урмоқ ёки *юрак-бағридан* урмоқ, *жигари сув бўлмоқ*, *жигари хун бўлмоқ*, *жигари куйган*, *жигари ёнган* каби иборалар, *жигарбанд*, *жигаргўша*, *жигарпора*, *жигарранг*, *жигарсўхта*, *жигархун*, *жигарчилик сингари* сўзлар учрайди.

Бундан хулоса қилиши мумкинки, таржимада ўзбек тилидаги бағир сўзини жигар, юрак сўзлари билан ифодалаши хатоликни келтириб чиқармайди.

Агар ўзбек тилида лаб соматизми икки бор такрор қўлланиб, “лаболаб” кўринишида ишлатилса, идишнинг лаби, унга суюқлик солиш меъёри ва чегарасини англашиб келади. Бунга Алишер Навоий ижодидан қуйидаги байтни мисол қилиши мумкин:

Дўстлук айлаб тутунг гаҳ-гаҳ лаболаб жомким,

Қайси жон қилмиш манга дарди хумор, эй дўстлар.¹

“Эй дўстлар, дўстлик кўрсатиб, менга ҳар дам лабигача май билан тўла жомни беринг, чунки хумор дарди жонимга қасд қиляпти” мазмунидаги ушбу байт рус ва инглиз тилларига қуйидагича таржима қилинган:

Прошу вас, содвиньте фиалы с вином, пожалейте меня,

Я полон безмерною жаждой – и неуголенной – друзья!

Инглизчаси:

*Be my friend and from time to time put a glass into my **mouth**,*

Craving tries to assassinate myself sans satisfaction, hey friends (p. 6)

Аслиятда ҳамда русча таржимада оғиз сўзи ишлатилмаган бўлса ҳам, инглизча таржимада мутаржим *mouth/оғиз* сўзини қўллаган.

Хулоса қилиб айтганда, соматизмлар ўзбек тилида инсон тана аъзоларининг номларини ифодалаб келувчи луғавий бирликлар бўлиб, алоҳида ўринга эга. Улар ўзбек тили луғат бойлигининг муҳим қисми сифатида тил ва нутқда коннотатив ёки денотатив маъноларда қўлланиб келади, шунинг учун уларнинг таржимаси алоҳида эътиборни талаб қилади.

¹ Навоий Алишер. Эй дўстлар... “Жаҳон адабиёти”, адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал, № 8, 2016, август, 3 – 6-бетлар.

Ахмадов Олимжон Шодмонович (БухДУ Педагогика кафедраси ўқитувчиси)
 БУХОРО АМИРЛИГИДА ЯНГИ УСУЛ МАКТАБЛАРИ ФАОЛИЯТИ. ЮТУҚЛАРИ ВА
 МУАММОЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада Бухорода XIX аср охири – XX аср биринчи чорагида таълим-тарбия муаммоларига бағишлаб яратилган манбалар ва адабиётлар илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Аннотация. В данной статье научно исследованы на основе источников и литературы проблемы образования и воспитания в Бухаре в конце XIX и первой четверти XX века.

Annotation. In the following article, the sources and literature related with the education-upbringing in Bukhara in the end of 19th first quarter of the 20th century is scientifically analyzed.

Калим сўзлар: манба, манбаишнослик, таълим, тарбия, узлуксиз таълим, тадқиқот, мақола, дастур, тизим, анъанавий таълим, мактаб, мадраса.

Ключевые слова: источник, источниковедение, образование, воспитание, системное образование, исследование, статья, программа, система, традиционное образование, школа, медресе.

Keywords: source, source studies, education-upbringing, chain education, study, article, program, system, nontraditional education, school, madrasah.

Бухоро амирлигида янги усул мактабларидаги таълим-тарбия амирликда XIX аср охирида вужудга келган. Янги мактабларга усули – савтия, тадрижия (ривожланувчи товуш усули) деб ном берилган. 1911 йилнинг бошларида Муқомилиддин Бурхонов томонидан Бухорода янги усул мактаби очилади. Ушбу мактабдаги ўқувчилар сони 40 нафардан ортиқ бўлган.¹ Бухородаги жадид мактаблари ичида Муқомилиддин Бурхонов ташкил этган мактаб ўзининг жиҳозланиши билан ажралиб турган, унда ойнали деразалар, темирдан ясалган печкалар мавжуд эди. Янги ўқувчини қабул қилиш, синфдан-синфга кўчириш, мактабни битириш қатъий тартибда бўлган, ўқувчилар билимини баҳолаш 6 баллик тизим билан амалга оширилган, имтиҳонлар ташкил этилиб, улар тарғибот мақсадида ошқора, намойишкорона тарзда ўтказилган.²

Бухорода Амир Олимхон томонидан амалга оширилган тадбирлардан бири – мавжуд кичик-кичик (баъзан 3–4 нафар ўқувчидан ташкил топган) мактабларнинг йирикрок қилиб бирлаштирилиши, мактаб ўқитувчилари учун хазинадан маош тайинланиши бўлиб, бу соҳага озроқ бўлса-да ҳукуматнинг аралашаётганлигидан далолат берар эди.³ Бу ҳақда ўша давр матбуоти хабар қилади. 1911–1912 йилларда Бухоро амирлиги ҳудудида янги усул мактабларининг сони 57 тага етади.⁴ 1912 йилнинг 9 октябрида Чоржуйда Отахўжа (Отаулла Хўжаев)нинг янги усул мусулмон мактаби очилади. 1912 йилнинг бошларида “Ёш бухоролик”ларнинг фаол аъзоларидан бўлган Усмон Хўжа жадид мактабларидан бирини қайта ташкил этади.⁵

Усмон Хўжа ташкил этган жадид мактабларида таълим-тарбия жараёнлари бутунлай янги тартиблар асосида йўлга қўйилган эди. Болаларни ёшларига қараб синфларга бўлиш, бир кунда 4–5 соатдан ортиқ дарс ўтмаслик, ҳар бир дарсдан сўнг 10 дақиқалик танаффус жорий қилиш, асосий эътиборни дунёвий фанларни ўқитишга қаратиш, асосан, биринчи босқичда ўқувчиларнинг саводини чиқариш, жума ва якшанба кунлари дам олишни жорий қилиш, 10 ойлик таҳсилдан сўнг болаларга таътил бериш, ўқувчилардан вақти-вақти билан имтиҳон олиб туриш, болаларни ёруғ, мумкин қадар, шинам хоналарда ўқитиб, ўқитиш жараёнида кўرғазмали куруллар: глобус ва хариталардан фойдаланиш қоидаларига эътибор қаратилган.⁶

1912 йилнинг охирида Усмон Хўжанинг қариндоши Латиф Хўжа томонидан Говкушон маҳалласида янги мактаб очилади. Шаҳар савдогарлари ҳомийлигида ишлаган ушбу мактаб 2 синфдан иборат бўлиб, ҳар бир синфда 3 та глобус, китоблар, ўтириш ва ёзиш учун парталар,

¹ Йўлдошев Н. Маърифат фидойилари. “Гулистон”, Тошкент, 1991, 4, 20 – 21-бетлар.

² Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джаидов в Бухарском эмирате. С. 86.

³ “Туркестанские ведомости”, 1911, 14 апрель.

⁴ Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркистане (1865–1924). С. 260.

⁵ Бобожонова Ф.Х. Бухоро амирлигида таълим тизими. XIX аср охири – XX аср бошлари. Б., 2014, 101-бет.

⁶ Ўша жойда.

ўқувчиларга бериладиган дафтарлар, ўқув қуроллари, деворий тахта (доска) бўлган. Битта синфда бошланғич таълим олувчилар, иккинчисидан эса олти ой таълим олганлар.

Дарсларни Усмон Хўжа ва “Ёш бухоролик”лар партияси аъзоси Мулла Гулом Қодирали олиб борган. Дарслар Самарқандда нашр этилган форс-тожик тилидаги дарсликлар асосида олиб борилган. 30 кишидан иборат икки синф ўқувчиларининг барчаси Бухородаги бой савдогарларнинг фарзандлари бўлиб, улар тез ва тўғри ўқийдиган бўлишган. Мазкур мактабда тан жазоси қўлланилмаган.¹

1912 йилда Бозори Нав гузарида ўқитувчи Мулло Ҳамидхўжа уйида янги мактаб очилади, унда 32 нафар ўқувчи бўлиб, дарслар рус тилида олиб борилган. Ўқитувчи Мулла Вафо дарсларни Граменидкий дарслиги асосида олиб борган. Кўп ўқувчилар олти ойда рус тилида равон ёзиб ва ўқиб билган. Мулла Вафо мактабида 30–35 бола ўқиган. Бундан ташқари, яна бир қанча мактаблар фаолият кўрсатган. Бундай мактаблар Бухоро халқининг эътиборини қозонган ва ўзининг келажаги порлоқ эканлигини кўрсатган.²

Айрим жадид мактабларида, масалан, Усмон Хўжа, Ҳамидхўжа Меҳрий мактабларида бир неча ўқитувчи ишлаган, шунинг учун педагогика кенгаши фаолият кўрсатган, танаффус пайтида ўқитувчилар навбатчилик қилишган.

Мактаблар, кўпинча, унинг ташкилотчилари томонидан таъминлаб турилган, айрим ҳолларда, уларга бой-бадавлат кишилар ҳомийлик қилиб туришган. Булардан ташқари, мактабларнинг таъминоти ота-оналар томонидан бериладиган ўқиш пули ҳисобидан ҳам йўлга қўйилган. Масалан, Абдулвоҳид Мунзим (Бурхонов) ташкил этган мактабда ўқиш пули ойига 3 сўмни ташкил этган. Ўқувчиларнинг 15–20%, асосан, камбағалларнинг фарзанди бўлиб, улар бепул ўқитилган. Шунинг ҳам эътироф этиш лозимки, янги усул мактабида ўқиш пули анъанавий мактабга нисбатан анча юқорироқ бўлган, бу ўқув жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ эди: анъанавий мактабда 6–10 йил ўқилса, янги усул мактабида 4 йил ўқитилган. Жадид мактабларида ўқитиш босқичлари ўқитиш усуллари ва ўқитиладиган фанлар аниқ бўлган.

Жадид мактаблари икки босқичда ташкил қилинган. Биринчи босқич бошланғич, иккинчи босқич ўрта деб аталди. Биринчи босқичда таҳсил муддати 4 йил (1–4-синфлар) бўлиб, биринчи йили форсча, арабча ёзув ва ўқиш ўргатилган. Куръони каримдан суралар ёд олинган. Ҳисоб илми ўргатилган. Иккинчи йилида “Ҳафтияк”, иймон ва эътиқод дарслари, туркий, форсий ва арабий тилларда шеърлар ўқитилган. Учинчи йилида эса Куръони карим, ислом ибодати, тажвид (қироат илми), Саъдийдан насихатлар (ахлоқ илми), туркий ва форсий тил (тилшунослик илми) ўргатилиб, ундан иншолар ёздирилган. Ҳисобдан турли таквимий ва иш юритиш каби зарурий жиҳатлар ўқитилган. Тўртинчи йилда Каломи шариф тафсири, муфассал тажвид, туркий ва форсий тилида назму наср (адабиёт), туркий ва форсий тил, ҳисоб, тарих ва жўрофия ўқитилган. Шунингдек, жадид мактабларида арифметика, география, табиатшунослик (қаттиқ асос, газ, ҳаво, иссиқ, совуқ), табиий билим асослари (шу жумладан, минералогия, ҳатто анатомия, химия ва физика элементлари) ўқитилган.³

1912–1913 йилларда мактаб очиш, унинг ўқув жараёнларини тўғри ташкил этиш ишида маълум даражада силжиш кузатилган. Қози Бурхониддин каби мутаассибларнинг Бухородан қувлиши, айрим мансабдорларнинг вазифасидан четлаштирилиши оқибатида мактаблар масаласида вақтинчалик мўътадиллик вазияти юзага келади.

1912–1913 йилларда Бухоро шаҳрида мулло Абулқосим, Муқомолиддин Махсум, Ғиёс Махсум Ҳусаин томонидан яширин мактаблар очилиб, уларда 100 дан ортиқ бола ўқиган.⁴

Говкушон ҳовузи бўйида, Ҳовузи Арбоб гузарида мактаблар ишлай бошлайди. Пойи Остона гузарида русча ва мусулмонча мактаб очилади. Хиёбон гузарида Мирзо Исмоилбекнинг укаси томонидан катталар учун савод чиқариш мактаби ташкил этилиб, унда хат-савод ўргатиш, ҳисоб ва география ўқитилади.⁵

Бухоро шаҳрининг Мор Кушон ва иккинчи Хиёбон гузарларида очилган мактабларни шаҳарнинг бой савдогарлари таъминлаб турган. Абул Қосим мактабидаги ўқувчилар сони 300 нафар-

¹ Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Эслатилган китоб. 47-бет.

² Ўша жойда.

³ Турсунметова Г. XX аср бошларида Туркистон таълим-тарбия тизимида жадид мактаблари. 124-бет.

⁴ Ўша жойда. 270–275-бетлар.

⁵ Ўша жойда. 245-бет.

дан ортиқ бўлиб, ўқув икки сменада олиб борилиб, дарслар Техрон (Эрон)да нашр этилган дарсликлар асосида ташкил этилган.¹

Бухорода жадидчилик ғаракатининг жонкуярларидан бири Ота Хўжа Пўлатхўжаев (Отаулла Хўжаев)дир. У маслакдошлари билан янги усул мактабини очади, бир неча ойдан сўнг бу мактаб амир ҳукумати томонидан ёпиб қўйилади. Шундай бўлса-да, у тақиқларга қарамай, Бухорода яширинча кечки мактаблар очишда фаол қатнашади: Абдурауф Фитратнинг ўзи ҳам 1913–1914 йилларда Ота Хўжа Пўлатхўжаев билан бирга Шахрисабз ва Каркида мактаблар очиш билан машғул бўлган.

1914 йилда Бухорода ном чиқарган, машҳур Усмон Хўжанинг мактабида 200 нафар, Эшон Ҳомид Хўжанинг мактабида (Бозори Нав гузарида) 100 нафар, Мулла Вафонинг мактабида 80 нафар ўқувчи таълим олган. Булардан Мулла Вафонинг мактабида дарслар рус тилида олиб борилган.² Рус тилидаги мактабга, асосан, савдогар, тижоратчиларнинг болалари борган. Янги усул мактабларининг кўпчилигида майда савдогар ва камбағалларнинг болалари таълим олишган. Бунинг асосий сабаби ҳукумат томонидан жадид мактабига тазйик ўтказилиши эди. Шу боисдан бой табақа янги усул мактабидан хавфсирар эди.

1914 йилга келиб, Бухородаги барча янги усул мактаблари қаттиқ қаршиликка учрайди. Амирликнинг ўта мутаассиб руҳонийлари жадид мактаблари хусусида шундай “фатво” беришади: “У (яъни, мактаб) шариатга қарши. Биринчи йилда ўқувчилар газета ўқийди, иккинчи йилда озодлик талаб қилади, учинчи йилда эса олий ҳазратларини тахтдан ағдаради.”

Амирликнинг чекка ҳудудларидаги янги усул мактаблари ҳам тазйикка учрайди. Масалан, Қорақўлдаги амалдор Ғулом Қодирнинг мактаби ҳам 1914 йилда амирнинг фармони билан ёпилади.³

1914 йилда “Ойина” журналида Мирзо Улуғбек жоме масжидининг муаззини 5–6 минг киши ҳузурида “ким боласини усули жадид мактабига берса, ўзи кофир, хотуни талоқ”, деб айтгани ҳақида маълумот берилади.

Шунга ўхшаш маълумотни “Туркистон вилояти газетаси”да учратдик. Бу маълумотда: “Баъзи уламоларнинг фикрича, усули жадидни ўқиган бола кофир бўлар эмиш. Шунинг учун болаларни у ерга юборманглар, деганлар. Аммо у ерда Қуръон қондалари, фарзи-айн каби ислом асослари ўқитилар эди. Яна муллаларнинг баъзиси усули жадид мактабларида болалар стол-стулларда ўтиришини кўриб, бу кофирларнинг стули дер эдилар”.

1914 йил 4 июлда амир Олимхон, одатдагидек, жума намозига борган пайтида мутаассиб руҳонийлар янги усул мактабларини ёпиш тўғрисида шикоят қилишади. Қозикалон Бурҳониддин жадид мактабларини бадном қилувчи ва бу мактабларни тезда ёпишга қаратилган қўйидаги мазмунда амир Олимхонга ариза ёзади: “Амир марҳум даврларида уламанинг фатволари билан усули жадид мактабларининг ҳаром ва бидъатлиги собит бўлиб, жаноби олийнинг амрлари билан ёпилган эди. Бир неча вақтдан бери яна муфсид жадидлар бош кўтариб, шаҳарнинг ҳар тарафида мактаблар очиб, халқнинг болаларини бузиб, фитна ва фасод кўзғатиб юрибдурлар. Агар жаноби олийнинг амрлари билан ушбу мактаблар тезлик билан боғланмаса, муллабаччалар бу бидъатни барҳам бермоқ учун ўзлари кўзғалишлари аниқдир. У ҳолда мамлакатда фитна ва фасодлар кўпайиб, давлати олийга зарар етиши эҳтимолдир.”⁴

1914 йилнинг 5 июлида амир Саид Олимхоннинг фармони билан Бухородаги барча жадид мактаблари ёпилади, мактаб ташкилотчилари ва муаллимлари аксарияти шаҳардан чиқарилиб юборилади.

Хулоса. Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, янги усул (усули-савтия) товуш чиқариб ўқиш мактабларининг Бухоро амирлигида пайдо бўлишида жадидчиликнинг “ғоявий отаси” Исмоилбақ Гаспиралининг хизмати катта бўлган. Унинг 1893 йилда Боғчасарой (Қримда) Амир Абдулаҳад билан учрашиб, Бухорода “Музаффария” мактабига асос солишида “усули-савтия” мактаблари тарихи бошланди.

Янги усул мактаблари анъанавий мактаблардан қўйидаги жиҳатлари билан афзал эди:

¹ Бухоройи шариф. 1912, 29 ноябрь.

² Шарипов Р. Туркистон жадидчилиги ҳаракати тарихидан. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2002, 107-бет.

³ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар, 1-том, 245-бет.

⁴ Шу манба.лар. 1 том, 210-бет.

– таълим жараёни синф-дарс тизимида олиб борилиб, ҳар бир соатдан сўнг орада 10 минутлик танаффуслар ўқувчиларга берилган, ўқувчилар стулларда ўтириб, ёруғ хоналарда таҳсил оларди. Уларга саводли татар муаллимлари ҳамда маҳаллий, хорижда ўқиб келган шахслар сабоқ берган;

– дарслар кўргазмалари куруллар (глобус, харита ва ҳоказо) орқали ўтирилиб, ўқувчилар сабоқни куруқ ёдлаш билан эмас, балки товуш чиқариб ўқиганлар. Болаларнинг саводлари тез чиқиб, уларга кўпроқ дунёвий фанлар ўқитилган;

– мактабларнинг молиявий аҳволи, моддий-техник базаси, санитария-гигиена ҳолати эски мактаблардан яхши бўлиб, педагоглар кенгаши ташкил этилиб, мактабларда ўқитувчилар навбатчилик қилишган;

– Бухоро амирлигидаги янги усул мактаблари ўқувчиларга бошланғич таълим (1–4-синфлар) бериб, ота-оналар иштирокида имтиҳонлар қабул қилинган. Бироқ ўрта ва олий таълим тизими уларда йўлга қўйилмаган эди.

Янги усул мактаблари фаолиятида ҳам муаммолар мавжуд эди. Энг аввало, улар учун ягона ўқув дастури мавжуд эмаслиги, ҳар бир мактабда турли дарслик ва ўқув қўлланмалар ўқитилиши, муаллимларнинг етишмаслиги, асосан, бошланғич мактаб эканлиги, мактабларнинг хусусий ёхуд хайрия кўринишидалиги, шунингдек, молиявий муаммолар мавжудлиги ва ҳоказо.

**Қодиров Олим Одилович (Андижон Давлат университети
Инглиз тили фонетикаси кафедраси катта ўқитувчиси; olimkodirov@vandex.ru)
УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ТИЛ
КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

***Аннотация.** Ушбу мақола умумтаълим мактабларида тил кўникмалари, тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш (ТГЎЁ)ларнинг ҳар бирини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб, инглиз тили дарсларини самарасини ошириш муаммоларини ўрганишга бағишланган.*

***Аннотация.** В данной статье рассматриваются проблемы повышения эффективности уроков английского языка в общеобразовательных школах, уделения особого внимания улучшению таких языковых навыков, как аудирование (listening), чтение (reading), говорение (speaking), письмо (writing).*

***Annotation.** This article is dedicated to the problem of rising efficiency of secondary school's English lessons by paying more attention to the development of each language skills, listening, speaking, reading and writing.*

***Калим сўзлар:** тил кўникмалари, тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзиш, ТГЎЁ, актив ва пассив тил кўникмалари, фасилитатор, экстенсив ўқиш, интенсив ўқиш.*

***Ключевые слова:** языковые навыки, аудирование (listening), чтение (reading), говорение (speaking), письмо, активные и пассивные навыки, фасилитатор, экстенсивное чтение, интенсивное чтение.*

***Key words:** language skills, listening, speaking, reading, writing, active and passive language skills, facilitator, extensive reading, intensive reading.*

Тил мулоқот қилиш ва дунё бўйлаб инсонларнинг бир-бирлари билан алоқада бўлишлари ва мамлакатлараро яхши муносабатларни ўрнатишнинг бирламчи воситасидир. Замонавий дунёда инглиз тили бошқа тилларга нисбатан турли давлатлар, мамлакатлар ва минтакаларда истиқомат қилувчи кўпроқ одамлар томонидан фойдаланиладиган тил сифатида бошқа тиллардан ажраб туриши сир эмас. У бугунги кунда медицина, инженерлик, журнализм, таълим, бизнес, илм-фан, технология ва оммавий ахборот воситалари, фармакология илмий изланишлар каби кўплаб соҳаларида етакчи роль ўйнаётган тил бўлиб қолди. Инглиз тилини халқаро тил мақомига олиб чиққан бир қанча омиллар мавжуд. Интернетдаги аксар маълумот инглиз тилида бўлганлиги туфайли бу тилни биладиган ва вебсайтлардан керакли маълумотни ўз вақтида олишга имкони бўлган мутахассисларга талаб кундан-кун ортиб бормоқда.

Юқоридаги фикрларни ҳисобга олган ҳолда айтишимиз мумкинки, инглиз тилини чет тили сифатида ўрганаётган ўзбек ёшлари бу тилни пухта ўзлаштиришлари ва ундан тўғри фойдалана оладиган мутахассислар бўлиб етишишлари бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ана шу заруратни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, жумладан, шундай дейилади: “Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, “Қуёшлиғ истасанг касби камол эт”, деб ёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга қуёшдек беминнат нур тара-тишни, яхшилик қилишни истайдиган инсон, камолотга интилиб, турли илм ва касб-хунарларни ўзлаштириши лозим.

Ҳозирги даврда хорижий тилларни мукаммал ўрганмасдан туриб, буюк бобомиз айтган ана шундай марраларга эришиб бўлмайди, десак, адашмаган бўламиз.

Бундай ўткир талабга амал қилиб, келгуси йилда физика ва чет тилларини ўрганишни устувор йўналиш этиб белгилашни таклиф этаман”.¹

Инглиз тилига ва уни яхши ўзлаштирган мутахассисларга талаб катта бўлган замонавий дунёда уни ҳар томонлама ўрганиш барча кўникмаларни пухта шакллантиришни тақозо этади. Инглиз тилини тил ташувчилари даражасида ёки унга яқин даражада ўзлаштириш учун ўқитувчилар мактабларда, таълим жараёнида барча тил кўникмаларини ўзлаштиришга қаратилган машқ, топширик ва дарсларни ташкил қилиши ва тил ўрганиш жараёнида анъанавий ўқитувчи эмас, балки фасилитатор (кўмак берувчи) ролини бажариши керак бўлади. Ушбу тил кўникмалари: тинглаб тушуниш (listening), гапириш (speaking), ўқиш (reading), ёзиш (writing) (ТГЎЁ). Тил ўрганишда кўзланган мақсадга эришиш учун ушбу кўникмаларнинг ҳар бирининг ўрни катта. Шундай экан, уларни ўзлаштириш ва ривожлантириш бугунги куннинг зарурий вазифаларидан бири бўлиб қолади. Тинглаб тушуниш ва ўқиш пассив (қабул қилувчи) кўникмалар ҳисобланади, чунки улар ёрдамида тил материали ижод қилинмайди, аксинча, улар ўзгалар томонидан ижод қилинган материални қабул қилиб олишга ёрдам беради. Гапириш билан ёзиш эса актив (ижод қилувчи) кўникмалар ҳисобланади чунки, бунда ўқувчилар ўз фикрларини оғзаки ёки ёзма гаплар шаклида тил материали ёрдамида ифодалайдилар. Шундай қилиб, актив ва пассив кўникмалар бир пайтнинг ўзида намоён бўлмайди. Гапришдан олдин тинглаш, ёзишдан олдин ўқиш талаб қилинади (ёки аксинча).

Агар тил ўрганувчи ТГЎЁнинг ҳар бирини тўлиқ ўзлаштирамас ва уларнинг имкониятларидан тўғри фойдаланмаса, кўзланган мақсадга эриша олмай қолиши мумкин. Шу билан бирга, ўқувчилар уларни бир хил муҳим деб билиши керак, чунки уларнинг ҳар бири тил ўрганиш билан боғлиқ бўлгани алоҳида, мустақил ҳодисадир. Бундан ташқари, муаллимлар ўз дарсларида замонавий ва илғор педагогик технологиялар, методлар ва ёндашувлардан фойданиши керак.

Тинглаб тушуниш тўртта кўникма орасида биринчи бўлиб шакллантириш керак бўлган кўникмадир. Барча кўникмалар ҳам муҳим, лекин тинглаб тушуниш ҳаммасидан ҳам муҳимроқ. Бунга сабаб у муваффақиятли мулоқотнинг гаровидир. Тинглаб тушуниш гапиришга қараганда тезроқ ривожланидиган кўникма ва у, кўпинча, ўқиш ва ёзиш қобилиятларига ҳам таъсир қилади. Тўғри шаклланган ва самарали тинглаб тушуниш қобилиятсиз тил ўрганувчилар етказилаётган хабарни тўлақонли тушунмай қолиши ва мулоқот муваффақиятли бўлмай қолиши мумкин.

Вандергрифтнинг билдиришича, тинглаш мураккаб ва фаол жараён, бунда тингловчи ўзи эшитган хабарни олдиндан бор бўлган билимига қиёслашга ҳаракат қилади.² Хадфилднинг таъкидлашига кўра эса тинглаб тушуниш хорижий тил ўзлаштиришда энг қийин кўникмадир.³

Сир эмаски, тинглаб тушуниш кўнималарини ривожлантиришга кўпчилик ўқитувчилар келарди эътибор билан қарашмайди. Айтиш жоизки, анъанавий дарслар берилганда мазкур масалага умуман аҳамият берилмай келарди. Кейинчалик, ноанъанавий педтехнологиялар ривожлана бошлаганда бу борада бироз силжиш кўзга ташланди. Бу борада Фловер дю ва Миллерлар шундай дейишади, “Топшириқлар ўрганилаётган тил воситасида берилар экан, тил ўрганувчилар ўша тилга кўмилиб кетишди”.⁴ Тинглаб тушуниш, айниқса, тўғридан-тўғри методнинг энг асосий воситаларидан бири бўлиб қолди, лекин унга алоҳида ўзлаштирилиши керак бўлган кўникма сифатида қаралмади, тил ўрганувчилар бир материални такрор ва такрор эшитиш орқали индуктив ўрганиш

¹ “Янги Ўзбекистон” газетаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг парламентга Мурожаати. 2020 йил 30 декабрь сони.

² Vandergrift L. (2003). Orchestrating Strategy Use: Toward a Model of the Skilled Second Language Listener. Language Learning, 53, 463–496. <http://dx.doi.org/10.1111/1467-9922.00232>

³ Hadfield J. Intermediate Communicative Games. Edinburg: Addison Wesley Longman Ltd.

⁴ Flowerdew, J., Miller, L. On the Notion of Culture in Second Language Lectures. Tesol quarterly 29 (2). January 1995. La

билан машхул бўлишди ва ўқитувчилар дарс жараёнига фаол тинглаб тушунишга қаратилган топшириқларни олиб киришмади. Шу каби ҳолатлар тил ўргатишнинг бошқа аудиолингвал, грамматик методларда ҳам кузатилди.

Кейинроқ эса тинглаб тушунишни ўзлаштириш тил ўрганувчиларнинг реал ҳаётий вазиятларда мулоқотга киришиб ўрганиши даражасига кўтарилди. Бугунги ахборот воситалари юксак таъраққий этган даврда бизнинг ватанимизда ҳам инглиз тилида тинглаб тушуниш кўникмаларини шакллантириш ва маҳоратларини ривожлантиришда аутентик материаллардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тинглаб тушунишни ўргатишга қаратилган топшириқларнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- муваффақиятли тинглаб тушуниш тил (вазият)ни тўла тушунишни таъминлайди;
- равон ва беҳато гапиришга хизмат қилади;
- ўқувчиларнинг нутқ вазиятига тўғри баҳо беришига ёрдам беради;
- ўқувчиларнинг суҳбатдоши билдираётган фикрларига муносиб жавоб бериш кўникмаларини шакллантиради;
- мазмунни тўла англаб етишга ёрдам беради;
- янги материалда берилаётган янги тушунча ва мазмунни ўзлаштиришда фойдали;
- мавжуд билим ва кўникмаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради;
- суҳбатдошининг ишонч ва хурматига эришишга ёрдам беради.

Дарсда ўқитувчи ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган кўплаб машқ ва топшириқлардан фойдаланиши мумкин. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари инглиз тилида тақдим қилинадиган турли презентациялар, кўргазмалар, томошалар, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришларни эшитиб томоша қилишлари, тинглаб тушуниш кўникмасини кескин яхшилашга олиб келади.

Гапириш актив кўникма ҳисобланади ва ўқувчилар уни ривожлантиришлари учун кўп амалий иш қилишлари талаб этилади. Хорижий тил ўрганишда гапириш энг қийин ўзлаштириладиган кўникма, чунки мулоқот чоғида берилган саволга шу онда жавоб қайтариш керак. Гапиришни амалда кўп қўллаш орқалигина реал суҳбат жараёнида самарали мулоқот олиб бориш мумкин. Гапириш тил ўрганувчи билимини реал ҳаётий вазиятларда синовдан ўтказадиган кўникмадир.¹ Бугунги кунда ҳам кўплаб ўқитувчиларнинг нутқий намуналарни тақрорлаб мустаҳкамлаш ва турли матн ва диалогларни ёд олдириш билан шуғулланишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Гапириш тил ўрганувчи рўбарў келадиган энг қийин малакалардан биридир. Шунга қарамай, унга узоқ йиллар мобайнида биз, ўқитувчилар томонидан ўқиш, ёзиш, ҳатто тинглаб тушуниш кўникмаларига нисбатан иккинчи даражали кўникма сифатида муносабатта бўлганмиз.² Ўқувчилар инглиз тилида гапириши талаб қилинганда, улар бир қатор қийинчиликка дуч келдилар. Улар синф олдига чиқишга кўрқашади (уялишади), натижада ўша вазиятдан тезроқ чиқиб кетишга (кутулишга) ҳаракат қилишади. Мана шу вазиятда муаллим ўқувчиларда улар ўзлари қизиқадиган мавзулар бериб, руҳлантириб, хатоларига катта эътибор қаратмасдан гапиришга мотивация ҳосил қилиши керак. Гапириш кўнимасини ривожлантириш орқали қуйидаги ютуқларга эга бўлиш мумкин:

- ўқувчиларнинг ўзига бўлган ишочини ошириш;
- ўқувчиларни танқидий мулоҳаза қилиш ва соғлом фикрлашга ўргатиш;
- ўқувчиларни эркин ва мустақил фикр билдиришга ўргатиш;
- ўқувчиларни турли тадбирларда нутқ сўзлашга ўргатиш;
- турли иш берувчилар билан бўладиган суҳбатларга тайёр бўлиш;
- баҳс-мунозара ва дебатларда қатнашишга тайёр бўлиш;
- келгусида ишлаб чиқарадиган маҳсулотларини мижозларига сотиш;
- гурух бўлиб ўқиш ва халқаро анжуманларда фикр алмашиш;
- халқаро университетларда ўқишини давом эттириш;
- дунё мамлакатларига турли мақсадлар билан ташриф буюриш;
- халқаро бизнес форумларда иштирок этиш;

¹ Brown G., Yule G. Discourse Analysis. Cambridge university press. 1983.

² Bueno A., Madrid D. & McLaren N. (2006). TEFL in Secondary Education. Granada: Editorial Universidad de Granada.

–сўз билиш ва грамматик компетенцияларини ривожлантириш.

Ўқиш. Инсоният тарихида аксарият тилларда, даставвал, гапириш ва тинлаб тушуниш (эши-тиш) кўникмалари ҳосил бўлган. Анча вақт ўтибгина, ёзиш ва ўқиш кўникмалари ҳам шакллана бошлаган. Ёш болаларнинг катта одамлар мулоқотини тинглаб, суҳбатларига қулоқ солиши анчадан кейин гапира бошлаши табиий ҳол. Кейинроқ улар ўқиш ва ёзиш каби нутқий кўникмалар ҳам шакллантиришига тўғри келади. Буларнинг бари болаларнинг она тилини ўрганиши жараёнида со-дир бўлади. Хорижий тилларни ўрганишда эса болалар барча кўникмаларни бир вақтнинг ўзида ўзлаштира бошлайдилар.

Ўқишнинг икки тури мавжуд: экстенсив ва интенсив ўқиш.¹ Экстенсив ўқиш инсон вақтини мароқли ўтказиш учун ўқиганда содир бўлади. Ўқишнинг бу тури тил ўрганувчилар ўзлари танлаб ўз хоҳишларига кўра, ўқиб ўрганишлари учун қўл келади. Экстенсив ўқиш орқали тил ўрганувчи-лар ўз ўқиш кўникмаларини анча яхшилаб олишлари мумкин. Бу усул тил ўрганувчиларининг сўз бойлиги ва грамматик компетенциясини ривожлантиришнинг самарали усули бўлгани учун, муал-лимлар ўз ўқувчиларини, имкон қадар, кўп ўқишга жалб қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Интенсив ўқиш муайян бир матнни ўқиб, ўша матн юзасидан янги сўзлар ёки грамматикага оид машқ ва топшириқлар бажаришни назарда тутади. Бунда ўқувчилар матнни таҳлил қилиб, тил материалларининг ишлатилишига эътибор беради. Интенсив ўқишда айрим ўқувчилар асосий мав-зу орқали берилган ғояни илғаб олишга ҳаракат қилади ва ундан уёғига ўтиша олмайди. Айримла-ри эса ҳар бир сўзнинг ва гапнинг моҳиятига ва ишлатилишига эътибор билан ёндашади ва катта-роқ қизиқиш билан ўқишади. Шундай бўлса-да, муаллим ҳар иккала хил ўқувчиларнинг қизиқиш-ларини ҳисобга олган ҳолда, матн танлаши ва болаларга қизиқарли машқ ва топшириқлар тузиши керак. Ўқиш малакасини ривожлантириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- берилган матннинг умумий мазмунини тушуниб олиш;
- гаплар ва абзацларнинг мазмунини тўла тушуниш;
- берилган матннинг моҳиятини англаб етиш;
- матнда берилган янги сўз ва грамматик мавзунини мустаҳкамлаш;
- ўқувчиларни тез ўқиш ва маълумот олиш кўникмаларини ривожлантириш;
- турли матнларни таниб олиш қобилиятларини шакллантириш.

Ёзиш ҳам тил кўникмалари ичида энг мураккабларидан бири. Ёзиш ўз ичига кўплаб компо-нентларни олади. Ёзишга ўргатиш ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифалардан бири, чунки ёзишда имло қоидалари, грамматика, лексик мазмун, фикрларнинг мантикий кетма-кетлиги каби тилнинг бир қатор муҳим жиҳатлари намоён бўлади. Инглиз тили ўзбек тилидан грамматик қурилиши, маз-муни, имло ва талаффуз қоидалари каби бир қанча тарафлари билан фарқ қилгани учун уни ўрга-ниш бироз қийинчилик туғдириши аниқ. Инглиз тилида 26 ҳарф ва 44 товуш борлигининг ўзи сўз-ларни тўғри ёзишни ўрганишни анча қийинлаштириб юборади. Ёзиш бу тилнинг графологик ва грамматик қурилишини акс эттирувчи кўрғазма воситасидир.² Шу маънода, ўқувчилар ёзиш жара-ёнида фойдаланмоқчи бўлган грамматик қурилмалари, сўз ва иборалари ва график тизими ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак. Бу тасаввурни эса ўқитувчи ёрдамида, кўп ишлаш натижасида-гина шакллантириш мумкин. Замонавий дунёда аксарият ёзишмалар электрон тарзда амалга оши-рилмоқда. Шундай бўлса-да, кўпчилик имтиҳонлар қўл билан ёзиш орқали олинмоқда. Яъни, им-тиҳонларнинг ёзув қисмлари, француз ёзувчиси Волтер айтганидек, “Товушларни чизиш” орқали амалга оширилмоқда.

Инглиз тилида ёзиш кўникмаларини ривожлантиришнинг қуйидаги афзалликлари бор:

- инглиз тилининг грамматик тузилишини тизимли равишда ўрганиш;
- ўқувчиларни инглиз тилида ёзма баён қила олиши;
- инглиз тилидаги сўзларни тўғри ёзилишини ўрганиш;
- грамматик қурилмаларни тизимли равишда ўрганиш;
- турли вазиятларга мос сўзларни танлаб ишлата билиш;
- тил ўргаувчиларнинг мустақил ишлашини таъминлаш;
- ўқувчиларнинг хат ва эсселар ёза олиши;
- ўқувчиларнинг хулосалар бера олиш;
- ўқувчиларнинг ҳикоялар ёза олиши;

¹ Harmer J. The Practice of English Language Teaching. Essex, England: Pearson Education Ltd., 2007. Print.

² Widdowson H.G. (2001). Teaching a Language as Communication (12th ed.). Oxford: Oxford University Press.

–ўқувчиларнинг луғат билан самарали ишлаш олиши;

–ўқувчиларнинг тайёр матнга керакли ўзгартиришлар кирита олиши.

Сир эмаски, бугунки кунда ёшлар ёзиш билан кам шуғулланишмоқда, чунки уларнинг қўл-ларида тайёр матнлар ва бир зумда олса бўладиган жавоблар билан таъминлайдиган, интернетга уланган смартфонлар ва бошқа электрон қурилмалар мавжуд. Улар ўз қимматли вақтларини ёзиш кўникмаларини ривожлантиришга эмас, балки ўзгалар қилган (ёзган) ишларни қидиришга сарф-лашмоқда. Шуниси ҳам аёнки, ёзиш кўникмалари яхши шаклланган ўқувчилар ўз мустақил фикр-ларини билдириш ва кўзлаган мақсадларига эришишда бошқаларга қараганда муваффақиятлироқ бўлишади.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, инглиз тилининг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни ва нуфузи ортиб борар экан, уни бизнинг ватанимизда ҳам замон талабида ўрганилишини йўлга қўйиш керак. Бунда инглиз тилини ўрганишда асосий ўрин эгаллайдиган тўрт малаканинг ҳар бирини тўлақонли ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу малакалар тинглаб тушуниш, гапир-иш, ўқиш ва ёзиш (ТГЎЁ)лардир ва тилни самарали ўзлаштириш уларнинг барчасини ривожлантириш талаб қилинади. ТГЎЁни ривожлантириш орқали хорижий тилларни ўргатиш жараёнини бир тизимга солиб лойиҳалаштириш ва режалаштириш, бунинг учун зарур билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган хорижий тил ўқитувчиларини тайёрлашни тақозо этади.

**Каршиева Дилбар Эшпўлатовна (Чирчиқ Олий танк қўмондон муҳандислик билим юрти
Гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси; e-mail: d.karshiveva1986@gmail.com)
МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ ПЕДАГОГИК КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА**

Аннотация. Мақолада педагогик олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг педагогик амалиётини ташиқил этишининг хорижий ва маҳаллий тажрибаси, уларни қиёсий таҳлиллари ўрганилган. Маҳаллий олий ўқув юртларида педагогик амалиётни ташиқил этишининг асосий муаммолари аниқланган: вақт этишмаслиги, мактаб ўқитувчилари ва университетларининг методистлари ҳаракатларидаги номувофиқлик, бўлажак ўқитувчиларнинг амалий машғулотларининг эскирган шакллари ва методлари.

Аннотация. В статье рассматривается зарубежный и отечественный опыт организации педагогической практики студентов педагогических вузов, их сравнительный анализ. Выявлены основные проблемы организации педагогической практики в местных вузах: недостаточное количество времени, несогласованность действий школьных учителей и методистов вузов, устаревшие формы и методы проведения практической подготовки будущих учителей.

Annotation. In this article is conducted the foreign and home experience of organizing the pedagogical practice of students in universities, a comparative analysis of them. The main problems of organizing pedagogical practice in the home higher education are identified: insufficient amount of time, inconsistency in the actions of school teachers and methodologists of universities, outdated forms and methods of practical training of future teachers.

Калим сўзлар: педагогик амалиёт, педагогик таълим, мактаб малакавий амалиёти.

Ключевые слова: педагогическая практика, педагогическое образование, школьная практика.

Key words: pedagogical practice, pedagogical education, school practice.

Педагогик таълим назарий билимларни ўзлаштириш ва шундай билимларгагина таянишни бош мақсад қилмаслиги бугунги куннинг исбот талаб қилмас ҳақиқати ҳисобланади. Шу сабабли ўқитувчиларни тайёрлаш масаласига бағишланган маҳаллий ва хорижий илмий ишларнинг аксарияти ўқувчиларнинг назарий ва амалий машғулотлари ўртасидаги тўсиқни бартараф этиш заруратини илмий асослаш борасида бир хил нуқтаи назарни илгари суради. Педагогик амалиётни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришга талабаларни ўқитувчилик фаолиятига муваффақиятли тайёрлашнинг, уларда касбий компетенцияларни шакллантиришнинг самарали воситаларидан бири сифатида қараш лозим. Амалиёт жараёнида нафақат дастлабки касбий тажриба тўпланади, балки шахсий ва касбий нуқтаи назар, педагогик вазиятларда “яшаш”, педагогик муаммоларни ҳал қилиш ва бўлажак ўқитувчиларда касбий касбий мослашувчанликнинг ўзига хос тажрибаси шаклланади.

Хорижий мамлакатларда ўқитувчилар малакасини ошириш муаммоларини ўрганиш ва тадқиқ этиш бўйича илмий тадқиқот институтлари кенг тарқалган. Хусусан, хорижий мамлакатлардаги ўқитувчиларни тайёрлаш назарияси ва методикаси институти (Германия), ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, ўқитувчининг шахсиятини ўрганиш институти (Чехия), ўқитувчилар малакасини ошириш институти (Польша) кабиларларда ўқитувчиларни тайёрлаш, малакасини ошириш, уларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш билан боғлиқ кўпгина амалий ишлар билан бирга, мазкур педагогик муаммоларнинг назарий жиҳатлари тадқиқ қилинади.

Ўзбекистонда ўқитувчилар анъанавий равишда педагогика институтлари ва университетлари томонидан тайёрланади. Афсуски, «Педагогик таълим» йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг ўқув режаларида психологик ва педагогик фанлар блоки ва педагогик амалиётга ажратилган соатлар миқдорининг камлиги, уларнинг касбий малакаларни ўзлаштиришларида бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Мисол учун, Чирчиқ Давлат педагогика институти 5111400-Хорижий тил ва адабиёт таълим йўналишининг бутун бакалавр босқичи учун 20 кредит (600 соат)¹ ажратилган бир вақтда, немис мактаб ўқитувчилари тайёрлайдиган Хайдельберг педагогика университетида ўтиладиган учун босқичли амалиётнинг иккинчи босқичи – Интеграллашган ва семестр амалиёти (Integriertes und Semesterpraktikum) 17 ҳафта давом этади ва унга 18 кредит ажратилган. Хорижий тиллар мутахассисларни тайёрлашда ўз ўрни ва салмоғига эга Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети 5111400-Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) таълим йўналиши бакалавр босқичи учун 10 кредит (300 соат) ажратилганлиги² ушбу муаммонинг мамлакатимиздаги барча педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари учун хос эканлигини кўрсатади. Иш берувчиларнинг ОТМ битирувчиларда амалий кўникма ва зарур компетенцияларнинг етишмаслиги борасидаги эътирозлари шу билан боғлиқ, деб ўйлаймиз.

Масалан, Германия университетларида малакавий амалиёт ўтаётган талабалар педагогик амалиёт давомида ҳар ҳафта мактаб машғулотларига қатнайдилар, сўнгра ўқитувчи раҳбарлигида мунозараларга киришадилар. Педагогик амалиётнинг муддати уч йилгача давом этиши мумкин. Ушбу амалиёт бўлажак ўқитувчилар мактабда доимий иш билан таъминланадиган тарзда ташкил этилган. Тажрибали ўқитувчилар ва методистлар уларнинг педагогик фаолиятини назорат қиладилар. Амалий машғулотлар циклини тугатгандан сўнг, бўлғуси ўқитувчи иккита давлат имтиҳонини топширади: биринчи давлат имтиҳонига уй илмий ишлари, назорат ишлари ва оғзаки имтиҳонлар шаклидаги бир нечта фанлардан синовлар киради; иккинчи давлат имтиҳонида бўлғуси ўқитувчининг амалий фаолиятга қай даражада тайёр эканлиги назоратдан ўтказилади. Ушбу имтиҳон дарс-машғулотларини амалда ўтиб бериш ва педагогик вазиятларни ҳал қилишни ўз ичига олади. Германияда яқуний аттестация такомиллаштирувчи характерга эга.³

Россия педагогик университетларидаги педагогик амалиёт ҳақда сўз юритган Е.В.Оганесян таъкидлаб ўтадики, университет таълими мазмуни ва ўрта таълим муассасалари амалиётида талаб қилинадиган касбий компетенциялар ўртасида жиддий тафовутлар мавжуд. Назариядан «ажаратиб олинган» амалиёт энди унга таъсир қилмайди, у бутунлай автоном равишда мавжуд. У анъанавий таълимнинг парадигматик муносабатининг репродуктив кўпайиш алгоритмига мувофиқ амалга оширилади.⁴ В.П.Борисенков университетдаги психологик-педагогик фанлар ҳаётдан, оммавий мактаб амалиётининг долзарб муаммоларидан ажралганлигига, назарий билимларнинг ўқув ва илмий шаклда тақдим қилинишига эътиборни қаратади, бу бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти учун ўз кадр-қимматларини англашга ҳисса қўшмайди, шунингдек, ўқитувчиларнинг назарий ва амалий тайёргарлигида носинхроник муаммо ва ўзаро боғланмаганлик (нормуноносиблик) мавжуд. Ушбу танқидий фикрлар Ўзбекистон таълим тизими учун ҳам хос. Чунки ҳар бир педагог ўз даврида ўтаган педагогик амалиётининг қай даражада зерикарли ташкил этилганлигини, маж-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педагогика институти 5111400-Хорижий тил ва адабиёт таълим йўналиши бакалавр босқичининг ўқув режаси. 2020 йил Олий ва ўрта махсус таълим вазири ва Чирчиқ Давлат педагогика институти томонидан тасдиқланган.

² Интернет манба: <https://uzswlu.uz/page/view/19>

³Бозиев Р.С. Способы представления теоретических знаний в курсе педагогики для будущих учителей (Круглый стол). Р.С.Бозиев, Л.П.Стрельнищкая. Педагогика. 2004, №8, с. 3–4.

⁴ Оганесян Е.В. Культурологическая модель педагогической практики студентов (опыт построения).Е.В. Оганесян. М., Пед. общество России, 2004, 133 с.

бурлик важдан у ерга катнаганини, бу амалиёт даврлари фақатгина «вақтни бекорга сарфлаш» бўлганини ҳамда ушбу амалиётлар давомида деярли касбий компетенциялар ўзлаштирилмаганлигини ҳар биримиз ўз тажрибамизга таянган ҳолда билдиришимиз мумкин. Зеро, бугунги вазиятга реал баҳо бериш, унга танқидий ёндашиш ва ушбу муаммонинг ечимларини ишлаб чиқиш – давр талаби, қолаверса, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган ҳар бир педагогнинг вазифаси ҳамдир.

Бугунги кунда талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг индивидуал фазилятларини намоён қилиш ва ривожлантириш учун самарали ташкил этилган педагогик амалиёт бериши мумкин бўлган имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётгани кўзга ташланмоқда. ОТМ ва мактаб методистлари, ўқитувчилар, психологлар, амалиёт раҳбарлари ҳаракатларида ўзаро мувофиқлик етишмаслиги ҳамда талабалар томонидан бажариладиган ишларнинг мазмуни ва ҳажмига, тингловчилар фаолияти натижаларини баҳолаш мезонларига нисбатан ягона талабаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги ҳам ҳақиқат.

Бу ва бошқа камчиликлар бугунги кунда педагогик амалиётда мавжуд ички қарама-қаршиликлар билан изоҳланади. Булар қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

– педагогик фаолиятнинг индивидуал ва ўзига хос хусусиятлари (инсон омилининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда) ва уни амалга оширувчи умумягона дастурлар ва технологияларнинг мавжуд эмаслиги;

– амалиёт натижалари учун талабанинг шахсий жавобгарлиги ва уни режалаштириш ва ўташни қатъий тартибга солиш назорат механизмининг кучсизлиги;

– илмий ва назарий билимларни интенсив равишда эгаллаш, тўплаш ва ушбу билимларнинг амалиётда етарли даражада талаб этилмаслиги;

– болалар ривожланиш жараёни билан боғлиқ хусусиятлар ва ўқитувчи шахсиятининг ривожланиши ҳамда амалиётнинг алоҳида-алоҳида шаклдаги тузилмаси “ўсиш динамикаси”ни кузатишга имкон бермаслиги.

Кўрсатилган қарама-қаршиликларни бартараф этиш учун амалиётни ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ қуйидаги қоидаларни таклиф қиламиз:

1. Барча педагогик амалиёт раҳбарларининг энг асосий вазифаси бўлажак ўқитувчиларнинг индивидуал қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши лозим. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун амалиётни ташкил этишда унинг мазмунини (таркибини) дифференциялаш ҳамда индивидуаллаштириш талаб этилади (талабаларга касб йўналишини, умумтаълим ва касб-ҳунарга тайёргарлигини, индивидуал хусусиятларини, амалиёт базасини ихтиёрий танлашини ҳисобга олган ҳолда танлаш учун таклиф қилинган вазифа-лойиҳаларнинг вариативлиги). Талабалар гуруҳларини мактабларга тайинлаш билан бир қаторда, тажрибали ўқитувчи-тарбиячиларга муайян талабаларни алоҳида бириктириш лозим.

2. Педагогик амалиётни ташкил этишда талабаларнинг мустақиллиги, фаоллиги ва ташаббускорлигини рағбатлантириш зарур. Амалиёт шундай ташкил қилиниши керакки, натижада у таълимий ва ривожлантирувчи хусусиятларни ўзида намоён этиши керак. Уни ташкил қилиш ва ўтказишда ўқитувчилар, биринчи навбатда, амалий муаммоларни ҳал қилишади: талабаларга ўқув ва тарбиявий ишларни ташкил этиш учун амалий кўникма ва малакаларни эгаллашлари учун шароит яратишда кўмаклашиши лозим. Иккинчидан, педагогик, психологик ва маҳсус (фанларга оид, методик) билимларни ошириш ва чуқурлаштириш ва янгиларини эгаллаш вазифалари ҳал қилиниши лозим. Учинчидан, амалиётнинг вазифаси талабанинг индивидуал қобилиятларини ривожлантириш, унинг педагогик компетенцияларини шакллантиришга қаратилиши мақсадга мувофиқ.

ОТМ тарбиявий ишларига таълим муассасаси педагогик жамоасининг муносабати қўшилганда малакавий амалиёт тарбиявий характерга эга бўлиши мумкин. Жамоа аъзоси сифатида талаба ўқитувчи касбий фаолиятининг барча турлари ва функцияларини бажаради.

Талаба малакавий амалиётга доимо ва олдиндан тайёр бўлиши учун амалиёт барча ўқув курсларида, бутун ўқиш даврида амалга оширилиши керак. Шундай қилиб, амалиёт давомида бўлажак мутахассисни касбий шакллантириш, мустақил касбий нуқтаи назарини аниқлаши, ўзини ўзи таниши, ижодий ўзини кўрстиши ва мустақил ривожланиши жараёнлари жадаллаштирилиши талаб этилади.

Бунга мувофиқ талабалар амалиётини ташкил этишда, моҳиятини белгилашда қуйидаги тамойилларга таяниш зарур, деб ўйлаймиз:

– амалиёт давомида талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш жараёнининг барча босқичлари бирлигини назарда тутадиган узлуксиз таълим тамойили;

–касбий компетенцияларни шакллантириш тизимининг барча башорат қилинган элементларини ички ва ташқи муҳит ўртасидаги ўзаро алоқалар билан бир бутунлик сифатида кўриб чиқишга имкон берадиган изчиллик тамойили, бу амалиётни ташкил этиш жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш жараёнини педагогик бошқаришнинг зарур шакллари, методлари ва воситаларининг тўлиқлиги, уларнинг асосий ва иккинчи даражали мақсадларида намоён бўлиши;

–бўлажак ўқитувчиларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, мойилликлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш тизимини амалга оширишда индивидуаллаштириш ва дифференциация тамойиллари;

–технологик тамойил, яъни амалиёт жараёнида дастлабки учта тамойилларни амалга ошириш учун юқори технологик ишлов бериш талаб этилади. Бир томондан, амалиётни ташкилотчилари ва раҳбарлари, ўқитувчилар, бошқа томондан, уни тайёрлаш ва ўтказиш субъектларига айланадиган талабаларнинг ўзлари буни амалга оширишлари керак. Амалиёт давомида талаба ўз фаолиятини лойиҳалаштириш технологиясини ўзлаштириши керак. Бундай ҳолда биз амалиётни «юқоридан» эмас, балки «пастдан» ўтказиш технологияларини яратишга, назариядан амалиёт орқали талабаларнинг касбий малакаларини шакллантиришга ўтамиз;

–узлуксизлик тамойили талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш босқичлари, яъни изчиллик, касбий билим ва кўникмаларни тизимли равишда ўзлаштириш, ўрганилган нарсаларга ва эришилган ривожланиш даражасига боғлиқлик, педагогик амалиёт босқичлари ва унинг изчиллиги ўртасидаги зарур алоқани ва тўғри муносабатларни ўрнатишни назарда тутди.

Амалиёт самарадорлигини ошириш учун, бизнинг фикримизча, куйидагилар зарур:

–амалиёт ўтказиш муддатларини узайтириш;

–талабалар амалиётининг мақсад ва вазифаларини тўғри (мақсадга мувофиқ) белгилаш, унинг мазмун-моҳиятини аниқ ва равшан кўрсатиш, амалиётда қўлланиши ва ҳисобга олиниши мумкин бўлган назарий билимларни, амалиёт натижалари асосида шаклланиши керак бўлган компетенцияларни кўрсатиш, шунингдек, амалиёт давомида талабалар фаолиятини баҳолаш мезонларини белгилаш;

–ҳар бир талаба учун уларнинг қизиқишлари, қобилиятлари, келгуси ривожланиш ва ўсиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда амалиёт ўташ мумкин бўлган амалиёт шакллари аниқлаш;

–туғилажак қийинчиликларни мустақил равишда ҳал қилишда талабаларга педагогик ёрдам бериш (қийинчиликларни аниқлашдан тортиб, уларни ҳал қилишнинг танланган усуллари самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашгача).

Юқорида айтиб ўтилганларни умумлаштириб шуни таъкидлаймизки, амалиётни ташкил этиш бўйича юқорида тилга олинган барча талаблар ҳисобга олинган тақдирда, талабалар нафақат касбий фаолиятга тайёрланади, балки уларда бўлажак ўқитувчи, касбий ҳаракатчан мутахассис учун зарур бўлган шахсий фазилатлар, яъни компетенциялар шаклланади.

Polvonov Xudaybergan, Eshchanov Erkabay, Ataniyazov Otaniyoz (UrDU)
ORGANIK KIMYO KURSINING “ALKENLAR” MAVZUSINI O‘QITISHDA GRAFIK
ORGANAYZERLARDAN FOYDALANISH

***Annotatsiya.** Maqolada zamonaviy ta’limda pedagogik texnologiyaning o‘rni, o‘quvchi-talabalar-ning fan asoslarini o‘rganishga bo‘lgan qiziqishini orttirishda grafik organayzerlarning ahamiyati ko‘rsatib o‘tilgan.*

***Аннотация.** В статье показана роль педагогических технологий в современном образовании, значение графических органайзеров в воспитании интереса учащихся-школьников к изучению основ науки.*

***Annotation.** The article highlights the role of pedagogical technology in modern education and the role of graphic organizers in stimulating students’ interest in learning the basics of science.*

***Kalit so‘zlar:** pedagogik texnologiya, pedagogik jarayon, interfaol metod, grafik organayzer, ko‘rgazmalilik tamoyili, mustaqil fikrlash.*

***Ключевые слова:** педагогическая технология, педагогический процесс, интерактивный метод, графический органайзер, принцип демонстрации, самостоятельное мышление.*

***Key words:** pedagogical technology, pedagogical process, interactive method, graphic organizer, demonstration principle, independent thinking.*

Bugungi kunda qator ilg'or pedagogik texnologiyalar ommalashib kelmoqda. Ularda shakllanayotgan yangi munosabatlarning o'ziga xos jihati, an'anaviy ta'limdan farq qilib, o'quvchi-talabalarning mustaqilligi va o'quv faoliyatini taqiqlamasdan, balki ularni belgilangan maqsad sari yo'naltirishga asoslangan. Pedagog biror-bir faoliyatni buyruq orqali amalga oshirish o'rniga pedagogik jarayonni samarali tashkil etish orqali o'quvchi-talabalarga fan asoslarini o'rganishga bo'lgan qiziqishini orttirishlari asosida chuqur bilim egallashlariga imkoniyat yaratishdan iborat. Bir so'z bilan aytganda, pedagogik jarayonni samarali tashkil etishda interfaol metodlar muhim o'rin tutadi.¹

Dars jarayonida interfaol grafik organayzerlar ko'p qo'llaniladi. Ular yordamida fan yoki mavzu bo'yicha biror-bir muammo yechimini topish uchun shu muammoni o'rganish, uning yechim yo'llarini aniqlash va ulardan biri (maqbuli)ni tanlab olish, o'tilgan mavzuni yodda saqlash uchun savollar yordamida takrorlab olish, avval, o'tilgan mavzular bilan solishtirish, bilimlarni tizimlashtirish kabi vazifalar amalga oshiriladi.

Interfaol grafik organayzerlar o'rganilayotgan mavzuga tegishli asosiy ma'lumotlarni har xil ko'zgarmali shakllarda, jumladan, sxema, jadval, diagramma, gistogramma va boshqa tasvirlar ko'rinishida aks ettirish orqali taqqoslash, tahlil qilish metodlari va vositalaridan iborat.

Grafik organayzer (grafik tashkil etuvchi) – fikriy jarayonlarni ko'rgazmali taqdim etish vositasi bo'lib, ta'lim tizimida didaktikaning ko'rgazmalilik tamoyilini amalga oshirish imkonini beruvchi asosiy vositalar turkumiga kiradi.

Ma'lumki, grafik organayzerlar usul va vositalari, ma'lumotlarni qanday taqdim qilinishiga qarab 3 turga bo'linadi:

1. Ma'lumotlarni tarkiblashtirish va tarkibiy bo'lib chiqish, o'rganilayotgan tushunchalar (voqea va hodisalar, mavzular) o'rtasidagi aloqa va o'zaro bog'liqlikni o'rnatish usuli va vositalari: Klaster, Toifalash jadvali, Insert, BBB jadvali.

2. Ma'lumotlarni tahlil qilish, solishtirish va taqqoslash usuli va vositalari: T-jadvali, Venn diagrammasi.

3. Muammoni aniqlash, uni hal etish, tahlil qilish va rejalashtirish usuli va vositalari: "Nima uchun?", "Baliq skeleti", "Piramida", "Nilufar guli" sxemalari, "Qanday?" iyerarhik diagrammasi, "Kaskad" tarkibiy-mantiqiy sxema.²

Agar grafik organayzerlarni o'qituvchi tomonidan ta'lim oluvchilarning mashg'ulot mavzusiga doir bilimlarini mustahkamlash va fikrlashini rivojlantirish maqsadida ishlatilsa, ular ta'lim metodi vazifasini bajaradi.

Agar grafik organayzerlarni o'qituvchi tayyor (to'ldirilgan) holda qo'llasa, ular ta'lim vositasi vazifasini bajaradi. Quyida organik kimyo kursining "Alkenlar" mavzusini grafik organayzer yordamida o'qitishga oid tavsiyalarni keltirib o'tamiz.

Mavzu: «Alkenlar»

O'quv mashg'ulotining maqsadi: Talabalarni alkenlarning gomologik qatori, nomlanishi, izomeriyasi, tuzilishi, tabiatda uchrashi, olinishi, fizik-kimyoviy xossalari va ularning ishlatilishi bilan tanishtirish, shuningdek, dunyoqarashini kengaytirish, egallagan bilimlaridan amalda foydalanish bo'yicha ko'nikmalar hosil qilish, oldingi bilimlarini mustahkamlash, darslik ustida mustaqil ishlash ko'nikmalarini rivojlantirish va yangi bilimlar berish.

Pedagogik vazifalar: mavzu bilan tanishtirish, mavzuga oid atamalarni ochib berish, asosiy masalalar bo'yicha tushunchalarni shakllantirish.

Mashg'ulotda foydalanadigan texnologiya: ko'rgazmali, interfaol o'qitish texnologiyasi.

Ta'lim berish shakllari: kichik guruhlar.

Mashg'ulot turi: seminar mashg'ulot.

Ta'lim berish vositalari: ma'ruza matni, shar sterjenli modellar, tarqatma materiallar, test topshiriqlar.

¹ Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Т., «Истеъдод», 2009.

² Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. Т., Низомий номли ТДПУ, 2013, 116 б.

O'quv faoliyatining natijalari: talabalarda alkenlar mavzusi bo'yicha yangi bilimlarga ega bo'ladilar, ko'nikmalar hosil qiladilar.

Tashkiliy qism: o'qituvchi guruh talabalarining tayyorgarligini tekshirib bo'lgach, darsning mavzusini, maqsadlari va vazifalarini e'lon qiladi.

Darsning borishi: 3 bosqichda amalga oshiriladi.

Birinchi bosqich – yangi materialni tushuntirish (30 minut vaqt ajratiladi).


Bu bosqichda talabalar mashg'ulot mavzusi, maqsadi, darsning borishi bilan tanishtiriladi va ularning faoliyati o'quv topshiriqlarini bajarishga yo'naltiriladi.

Mavzuni o'rganishda o'quv materiallari talabalarga tanish bo'lgani uchun, o'qitishni suhbat va yangi materiallar to'g'risida ma'ruza shaklida amalga oshirish mumkin. Shuningdek, o'quv mashg'ulotiga kirish davomida dastlab BBB jadvali taklif etiladi va uning Bilaman, Bilishni xohlayman, Bilib oldim grafalari dars davomida to'ldirish so'raladi. Topshiriqni bajarish uchun 10 minut vaqt ajratiladi.

BBB JADVALI

Bilaman	Bilishni xohlayman	Bilib oldim

Bu bosqichda o'qituvchi talabalarga alkenlarning dastlabki vakili, masalan, eten (etilen) ga tegishli bo'lgan ma'lumotlar asosida klaster tuzish topshirig'ini beradi. Masalan, etilenga tegishli ma'lumotlar asosida quyidagicha klaster tuzishimiz mumkin:



1-rasm. Eten (etilenga) ga tegishli ma'lumotlar asosidagi klaster.

Ushbu topshiriqni bajarish uchun 10 minut vaqt ajratiladi.

Ikkinchi bosqich – mavzuga oid o'rganilgan yangi ma'lumotlarni mustahkamlash.

Ushbu bosqichda o'qituvchi talabalarining alkanlar va yangi mavzu bo'yicha egallagan bilimlarini yanada mustahkamlash maqsadida grafik organayzerlarning ikkinchi tur metodi sifatida Venn diagrammasidan foydalanishi maqsadga muvofiqdir. Bunda dastlab talabalarga Venn diagrammasi haqida qisqacha ma'lumot berib o'tiladi. So'ngra o'qituvchi doskaga bir-birini kesib o'tuvchi ikkita aylana chizib, ularning birinchisiga ALKENLAR, ikkinchisiga ALKANLAR deb yozadi va ushbu birikmalar sinfiga xos bo'lgan xususiyatlar birin ketin raqamlab yoziladi. O'qituvchi talabalarga aylananing kesishgan joyiga ushbu sinf birikmalarining tuzulishi, ayrim fizik-kimyoviy xossalari o'zaro o'xshash bo'lgan jihatlari mos raqamlarini yozishlarini so'raydi. Albatta, talaba ushbu ikki sinf birikmalariga xos bo'lgan barcha xossalarni to'liq bilgan holdagina berilgan topshiriqni bexato bajarishlari mumkin. Diagrammani to'ldirish uchun 10 minut vaqt ajratiladi. Vaqt tugagach, o'qituvchi talabalar to'ldirgan diagrammalarni tekshiradi. Diagrammaning to'liq to'ldirilgan shakli quyidagi ko'rinishda bo'ladi:













Venn diagrammasini qo'llash nafaqat yangi mavzuni, balki uni oldingi o'tilgan mavzular bilan o'zaro taqqoslash orqali yanada mustahkamlashda foydalanish ancha qulaydir. Shuningdek, yuqoridagi topshiriqqa qo'shimcha ravishda toifalash jadvali bo'yicha ham vazifa beriladi. Vazifa quyidagicha amalga oshiriladi: o'qituvchi doskaga alkenlarning kimyoviy xossalari o'ldirishga oid bir qator kimyoviy reaksiya tenglamalarini yozib chiqadi va talabalarga ushbu reaksiyalarni toifalash jadvaliga joylashtirish topshirig'ini beradi. Ushbu topshiriqni bajarish uchun 10 minut vaqt ajratiladi.

Masalan:

Alkenlarni kimyoviy xossalari misolida "Toifalash jadvali"

Quyidagi reaksiyalarni jadvalga toifalab joylashtiring:



Talaba jadvalni to'g'ri to'ldirishiga e'tibor beriladi:

Birikish reaksiyalari	Polimerlanish reaksiyalari	Oksidlanish reaksiyalari

Yuqoridagi toifalash jadvalidan foydalanish orqali talabalar xotirasida alkenlarning kimyoviy xossalari o'ldirishga oid bo'lgan bilim va ko'nikmalarini yanada mustahkamlashga erishiladi. Shundan so'ng, o'qituvchi dars davomida faol qatnashgan talabalarni rag'batlantiradi va ularni baholaydi.

Uchinchi bosqich – qolgan 10 daqiqa davomida o'tilgan yangi mavzu bo'yicha uyga vazifa beriladi va darsga yakun yasaladi. Talabalarning uy vazifalari fanga oid o'quv adabiyotlar bilan ishlashga hamda mavzuga ta'lluqli test topshiriqlarini mustaqil yechishga yo'naltiriladi. Talabalarning yangi mavzuni qay darajada o'zlashtirganliklarini aniqlash maqsadida quyidagi test savollari uyga vazifa qilib beriladi:

1. Umumiy formulasi C_4H_8 bo'lgan, ochiq zanjirli, to'yinmagan uglevodorodlarga vodorod bromid ta'sir ettirilishi natijasida qanday mahsulotlar hosil bo'ladi?

1) 1-brombutan; 2) 2-brombutan; 3) 1-brom-2-metilpropan; 4) 2-brom-2-metilpropan.

A) 1,2 B) 1,3 C) 1,4 D) 2,4

2. Propilenni kaliy permanganatning suvli eritmasi orqali o'tkazilganda qanday mahsulot hosil bo'ladi?

- A) Propion aldegid B) Propanol-2
C) Propion kislota D) Propilenglikol-1,2

3. Tarkibi C_5H_{10} bo'lgan ochiq zanjirli (geometrik izomerlardan tashqari) uglevodorodlarning izomerlari soni nechta bo'lishi mumkin?

- A)7 B)5 C)6 D)8

4. Tarkibi C_5H_{10} bo'lgan alkenning struktur va geometrik izomerlari sonini ko'rsating?

- A) 5 va 2 B) 6 va 2 C) 4 va 2 D) 6 va 2

5. Etilen molekulasining geometrik shakli qanday?

- A) Yassi burchak B) Piramida C) Tetraedr D) Chiziqli

6. Quyidagi alkenlarni ularning nomlari bilan juftlab ko'rsating?

a) $CH_2=CH-CH_2-CH_3$;	b) $CH_3-\underset{\substack{ \\ CH_3}}{CH}-CH=CH_2$
c) $CH_2=\underset{\substack{ \\ CH_3}}{C}-CH_2-CH_3$	c) $CH_2-\underset{\substack{ \\ CH_3}}{C}=CH-CH_3$

1) 3-metilbuten-1; 2) buten-1; 3) 2-metilbuten-1; 4) 2-metilbuten-2

- A) 1a, 2c, 3 d, 4b B) 1b, 2a, 3d, 4c C) 1c, 2a, 3d, 4b D) 1b, 2d, 3a, 4c

7. Alkenlarda qanday izomeriya turlari uchraydi?

- 1) uglerod zanjiri izomeriyasi; 2) vodorod zanjiri izomeriyasi;
3) qo'sh bog'ning holat izomeriyasi; 4) optik izomeriya;
5) fazoviy izomeriya; 6) o'rinbosarning xalqadagi holat izomeriyasi.

- A) 1,4,6 B) 1,3,5 C) 2,3,5 D) 2,4,6

8. Etilenning fizik xossalari keltirilgan javobni ko'rsating.

- 1) qo'ng'ir rangli; 2) rangsiz; 3) o'tkir hidli; 4) hidsiz;
5) suvda yaxshi eriydi; 6) suvda yomon eriydi.

- A) 2,4,6 B) 1,3,5 C) 4,5,6 D) 2,3,4

9. Quyidagi javoblarning qaysi birida Morkovnikov qoidasi to'g'ri ta'riflangan?


A) Vodorod kam gidrogenlangan, galogen atomi esa ko'p gidrogenlangan uglerod atomiga birikadi.

B) Katalizator H_2O_2 bo'lganida vodorod kam gidrogenlangan, galogen atomi esa ko'p gidrogenlangan uglerod atomiga birikadi.

C) Nosimmetrik alkenlarga HX birikganda vodorod atomi qo'sh bog'ning ko'p gidrogenlangan uglerod atomiga, galogen atomi esa kam gidrogenlangan uglerod atomiga birikadi.

D) Katalizator H_2O_2 bo'lganida vodorod ko'p gidrogenlangan, galogen atomi esa kam gidrogenlangan uglerod atomiga birikadi.

10. Quyidagi o'zgarishlar natijasida hosil bo'ladigan oxirgi mahsulotni ko'rsating.



- A) Etilenglikol B) Xloretan C) Etilen D) Sirka kislotasi

Xulosa qilib aytganda grafik organeyzerlardan foydalangan holda o'qitishda fanning oziga xos xususiyatlari va qonuniyatlarini hisobga olish muhim amaliy ahamiyat ega. Shuningdek, mazkur jarayonda fanning mashg'ulot turi va mavzularning o'ziga xos xususiyatlarini ham inobatga olish lozim.

**Ахмедова Махлиё Тоштемировна (ҚарМИИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси стажёр-ўқитувчиси)
ОНА ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА СЎЗЛАРНИ ОБРАЗЛИ ИФОДАЛАШНИНГ БИЛИШ
ЖАРАЁНИДАГИ ТАВСИФИ ХУСУСИДА**

Аннотация. Тил борлиқни, воқелиқни оқилона ва мантиқий билиш воситасидир. Мақолада тилнинг ўрганиш объекти сифатида лексик бирликларнинг образли ҳолда ифодаланганда ментал оламдаги босқичлари ҳақида мулоҳазалар берилган. Танлаб олинган лексик бирликлар (топишмоқларнинг жавоби) лингвокогнитологик ва лингвокультурологик нуқтаи назардан таҳлилга тортил-

ган. Ўзбек халқ топишмоқларининг қурилиши ва уларнинг жавобига олиб борувчи йўллари, жавоб сўз(лингвокогнитологик назарда концепт)ни топиш жараёнида босиб ўтиладиган босқичлар хусусида фикр юритилган.

Аннотация. Язык – это средство логического познания бытия. В статье представлен обзор этапов образного выражения лексических единиц в ментальном мире как объекта изучения языка. Выбранные лексические единицы (ответы на загадки) анализируются с лингвокогнитивной и лингвокультурологической точки зрения. Также рассматриваются вопросы построения узбекских загадок, способы их решения, шаги, которые можно предпринять в процессе поиска ответа.

Annotation. Language is a means of logical cognition of being. The article provides an overview of the stages of figurative expression of lexical units in the mental world as an object of language learning. Selected lexical units (answers to riddles) are analyzed from a linguocognitive and linguocultural point of view. It also discusses the construction of Uzbek riddles, methods of solving them, steps that can be taken in the process of finding an answer.

Калим сўзлар: концепт, сценарий, лингвокогнитология, билиш жараёни, тушунча.

Ключевые слова: концепт, сценарий, лингвокогнитология, познавательный процесс, понятие.

Key words: concept, scenary, linguocognitology, cognitive, process.

Ўқувчиларнинг ўзбек тили луғат бойлигини тўлиқ ўзлаштириб олишларини таъминлаш она тили ўқитиш методикаси фанининг бош вазифаси ҳисобланса, унинг методологик асосини эса борликни билиш назарияси ташкил этади.

Маълумки, жамиятда тил кишилар ўртасидаги алоқанинг зарурий воситасидир. Тилнинг алоқа воситаси сифатидаги аҳамияти узлуксиз ортиб боради. Тил борликни оқилона, мантикий билиш воситасидир. Тил бирликлари ёрдамидаги назарий билиш жараёнида умумлаштириш, тушунчани муҳокама ва хулоса билан боғлаш амалга ошади. Тил билим манбаи экан, демак, ҳар бир лексик бирликда шу тил жамият томонидан ҳосил қилинган билим мажмуи мавжуд. Ана шу билим маж-ҳмуи нуктаи назаридан баҳоланган лисоний бирлик когнитив концепт мақомида бўлади. Қуйида ана шу концепт хусусида сўз юритилади.

Ҳар қандай билим босқичма-босқич ҳосил қилинади. Хусусан, она тилимизнинг когнитив таълими дастурида билим ҳосил қилишнинг қуйидаги босқичлари қайд этилган:

- объектни кузатиш;
- изланиш (объект қаторини бойитиш);
- сирадаги ҳар бир ҳодисани шарҳлаш;
- қиёслаш;
- умумийликни аниқлаш;
- фарқларни топиш;
- таснифлаш;
- алоқадорликларни аниқлаш;
- ҳукм чиқариш;
- хулосани амалиётга татбиқ этиш.

Демак, когнитив концепт замиридаги билим мазкур сценарий асосида шаклланади ва уни идрок қилиш ҳам шу асосда кечади. Босқичлардаги кузатиш, қиёслаш, таснифлаш ва ҳукм поғоналари – билим ҳосил қилишнинг асосий ва муҳим босқичлари ҳисобланади.

Ҳар қандай билим кузатиш, қиёслаш, таснифлаш асосида ҳосил қилинган каби билим мажмуи сифатидаги концепт ҳам ана шу асосида тикланади ва идрок этилади. Бугунги кунда тилшунослигимиз лисоний бирликлар тадқиқидан нутқ бирликларини ўрганишга, лисоний имкониятларнинг воқеланишини кузатиш босқичига қадам қўйди. Лингвокогнитология ана шундай йўналишлардан биридир. Концепт лингвокогнитологиянинг таянч тушунчаси. Лингвокогнитив концепт бошқа концептлардан фарқ қилади. Лисоний бирлик ўзи акс этираётган билим системаси билан яхлитликда олинганда, лингвокогнитив концепт мақомида бўлади. Концепт тушунчага, тушунча эса луғавий маънога ўз “қаймоғ”ини беради.

Инсон турли манбалар, маълумотлар асосида ўз билим доирасини, тафаккурини кенгайтириб, интеллектуал салоҳиятини бойитиб боради. Ана шундай интеллектуал салоҳиятнинг бойиб

боришида «сўз образининг калити»¹ ҳисобланмиш топишмоқ, жумбоқларнинг роли беқиёсдир. Маълумки, топишмоқнинг туб моҳияти предметлараро яширинган савол бўлиб, унинг жавоби образлар орқали жумбоқланган объект-нарса, ёки табиат ҳодисалари, бирор воқеликнинг номини айтиб беришдан иборатдир. Унда халқнинг орзу-истаклари, ўй-фикрлари ва тафаккур дунёси намоён бўлади. Унинг бошқа фольклор жанрларидан ажралиб турадиган хусусияти бадиий образлик орқали инсонни ўйлашга, фикрлашга мажбур қиладиган саволга жавоб талаб этишидадир.

Тўнтарилган қозон, боқ, қулоғи йўқ беқоққоқ,

Қайнаб ётар ичида беҳисоб тилла бодроқ.

Топишмоқ-сценарийда топишмоқ топувчи диққатини кўплаб предметлар томон буради, яъни «қозон-қоққосиз, қулоғи йўқ, тўнтарилган, ичида эса тилла рангдаги беҳисоб сариқ жисмлар». Бу таҳлил ҳарчанд ҳаракат қилинмасин, жавобга олиб бормайди. Топишмоқ топувчи кейинги таҳлил «қайнаб ётган беҳисоб тилла бодроқ» га эътибор қаратади. «Тилла» предмети билан боғлиқ хотирадаги аввалги билимлар ишга солинади: «тилла-қимматбаҳо, сариқ, оқ-сариқ рангдаги ялтироқ металл. Тўнтарилган қозон думалоқ шаклда, унинг ичида беҳисоб миқдорда ялтироқ бодроқ бор». Топишмоқнинг жавобига озроқ бўлса-да, яқинлаштирувчи предмет «ялтироқ бодроқдир». Чунки бодроқ шакли юлдузларга нисбат қилингани сезилиб турибди.

Инсонларнинг тил призмалари турлича экан, тил орқали инсонлар дунёни турлича кўрадилар, дунё ҳақида фарқли тасаввурга эга бўладилар. Кишилар дунёни ўзлаштирар эканлар, бу жараёнда тилга образли хусусият бериб идрок этишлари айниқса, аҳамиятли. Тилнинг образли қурилиши деганда, миллий-маданий, тарихий ривожланган образлар тизимида шаклланган лексик-фразеологик даражадаги бирликлар семантикасида метафорик реаллашган ҳодисаларнинг тил ташувчилари томонидан дунё тил тасвирини шакллантириб бериши тушунилади. Тил образли қурилишининг маъновий борлиқдаги бирликлари сифатида маълум бир тил маданиятига хос бўлган образли тасаввурни, яъни «иккита манзаранинг бирлашмасидан иборат иккиламчи ментал образлар» ни кўрсатиш мумкин (иккита манзаранинг бирлашмасидан иборат иккиламчи ментал образлар дейилганда эса, белгиланган образли концепт ва унинг бирламчи тарзда қабул қилиниши назарда тутилади). Масалан, «тош», «тошдек», «қаттиқ» сўзлари бирламчи маънода бўлса, «тошбағир», «боши тошдек», «дийдаси қаттиқ» тарзда қабул қилиниб, инсон юраги, боши, инсонийлик хусусияти ҳақидаги образли концептга эга бўлади

Тадқиқотчилардан Лосев ўз тадқиқотларида тилда образлилик ҳақида тўхталар экан, символик образ ва метафора орасида параллел ўтказиб: «Ҳар қандай метафора ўз-ўзича маъно англатади. Агар у бирор нарсага ишора қилса, у ҳам ўзига-ўзи ишора қилиши ҳисобланади. У ўзидан ташқари бўлган, ўзи ундан ташқарида бўлмаган ҳеч бир нарсага ишора қилмайди»², деган фикрни илгари суради.

Тилнинг образли қурилишида образланилган сўзлар билан бериладиган топишмоқ-сценарийларнинг ўрни ўзига хосдир. Маълумки топишмоқ-сценарийларнинг туб моҳияти предметлараро яширинган савол бўлиб, унинг жавоби образлар орқали жумбоқланган объект-нарса ёки табиат ҳодисалари, бирор воқеликнинг номини айтиб бериш ҳисобланади. «Топишмоқ бирор нарса ёки табиат ҳодисасини образли ифодалар воситаси билан иккинчи нарса ёки табиат ҳодисасига таққосланган метафорик мазмунни ечиб беришдан иборат».³ Умумий образли тасаввурни юзага келтирувчи тилнинг лексик фразеологик даражадаги бирликлар уйғунлиги образли лексик-семантик майдонни юзага келтиради. Буни топишмоқлар хусусиятига хос образланиш – метафорик майдон ва ассоциатив образли майдон бирликлари комплекси тарзида қабул қилиш мумкин.

Бизнинг ишимизда (топишмоқлар қурилишида билиш сценарийси) метафорик майдон доирасида таҳлиллар олиб бориш аҳамиятлидир. Метафорик образли маъно структурасининг уч турини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- а) образ эталон майдон;
- б) образли предикатив тасаввур майдони;
- в) метафорик моделлашган концептуал борлиқ майдони;

¹ Ҳусаинова З. Ўзбек топишмоқлари. Тошкент, 1966, 3-бет.

² Джусупов Н.М. Лигвокогнитивные аспекты исследования символа в художественном тексте. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук.

³ Ҳусаинова З. Ўзбек халқ топишмоқларининг асосий хусусиятлари ва замини. Филол. фан. номз. ...дисс., Т., 1967.

1) предметли эталон образлар интеграл белгиларнинг прототип ташувчилари ҳисобланади. Масалан, *асал, асалли, ширин* сўзлари; ширинсўз, ўта майин, ёқимтой бўладиган нутқ, овоз, сўз, табассум, юз тузилиши; инсоннинг мурожаат усуллари (кўз ифодаси, юз ифодаси ва сўз ифодасига хос хусусиятлари) ҳақида турли тасаввурларни уйғотади: ўйноқи оҳанг, юмшоқ овоз, ифодали қарашлар ва ҳоказолар ширин маҳсулотлар, айниқса, ширинликлар эталони асални ҳис қилганда юзага келади;

2) предикатив характердаги образли тасаввурлар ўз ўрнида иккига бўлинади:

а) атрибутли (масалан «қаттиқ, бақувват-чидамли предмет» организм, асаб, характер, иродага нисбатан олиниб, жисмоний ва бақувват, чидамли, ишончли, соғлом инсонни; «юмшоқ, мўрт-эгилувчан предмет» жисмоний ва маънавий ожиз, ишочсиз одамни белгилаши мумкин);

б) процессуал образли тасаввур. Масалан, қаттиқ предметларнинг ташқи таъсирларга қаршилик қилиш хусусияти куч, соғлик билан ифодаланса, борликдаги кўриниши, шакли, ўлчами, ишончлилик ҳамда доимийлик билан ўхшатилади;

3) тилда образли характерланувчи концептуал борлиқлар: рух, ҳиссиёт, фикр, ирода, товушлар.

Топишмоқ-сценарийларда билим шакли борасидаги таҳлилга қайтар эканмиз, топишмоқ-сценарийда (унинг жавоби тарикасидаги концептда) тилнинг белгили хусусияти, яъни метафорик образли маъно одатда образ эталони орқали кўрсатилади.

Кўпгина топишмоқ-сценарийда асосан тош образи келтирилади.

Ош ичида тош

Тош ичида ош.

Ўрик ва ёнғоқ мевалари ҳақида яратилган ушбу топишмоқ-сценарий ҳам шаклан, ҳам хусусияти (ош асосан озуқалик хусусиятига эгадир, шунга кўра топишмоқ-сценарий топувчида яширин сўз, албатта. озуқа-егуликлиги ҳақида билим шаклланади) жиҳатидан образланилгандир. Билиш этапида диққат энди «тош» га томон йўналтирилади. Маълумки, тош, суяк, металл образлари тилда қаттиқлик, чидамлилик, сабот эталони ҳисобланади. Топишмоқ билим сценарийсида «егулик-озуқа ичида «қаттиқ, чидамли нимадир» бор ва айни шу яна қаттиқ нимадир»ни ичида яна егулик бор» деган тахминлар иерархияси ўрин олади. Тасаввур натижасида жавоб ўрик эканлиги ойдинлашади. Ёнғоқ ҳақидаги топишмоқ-сценарийда ҳам жавобни билиш жараёни юқоридаги кўрсатилгани каби таҳлилга эгадир, яъни «қаттиқ бир нарса (шу ўринда тошга шаклан эътибор бериш ҳам лозим) юмалоқ шаклда, унинг ичида озуқалик қийматига эга нимадир бор» деган фикрлар кетма-кетлиги жавобга элтувчи йўл ҳисобланади.

Тилнинг белгилилик хусусияти, айниқса, халқ яратган топишмоқ-сценарийларида акс этар экан, топишмоқ-сценарий яратишда танланган объектга нисбатан халқнинг миллий-маданий муносабати яққол кўзга ташланади. Шу объект (концепт)ни тасарруф этишда ўзининг ментал оламидаги қонуниятларига таяниб иш кўради. Зеро, концепт (бу ўринда топишмоқ жавоби) маданит контекстида қаралар экан, Ю.С.Степановнинг «Концепт инсон ментал оламидаги маданиятнинг асосий ячейкаси. У бамисоли маданиятнинг инсон онгидаги «қуйқа»си, шу асосда маданият инсон ментал оламига киради»¹ деган концепциясини келтириб ўтиш жоиз.

Топишмоқ-сценарийлар мисолида фикримизни давом эттирамиз:

Қоровой отдан тушиди,

Болалари югуришиди.

(Қозон, идиш-товоқлар)

Биз топишмоқ-сценарий қурилишида «қозон-товоқ (идишлар)» концептига хос компонентлар мавжудлиги учун эмас, балки шу жавобни илгаридан эшитиб юрганимиз учун осон топа оламиз. Аслида, топишмоқнинг билиш сценарийсида концепт (жавоб) ядролари қай даражада акс эттирилган? Эътибор берсак, мазкур топишмоқ-сценарийларда «қозон» концепти учун образли хусусият тарзида «қора» сўзи танланган. Рўзгордаги ҳамма қозонлар ҳам қора бўлавермайди, «қоралик» белгиси «қозон» концептининг чекка қисмларидангина ўрин олиши мумкин. Концептнинг овқат тайёрлашда асосий буюм сифатида фойдаланиш маънолари эмас, аксинча баъзан учраб турадиган (қайсидир қозон ювиб тозаланмаса, қора қозон бўлиши мумкин) чет узвлар топишмоқ сценарийсини шакллантиришда асосий планга кўтарилган. Билиш жараёнида халқнинг, миллатнинг тарихий ўтмиши, турмуш тарзи, миллий-маданий қарашларини ҳам эътибордан соқит қил-

¹Степанов Ю.С. Константы: словарь русской культуры. Опыт исследования. М., 1997, с. 824.

маслик керак. Тарихга назар соладиган бўлсак, бугунгидек замонавий газлаштирилган қулайликлар-шароитлар мавжуд эмас эди, ўчоқларга қозон осилиб, турли ўтин-олов ёрдамида овқат пиширилган. Ўтин-олов ёқилиши натижасида ҳар қандай ҳолатда қозон қора қукун билан қопланиб, қора қозонга айланиши табиий ҳол. Бундай асос топишмоқ-сценарий қурилишида ташқи ўхшашлик (қора ранглилик) хусусияти акс эттирилган дейишга сабаб бўла олади. Лекин, бизнингча, халқ яратган топишмоғида ташқи ўхшашликдан ҳам кўра кўпроқ маъновий белги биринчи ўринга чиқарилган. Яъни, қозон рўзғор буюми. Баъзан бу концептнинг тилда ушбу компоненти (рўзғор буюми эканлиги) бўлақдан бутун (рўзғор-турмуш-қун-умр) тарзида (синекдоха) намоён бўлиши ҳам кузатилади. Яъни, «қора қозонимиз қайнаб турибди; қозон-товоққа ўралашиб қолмоқ» каби мисолларда «рўзғоримиз, қунимиз ўтиб турибди», «рўзғор-турмуш ишлари билан банд бўлиб қолмоқ» маънолари англашиб турганлиги фикримиз исботидир. Бу ўринда қозоннинг қора бўлиши камбағаллик, ўртамиёна, фақирона ҳаёт тарзи (қун ўтказиб турилганлиги)га ишорадир. Бундан маълум бўладики, ўзбек тилида «қора» сўзи таркибий қисмларида «ташвиш-дилхиралик-дард-зулмат-мотам» каби салбий бўёқдорлик – яширин маънолари ҳам мавжуддир. Бу маънолар тилининг образли қурилишга эғалигини кўрсатиши контекстда ойдинлашади. Топишмоқ билиш сценарийсида «қозон» концептнинг ташқи ўхшашлиги жиҳатидан қора рангдалигига эътибор берилган бўлса-да, аслида бу концептнинг чекка, ёндош компонентлари ҳисобланиб, юқорида келтириб ўтилган яширин маъноларни акс эттиришга хизмат қилган.

Билиш жараёнида инсон кузатади, киёслади, таснифлайди ва ҳукм (хулоса) чиқаради. Борлиқдаги нарса-ҳодиса, воқеликларнинг ҳали билиб улгурмаган қирраларини очишда ва уларни диққат билан кузатиб, таққослаб, ўхшатиш орқали моҳиятларини кўпроқ аниқлашда, улар ҳақида чуқурроқ билим ҳосил қилишда топишмоқларнинг ўрни бекиёс. Зеро, топишмоқлар аклини чарх-лашга, идрокни ўстиришга ёрдам беради.

Abdullayeva Surayyo Babojonovna (tayanch doktorant, Urganch davlat universiteti)
BOSHLANG‘ICH TA‘LIM O‘QUVCHILARINING KITOBXONLIK SALOHİYATINI
OSHIRISHDA NASRIY ASARLARNI OQITISH USULLARINING O‘RNI

Annotatsiya. Ushbi maqolada boshlangich ta'limda nasriy asarlar tahlili orqali kitobxonlikning o'quvchilar ma'naviy olamida ijobiy sifatlarni shakllanishidagi o'rni haqida fikr yuritildi.

Аннотация. В данной статье обсуждается роль чтения в формировании позитивных качеств духовного мира учащихся посредством анализа прозаических произведений в начальном образовании.

Annotation. This article discusses the role of reading in the formation of positive qualities in the spiritual world of students through the analysis of prose works in primary education.

Kalit so'zlar: kadrlar tayyorlash milliy dasturi, ilmiy tahlil, o'quv tahlili, insert, sinkveyn, zig-zag, ijtimoiy faol.

Ключевые слова: национальная программа подготовки кадров, научный анализ, образовательный анализ, инсерт, синквейн, зиг-заг, социально активный.

Key words: national personnel training program, scientific analysis, educational analysis, insert, sincwain, zig-zag, socially active.

Kitobga mehr oiladan boshlanar ekan, maktabgacha ta'lim va boshlabg'ich ta'lim davrlar jarayonida shakllanadi, rivojlanadi. Boshlang'ich ta'limda o'quvchilarga "O'qish kitobi" darsligidan o'rin olgan matnlarning mazmunini tushuntirishda o'qituvchilarning ayrimlari qiynaladilar. Matnni o'qib eshittirgach, matn uchun tuzilgan savollarga o'quvchilar tomonidan berilgan qisqa javoblar bilan kifoyaladilar. Vaholanki, darsliklarga kiritilgan ko'pchilik matnlar darsga qadar o'qituvchining jiddiy tayyorgarligini taqozo etadi.

Bu tayyorgarlik jarayonida matnning puxta badiiy tahliliga e'tibor qaratiladi. Badiiy matn tahliliga doir tadqiqotlarda badiiy asar tahlilini undan kuzatilgan maqsadga ko'ra, quyidagi ikki turga bo'lish mumkinligi aytiladi:

–ilmiy (filologik);

–o'quv (didaktik).

Filologik yoki ilmiy tahlil ilmiy-estetik faoliyat natijasidir. U, asosan, bir kishi tomonidan amalga oshiriladi. Ilmiy tahlil bilan shug'ullanayotgan mutaxassis vaqt jihatidan ham, imkoniyat jihatidan ham

chegaralangan bo‘ladi. Ilmiy tahlilni amalga oshirayotgan kishi faqat o‘zi belgilab olgan bosh maqsadga qarab intiladi.

O‘quv tahlili estetik-pedagogik faoliyat bo‘lib, o‘quvchilarni barkamol shaxs sifatida shakllantirish kabi pedagogik maqsadga erishish uchun amalga oshiriladi.¹

O‘quv tahlili mobaynida o‘quvchi asarni tanlash imkoniga ega emas. Tahlil etiladigan asar muayyan vaqt davomidagina tekshirilishi, bu jarayonda sinfdagi o‘quvchilarning yosh va intellektual darajasiga muvofiqlashtirilishi kerak bo‘ladi. Shu jihatdan didaktik tahlil filologik tahlilga nisbatan murakkabroqdir.

Adabiy asarni didaktik tahlil etish jarayonini o‘qituvchi va o‘quvchi faoliyati quyidagi uch yo‘nalishda uyushtirilishi mumkin:

- a) muallifga yoki matnga ergashib tahlil;
- b) asardagi obrazlarga tayanib tahlil qilish;
- d) o‘quv tahlilini muammoli tarzda amalga oshirish.

Quyida 4-sinf “O‘qish” fani mavzulari metodlar talqinida tahlil etiladi.

“Yolg‘onchining izza bo‘lishi” rivoyati asosida “Ketma-ketlikni top” o‘yini. O‘quvchilar tartibsiz berilgan gaplarni da‘vogarning hikoyasi asosida ketma-ket joylashtirishlari lozim bo‘ladi. Gaplar alohida qog‘ozlarga yoziladi.

Javoblar:

Samarqanddan Buxoroga safarga chiqdim.

Daraxt soyasiga dam olgani o‘tirdim.

Ovqatlanayotgan edim, bir do‘stim paydo bo‘lib qoldi.

Uni dasturxonaga taklif etdim.

“Yolg‘onchining izza bo‘lishi” rivoyati asosida “Charxpalak” texnologiyasi

T/r	Rivoyat qahramonlariga oid ma’lumotlar va gaplar	Mirzo Ulug‘bek	Da‘vogar	Da‘vogarning do‘sti
1	“O‘sha daraxtdan uch-to‘rt barg keltirgin”.	+		
2	“Men u daraxtni ham, bu odamni ham ko‘rmaganman”.			+
3	“Hamyonni haligi do‘stimga berdim”.		+	
4	“...safarga chiqqanimda hamyon-xaltamda ming tanga pulim bor edi”.		+	
5	“Da‘vogar o‘sha daraxtning oldiga yetib bordimi-kan?”	+		
6	Mirzo Ulug‘bek huzuriga kelib, arz qilibdi.		+	
7	“U daraxt shahardan ancha uzoqda, hali yetib bormagan bo‘lishi kerak”.			+
8	“Yaxshisi, yolg‘on gapirmay, omonatni egasiga topshir”.	+		
9	U kishi aybiga iqror bo‘libdi va pulni egasiga qayta-rib beribdi.			+
10	“Shahardan chiqib, bir daraxt soyasiga – suv bo‘yi-ga dam olgani o‘tirdim”.		+	

Maqsad: O‘quvchilarni matnni hikoya qilishda ketma-ketlikni aniq eslab qolishga yordam beradi.

Habib Po‘latov haqida qisqacha ma’lumot. Habib Po‘latov 1920-yilning 20-fevralida Toshkentning hozirgi Qatortol dahasida dehqon oilasida dunyoga kelgan. Bo‘lajak yozuvchi Toshkent pedbilim yurtini bitirib, 1940-yilda Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika institutining o‘qituvchilar tayyorlash bir yillik kursiga kirib o‘qiydi. Toshkent va Qashqadaryo viloyati maktablarida muallimlik qiladi. 1961-yilda G‘afur G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyotiga muharrirlikka ishga kiradi. Umrining oxirigacha mazkur nashriyotda muharrir sifatida faoliyat ko‘rsatadi.

¹ S.Abdullayeva. Boshlang‘ich ta’limdabadiiy matnlarni o‘rgatish orqali o‘quvchilarning adabiy-estetik tarbiyasini shakllantirish metodologiyasi. Magistrlik dissertatsiyasi, Urganch, 2020, 97-bet.

Habib Po‘latovning “Ikki irmoq” masali “Fikrlar bilag‘oni” texnologiyasida

T/r	Badiiy asar nomi	Asar Qahramonlari	Nimalar ulug‘langan	Nimalar qoralangan
1	“Yomg‘ir” hikoyasi	Onasi, shifokor, Erkinjon	Shifokorning to‘g‘riso‘zligi	Dangasalik, yalqovlik, yolg‘onchilik
2	“Ikki irmoq”			

O‘quvchilar o‘tilgan mavzu asosida olgan bilimlari yuzasidan o‘z fikrlarini jadvalga yozishlari zarur. Fikrlar bilag‘oni” mashqi chizmasini har bir bolaga tarqatma material sifatida berganda o‘qituvchi darsda vaqtdan yutadi va o‘quvchi bilan individual ishlash imkoni bo‘ladi.

Pirimqul Qodirovning “Xatarli uchrashuv” hikoyasi “O‘qi va ayt” metodi talqinida. Bunda o‘quvchilar mavzuning 3 yoki 4 ta gapini o‘qib, qayta hikoyalab berishadi.

Maqsad: Bu metodda o‘quvchilarning og‘zaki nutqi bilan o‘qish texnikasi rivojlanadi va dars davomida ko‘proq o‘quvchi bilan ishlashga yordam beradi.

Pirimqul Qodirovning “Xatarli uchrashuv” hikoyasi asosida “Raqamlar so‘zlaganda” o‘yini.

– Aziz o‘quvchilar, biz siz bilan “Raqamlar so‘zlaganda” o‘yinini o‘ynaymiz. Bu o‘yinning sharti quyidagicha: men navbat bilan raqamlarni ko‘rsataman, siz esa hikoyadan shu raqam qatnashgan gapni topib o‘qiysiz. Faol qatnashgan o‘quvchilar g‘olib bo‘ladilar.

Biz Turkiston tizma tog‘ining etagida, shahardan yigirma besh chaqirim naridagi kichkina qishloqda turar edik.

Yog‘ib turgan qor pardasi ortidan uch-to‘rt g‘amgin chordevorlar ko‘rindi. Ulardan narida qurib qolgan bir hovuz ham bor.

Durustroq qaragam, mendan yuz qadamcha narida ikkita kulrang jonivor turibdi. Xuddi o‘n kun yo‘l yurganday charchab, qorga o‘tirib qoldim.

Maqsad: o‘yin orqali o‘quvchilarda tezkorlik, darslik bilan ishlash, darsga bo‘lgan qiziqish yanada oshadi.

Nosir Fozilovning “Tushovli toy” hikoyasi asosida “Begona so‘z” o‘yini

1	Qashqir	Ko‘kqashqa	Bo‘ri	Saman	Qo‘chqor
2	Saman	Qudrat aka	Ayg‘ir	Qahramon	Qo‘y
3	Sigir-poda	Vahshiy	Tushov	Chilvir	Ipak
4	Zimiston	Beh, beh, beh	Ertalab	Bug‘doy	Saroy

Bu mashqda matn asos qilib olinadi. O‘quvchilardan berilgan vaqt ichida jadvalda berilgan 4 ta so‘zdan matnda uchramaydigan so‘z yoki so‘zlarni topish talab qilinadi.

Maqsadi: Bu o‘yin orqali o‘quvchilarda hikoyani o‘qishga bo‘lgan qiziqish ortadi va hikoyani o‘qish davomida diqqatli bo‘lishga o‘rgatadi.

Pirimqul Qodirovning “Ayiqni yenggan cho‘pon” hikoyasi asosida “topib o‘qi” mashqi. Ayiqni qo‘ylarga hujumi tasvirlangan joyni matndan topib o‘qing. Birinchi kelgan kuni qaragam, semiz bir qo‘yni g‘ijimlab otyapti. Dumbalik qo‘y kamida besh pud keladi. Bolang yig‘lagur ayiq uni oldingi ikki oyog‘i bilan g‘ijimlab turib otganda, o‘n qadamcha nariga borib gursillab tushadi. Itlar akillab kelsa, bo‘kirib shunday panja soladiki, ular g‘ingshib qochib qoladi. Mening qo‘limda tayoqdan boshqa narsa yo‘q. – Miltig‘ingiz qayerda edi? – dedi Sanjar aka, – E, u paytlarda miltiq kamchil edi-da. Bizda miltiq yo‘q edi. Bolang yig‘lagur ayiq haligi qo‘yni otib-otib, qo‘tandan jilg‘aga olib tushib ketdi. O‘choqda o‘t yonib turgan edi. Men ayiq o‘tdanq o‘rqadi deb eshitgan edim. Eski ko‘ylagimni tayoqqa bog‘lab, ustidanmoy sepib yondirdim. Keyin ayiq tushgan jilg‘aga qarab qiyqirib chopdim. Qaragam, qo‘y do‘mpayib yotibdi. Bolang yig‘lagur ayiq, uning dumba tomonidan ancha joyini yebdi-yu, ketib qolibdi. Jonivor qo‘y bir ti-pirchiladi. Hali jon bermagan ekan. Darrov belimdan pichog‘imni olib, uni halolladim...

“Bilag‘on” o‘yini. O‘quvchilar har bir hikoya qahramoniga alohida ta‘rif beradilar. Eng yaxshi va mazmunli ta‘rif bergan o‘quvchi g‘olib bo‘ladi.¹

¹ O‘qish kitobi (matn). 4-sinf uchun darslik, G.Boymurodova X.Sattorova, Sh.Muslimova, F.Karimova. T., “Sharq”, 2017, 240-bet.

Nosir Fozilov “Ko‘kyol” hikoyasi asosida “Kim zukko?” mashqi. Bu mashqda o‘quvchilar berilgan so‘zlarga hikoya matnidan so‘z birikmalarini topadilar va ularning qaysi so‘z turkumiga oid ekanligini aytadilar.

So‘zlar: ayiqning, bitta, nayzalarni, baquvvat, besh-o‘n, kovagiga.

O‘quvchilar javobi:

Ayiqning-ayiqning tirnog‘i ot+ot
 Bitta-bitta miltiq son+ot
 Nayzalarni-nayzalarni bog‘ladim ot+fe‘l
 Baquvvat-baquvvat tayoqlarning sifat+ot

Nosir Fozilov “Ko‘kyol” hikoyasi asosida “Insert” texnologiyasi tahlili

T/r	Ma‘lumotlar	«B»	«?»	«+»	«-»
1	O‘rdak, g‘ozlar “g‘ag‘a”– lashib bu joylarni qushlar bozoriga aylantirib yuboradi.	«B»			
2	Qopqonga chap bersa, miltiq bor joyga yo‘lamasa, dorining hidini olsa, buning yo‘li bor. Iziga tozi solamiz.			«+»	
3	Yana nariroq yurgan edik, bir butaning tagida uchinchisi yer tishlaganicha mukkasidan tushibdi...				«-»
4	Shishaning sirtiga yopishtirilgan oq qog‘ozga odamning bosh su-yagi, uning tagida ikkita ilik suyagining ayqashib turgan surati solingan.		«?»		

O‘quvchilar hikoya mazmuni asosida individual tarzda o‘z shaxsiy qarashlarini maxsus belgilar orqali ifodalaydilar. Maxsus belgilar quyidagilardan iborat:

- “B” – bu ma‘lumotni bilaman;
- “?” – ushbu ma‘lumotni tushunmadim.
- “+” – bu ma‘lumot men uchun yangilik;
- “-” – mazkur ma‘lumot yoki fikrga qarshiman.

Mazkur metod orqali asardagi eng nozik voqealarga ahamiyat qaratiladi va xotirada eslab qolishga yordam beradi.

Nosir Fozilov “Ko‘kyol” hikoyasi asosida “Sinkveyn” metodi tahlili. O‘quvchilar sinkveyn tuzish qoidalari asosida hikoya mavzusiga oid sinkveyn tuzadilar.¹

Iso bobo; bosh cho‘pon, sabrli, sezgir, qo‘rqmas, ”Qari bilganni pari bilmas”. Ko‘kyol; ayyor, tezkor, yovuz, sezgir, o‘rmonning yovvoyi hayvoni.

“Bo‘g‘indan gaggacha” mashqi. O‘quvchilar berilgan harflardan birini tanlaydilar va sxemalar asosida avval shu harf ishtirok etgan so‘zni, so‘ng shu so‘z qatnashgan gapni topib, o‘qiydilar (Quyosh. Quyosh ikki terak bo‘yi ko‘tarilib qolgan edi).

Xudoyberdi To‘xtaboyev “Erkacholning o‘rigi” hikoyasi asosida “Zig-zag” strategiyasi metodi. Strategiyani qo‘llash jarayoni:

Sinf o‘quvchilari bir necha (3 – 4) guruhga bo‘linadi.²

Yangi mavzu mohiyatini yorituvchi matn ham tegishli ravishda 3 – 4 ga bo‘linadi.

Har bir guruhga mavzuning muayyan qismi (1-matn, 2-matn va hokazolar) beriladi va uni o‘rganish vazifasi topshiriladi. Belgilangan vaqt mobaynida guruhlar matn ustida ishlaydilar. Vaqtni tejash maqsadida guruh a‘zolari tomonidan liderlar tanlanadi va ular o‘rganilgan matnga oid asosiy ma‘lumotlarni guruhdoshlariga so‘zlab beradilar. Liderlarning fikri guruh a‘zolari tomonidan to‘ldiriladi.

Barcha guruhlar o‘zlariga berilgan matn puxta o‘zlashtirilganlaridan so‘ng matnlar guruhlararo almashtiriladi. Shu tarzda mavzu mohiyatini yorituvchi matn o‘quvchilar tomonidan o‘zlashtiriladi.

Muzayyana Alaviya “Navro‘z bahor bayrami” hikoyasi asosida “Yosh ijodkor” o‘yini. “Navro‘z bayrami urf-odatlarini” mavzusida fikrlaringizni quyidagi namuna asosida ifodalang:

Bobo dehqon dalada _____
 Obodonlashtirish ishlari _____

¹ M.Allamova. Boshlang‘ich ta‘lim o‘quv fanlarining nazariyasi va o‘qitish metodikasi bo‘yicha ma‘ruza matnlari va amaliy mashg‘ulotlar majmuasi. Urganch, 2015, 153-bet.

² https://eduportal.uz/Umumiyfiles/darsliklar/4/oqish_metodika_4_uzb.pdf

Navro‘zdagi odatlar _____

Navro‘z va men _____

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, boshlang‘ich ta‘limda nasriy matnlarni mukammal tahlil asosida olib borish o‘quvchilarda quyidagi malakalarning rivojlanishiga yordam beradi:

- 1) adabiy-estetik nutq;
- 2) badiiy latofat;
- 3) adabiyotni his qilishda yetakchi hisoblanadi;
- 4) hissiy-emotsional ifoda uning qalbiga ham “yuqadi”, hislarini tarbiyalashga undaydi;
- 5) kommunikativ, og‘zaki va yozma nutqiy kompetensiyalarini rivojlantirishga, ma’naviyatini boyi-tishga munosib hissa qo‘shadi;
- 6) mardlik, halollik, mehr-oqibat, iroda, kamtarlik kabi sifatlarning uyg‘onishida ta’sir kuchiga ega;
- 7) tanqidiy fikrlash va ijodiy mehnat ko‘nikmalarini rivojlantiradi;
- 8) kadrlar tayyorlash milliy dasturida ko‘rsatilgan yuksak madaniyatli, ijodiy va ijtimoiy faol, istiqboldagi vazifalarni belgilay oladigan, mustaqil fikrlaydigan mutaxassislarni tayyorlashga zamin bo‘lib xizmat qiladi.

Мусурмонова Шахло Илхомовна (Гулистон Давлат университети докторанти)
БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ БЕРИШДА МИЛЛИЙ
ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

***Аннотация.** Ўзбек халқи тарихи ёш авлодларда экологик маданиятни шакллантиришга доир бой ижодий меросга эга бўлиб, бу меросни ўрганиши, ҳаётга татбиқ этиши ҳамда келажак авлодларга етказиши шу куннинг энг муҳим вазифасидир. Мақолада ушбу масала юзасидан фикрлар-мулоҳазалар баён этилган.*

***Аннотация.** История узбекского народа имеет богатое творческое наследие для формирования экологической культуры подрастающего поколения, и важнейшей задачей сегодня является изучение, воплощение и передача этого наследия будущим поколениям.*

***Annotation.** The history of the Uzbek people has a rich creative heritage for the formation of the ecological culture of the younger generation and the most important task today is the study, embodiment and transmission of this heritage to future generations.*

***Калим сўзлар:** экологик таълим, экологик қадрият, сув, ҳаво, ер, тупроқ.*

***Ключевые слова:** экологическое образование, экологическая ценность, вода, воздух, земля, почва.*

***Keywords:** environmental education, water, environmental value, air, earth, soil.*

Бошланғич синф ўқувчиларига экологик тарбия беришда миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, нодир қўлёмалар, давлат арбоблари ва ота-боболаримизнинг ушбу соҳага оид фаолиятлари, ўғитлари мустаҳкам дидактик асос бўлиб, булар орқали уларни атроф-муҳитни тоза сақлашга, озодаликка, покизаликка, энг асосийси, соғлом турмуш тарзи ҳамда муҳитини ташкил эта олишга ўргатилади.

Ўзбек халқ қадриятлари орасида табиатни сақлаш, қадрига етиш, чиройига-чирой, кўркига-кўрк кўшиш одатлари бор.

Ота-боболаримиз зилол сувни, булоқларни, сўлим дарахтзорларни, қоя-ғорларни, хосиятли ўт-ўланларни, гул-гиёҳларни муқаддас билиб асрашга, нияти нопок кишилардан сақлашга, топтамасликка, оёқ ости қилмасликка алоҳида эътибор бериб келганлар.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий “эмок ниятида қўлингизда кўчат турган пайтда, бехосдан қиёмат қоим бўлиб қолиши аниқ бўлганда ҳам, улгурсангиз уни экиб қўяверинг”, “Ховли саҳнини тоза тутинглар”, “енглар, ичинглар, кийинглар, садақа қилинглар, аммо исроф қилманглар, мағрурланманглар”, “киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди”, “кимки дарахт ўтказса ёки экин экса, унинг мевасидан қуш ёки ҳайвонлар еса, унинг ҳар биридан садақа ёзилади”, “кишиларга соя берувчи дарахтни кесган киши боши билан дўзахга ташланади”, “қўлидаги овқат мойларини ювмай ухлаган одамга бирор офат етса, ўзидан кўрсин”, “Жони бор

нарсани ўқ отишда нишон қилманглар” кабилардир. Хадислар инсонларни ҳамжихатликка, оилада, жамоада экологик соғлом муҳитни яратишга чақиради.

Халқ нопок кишилар ҳақида шундай иборалар қўллаган: Дарахт кўр қилгур», «Молинг сундан қолсин», «Парранда урсин» (қарғиш), «Дарахтга кўз олайтирма, ёмон бўлади», «Сувга тупурма, ифлос бўлади», «Ерни топтама, у дунёнинг қолмайди» каби нақллар ҳам бекорга айтилмаган.¹

Бобокалонларимиз ҳаёт сувдан бошланади, деб билиб, сувсиз яшаб бўлмаслигини амалда кўриб, чуқур ҳис этганликлари боисдан табиатнинг бу ажойиб тухфасининг қадр-қиммати ва инсонлар тақдирида тутган ўрнини теран идрок этганлар.

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada ingliz tili darslarida yozma nutqni o‘rgatishda qo‘llaniladigan integrallashgan yondashuvlar va ularning afzalliklari yoritilgan, shuningdek, talabalarda yozma nutqni rivojlantirishga doir uslubiy tavsiyalar berilgan.*

***Аннотация.** В статье рассматриваются интеграционные подходы, применяемые при обучении письменной речи на уроках английского языка, и их преимущества, а также даются методические рекомендации по развитию письменной речи у студентов.*

***Annotation.** This article discusses the integrated approaches used in teaching writing in English lessons and the ways of planning writing instructions as well as provides methodical recommendations for improving writing skills in students. The article discusses the integration approaches used in teaching writing in English lessons and their advantages, as well as provides guidelines for the development of writing in students.*

***Kalit so‘zlar:** integrallashgan yondashuvlar, yozuv malakasi, yozma nutq, kalligrafiya, grafika, punktuatsiya, orfografiya, yozma fikr bayoni, yozuv texnikasi, o‘rganish bosqichi.*

***Ключевые слова:** интеграционные подходы, навыки письма, письменная речь, каллиграфия, графика, пунктуация, орфография, письменное изложение мысли, техника письма, этап обучения.*

***Keywords:** integrated approaches, writing skill, written speech, scaffolding, calligraphy, graphics, punctuation, spelling, written statement of thought, writing technique, learning stage.*

Today the role and influence of English are gaining a higher speed in the world as well as in Uzbekistan. In the recent proclamation to the nation, the President of the Republic of Uzbekistan, Shavkat Mirziyoyev addressed the Oliy Majlis on December 29, 2020 and suggested defining the study of foreign languages as a priority for the 2021 year. The Head of the state noted that foreign languages are an opportunity to get to know the whole world.¹ English, in its turn has been continuously increasing in importance and acquiring the status of the most preferred foreign language to be learned.

Writing is one of the essential language skills in learning and teaching foreign languages. It is the art of expressing our views, ideas and thoughts. Nowadays it is important to have ability to write in English. Mastering writing skills is important due to its need in almost all the professions which need documentation, especially in this era. It is necessary to enter any modern workplace with good writing skills. Today business world requires and expect potential employers with good writing skills and they are seen

¹ The Proclamation of the President of the Republic of Uzbekistan in Oliy Majlis, December 29, 2020.

as the clients of corporate world. Therefore, it is vital to equip oneself with good writing skills to get appointed and disclosed to more job opportunities.

As we know, communication consists of spoken and written speech. In oral speech, communication is carried out through components such as understanding after listening, speaking. Through writing, speech is carried out through components such as reading and writing. At the same time, writing is an inseparable component of written speech. Through writing, as a component of speech activity, information is exchanged.

Writing is the most challenging skills to be learnt and to be taught in ESL classroom. In teaching English, writing takes an important place. With the help of a letter, information, information is transmitted to another person or other people. Through writing, we can preserve information for a long time, even over the centuries, and pass it on to the future generation. Without writing, we would not have been able to preserve the scientific and historical heritage, would not have been able to learn about the achievements of past centuries, about the history of the peoples of the world, etc. As you can see, writing is a speech activity and should be studied. In scientific terms, writing is a productive speech activity, consisting of the codification of information and information through writing. In addition, writing is a goal and a means of education and training. Previously, in almost all foreign language curricula for educational institutions of various types, writing was defined not as an end, but as a means of education. Since the end of the twentieth century, in new curricula, writing has been defined both as a goal and as a means of teaching a foreign language. At all stages of training, writing had an auxiliary meaning and served as a teaching tool for the development and improvement of the skills and abilities of speaking, understanding through listening and reading.

Writing is used as a teaching medium and plays a different role at different stages of education. For example, the main task of the first stage of education consists of teaching writing, since during this period the skills of calligraphy and the skills of sound-letter coordination are formed. These skills are a prerequisite for developing reading and writing skills. At the second stage of training, the work carried out on the letter is transferred to the work on spelling associated with the accumulation of language material. At the same time, written speech is developing as a means of developing oral speech skills. At this stage of education, writing and speaking skills are improved. The work on spelling continues, the skills of writing thoughts are developing. Based on the writing technique, the written presentation of thoughts, there are difficulties in teaching writing, which are divided into extra linguistic and linguistic difficulties.¹

Extra linguistic difficulties include:

- readiness of the student, student in writing;
- readiness of the situation to perform actions on the letter;
- availability of means for writing (notebook, pen, book);
- the readiness of a teacher, teacher to teach writing;
- knowledge of the teacher, the teacher of teaching methods of teaching writing, methods of conducting written work;

– construction of exercises, written works in accordance with the knowledge available to pupils, students. Linguistic difficulties include:

- the ability to correctly write block letters in capital letters;
- the ability to correctly write letter combinations;
- the ability to write words without mistakes, knowledge of their meaning and meaning; - the ability to compose grammatically correct sentences from words.

It is important to say that the content of teaching writing is understood as what needs to be taught by writing and what to do with them. When teaching writing, students learn to make words from letters and letter combinations, sentences from words, to express their thoughts in writing. Linguists call the spelling of letters and letter combinations graphics, the correct spelling of words - spelling, the correct setting of punctuation marks – punctuation, calligraphy – calligraphy. All this, together with the written presentation of thoughts through them, is included in the content. By simplifying them, they can be divided into two types:

- 1) teaching graphics, spelling and punctuation can be included in the writing technique;
- 2) written statement of thought. Teaching pupils and students the ability to correctly express their thoughts in English is the main goal of teaching writing and is carried out in four stages:

¹ Learning to write. E.N.Solovova. ELT, Dinternal, 2000.

Stage 1: oral development in the classroom (audience) of words and patterns on the chosen topic.

Stage 2: Studying the spelling of words and patterns learned orally, completing written assignments given at home.

Stage 3: performing oral speech exercises on the selected topic.

Stage 4: Writing a Thought on a Selected Topic

Exercises used to teach writing are of two types: for teaching writing techniques and for writing thoughts. In addition, the exercises are divided into two types: language or preparatory and speech exercises. With the correct spelling of letters, letter combinations, words and phrases, training exercises are used to compose sentences from words, when working on the text, exercises are used to shorten the text, draw up a plan for writing a presentation. Exercises teaching the presentation of thoughts are speech exercises. These include essay, presentation, letter to foreign friends, writing an annotation, written presentation of a topic. The preparatory exercises primarily involve rewriting pattern-based exercises to expand or simplify sentences.

Another type of preparatory exercise is aimed at developing the ability to express information in your own words. Speech exercises aimed at developing writing begin with writing exercises. When forming a letter, exercises, written work, dictations, statements, images, a story, an essay, writing a letter and others are used.

The following ways of writing instructions should be planned in ESL classrooms:

a) Knowing the Students. It is important for the teachers in ESL classrooms to know their students' level well before selecting the best writing approach in the classroom. Students with average proficiency level may employ process or process genre and process product approach. With some scaffolding and teacher's and peer review, writing can be improved. Meanwhile, very weak students as mentioned before may employ product-based approach so that students imitate the model and familiarize with the model and produce almost similar text with some scaffoldings. The studies above show the selection of approaches was accurate hence a positive outcome is seen.

1) Knowing the Methodology. Employing an approach correctly is crucial in teaching writing to ESL students is vital to see an improvement and better result in writing. This can be viewed in the above studies when researchers, clearly described the methods in each research. Without a proper planning, the objectives cannot be achieved. As ESL teachers, it is essential to be familiar with each approach to teaching writing before deciding which to choose to teach writing to their students. Hence, planning the lesson with suitable approach, material selection based on the students need is crucial in order to achieve successful.¹

2) Scaffolding.² In most of the researches, scaffolding has its important role in motivation students to write. Teachers should incorporate scaffolding in the writing lessons to help the students regardless of their level of proficiency. Scaffolding during the lesson or by giving feedback during the writing process is vital. Peer reviews are also important to scaffold in writing classroom. Teachers should combine the teaching of writing approaches to scaffold students writing as every approach has its shortcomings.

A further research should be done in other approaches in teaching writing so that teachers in ESL classrooms have wider options to utilize in the ESL writing classrooms.

Briefly, teacher plays a crucial role in teaching writing skills. Besides having a content knowledge, employing the right pedagogical approaches in teaching writing is necessary based on the needs and levels of their students.

Nowadays, attitudes towards writing and teaching students how to express their thoughts in writing have drastically changed. Writing as a learning goal is present in programs for all types of educational institutions, at all stages of learning a foreign language. The growing role of writing in the educational process in a foreign language is also associated with the use of creative, interactive forms of working with the language. The formation and improvement of communication skills in writing at a high level of complexity is one of the most important requirements in modern teaching of a foreign language.

¹ A process genre approach to teaching writing. *ELT Journal*, Badger R. & White G. 2000.

² Scaffolding EFL students' writing through the writing process approach. *Journal of Education and Practice*, Faraj, A.K.A. 2015.

**Дадаханова Марғуба (Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети таянч докторант (PhD)
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУДУДИЙ ТЕЛЕКАНАЛЛАРНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ**

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Маказий телерадиокомпанияси асосида ҳудудий телеканалларнинг пайдо бўлиши ўрганилади. Мустақиллик йилларида уларни ривожлантиришга бўлган эътибор, бу борада амал қилаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, телеканалларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш борасида қилинаётган ишлар тадқиқ этилади. Вилоят телеканаллари эфир ҳажмининг ўсиб бориши ҳамда эфир қамровининг кенгайиши ОАВ самарадорлиги асосида таҳлил қилинади. Ҳудудий телеканалларнинг ўзига хосликлар ажратиб кўрсатилади ва улар тараққиёти учун муҳим бўлган жиҳатлар борасида умумлашма хулосалар чиқарилади.

Аннотация. В данной статье рассматривается возникновение региональных телеканалов на базе Центральной телекомпании Узбекистана. Исследовано внимание к их развитию в годы независимости, нормативно-правовые документы в этой связи, работа по совершенствованию материально-технического обеспечения телеканалов. Региональные телеканалы анализируются на основе увеличения объема программ и эффективности охвата. На основе фактических данных освещается информация о деятельности региональных государственных телеканалов, необходимость их функционирования в связи с интересами и потребностями аудитории, процессы перехода от аналогового к цифровому формату. Выделены особенности региональных телеканалов и сделаны обобщенные выводы об аспектах, важных для их развития.

Annotation. This article examines the emergence of regional TV channels on the basis of the Central television company of Uzbekistan. Attention to their development in the years of independence, legal-normative documents in this regard, work on improving the material technical supply of TV channels are investigated. Regional TV channels are analyzed on the basis of the increase in the volume of programmes and the effectiveness of coverage. Information on the activities of regional state TV channels, the need to operate due to the interests and needs of the audience, the processes of transition from analog to digital format are highlighted on the basis of evidence. The peculiarities of regional TV channels are distinguished and generalized conclusions are drawn about the aspects that are important for their development.

Калим сўзлар: ҳудудий телеканаллар, тенденция, эфир қамрови, эфир вақти, тезкорлик, ҳудудийлашув, минтақавийлашув, халқаролашув, самарадорлик.

Ключевые слова: региональные телеканалы, тренд, эфирное покрытие, программирование, скорость, регионализация, регионализация, интернационализация, эффективность.

Key words: regional TV channels, trend, air coverage, programming, speed, regionalization, internationalization, effectivity.

Кириш. Телевидениенинг аҳолига холис ахборот етказиш, давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш, фуқароларда юксак ҳуқуқий, сиёсий, экологик, диний маданиятни шакллантириш, турли халқлар ўртасидаги ҳамжихатликни таъминлашдаги роли йил сайин ортиб бормоқда. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида телевидение соҳасида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Ихтисослашган, хусусий ва рақамли телеканаллар илк бора ўз фаолиятини бошлади. Соҳага доир инфратузилма яратилди. Бундай ўзгаришлар телевидениенинг ривожланиш жараёни ва аҳоли ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўрнини алоҳида мавзу доирасида тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Энг асосийси, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш,¹ аҳолининг кўнглига кириб бора оладиган, мавжуд муаммоларни танқидий таҳлил қила оладиган телевидениени яратиш долзарб вазифа қилиб қўйилди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Ўзбекистонда телевидение фаолияти, тележурналистика соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар, теледастурларнинг мазмун-мундарижаси, уларда кўтарилаётган муаммолар, бугунги аудитория талаби, телевидение ва томошабин муносабатлари, эфирга узатилаётган кўрсатувларда бадий маҳорат масалалари бир қатор журналистлар, тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Улардан К.Фарфиева, И.Раҳматуллаева, П.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони//<http://lex.uz/docs/3107036>.

Аллаберганова, Ф.Файзиёва, Б.Ахмедов, О.Абдуазимовларнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Уларнинг тадқиқотларида Ўзбекистон телевидениеси дастурларининг бадиий, психологик жиҳатлари, телевизион миниатюра ва ёшлар дастурлари масалалари ёритилган. Шунингдек, ОАВ турларидан бири сифатида телевидениенинг ахборот тарқатишдаги роли ўрганилган.¹ Яна бир гуруҳдаги тадқиқотларга телевидениенинг ўзига хос хусусиятлари, тележурналистлар фаолиятига бағишланган бадиалар, очерклар, рисоалар, тўпламлар ва бошқа китоблар киради. Бу борда А.Имомхўжаев, Ж.Абдуллахонов, С.Турсунов, Ф.Мўминов, Ҳ.Ҳайдаров, Ў.Ўтаев, М.Обидовларнинг китобларини ва бошқа тўпламларни алоҳида таъкидлаш лозим.² Уларда республика ва ҳудудий телеканаллар фаолияти билан боғлиқ умумий жиҳатлар ўрганилган. Бадиаларда телевидениедаги ижодий жараёнлар бадиий талқинда баён этилган.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). 90-йилларнинг охири –2000-йилларнинг бошларида. В.В.Егоров асарларида маҳаллий, минтақавий ва республика телевидениесига таърифлар берилган.³ Муаллиф таъкидлаганидек, совет давридан кейин Россиясида телевидение соҳасидаги асосий тенденция шундан иборатки, мамлакатда миллий каналларнинг ривожланиши минтақавий каналларнинг ривожланиши билан бирлаштирилади ва бу алоҳида ҳудудларнинг ҳудудий, маданий ва миллий хусусиятларига боғлиқ. Россияда телевизорнинг “горизонтал”, “кенгликда” ривожланиши билан, айниқса, 90-йилларнинг бошларида “суверенитетлар парадигмаси”, эфирга узатишда миллий ва минтақавий устуворликлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик муаммоси пайдо бўлди. “Марказлаштиришдан минтақавий эшиттиришгача кўплаб мамлакатларда телевизион ривожланишнинг умумий йўли. Маҳаллий ёки минтақавий телевидение минтақанинг хусусиятларини, томошабинларнинг миллий, таълимий, ёш таркибини аниқроқ ҳисобга олиши мумкин».⁴

1996 йил 7 май куни Ўзбекистон давлат ТРК Ўзбекистон телерадиокомпанияси (Ўзбекистон ТРК) деб қайта номланди. 1998 йилда 30 канали деб номланган биринчи хусусий телеканал пайдо бўлди. 1 январь 2004, биринчи канал “Спорт” канали томонидан алмаштирилди. 2005 йил 8 ноябрда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Ўзбекистон МТРКда қайта ташкил этилди, унинг ичида “Ўзбекистон” телерадиоканали, “Спорт” телерадиоканали, “Тошкент” телерадиоканали ва “Ёшлар” телерадиоканали ташкил этилди. 2008 йилда рус тилидаги “СОФТС” телеканалли ўз частотасида иш бошлади. 2013 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан “Маданият ва маърифат” (Маданият ва маърифат) ҳамда “Дунё бўйлаб” янги телеканаллар ишга туширилди. Шу йилнинг 1 июнида “Болажон” болалар телеканалли (болаларга мўлжалланган) эфирга чиқа бошлади. Замон тараққий этиши баробарида, “Наво” (муסיқа) ва “Кинотеатр” (кино) давлат телеканаллари, шу йилнинг 16 декабрида яна иккита телеканал “Оилавий” (оилавий) ва “Диёр” (вилоят) очилди. Кейинги йилларда “Маҳалла”, ЎзХД (универсал ХДТВ), ПЛАЙ ТВ (Плай ТВ) каби қатор янги давлат телеканаллари очилди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мамлакатдаги ягона радиоэшиттириш медиатузилмаси бўлиб, унинг республика ҳудудининг 100%ни камраб олган телевизион ва радио дастурларини таркатади. Ҳозирги кунда кунлик эфир миқдори ТВда 520 соатга, радиоэшиттиришда эса 207 соатга етди.

Минтақавий даражада эфирга узатиш

Бошланиш йили	Номи	Тематикаси	Тили	Ҳудуди
1991 год	“STV”	Оммабоб	Ўзбек, тожик ва рус	Самарқанд вилояти
Номаълум	“Самарқанд” ТВ	Оммабоб	Ўзбек, тожик ва рус	Самарқанд вилояти

¹ Имомхўжаев А. Футбол – қувончим, дардим, фаҳрим. Т., “Шарқ”, 1996; “Ўзбектелефильм” студияси фаолиятининг асосий йўналишлари. Т., 2002; Абдуллахонов Ж. Ҳаёт абад васл айёмидир. Т., “Янги аср авлоди”, 2004; Турсунов С. ва бошқ. Сурхондарё тарихи. Т., “Шарқ”, 2004; Мўминов Ф. ва бошқалар. Интернет – журналистика (Интернетда радио ва телевидение). Мақолалар тўплами. Т., МРС-Tashkent, 2005; Ҳайдаров Ҳ., Усмонов Қ. Жиззах тарихи. Т., “Ўқитувчи”, 2009; Ўтаев Ў. Телевидение – давр кўзгуси. Т., “Ўзбекистон”, 2010; Обидов М. Фарғона журналистикаси. Т., “Шарқ”, 2009.

² Шу манба.

³ Егоров В.В. Телевидение: теория и практика. М., 1993; Он же. Телевидение между прошлым и будущим. М., “Воскресение”, 1999. Он же. Телевидение. Страницы истории. М., “Аспект Пресс”, 2004.

⁴ Багиров Э.Г. Место телевидения в системе средств массовой информации и пропаганды. М., 1976; Он же. Очерки теории телевидения. М., 1978.

Номаълум	“Ruxsor” TV	Оммабоб	Ўзбек	Фарғона вилояти
Номаълум	“Muloqot” TV	Оммабоб	Ўзбек	Фарғона вилояти Қўқон шаҳри
Номаълум	“Marg‘ilon” TV	Оммабоб	Ўзбек	Фарғона вилояти Қўқон шаҳри
Номаълум	“Istiqlol” TV	Оммабоб	Ўзбек	Бухоро вилояти
Номаълум	“Jizzax” TV	Оммабоб	Ўзбек	Жиззах вилояти Жиззах шаҳри
Номаълум	“Ishonch” TV	Оммабоб	Ўзбек	Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри
Номаълум	“Nasaf” TV	Футбол	Ўзбек	Қашқадарё вилояти
Номаълум	“Ellikqal’a” TV	Оммабоб	Қорақалпоқ ва ўзбек	Қорақалпоғистон Республикаси
21.01.2018	“Jaslar” TV	Оммабоб	Қорақалпоқ ва ўзбек	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри

2017 йилдан бугунги кунга қадар республикамізда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси теледастурлари (“Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “Тошкент”, “Спорт”, “Наво”, “Дунё бўйлаб”, “Маданият ва маърифат”, “Болажон”, “Кинотеатр”, “Оилавий”, “Маҳалла”, “Ўзбекистон 24”) 2 та стандартда, яъни ҳам ДВБ-Т ва ҳам ДВБ-Т2 стандартларида параллел равишда узатиб келинмоқда. Турган гапки, телеканалларнинг бир-бирини тақрорлаши ортиқча ресурс ва сарф-харажатларга олиб келаётгани.

2018 йили аналог кўрсатувлар 2018 йил 15 июль куни Тошкентда тугатилди, қолган жойларда 2018 йил 5 декабрь куни тўхтатилди. 2018 йил 1 сентябрь куни Ўзбекистонда Марказий Осиё ва бутун постсовет худудида илк маротаба “Ультраюқори аниқлик 4К” телеканали ишга туширилди – Лух.ТВ.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида телеканаллар ўз фаолиятини қуйидаги йўсинда намойиш эта бошлади. Давлат телеканаллари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибига киради. Улар ўз кўрсатувларини умуммиллий тарзда намойиш этадилар.

Ўзбекистон оммавий аҳолига муносиб, асосан, ўзбек, рус ва инглиз тилларида ўз кўрсатувларини намойиш этади. Ёшлар кўнгилочар, ахборот, асосан, ўзбек, камроқ инглиз тилларида ўз кўрсатувларини намойиш этади. Спорт, асосан, ўзбек ва рус тилларида спортга оид кўрсатувлар тайёрлаб томошабинларга узатади. “Наво” мусикий, кўнгилочар дастур бўлиб, у ўз кўрсатувларини ўзбек тилида намойиш этади. “Кинотеатр” телеканали жаҳон ва миллий кинофильмларини намойиш қилади. У кўнгилочар дастур бўлиб, ўз кўрсатувларини ўзбек ва рус тилларида намойиш этади.

“Болажон” телеканали болалар учун мўлжалланган бўлиб, у ўз кўрсатувларини ўйин-кулги, болаларга хос таълим-тарбия беради. Асосан, ўзбек, рус ва инглиз тилларида намойиш этади.

“Дунё бўйлаб” телеканали когнитив, яъни бутун дунёдаги мўъжизалар, тарихий иншоотларни, турли хайвонот ва наботот олами ҳаётидан тайёрланган кўрсатувларни намойиш этмоқда. У, асосан, ўзбек, шунингдек, рус тилларида ўз кўрсатувларини намойиш этади.

“Маданият ва маърифат” маданият телевидениеси жамоа талабларидан келиб чиқиб, ўз кўрсатувларини ўзбек тилида намойиш этади.

“Оилавий” телеканали оилада учрайдиган муаммолар ва уларнинг ечимига оид кўрсатувлар ва фильмлар намойиш этишга мўлжалланган. У кўрсатувларини, асосан, ўзбек ва рус тилларида олиб боради.

“Маҳалла” дидактик кўрсатув ва фильмлар намойиш этади. У кўрсатувларни, асосан, ўзбек тилида олиб боради.

“Тошкент” телеканали универсал, яъни ҳаммабоб ҳисобланиб, у ўзбек ва рус тилларида ўз кўрсатувларини намойиш этади. Плай ТВ, асосан, универсал телекўрсатувлар кўрсатади. У, асосан, ўзбек ва рус тилларида фаолият юритади.

“Ўзбекистон 24” телеканали ахборот-таҳлилий кўрсатувлар тайёрлайди. У, асосан, ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади.

“ЎзХД Универсал” телеканали Фулл ХД форматида Минтақавий давлат телеканаллари муайян минтақа (вилоят) худудида эфирга узатилади. Уларнинг мавзуси универсалдир. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти худудида эфирга узатиладиган “Тошкент” минтақавий телеканали

бошқа ҳудудлар аҳолисига кабель телевидениеси орқали тақдим этилади. Жумладан, Андижон вилояти, асосан, ҳудуддан келиб чиқиб, кўрсатувлар тайёрлайди. Бухоро, асосан, ўзбек, камрок Тожикистон, Бухоро вилояти, Фарғона вилояти, Жиззах, Ўзбекистон Республикасидаги Жиззах вилоятида, Наманган вилояти, Навоий вилояти, Қорақалпоғистан, Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Самарқанд Самарқанд вилоятида, асосан, ўзбек, камрок тожик тилларида кўрсатувлар тайёрлайди. Сирдарё Сирдарё вилоятида ўз фаолиятини олиб боради. Сурхондарё Ўзбекистондаги Сурхондарё вилояти ҳаёти ва фаолиятига оид кўрсатувлар тайёрлайди. Тошкент Ўзбекистон, шунингдек, Россия, Тошкент вилояти, барча ҳудудлар (кабель ТВ орқали) фаолият олиб бормоқда. Хоразм вилояти Хоразм вилояти ҳаётига оид кўрсатувлар тайёрлайди.

Минтақавий даражада эфирга узатиш даражасига кўра қуйидаги телеканаллар мавжуд. Улар 1991 йил “СТВ универсал” ўзбек, тожик ва рус Самарқанд вилоятида, Самарқанд телевидениеси универсал ўзбек ва тожик, шунингдек, Россия, Самарқанд вилоятига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони асосида Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги “Мулоқот ТВ универсал” ўзбек тилида, Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги “Универсал”, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма Мажлиси тўғрисида ахборотда тасдиқланган Жиззах вилояти, Жиззах вилояти Жиззах тумани универсал ўзбек тилида шаҳри Жиззах телеканалли, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги “Ишонч ТВ” бўлиб, у оммабоп кўрсатувлар тайёрлайди.

Пулли телевидение бугунги кунда Ўзбекистонда тўлов телевидениесининг энг кенг тарқалган оператори – УЗДИГИТАЛ ТВ (ДВБ-Т ва ДВБ-Т2 стандартларида эфирга узатиладиган) бўлиб, у “Камалак ТВ”нинг ўрнини эгаллайди. “ИСТВ”, “Турон Телеком”, “Галс Телесом”, “Сонет”, минтақавий кабель телестудиялари каби бошқа операторлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистоннинг айрим телеканалларини онлайн кўриш учун Интернет-сайтлардан энг машхур сайт mediaba.uz. шунингдек, Ўзбекистон МТРК барча давлат телеканалларининг онлайн тарзда эфирга узатилиши Ўзбекистон МТРК расмий сайтида – mtrk.uz. сайтларидан кўриш мумкин.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Маҳаллий телеканаллар дастурларининг республика ҳудуди бўйлаб эфирга узатилишини таъминлаш учун замонавий телеузатгич тармоқлар фаолиятини ривожлантириш муҳим. Чунки маҳаллий телеканаллар дастурлари бошқа ҳудудларга ҳам эфирга узатилиши уларнинг оммалашшига, рақобат жараёнида фаоллашишига, аҳолида телеканалларнинг танлаш имкониятини кенгайтишига, ҳудудий телестудияларга ҳомийларни жалб этишга йўл очади. Ҳудудий телевидениеда кўрсатувлар тайёрлаш учун ижодкорларда профессионализм ва эркинлик, очиклик ва ошқоралик каби хислатлар, сиёсий мушоҳада юритиш, материалларнинг мазмун ва савиясини ошириш, халқнинг дилида турган муаммоларни санъат йўли билан экранга олиб чиқиш маҳорати етишмаяпти. Ижодий ишлаб чиқариш жараёнларида муваффақиятга эришаётган кўрсатувларнинг барчаси ҳам омма дунёқарашини бойитишга ҳисса қўшаётгани йўқ. Демак, ҳудудий телеканаллар олдида келгусида қилиниши керак бўлган қатор вазифалар турибди.

Исамутдинов Равшан Рахмонович (Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари, мустақил изланувчи)
“ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА” КОНЦЕПЦИЯСИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШДА “ХАВФСИЗ КЎЧА” МЕЗОНИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Аннотация. Мазкур мақолада “Хавфсиз кўча” мезони атрофлича таҳлил қилиниб, унинг ўзига хосликлари ёритиб берилган. Шунингдек, муаллиф мақолада “Хавфсиз маҳалла” концепциясини жорий қилишда кўчанинг хавфсизликни таъминлашдаги ўрни ва муҳим жиҳатларини очиб берган.

Аннотация. В статье подробно анализируется критерий «Безопасная улица» и освещается его специфика. Автор также объясняет роль и важность обеспечения безопасности улицы в реализации концепции «Безопасная махалла».

Annotation. This article provides a detailed analysis of the “Safe Street” criterion and its specifics. The author also explains the role and importance of street safety in the implementation of the concept of “Safe Neighborhood (Mahalla)”.

Калим сўзлар: хавфсиз маҳалла, хавфсиз кўча, хавфсиз оила, концепция, мезон.


Ключевые слова: безопасная махалля, безопасная улица, безопасная семья, концепция, критерии.

Key words: safe neighborhood, safe street, safe family, concept, criteria.

Бугунги кунда давлат ва жамият ҳаётдаги ҳар қандай ислохот ёки муаммони ҳал қилиш методологияси сифатида, унинг барча зарурий услуб ва мезонларни, шунингдек соҳага оид маълумотларни тизимлаштириш кераклигини кўрсатмоқда. Бу эса ўрганилаётган ҳар қандай мавзу бўйича жараёнлар, янги фактлар ва маълумотларни анализ, синтез ва қисмлар ўртасидаги ўзаро алоқа англашнинг бўлақларга бўлинганлиги тизимлаштиришнинг яққол далилидир. Жумладан, “Хавфсиз маҳалла” концепциясини ўрганиш давомида, мавзу объекти ҳисобланган Ўзбекистонда “Хавфсиз маҳалла” концепциясини жорий қилиш жараёнларини аниқлаш ва уни тизимли таҳлил қилишда илмий методлардан фойдаланишни тақозо этади. “Хавфсиз маҳалла” концепциясини илмий методлари орқали мазмунан очиб бериш ва унинг ҳар бир мезонларини тизимли ёндашув асосида аниқлаш лозим.

Хусусан, “Хавфсиз маҳалла” концепциясини декомпозиция методидан фойдаланган ҳолда тизим тўғрисидаги умумий тасаввурни таъминловчи таркибий қисмларга ажратиш яъни тизимни янада кичик тизимчалардан ташкил топган алоҳида тизим сифатида ажратилиб, тадқиқ этилди.

Бунда “Хавфсиз маҳалла” 3 та мезонга ажратилди (1-расм).



1-расм. Хавфсиз маҳалла мезонлари.


Ажратилган 3 та мезон, ўз навбатида, тизим ости таркибий қисмларга бўлинди (2-расм).

Мазкур бўлинган ҳар бир таркибий қисмлар тизим ости сифатида маълум бир соҳани қамраб олиш нуктаи назаридан таснифланди.

Бу борада “Хавфсиз кўча” мезони “Хавфсиз маҳалла” концепциясини жорий қилишдаги ўрни ва роли тўғрисида тўхталиб ўтамыз.

Бунда хавфсиз кўча мезони таркибий қисмларга ажратилиб, ҳар бир таркибий қисми тизимости сифатида таснифланди ва унинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагича таҳлил қилинди:

1. Жамоатчилик тузилмаларини шакллантириш йўналишида. Бугунги кунда жамоат тартибини сақлашда бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашувчи жамоатчилик тузилмаси “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳи ҳисобланади.



2-расм. Хавфсиз маҳалла мезоннинг тизимости таркибий қисмлари.


Республикада 7137 та “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳлари мавжуд бўлиб, патруль гуруҳ аъзолари 16673 нафарни ташкил қилади. Жамоатчилик патруль гуруҳлари аъзоларининг 6744 нафари мудофаа бўлимлари, 2003 нафари ички ишлар органлари, 2823 нафари ёшлар иттифоқи бўлимлари, 5103 нафари фуқаролар йиғинлари йўлланмалари асосида шакллантирилган.¹

Рўйхат асосида жамоатчилик гуруҳларининг ҳар бир аъзоси сутканинг кечки ва тунги вақтида белгиланган йўналиш бўйича умумий 100 соатдан кам бўлмаган вақт мобайнида патруллик қилишга жалб этилади ва бу хизматга (ўқишга) ҳужжатларни якуний қабул қилишга асос ҳисобланади.

Профилактика (катта) инспекторлари фуқаролар йиғинлари раислари билан биргаликда ҳар бир жамоатчилик гуруҳи аъзосига белгиланган йўналиш бўйича умумий 100 соатдан кам бўлмаган вақт мобайнида патруллик қилса тавсиянома беради.

2020 йилда “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳларида хизмат олиб борган аъзоларига берилган тавсияномалар асосида 13 333 нафари муддатли ҳарбий хизматга ёки ҳарбий йўналишдаги олий таълим муассасига кирган. (3-расм)

¹ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг маълумотлари.



3-расм. Тавсиянома асосида ўқишга (ҳарбий хизмат) кирган гуруҳ аъзолари.¹

Жамоатчилик гуруҳларининг мақсади белгиланган ҳудуднинг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлашда ички ишлар органларига қўмаклашишдан иборат.

Жамоатчилик патруль гуруҳ аъзоларининг вазифалари қуйидагилар этиб белгиланган:

1. Кўчалар ва бошқа жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қўмаклашиш.

2. Ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий ва бошқа тадбирларни ўтказиш мобайнида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, оммавий тартибсизликларни бартараф этишда иштирок этиш.

3. Патруллик йўналишларида ҳуқуқбузарлик содир этган ёки шубҳали шахсларни ҳамда назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни ички ишлар органларига олиб боришда қўмаклашиш.

4. Ҳуқуқбузарликлар ва бахтсиз ҳодисалардан жабрланган фуқароларга ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солаётган таҳдидларни бартараф этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қўмаклашиш.

5. Жамоатчилик гуруҳлари аъзоларига жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юклатилиши белгиланган.²

2. “Жамоатчилик назорати масканлари” фаолиятини йўлга қўйиш йўналишида. Бугунги кунда республикада мавжуд 9168 та маҳаллада 8028 та³ жамоатчилик назорати масканлари фаолияти йўлга қўйилган. Жамоатчилик назорати маскани ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида фуқароларнинг фаоллигини ошириш, ҳудудда ҳуқуқбу-зарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида барча фуқаролар йиғинларида ташкил этилади. Шунингдек, жамоатчилик назорати масканлар криминоген вазият, аҳоли зичлиги ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бошқа шарт-шароитлари инобатга олиниб, ҳудуддаги ички ишлар органи раҳбари билан келишилган ҳолда шаҳар ва туман ҳокимларининг қарорлари билан ташкил этилади ҳамда тугатилиши белгиланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги маълумотлари.

² Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги хизмати, Миллий гвардия, Давлат Божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 27 мартдаги “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги янги таҳрирдаги 3/22/31/13/32/20/01-02/3/20/61-сон қарори.

³ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг маълумотлари.

“Жамоатчилик назорати маскан”ларида фуқаролар йиғини ходимлари, маҳалла фаоллари ва “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳи аъзолари навбатчилик асосида хизмати ташкил этилади. Навбатчилик давомида вазифа ва ҳуқуқлари белгиланади.

3. Кўчабоши ва уйбошилар фаолиятини ташкил этиш йўналишида. Халқимиз орасида мана неча йиллардан бери кўчабоши ва уйбоши деган атамалари мавжуд.

Кўчабоши ва уйбоши – маълум бир кўча ва кўпқаватли уйда истиқомат қилувчи аҳолининг умумий йиғилишида сайланган, ҳеч қандай ойлик маошсиз, жамоатчилик асосида фуқаролар йиғинида фаолият олиб борадиган, ўзига бириктирилган аҳолининг қонуний манфаатларини тўла ҳимоя қиладиган фуқаро ҳисобланади. Яъни, ўз кўчаси ёки кўпқаватли уйда бўлаётган барча тўй ва бошқа маросимларнинг намунали ташкил этиш, оилалардаги мавжуд низоларни ҳал этиш, аҳолининг коммунал тўлов, коммунал хизмат, ижтимоий ҳимоя борасидаги ҳуқуқларини тўла ифода этиш, атроф-муҳит тозалигини сақлаш борасида фуқаролар йиғини ходимлари билан тенгма-тенг иш олиб борадиган жонкуяр шахсдир.

Мавжуд маълумотларга кўра, республикада 95930 та кўча бўлиб, уларнинг 87704 таси ерли хонадонлар ва 8226 та кўп қаватли уйлардаги кўчалар ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимизда маълум бир ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли манфаатларини таъминлаш мақсадида, фуқаролар йиғинлари билан аҳоли ўртасида кўприк вазифасини бажарувчи 80518 та кўчабоши ва 42737 та уйбошилар жамоатчилик асосида фаолият юритиб келмоқда.¹

Кўчабоши ва уйбошилар иш самарадорлигини аниқлаш ва уларга тегишли кўрсатмалар бериш, ишини ташкиллаштириш бўйича тегишлича фуқаролар йиғини томонидан амалга ошириб келинмоқда. Бу борада кўчабоши ва уйбоши имкониятларидан фойдаланиш борасида ҳудуд ҳокимлар томонидан қарор билан белгилаб қўйилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳридаги кўп қаватли ҳамда яқка тартибдаги уй-жой фондини сақлаш, уй ва уй атрофлари ҳудудларини ободонлаштириш, коммунал хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, бу борада кенг жамоатчилик имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида, 2017 йил 30 май куни Тошкент шаҳар ҳокимининг “Тошкент шаҳридаги аҳоли турар жойларида жамоатчилик бошқарувини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 677-сон қарор қабул қилинган. Қарор билан кўчабоши ва уйбошиларни вазифа ва функциялари, ваколатлари ҳамда ҳамкорлик йўналишлари белгиланди.

Бироқ, амалиётда шуни кўрсатмоқдаки, бириктирилган ҳудудда ижтимоий-иқтисодий, коммунал, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбия қилиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бошқа соҳаларда республика сиёсатини, олиб борилаётган ислоҳотларни аҳолига етказиш ва ҳаётда татбиқ этиш, давлат ва жамоатчилик томонидан қўйилган вазифаларни самарали ташкил этиш, фуқаролар хавфсизлиги ва осойишталигини, ҳудуд ободончилиги ва фуқаролар ҳамжиҳат-лигини таъминлашда кўчабоши ва уйбоши атамаларининг ҳуқуқий асослари яратилмаган.

4. Кўча ва кўп қаватли уй атрофларини тунги вақтда ёритиш йўналишида. Бугунги кунда шахс ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга хавф келтирувчи омилларни доимий равишда ўрганиш долзарбдир.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда мавжуд фуқароларнинг ижтимоий ҳаёт кечириш учун хавфсиз шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи дахлсизлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларини, давлат ёки жамоат тузилмалари нормал фаолиятини таъминлашда шарт-шароитга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва турли хил ноҳуш ҳолатларини олдини олиш лозим. Бу борада аҳоли доимий ҳаракат қилувчи ижтимоий объектларни, яъни кўча ва кўп қаватли уй атрофларини тунги вақтда ёритишни тақозо этмоқда.

Кўча ва кўп қаватли уй атрофларини тунги вақтда ёритиш жамоат жойида содир этиладиган жиноят ёки ҳуқуқбузарликни олдини олишга туртки бўлади.

Республикада 2020 йилда жами қайд қилинган жиноят қидирув йўналишидаги 40068 та жиноятнинг 8,1 фоизи ёки 3251 таси жамоат жойларида, 1739 таси ёки 4,3 фоизи парк, истироҳат боғлари ва кўчаларда содир этилган.²

¹ Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 12 ой якунлари бўйича маълумотлари.

² Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг маълумотлари.


Жамоат жойлари ва кўчаларда содир этилган жиноятларнинг 66 фоизи (4990 тадан 3302 та) ўғрилик ва безориликни ташкил қилади. Шу боис жиноят ёки ҳуқуқбузарлик келиб чиқиш мумкин бўлган жойларни ёритиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги “Тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларда жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 624-сон қарори билан жамоат хавфсизлиги бўйича 24 соат мобайнида туну кун фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объект биноларининг ён-атрофи, автотураргоҳ ва уларга тегишли бошқа ҳудудларни етарли даражада (камида 10 метр масофада) ёритиш талаби қўйилди.¹

Шундан келиб чиқиб, тунги вақтларда кўча ва кўп қаватли уй атрофларини ёритиш орқали ўрнатилган видеокузатув камераларини нормал ишлашига ва аҳолини туну-кун хавфсиз сайр қилишга замин бўлади. Шунинг учун доимий равишда фуқаролар йиғинлари ва сектор раҳбарлари аҳолининг берган таклифлари ёки ташаббуслари билан кўча ва кўп қаватли уй атрофларини ёритиш бўйича ваколатли ташкилотларга тақдимномалар киритиб бориш даркор.

Кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, турар жой мавзелари ҳудудларидаги барча ёритиш воситалари (кабель тармоқлари, устунлар, чироқлар, симлар, иллюминациялар, бошқарув шкафлари, ёритиш рекламалари, трансформатор подстанциялари) ҳудудий электр хўжалиги ҳисобланади ва уларга ҳудудий электр ёритиш идораси, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва идоралар томонидан хизмат кўрсатилади.

5. Видеокамералар ўрнатиш йўналишида. Сўнги йилларда дунёдаги ривожланган давлатлар томонидан ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда аҳоли осойишталиги ва тинчлигини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида қаралмоқда.



4-расм. Ўрнатилган видеокузатув камералари кўрсаткичи.

Инсоният ахборот технологиялари ёрдамида маълум бир ҳудуд ёки объектларда хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ҳолатига таъсир этиш ва истиқболни белгилаш имкониятига ҳам эга бўлиб бормоқда. Жумладан, ҳар бир маҳалладаги кўча ва кўп қаватли уйлар ҳовлиларга видеокузатув камераларини ўрнатиш содир бўлиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларнинг олдини олиш имконини бермоқда.

Республикада 5 млн.га яқин ижтимоий объектлар мавжуд бўлса, уларнинг 33 фоизи ёки 313 178 тасига видеокузатув камералари билан таъминланган. Уларга 394 676 та видеокузатув камералари ўрнатилган. Шунингдек, республикадаги 27 435 та ёки 29 фоиз кўчага видеокузатув камералари ўрнатилган² бўлиб, кўча ва жамоат жойларида фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда кўшимча восита бўлиб келмоқда.

Бундан ташқари, республикада кўп қаватли уйлар ва ҳовли хонадонларга ҳам фуқаролар ўз хавфсизлигини таъминлашда видеокузатув камералари ўрнатиб келмоқда (4-расм).

Бироқ, амалиётда шунини кўрсатмоқдаки, объектларга қўйилган видеокузатув камераларни маълум бир жойга интеграция қилиш орқали хавфсизликни маҳаллабай таъминлашни тақозо этмоқда.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.07.2019 й., 09/19/624/3478-сон

² Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг 2020 йил 12 ойлик ҳисоботи бўйича маълумотлари.

Бугунги кунда Юртбошимизнинг топшириғига асосан Наманган шаҳридаги “Орзу” маҳалла фуқаролар йиғинида “Обод ва хавфсиз маҳалла” концепцияси асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ерда хавфсиз маҳалла ва Наманганда “ақлли шаҳар” лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишга киришилди. Мамлакатимизда янгилик бўлган лойиҳа – Наманган шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий геоахборот мониторинг ва рақамли бошқарув тизими яратилди, бу энг катта масала жиноятчиликни камайтиришга эришиш эканлигидир.

Янги тизимнинг мақсади шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни узлуксиз ўрганиб бориш, кундалик назорат қилиш, муаммоли ҳолатларни дастурдаги тахлилий маълумотлар асосида тезкор бартараф этиш, қарор қабул қилишда юқори самара берувчи янги инновацион онлайн бошқарув усулига ўтишдан иборат.

Мазкур тизимда барча кўрсаткичлар геохарита орқали мониторда акс этади. Жумладан, аҳоли сони, ёлғиз кексалар, таълим муассасалари, меҳнат бозори, инвестициявий лойиҳалар, камбағал оилалар, криминоген муҳит каби маълумотлар узлуксиз киритиб борилади.

Тажриба сифатида ишга туширилган бу тизим, кейинчалик, барча соҳалардаги электрон базаларга уланади. Натижада шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни онлайн кузатиш, вазиятни холис баҳолаш, муаммоларни назоратга олиш ва керакли чора-тадбирлар кўриш мумкин бўлади. Бу эса аҳолининг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашда муҳим самара беради.¹

Хулоса ўринда шуни айтиш мумкинки, республикада “Хавфсиз кўча”ни таъминлаш орқали “Хавфсиз маҳалла” концепциясини амалиётга татбиқ этишга эришилади.

**Jumaniyazov Atabay (UrDU Roman-german filologiyasi kafedrası professorı),
Xodjayeva Gulshod Baxadirovna (UrDU Fakultetlararo chet tillari kafedrası o‘qituvchisi;
e-mail: asalcha-80@ mail.ru)
“ONLAYN” SO‘ZI TAVSIFI**

Annotatsiya. Ushbu maqolada “onlayn” so‘zining o‘zbek tiliga o‘zlashish jarayoni va uning mazkur tilda kashf etgan leksemalari va ularning ma‘nolari tahlil qilinadi.

Аннотация. В данной статье анализируется процесс изучения слова «онлайн» в узбекском языке, а также обнаруженные лексемы в этом языке и их значения.

Annotation. This article analyzes the process of studying the word “online” in the Uzbek language, as well as the lexemes found in this language and their meanings.

Kalit so‘zlar: internet, sayt, masofali ta’lim, zoom, onlayn, offlayn,

Ключевые слова: интернет, сайт, дистанционное обучение, зум, онлайн, офлайн.

Keywords: internet, website, distance learning, zoom, online, offline.

Ma’lumki, har qanday milliy til taraqqiy qilish, ayniqsa, lug‘at tizimini boyitish jarayonida asosan, uch manbaga asoslanadi. Til egalari obyektiv borliqdagi narsa va hodisalarni o‘zlari kashf qilishadi, ularni qalbi hukmiga ko‘ra nomlashadi. Natijada yangi so‘z paydo bo‘ladi. Yoki bo‘lmasa narsa va hodisalarning tashqi va ichki o‘xshashligi munosabatiga ko‘ra nomlar ko‘chadi, mavjud ism asosida ikkinchi bir narsa yoki hodisa nomlanadi, yohud lug‘at tizimidagi azaldan bor so‘zlar orqali ikkinchi bir predmet yoki jarayon ma’no ko‘chishi asosida atala boshlaydi. Til boyishining uchinchi omili ham borki, u chet so‘zlarni o‘zlashtirish hisobiga kechadi. Ikkinchi bir (begona) til orqali o‘sha til egalarining kashf yoki ixtiro nomlari ongli ravishda yoki beixtiyor qabul qilinadi. Chet xalqning kashfiyot va ixtirolari, o‘zga til egalari hayoti uchun zaruriy turmush taqozosiga aylanadi, natijada narsa ham uning nomi ham mazkur xalqning umrguzaronlik ehtiyojini qamraydi, vaholanki, tayyor narsa va uning nomi bir xalqdan ikkinchi xalqqa “in’om sifatida” qabul qilinadi. Shu tariqa, reseptor til egalari vaqtdan yutishadi, ushbu yangilikni yaratish va uni atab o‘tirish zahmatiga ortiqcha ehtiyoj qolmaydi.

Dunyo xalqlari sivilizatsiyasining shahdam qadamlar bilan o‘sib borishi, inson hayotinig barcha jabhalaridagi ilmiy texnik o‘zgarishlar hamda, ayniqsa, turmush tarzi va fan yutuqlarining internet orqali amaliy tatbiq qilinishi, bu boradagi musobaqaviy kurash o‘zaro yutuqlar va muvafaqqiyatlarni xalqlararo

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 26–27 июнь кунлари Наманган вилоятига ташриф давомида танишган. Масъулият ва жавобгарлик бўлса, жиноятчиликнинг олди олинади. <https://president.uz/uz/lists/view/3677>.

o'rganilishi bilan bir qatorda, tabiiy ravishda tillararo so'z o'zlashuviga yanada kengroq yo'l ochib bermoqda.

Mazkur jarayonning hozirgi kundagi o'ziga xos va eng e'tiborli xususiyatlaridan biri shundaki, u ham bo'lsa ayrim o'zlashmalarning nafaqat ilm ahli yoki xalq va qishloq xo'jaligining ilg'or namoyondalari leksikonida, balki avom xalq, ayniqsa, yoshlarimiz (maktab o'quvchilari va oiliy o'quv yurti talabalarini) so'zlashuv tilida faol so'zlarga aylanib borayotganligidir.

Ushbu maqolada shunday so'zlardan biri "on line" (on layn) til birligi va uning milliy tilimizga nisbatan tez o'zlashganligi borasiga to'xtalamiz. Bu so'z ingliz tili mahsuli bo'lib, milliy tilimizga "on line" imlosida va "on layn" talaffuzi bilan kirib keldi. Ma'no jihatdan esa, dastavval, "liniyada" "aloqada" va so'zlashuv tilimizdagi "simda" ma'nolari bilan tarmoqlarda o'zaro bog'langanlik ma'nosida o'zlashdi. Mazkur atama kundalik hayotda, Internet paydo bo'lishidan ancha oldin, kompyuterlar modemlardan foydalanib, kommutatsiya telefon liniyalarini bir-biriga bog'lash jarayonida qo'llanila boshladi. Binobarin, shu tarzda foydalanuvchilar elektron e'lonlar taxtalariga ulanardilar, aloqaga kirishgandan keyin (onlayn) esa, bir birlari qoldirgan xabarlarini o'qish, ularga javob berish va umumiy muhokamalarda birga qatnashish imkoniyatlari yuzaga kelar edi. Bu paytlarda "onlayn" atamasini "Internetga ulangan" ma'nosida ham tushunardilar. Bir qarashda, bu to'g'ri fikr edi, zero, aloqaga internetsiz chiqib bo'lmasdi. Chunki internet aloqasi o'rnatilgandagina muayyan dasturlarning ishlashi va ular bilan bir liniyaga chiqish imkoni bo'lardi va ularning serverlarida joylashgan ma'lumotlar bazalariga kirilardi. Shu ma'noda "onlayn" atamasi barcha dasturlar bilan Internet xizmati orqali o'zaro (yuzma-yuz) bog'lanish va maqsadli birga ishlash imkoniyatidir deyilsa, noto'g'ri aytilmagan bo'ladi.

E'tiborlisi shundaki internetning bashariyat hayotidagi zamon va makon muammolarini yechishdagi bebaho xizmati uning har bir fuqaronig hayoti va tashvishlarini baham ko'rishda ajralmas va "sodiq do'stga" aylanib qolganligi, tunu kun insonning butun umri davomida hamdam va hamkor yo'ldoshiga aylangani o'z navbatida "onlayn" so'zini kundalik muloqotimizning eng faol til birligiga aylantirdi. U nisbatan tez vaqt ichida, avvalo, so'zlashuv, keyinchalik, adabiy tilimizda muqim o'rnashib oldi, imlo talaffuz qoidalariga moslashdi va leksik ma'nolarini ham xalqimiz tasavvuri, tafakkuri hamda mushohada poyoniga qarab kengaytirdi, o'zgartirdi.

"On line" o'zlashmasining tilimizga tarixan kirib kelishi va uning aytilish, yozilish va ma'no o'zgarishlarini tadrijiy rivojiga nazar tashlanadigan bo'lsa, uning milliy tilimizga kirib kelishiga zamon nuqtayi nazardan, hali uzoq vaqt bo'lmadi. U, avvalo, sim (line) orqali ulanishlar va keyinchalik komputer texnikaga aloqador termin sifatida ushbu asrning boshlariga qarab og'zaki muloqotda uchray boshladi. Matbuot sahifalarida "internet" termini uchrar, uning ommaviy axborot vositasi sifatida tan olinishi omma o'rtasida muhokama qilinar edi. "Xalq so'zi" gazetasining 2003-yil 25-iyundagi "Internet ommaviy axborot vositasimi yoki..." maqolasi fikrimizni quvvatlaydi. Bu vaqtlarda "sayt" o'zining axborot tarqatish davriyligi, foydalanuvchilarning cheklanmaganligi va ommaviyligi kabi tushunchalarni anglatadigan internet tarmog'ini bildirar va "sayt" muassislar, maqola bilan chiqishni istagan a'zolar uchun ochiq va erkin axborot maydoniga aylangan edi. Amerika Qo'shma Shtatlarida esa internet yordamida muayyan o'quv mashg'ulotlarining ta'lim sohasiga kiritilishi, "internet" atamasining dunyo bo'yicha ommalashuviga olib keldi. Binobarin, internet orqali saboq xalqimizga ham ma'qul kelib, bu boradagi dastlabki tajribalar o'tkazila boshlandi. Bunga yaqqol dalil sifatida respublikamiz gazetalari sahifasidan quyidagi ma'lumotni keltirish mumkin:

1. *"Андижон вилояти "бизнес-инкон" бизнес инкубатори қошида ташкил этилган марказ АҚШнинг Оклахома университети профессор-ўқитувчиларининг "Интернет" орқали дарс ўтиши тўғрисида шартнома тузди"* ("Халқ сўзи", 2001, 26 май).

2. *Rivojlangan, xususan, AQSH va Yevropa davlatlarida internet saytlari bo'yicha maxsus qonuniy boshqaruvning yo'qligi yoki nazorat olib borilmasligi bu sahoga qiziquvchilar sonini oshirdi, imkoniyat ommalashtirildi, jumladan, mamlakatimizda ham huquq internet markazlari ochila boshladi. "O'zbekiston ochiq jamiyat instituti Ko'mak jamg'armasi yordamida tashkil etilgan markazda soha o'qituvchi va olimlari hamda talabalar uchun Internetdagi huquqqa oid xabarlar, jahon parlamentlari faoliyati hamda qabul qilishayotgan qonunlar bilan tanishish imkoniyati yaratildi. "Obuna katalogi" ingliz va rus tillarida "Internetga" kiritildi ("Xalq so'zi", 2002, 14 noyabr).*

Mamlakatda internet kafelar va internet klublar ochila boshladi. Avvalo, ular xususiy tadbirkorlik ishlari natijasi bo'lib, u yerda turli xil o'yinlar imkoniyati, chet eller bilan elektron pochta aloqalarini yo'lga qo'yish mumkinligi va muayyan ma'lumotlar olish qulayligi bunday tashabbuslarni keng omma

orasiga tez tarqlishiga sabab bo'ldi. Barcha bu qulayliklarni sabachisi "internet" deb tushunar va unga bag'ishlab turli xil tadbirlar, tanlov va musobaqalar o'tkazilardi, masalan:

"Internet festivalida tanlov quyidagi yo'nalishlar bo'yicha o'tkaziladi:

**eng yaxshi ilmiy sayt;*

**eng yaxshi web dizayn;*

**eng yaxshi provayderi;*

**eng yaxshi internet kafe loyihasi" ("Xalq so'zi", 2001, 14 fevral).*

2010-yillarga kelib, matbuot sahifalarida "internet saboqlar" o'rniga "onlayn ta'lim" so'zi uchray boshladi. Masalan: *"Xorijda shunaqa universitetlar bor ekanki, talabalar uyda o'tirib o'qituvchilardan "on-layn" shaklda ta'lim olishar ekan" ("Darakchi", 04.11.2010).*

2016-yilga kelib esa test sinovlari o'tkazishning ham onlayn shakli tavsiya qilindi:

"IUT (Inha universiteti Toshkent filiali) O'zbekistonda birinchi marta kirish imtixonlarini online tarzda namoyish etmoqda" ("Kun.uz", 29.07.2016).

Keyingi 5 yil ichida, ayniqsa, pandemiya davrida onlayn so'zi ijtimoiy turmush aks etadigan barcha hayot jabhalarining masofadan turib internet orqali o'zaro (yuzma yuz) aloqaga kirishish shakllarini anglata boshladi va milliy tilimizda turfa yangi qo'shma so'zlar, so'z birkimlari va gap strukturalarini yasadi. Xalqimiz keyingi ikki yilda avvalo xukumatimizning chaqirig'i, qolaversa, shifokorlarimiz chorlov-chellenj (Biz siz uchun ishdamiz, siz biz uchun uyda qoling)lariga qat'iy amal qilgan holda, moddiy va ma'naviy turmushni, iloji boricha, masofadan turib kechirish yo'llarini izladi va bunda bizga "onlayn" tizimi katta ko'mak berdi. Bu sa'y-harakatlar natijasi esa tilimizni yangi-yangi leksemalar bilan boyitdi. Bular: *onlayn-auksion, onlayn-konferensiya, onlayn-trenajyor, onlayn-musobaqa, onlayn-brifing, onlayn-ovoz, onlayn-marosim* kabi tire orqali yozilgan qo'shma so'zlar va *onlayn maktab, onlayn repetitor, onlayn platforma, onlayn muloqot, onlayn ro'yxat, onlayn dars, onlayn tahsil, onlayn ta'lim, onlayn test, onlayn rejim, onlayn uchrashuv, onlayn buyurtma, onlayn sammit, onlayn kuzatish, onlayn yig'ilish, onlayn loyiha* kabi so'z birkimlaridir. Leksemalarning tire orqali berilib, qo'shma so'z va tire qo'llanilmay so'z birkimasi sifatida uchrashi holatlari uchun jonli misol keltiramiz:

onlayn-ovoz

Assosiatziya a'zolari, hamkorlari va ekspertlari orasida onlayn-ovoz berish o'tkazdi ("Kun.uz", 9.05.2020).

onlayn kuzatish

Sudlarga berilgan da'volarni ko'rib chiqish jarayonini onlayn kuzatish mumkin ("Kun.uz", 5.09.2020).

Misollardan ko'rinib turibdiki, ma'no va mohiyati jihatidan bir xil narsa va hodisalar turli xil imlo ostida yozilayapti, bir safar qo'shma so'z, bir safar so'z birkimasi sifatida qo'llanilaypti. So'z birkimalarining o'zaro ma'no dahldorligi va ma'no mushtarakligini ko'rsatishi, qo'shma so'zlarning esa komponentlari ma'nolari qo'shib uchunchi bir narsa va hodisani anglatishi yoki har bir komponent o'zi anglatayotgan ma'noni o'zida saqlab qolishi kabi ma'no xususiyatlari e'tibordan chetda qolgan. Aslini olganda, yuqorida nomlangan "onlayn" komponentli kopulativ qo'shma so'zlarni o'z holicha qoldirib, "onlayn" yordamida yasalgan erkin so'z birkimalarini qo'shma so'z (qo'shib yozilib) sifatida berilishi maqsadga muvofiq bo'lar edi, zero, ular qo'shib yozilgan holda inobatga olingan uchunchi bir narsa yoki hodisani ifodalaydilar. Masalan, *onlayn kuzatish* dars kuzatilishining masofadan turib kuzatilishini bildirsa, *onlaynkuzatish* dars tahlilining yangi bir turini anglatadi. Yoki *onlayn sammit* katta yig'ilishning masofadan turib o'tkazilishini bildirsa, *onlaynsammit* sammit turini bildiradi.

Ayrim hollarda matbuot sahifalarida "onlayn"ning insonlar o'rtasidagi qanday aloqa vositasi ekanligi jurnalistlar tomonidan tushuntirilib ham borilganini ko'ramiz, ba'zi hollarda, qo'shimcha tavnologik izohlar ham uchraydi. Masalan: *"Qarorda idoraviy b'ysunuv va tashkiliy-huquqiy shaklidan qat'iy nazar, barcha tashkilotlarning asosiy ish faoliyatiga ta'bir etmag'an holda, qonun hujjatlarida belgilangan tartibda xodimlarni mehnat ta'tiliga chiqarish, qolgan qismining mehnat faoliyatini maksimal darajada masofadan turib ("onlayn" rejimda e'ki masofaviy tarzda) tashkil etish choralari k'rilishi ham belgilangan" ("Kun.uz", 24.03.20).*

Hozirgi kunda, ko'p hollarda, "onlayn"ning ma'nosi tanish so'zday tushunilib, hech qanday izohsiz yoki ikkinchi bir aniqlovchi so'z yoki komponent ishlatilmasdan qo'llanilaypti. Masalan:

1. *Aviachiptalarni onlayn, aeroportlarda va aviakomponiya kassalarida karantin talablariga qat'iy amal qilgan holda xarid qilish mumkin ("Kun.uz", 15.05.2020).*

2. Muftiy Usmonxon Alimovning ma'lum qilishicha, muborak Ramazon oyida O'zbekiston musulmonlari idorasi tizimida faoliyat yuritayotgan qorilarning xatmi Qur'onlari **onlayn** tarzda amalga oshirishi yo'lga qo'yiladi ("Kun.uz", 14.04.2020)ю

Misollardan ko'rinib turibdiki, endi yoshu-qari xalqimiz uchun "onlayn" so'zi umumtushunarli bo'lib qoldi. Uning internet orqali masofadan turib aloqa qatnashchilarining bir-birini ko'rib, yuzma-yuz (zoom) yoki ko'rmasdan muloqot o'tkazish imkoni ekanligini izohlab o'tirishga hojat yo'q. Nainki onlayn uchrashuv, onlayn dars, onlayn sammit kabi so'z birikmalari ikkala tomon qatnashuvchilarini yuzma yuz uchrashuvini bildirsa, onlayn ro'yhat, onlayn rejim, onlayn test kabi so'z birikmalari muloqotga daxldor tomonni ham, albatta, yuzma-yuz turishini talab qilmaydi. Qatnashuvchi onlayn talablarini bajarsa shuni o'zi muloqot uchun yetarli bo'ladi, istak va maqsadni matn orqali anglasa bo'ladi.

Qizig'i shundaki, "onlayn" o'zlashmasi nafaqat tilimizga tez singishib ketdi, balki u ingliz tilidagi o'z ma'nosiga mutlaqo zid bo'lgan – antonym "offlayn" so'zini ham kundalik hayotimizga (ayniqsa talabalar so'zlashuv tiliga) juda tez kirib kelishiga sababchi bo'ldi. Lug'atlardan ma'lumki, "offlayn" so'zi ingliz tilida "liniyada emas", "aloqadan uzilgan" va "simda emas" ma'nolarini anglatadi. Bu so'z ta'lim tizimimizda yuqorida zikr qilingan ma'nolariga qarshi o'laroq o'qish jarayonini masofadan turib emas, balki an'anaviy tahsil, darsda o'qituvchi va o'quvchining majburiy ishtirokini ta'kidlaydigan habarni bildirib muloqotda faol so'zga aylanib boraypti. U sovetlar ta'lim tizimi davridagi "очный" (o'qituvchi va o'quvchining ko'zi-ko'ziga tushib tahsil olish jarayoni), y'ani "kunduzgi ta'lim"ni anglataypti. Hatto "ochniy o'qish" so'z birikmasini muloqotdan siqib chiqaryapti. Chunonchi, "zaochniy o'qish"(sirtidan), "vecherniy o'qish" (kechki) leksemalari kundalik tilimizda hali faol, biroq "ochniy" (kunduzgi) o'qish esa mamlakatimizda uzoq davom etgan karantin, koronavirus pandemiyasining susayib borishi bilan qaytadan boshlanishida xalqimizga "offlayn" atamasi ma'qulday tuyulaypti. Misol sifatida matbuot sahifalarida "Onlayn ta'lim yaxshimi, oflayn?– bitiruvchi fikri" ("Kun.uz", 14.11.2020), "...onlayn/oflayn ta'lim dasturini joriy etishni rejalashtirmoqda" ("Kun.uz", 05.09.2020) kabi gap strukturalarini keltirish mumkin.

Endi "onlayn" so'zining nisbatan tez vaqtda ommalashib, o'zlashib – o'zbekchalashib ketishiga to'xtalinadigan bo'linsa, dastavval shuni ta'kidlash lozimki, uning aytilishi va yozilishi oson undan tashqari bu olti harfli so'z orqali butun bir "masofadan turib internet orqali (yuzma-yuz) tashkil qilingan muloqot" qabilidagi gapni qisqa va lo'nda ta'kidlash mumkin.

Babajanova Umida Bahadirovna (TTA Urganch filiali Ingliz tili kafedrasini mudiri)
INGLIZ TILIDA TIBBIY ATAMALAR QO'LLANILISHING O'ZIGA XOSLIGI

Annotasiya. Ushbu maqola ingliz tilida tibbiy terminlarni qo'llashning o'ziga xosligi, shuningdek, tibbiyotdagi eponimlarning tarkibiy xususiyatlarini tavsiflashga bag'ishlangan.

Аннотация. Данная статья посвящена изучению образования некоторых медицинских терминов на английском и узбекском языках, а также описанию структурных особенностей эпонимов в медицине.

Annotation. This article is dedicated to study the formation of some medical terms in the English and Uzbek languages and also the description of the structural features of word formation eponyms in medicine.

Kalit so'zlar: eponim, atama, so'z yasash elementlari, tibbiyot terminologiyasi.

Ключевые слова: эпоним, термин, словообразовательные элементы, медицинская терминология.

Key words: eponym, term, word-formation elements, medical terminology.

Zamonaviy tibbiy terminologiya tushunchali, mazmunli atamalar atamalari tizimidagi eng keng va murakkab sohalardan biridir. Tibbiy lug'at ilmiy tibbiyotda ishlatiladigan boshqa fanlar atamalari bilan bir qatorda, bir necha yuz ming so'z va iboralarni o'z ichiga oladi. Turli tillardagi tibbiy ma'lumotlar hajmining doimiy o'sishi tibbiy adabiyotlarda ko'plab yangi atamalarning paydo bo'lishi bilan birga keladi. Zamonaviy tibbiyot terminologiyasining ko'pligi bir qancha ilmiy fanlarda tadqiqot mavzusi bo'lgan turli xil ilmiy tushunchalarni o'z ichiga oladi. Bular birgalikda tibbiy terminologiya murakkab makroterminologiya tizimini tashkil qiladi.¹

¹ Polackova G. Synonymy of medical terminology from the point of view of comparative linguistics. Bratislavské Lekárske Listy. 2001, V.102, 64, № 3, p. 174–177.

Ma'lumki, tibbiyot terminologiyasining kelib chiqishi yunon leksikasi va so'z yasash fondi bilan bog'liq. Badiiy lotin tilida yunon tilining ko'plab elementlari kiritilganligi sababli, bu nafaqat kelajakdagi atamalar tizimlarining eng boy manbai, balki ushbu tizimlarni yunon elementlari bilan to'ldirish vositachisi bo'lib chiqdi. Tibbiy atamalarni shakllantirishda lotin va lotinlashtirilgan yunon elementlari bir-biri bilan o'zaro ta'sirlashadi, yangi modellarni tashkil qiladi, nihoyat, yangi qatorlar, uyalar va boshqa murakkab birlashmalar hosil qiladi – bularning barchasi terminologik tizimni tashkil qiladi. Chastotali tarkibiy qismlar asta-sekin so'z tizimidan ajralib chiqadi. Boshqacha qilib aytganda, ushbu tizimning ichkarisida yangi so'zlarni shakllantiruvchi birliklar paydo bo'ladi. V.L.Nalepinning ta'rifi bo'yicha: "Termin elementi – bu atamaning shakllanishida ishtirok etadigan va so'zni (atamani yoki qo'shimchani) iboralar qismi sifatida ifodalovchi, belgilarni tarkibiy qism sifatida belgilovchi, so'zni tashkil etuvchi morfemani murakkab va tarkibiy qism sifatida ifodalovchi, atamaning qat'iy tarkibiy birligini hosil qiluvchi so'zlar-dir".¹

Biroq, ulardan farqli o'laroq, L.V.Dubrovina o'z ilmiy ishlarida termin hosil qiluvchi qismlar bu atamaning biron-bir mazmunli qismini anglatmaydi, balki muntazam ravishda takrorlanadigan va ko'paytiriladigan murakkab atamalarining tarkibiy qismi bo'lib, ular qoida tariqasida, atamaning tuzilishida ma'lum bir o'rinni egallaydi va yetarlicha barqaror umumlashtiruvchi ma'no (tasniflash va o'zgartirish ham) berishini tahlil qilgan.² Bu qo'shimchlarni tilshunoslikda affiksoid deb ataladi. Bu affiksdan o'zi belgilagan ma'nolarning mohiyati bilan ajralib turadi: affiksoidlar, odatiy tabiatiga qaramay, to'liq ma'noli so'zlarning ma'nolariga parallel bo'ladi.

Lotin va yunon tillarining imkoniyatlari va ixchamligi bir so'z bilan birlashtirilib, o'zbek tilida ushbu so'zlar tarjimasini bir nechta so'zlar bilan tarjima qilish kerak. Masalan, "stomatitis" – og'iz shilliq qavatining yallig'lanishi, "cholecystoscopy" – o't pufagining ichki devorlarini tekshirish.

Derivativ va murakkab atamalar bilan bir qatorda, klinik terminologiyada ko'p sonli verboza atamalarini topish mumkin. Ularning deyarli barchasi lotin grammatikasi qonunlariga muvofiq qurilgan va kelishilgan va nomuvofiq ta'riflarga ega bo'lgan iboralardir. Bu V.F.Novodranova ilmiy izlanishlarida batafsil tasvirlangan.³ Uning fikriga ko'ra, terminshunoslar ishlatadigan eng keng tarqalgan atamalar – bu normal va patologik sharoitda organizmga xos bo'lgan individual fiziologik jarayonlarning nomlari; kasalliklar va sindromlarning nomlari; diagnostika va davolashning ba'zi usullarining nomlari. Bu atamalarining barchasi asosiy tarkibga kiritilgan terminologik lug'at va o'zbek tilidagi tibbiy atamalar entsiklopedik lug'atida va tibbiy atamalarining ingliz tilidagi lug'atlarida berilgan.

Lotin asosidagi tibbiy atamalarni shakllantirish usulini noyob deb hisoblash mumkin: bitta tilning tirik tizimi tanlangan bo'lsa ham, mutlaqo yangi sifatda qo'llaniladi va lotin tilining o'zi tirik til shaklida mavjudligini yo'qotib, yangi sohada sun'iy hayotni davom ettirmoqda. Klassik lotin tili bilan uning morfologiyasi va so'z boyligi, so'z hosil bo'lishi va birikishi bilan tibbiyot kabi bilim sohasi tili o'rtasida o'ziga xos bog'liqliklar mavjud.

Terminologik so'zlar shakllanishidagi qo'shimchalarning o'ziga xos xususiyati nafaqat ifoda jihatidan, balki mazmun jihatidan ham, ma'nolari tabiatida ham aniq namoyon bo'ladi. Shu nuqtayi nazardan, qo'shimchalarni onomosiologik tekshirish muhim rol o'ynaydi.

Ushbu yondashuv asosida yasama qo'shimchali terminlarni quyidacha belgilash mumkin:

- 1) o'ziga xos anatomik shakllanishlar, tana qismlari nomlari, organlar va inson tanasining boshqa elementlari;
- 2) moddalarni anglatuvchi atamalar (hayvonlarda va sintezlangan mahsulotlar o'simlik dunyosi, shuningdek, davolash uchun sun'iy ravishda yaratilgan dorilar);
- 3) eng oddiy mikroorganizmlar va o'simliklarning turlari;
- 3) organizmda sodir bo'ladigan tabiiy jarayonlar;
- 4) tananing patologik holatlari, ular orasida maxsus kichik guruh surunkali yallig'lanish jarayonlari nomlaridan iborat kasalliklar, o'smalar va boshqalar.
- 5) tekshirish va davolash usullari;

¹ Druganova B. English Medical terminology – different ways of forming medical terms. JAHR, 2013, Vol. 4, № 7, p. 55–69.

² Маджаева С.И. Медицинский термин как предмет изучения в когнитивном терминоведении. Гуманитарные исследования. 2013, № 3, (47), с. 45 – 49.

³ Evans D.A., Cimino J.J., Hersh W.R. Toward a medical-concept representation language. Journal of the American Medical Informatics Association: Jamia. 1998, V.1, № 3, p. 207 – 217.

6) diagnostika va jarrohlik uskunalari va asboblari.

Shunday qilib, ot atamalarining suffiksiv turlarini tasniflashda onomosiologik tamoyil muhim semantik tamoyil hisoblanmaydi, balki birinchi darajaga chiqadi, bu xuddi shu toifadagi qo'shimchalar guruhini tasniflashga imkon beradi.

Qo'shimchalarning nafaqat terminlarni shakllantiruvchi qatorlarni shakllantirish, balki paradigma hosil qilish qobiliyati ham tibbiyot rivojlanishida muhim omil hisoblanadi.

Tibbiyot terminologiyasida "yallig'lanish" degan ma'noni anglatuvchi *-it* qo'shimchasi bilan so'lishtiring:

- ◆gastritis – oshqozon yallig'lanishi;
- ◆nephritis – buyrak yallig'lanishi;
- ◆odontitis – tish pulpasining yallig'lanishi;
- ◆ostitis – suyaklar yallig'lanishi.

Terminologik qatorlar va paradigmalarining yanada kengayishi, ya'ni yangi atamani yaratish uni bir tomondan, allaqachon mavjud bo'lgan paradigma bilan, ikkinchi tomondan, terminologik qatorni birildizli shakllanishlar va shunga o'xshash strukturaning atamalari bilan o'zaro bog'lash asosida tuzish mumkin. Shunday qilib, zamonaviy tibbiyot terminologiyasida joylashish sohasi kelajakda rivojlanayotgan barcha terminologik tizimlarning o'ziga xos xususiyati bo'lgan bilingalizm eng keng namoyon bo'lgan sohadir.

Terminlarni shakllantirish ko'p odamlar uchun rasmiy va qiziq bo'lmagan bo'lib ko'rinishi mumkin bo'lsa-da, so'z shakllanishining aniq, pragmatik, tarkibiy shakllaridan tashqari, butun hikoyani nomlarida yashiradigan atamalarni shakllantirishning ko'plab oraliq usullari mavjud. Ba'zan chet tili o'qituvchisi ular to'g'risida ma'lumot to'plash, o'rganish, umumlashtirish, hatto yozishga harakat qilganda muammoga duch kelishi mumkin, ammo tibbiyot talabalari va talabalar bilan atamalarining kelib chiqishini muhokama qilish tibbiyot tarixini chuqurroq tushunishga imkon beradi va ular turli xil atamalarni ko'rib chiqish imkoniyatiga ega. qarashlar. Yana bir muhim masala shundaki, tibbiyotni o'qitish va uni hayotga tatbiq etishda biz foydalanadigan atamalarining ma'nosiga mutlaqo va so'zsiz ishonishimiz kerak. Muhim tibbiy atamalarni tahlil qilish bizni ularning aniq ma'nosi haqida o'ylashga va mumkin bo'lgan noaniqliklardan xabardor bo'lishga majbur qiladi. "Tibbiy atamalar individual jumboqlarga juda o'xshash. Ular har bir so'zni noyob qiladigan mayda bo'laklardan qurilgan, ammo bu qismlarni boshqa so'zlar bilan har xil birikmalarda ham ishlatish mumkin".¹

Shunday qilib, atama elementi biz tomondan murakkab lotin atamalarining muntazam takrorlanadigan tarkibiy qismi sifatida belgilanadi, ular, odatda, atamaning tuzilishida ma'lum bir o'rinni egallaydi va mutlaqo barqaror umumlashtirilgan ma'noni anglatadi. Termin elementlarining asosiy xususiyati ularni turtki beradigan birliklar asosida yaratilgan, ulardan tanlanganligi, bir xilligi, mavhumlik darajasi va boshqalar bilan ajralib turadigan terminologik ma'nolarining ifodasidir. Bu yerda asosiy narsa, har bir termin elementiga ushbu atama tizimida ixtisoslashgan qiymati beriladi. Bu bizga atama elementini atamani shakllantiruvchi modelning maxsus tarkibiy va semantik belgisi sifatida ko'rib chiqishga imkon beradi.

**Жўраева Рамзия (Қўқон Давлат Педагогика институти Ўзбек тили кафедраси ўқитувчиси)
МУҚИМИЙ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНГАН “ТИЛ” ЛЕКСЕМАСИНING СЕМАНТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада Қўқон адабий муҳити вакили Муқимий асарларида қўлланган “тил” лексемасининг семантик хусусиятлари таҳлил қилинган. Мазкур лексеманинг денотатив ҳамда коннотатив маънолари, услубий хусусиятлари тадқиқ қилинган.*

***Аннотация.** В данной статье проанализированы семантические особенности лексемы “язык”, примененной в произведениях Муқими, представляющих кокандскую литературную среду. Исследованы денотативные и коннотативные смыслы, методические особенности данной лексемы.*

***Annotation.** This article analyzes the semantic features of the lexeme “language” used in the works of the Mukimi, representing the Kokand literary environment. Denotative and connotative meanings, methodological features of this lexeme have been investigated.*

¹ Andrews E.A. History of Scientific English. The Story of Its Evolution Based on a Study of Biomedical Terminology. E.Andrews, A.B.Luckhardt. NY, Richard R. Smith. 2012, 352 p.

Калим сўзлар: бадиий асар тили, лексема, парадигма, образ, форс-тожикча ўзлашма, арабча ўзлашма, эмоционаллик.

Ключевые слова: язык художественного произведения, лексема, парадигма, образ, персидско-таджикское освоение, арабское произношение, эмоциональность.

Keywords: language of artistic work, lexeme, paradigm, image, Persian-Tajik mastery, Arabic pronunciation, emotionality.

Бадиий асар тили образ, бадиий тасвир воситалари, умумхалқ тили элементларининг истифода этилганлиги билан адабий тилдан фарқ қилади. М.Я.Поляковнинг таъкидлашича: "...табиий тил ва шеърий тили ундаги белги (сўз)нинг ролига кўра бошқа-бошқа системалардир. Оғзаки-товуш тили, ёзма нутқ, адабий тил уларнинг универсал тил схемаси билан қанчалик умумий алоқада бўлишига қарамай, ҳар бири ўзига хос тизим ва функционал системага эга. Агар амалий нутқда биз референт билан бевосита алоқага киришсак (сўз-тушунча-нарса), шеърий тилида сўзнинг функцияси таркибига образни қўшамиз (сўз-образ-тушунча-нарса)".¹ Юқорида таъкидланганидек, бадиий асар тилида лексеманинг денотатив маънолари билан биргаликда коннотатив маънолари ҳам фаоллашади. Бу орқали ижодкор баён қилаётган фикр таъсирчанлигини оширишга, бадиий ниятнинг тўлиқ тушунилишига эришади.

Муқимий асарларининг семантик хусусиятларини тадқиқ этиш, уларда қўлланилган лексемалар матн таркибида янги маъно касб этишига, образлиликни кучайтиришга хизмат қилганлигини кузатиш мумкин. Фикримизни шоир асарларида истифода этилган "тил" лексемаси таҳлили мисолида асослашга ҳаракат қиламиз. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "тил" лексемасига қуйидагича таъриф берилган: "ТИЛ I Оғиз бўшлиғида жойлашган, таъм-маза билиш, оғизга овқат олиш, ялаш ва ш.к.лар учун хизмат қиладиган мускулли аъзо", "ТИЛ II Кишилар ўртасида, жамиятда ўзаро фикр алмашишнинг муҳим воситаси; тилшуносликнинг асосий ўрганиш объекти".² Кўринадики, "тил" луғавий бирлиги омоним лексемаси сифатида берилган. Муқимий асарларида тил лексемаси турли маъноларда қўлланилиб, бадиий ифода, таъсирчанликни оширишга хизмат қилган.

"Тил" лексемаси "оғиз бўшлиғида жойлашган, маза-таъм билувчи мускулли аъзо" маъносида қўлланган:

Тиллари чиққон, халойиқ ташна лаб,

*Жумлаи мўмин юрак-бағри кабоб.*³

Мазкур мисолда "тил" лексемасига *-лар* аффикси қўшилиб, маънони кучайтиришга хизмат қилган, яъни иссиқ мавсумда рўза тутган кишиларнинг жисмоний ҳолати ифодаланган. Бу ерда "чиққон" лексемаси "осилган" маъносида қўлланган. Мисранинг вазн хусусиятига "тиллари чиққон" бирикмаси мос келса-да, мазкур луғавий бирик "гапирадиган бўлмоқ, гапиришга ўрганмоқ" (*Ўғлимнинг тили чиқиб қолди, баъзи сўзларни айтяпти*)⁴ "гапирадиган, гапиришга журъат этадиган бўлмоқ" (Тилинг чиқиб қопти!)⁵ маъноларида ҳам қўлланадики, ушбу маънода "тиллари осилган" бирикмаси мисранинг умумий мазмун ифодасига кўпроқ мос тушади.

Шоир "тили гапга келмаслик" (гап-сўз айтолмай қолмоқ) фразеологик бирикманинг "тил сўзга келмай қолди" вариантыдан фойдаланиб, лирик қаҳрамон ошиқнинг руҳий ҳолати ифодаси учун маҳорат билан фойдаланади, кейинги мисрада форс-тожикча ўзлашма "безабоним" лексемасини қўллаб фикрий тадрижни такомиллаштиради:

Ўтарди ёр, келмай қолди тил сўзга кулуб айди:

*–Қалайсиз, камнамосиз, гунгу лолу безабоним сиз?*⁶

"Тил" лексемаси "ифода", "мазмун" маъносида қўлланган:

Муддате нозу тагофул, ишлари бегоналиг,

*Ошнолиг қилгувчи тил бирла ёлгондин гапур.*⁷

¹ Поляков М.Я. Вопросы поэтики и художественной семантики. М., СП, 1986, с. 164.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. 4-том, Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2020, 91-бет.

³ Пардаев Қ.У. Биз билмаган Муқимий. Т., 2019, 89-бет.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. 4-том, Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2020, 93-бет.

⁵ Ўша асар. 93-бет.

⁶ Муқимий. Асарлар тўплами (Нашрга тайёрловчи Ф.Каримов). Т., Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти, I том, 1960, 96-бет.

⁷ Ўша асар. 197-бет.

Шоир форс-тожик тилида ҳам ижод қилганлиги боис форс-тожикча сўзлардан, фразеологизмлардан санъаткорона фойдаланган. Умумхалқ тилида “гапидан тўхтатиш”, “гапирмаслик” маъносида қўлланувчи “тили кесилмоқ” бирикмасини “кесилсун забон” тарзида ифодалайди:

Ҳар қаю маҳфилда васфингни чироғини ёқиб,
Қилмасам зикрингни *кесилсун забон*, даркор эмас.¹

“Ҳар нарсани гапирерадиган, тап тортмай, ҳадди сиғиб айтаверадиған”² маъносини билдирадиган “тили узун” бирикмасини “забонини дароз қилмоқ” шаклида ифодалайдики, бу эмоционалликни янада кучайтирган. Чунки “узун” лексемасидан кўра “дароз” (“узундан-узоқ”³) лексемасида таъсир ифодаси кучли:

Ёр ўлуб қилмоқ надур душман *забонини дароз*,
Сангсори таънаи ағёрдурмен соғиниб.⁴

Шоир лексикасида арабча ўзлашмалар форс-тожикча ўзлашмаларга нисбатан камроқ қўлланган. “Тил” лексемасининг арабча “лисон” шаклининг кам истифода этилгани фикримизни асослайди:

Лисони сўзга бовар қилмас эрса, қосидо, айғил,
*Урай ошиқлиғимга маҳфи қуръон бир келиб кетсун.*⁵

Муқимий “тил” лексемаси билан парадигма ҳосил қилувчи “гўё” (гапирувчи, нутқ сўзловчи) лексемасини изофали бирикма таркибида қўллайди. Маълумки, “гўё” луғавий бирлиги форс-тожик тилидан ўзлашган бўлиб, лексемага икки жилдли изоҳли луғатда салбий оттенка юкланган бўлса, кейинги нашр қилинган изоҳли луғатларда бундай муносабат ўзгарган бўлиб, луғавий birlik ижобий маъно англатмоқда.⁶ “Гўё” лексемаси умумхалқ тилида “булбули гўё” изофаси таркибида қўлланилиб, кўпроқ киноя маъносида истифода этилгани салбий оттенка касб этишига сабаб бўлган. Лекин Муқимий асарларида қўлланган “гўё” лексемаси, аксинча, ижобий мазмунни ифодалаган:

Мадҳи авсофингни ашъоримдин, эй барно эшит,
Бўлди шаънингга Муқимийни *тили гўё* эшит.⁷

“Тил” лексемаси “фикр ифодалаш, алоқа куроли бўлиб хизмат қиладиган товуш, сўз ва грамматик воситалар тизими”⁸ маъносида ҳам қўлланганини кўришимиз мумкин:

Оқжар одамларини(нг) тўнлари жулдур-жулдур,
Билмадим туркму тожик *тиллари* – ғулдур-ғулдур⁹

Инсон табиати ўзи тушунмаган тилнинг товушлари ноаниқ, кўпол оҳанг сифатида қабул қилишга мойил бўлади ва бу ҳол, кўпинча, салбий эмоция ҳосил қилади. Буни Қадимги Римда ўзга тилда сўзловчиларнинг “варварлар” дейилиши билан ҳам изоҳлаш мумкин. Муқимий ҳам Фарғона вилояти чегара қишлоқларидан бири Оқжар қишлоғи шеvasини тушунмаганлигини “ғулдур-ғулдур” тақлид сўзи орқали ифодалайди. Мазкур сўз қаҳрамоннинг психологик ҳолатини очиб беришда муҳим восита бўла олади.

“Тил” лексемаси “эс, хотира” маъносида қўлланади:

Рахтини ёйиб ақлим, мастона бўлиб беҳуд,
Зикрим ҳамадо эрди, *тилга* санамо келди.¹⁰

¹ Ўша асар. 203-бет.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. 4-том, Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2020, 93-бет.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. 1-том, Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2020, 567-бет.

⁴ Пардаев Қ. У. Биз билмаган Муқимий. Т., 2019, 11-бет.

⁵ Муқимий. Асарлар (Нашрга тайёрловчи Ғ.Каримов). Т., Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 158-бет.

⁶ Раҳматуллаева Д. “Илм-маърифат” семали луғавий birlikларнинг структур-семантик ва тарихий-функционал тадқиқи. Филол.фанл.бўй. фалс. доктори дисс.автореф., Ф., 2020, 20-бет.

⁷ Муқимий. Асарлар (Нашрга тайёрловчи Ғ.Каримов). Т., Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 327-бет.

⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. 4-том, Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2020, 93-бет.

⁹ Муқимий. Асарлар (Нашрга тайёрловчи Ғ.Каримов). Т., Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 385-бет.

¹⁰ Ўша асар. 98-бет.

Маълумки, “тил” лексемаси кўп маъноли сўз бўлиб, шоир ундан кўчимларни ҳосил қилишда ўринли фойдаланади. Мазкур лексема метафора, синекдоха, метонимия каби маъно кўчиш турларини ҳосил қилган. Жумладан, синекдоха усули билан маъно кўчирилган:

Пасту баландини оламда йиллар,
Саргашта эрди зикрингда *тилл*лар,
Васлингни истаб қон эрди диллар,
Кўрдим юзингни алҳамдиллиллох.¹

“Зикр этиш” “тил” лексемаси билан парадигма билан ҳосил қилиб, “тилллар” лексемаси инсон маъносида қўлланилган ва маъно кўчишининг синекдоха турини ҳосил қилган.

Маълумки, метонимия алоқадорликка асосланган кўчим тури ҳисобланади. “тил бериш” бирикмаси орқали хат-хабар алмашмоқ, ваъда бермоқ каби маъноларни ифодалаб метонимияни ҳосил қилган:

Бу ҳам синди ногоҳ Лахтин сабил,
*Бериш*тиму билмамки бир-бирига *тил*.²

Хўжайин *берди* Тошкентдин *тил*.
“Тўй қилар бўлсанг, қўй ўзингга кафил”³

Шоир лексикасида композицион усулда феъл ясаши кўплаб учрайди. “Тил” лексемаси билан боғлаб “тил очмоқ” (гапирмоқ, сўз очмоқ, гапирмоқ – *Очсалар тил* сўз демакда таржимондур фикратинг⁴), “тил чекмоқ” (сўзламоқ, баён қилмоқ – Лутфингни шарҳина гар юз йил Фалотун *чекса тил*, Эй карам тийнат яна фаҳмимда ижмолинг ўшал⁵) каби кўшма феъллар ясалгани шоир асарлари лексикасининг ранг-баранглигидан далолат беради.

Лайли сиз бу асрда гўёки биз Мажнунчалар,
Дарду ғам афзунчалармиз, кўз ёши Жайхунчалар,
Тилларинг остида тил кўп гарчи, эй гулгунчалар
Алдамоғлик бир мусулмонни нигоро шунчалар,
Шоли инъом айлаган янглиғ қуруқ омбордин⁶

Юқоридаги бандда эмоционаллик кичрайтириш-эркалаш кўшимчаси ёрдамида ифодаланиб фикрга услубий бўёқ берган. Учинчи мисрада қўлланган “тиллларинг остида тил кўп” фразеологик бирикмаси “гапнинг тагида гап бор”. Бу гап заминида қандайдир нарса, гап бор⁷ иборасига тенг келиб, “мавхумлик, ишонқирамаслик” маъносида маъшуқа вафосизлигининг таъкиди учун қўлланган.

Таҳлиллардан кўринадики, Муқимий ижодида “тил” лексемасининг турли маъно оттенкаларини ифодалаб келганлиги истиснододли шоирнинг ўзбек тили имкониятларидан моҳирона фойдалана олганлигидан далолат беради.

Асронова Мохигул Мусабоевна

(Андижон Давлат университети ўқитувчиси; mohigul.asronova@mail.ru)

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ СИЁСИЙ НУТҚЛАРИДА ПАРЕМИЯЛАРНИНГ КОГНИТИВ-ДИСКУРСИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада ўзбек ва инглиз тилидаги паремияларининг сиёсий дискурдаги ифода имкониятлари, ўзига хосликлар когнитив-дискурсив ёндашув асосида тадқиқ қилинди. Таҳлил жараёнида мазкур лисоний бирликларнинг когнитив-дискурсив функциялари аниқланиб, тавсифланди. Ўзбек ва инглиз тилидаги сиёсий нутқлардан, теледастурлар ва босма интервью нутқидан олинган матнлар қиёсий ўрганилиб, муайян хулосаларга келинди.

¹ Муқимий. Асарлар тўплами (Нашрга тайёрловчи Ғ.Каримов). Т., Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти, I том, 1960, 239-бет.

² Муқимий. Асарлар. (Нашрга тайёрловчи Ғ.Каримов). Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 364-бет.

³ Ўша асар. 372-бет.

⁴ Ўша асар. 335-бет.

⁵ Ўша асар. 114-бет.

⁶ Ўша асар. 312-бет.

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. 1-том, Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2020, 482-бет.

Аннотация. В статье на основе когнитивно-дискурсивного подхода исследованы возможности выражения в политическом дискурсе узбекских и английских паремий, их особенности. В ходе анализа были выявлены и описаны когнитивные и дискурсивные функции этих языковых единиц. Тексты, взятые из узбекских и английских политических выступлений, телепередач и печатных интервью, были изучены сравнительно и сделаны определенные выводы.

Annotation. On the basis of the cognitive-discursive approach, the article examines the possibilities of expressing Uzbek and English language proverbs in the political discourse, as well as their features. In the course of the analysis, the cognitive and discursive functions of these linguistic units were identified and described. The texts taken from Uzbek and English political speeches, TV shows and printed interviews were studied comparatively and certain conclusions have been made.

Калим сўзлар: ўзбек-инглиз паремиялари, когнитив-дискурсивфункция, гап, когнитив база, образли ифода, баён қилиши.

Ключевые слова: узбекско-английские паремии, когнитивно-дискурсивная функция, предложение, когнитивная база, образное выражение, высказывание.

Key words: Uzbek-English proverbs, cognitive-discursive function, sentence, cognitive base, figurative expression, utterance.

Тилнинг когнитив-прагматик аспекта ўрганилиши лингвистик воситаларнинг нутқда қандай қиймат касб этишини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, турли дискурсларда грамматик воситаларнинг қандай ўзига хос вазифа бажаришини кўрсатиб беради. Айниқса, ментал хусусият бўртиб кўринадиган паремияларнинг турли оилаларга мансуб тилларга доир дискурслар асосида қиёсий ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада М.Маслова ўзининг “Когнитив тилшунослик” номли асарига: “Лисоний жамиятда яшаётган киши концептуал тизимни нафақат ўз тажрибаси, балки тили туфайли ҳам бойитади, чунки тилда ҳам умуминсоний ва ҳам умуммиллий тажриба, ижтимоий-сиёсий тажриба ўз ифодасини топади. Айнан шу тажриба тилнинг барча сатҳларига хос хусусиятларни белгилайди. Бу турли тиллар учун характерли хусусиятларнинг пайдо бўлишига, турли халқлар вакилларида оламнинг ўзига хос хусусиятларининг юзага келишига олиб келади. Шунингдек, оламнинг турли кишиларда бирмунча фарқ қиладиган индивидуал манзаралари ҳам бор”, – деб таъкидлаган эди.¹

Олам манзараси паремиялар мазмунида ҳам акс этади. Уни таҳлил қилиш миллий қадриятлар бир-биридан нимаси билан фарқ қилишини, жаҳон маданияти сатҳида бир-бирини қандай тўлдиришини ушунишга ёрдам беради. Э.Сепир ва Б.Уорф кишилар олами она тили орқали кўришлари ҳақидаги фарзани олға сурганлар. Улар, шунингдек, тиллар ўзларининг «олам лисоний манзаралари» билан ҳам ўзаро фарқланади, деган тахминларни ҳам билдирганлар. Мазкур олимларнинг фикридан турли тилларда сўзлашувчи кишилар тафаккурнинг турли кўринишларига эга бўладилар...деган хулоса келиб чиқади.² Н.Абдурашидова ҳам инглиз ва ўзбек тилларида ҳуқуқий мулоқотга оидибораларнинг лингвистик хусусиятлари қиёсий таҳлил қилиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бера олган.³

Кузатишларга таяниб шуни айтиш мумкинки, паремия ўзининг когнитив вазифаларини, асосан, нутқда бажаради. Паремиялар, бир томондан, нутқнинг ташкил этувчи элементларидан бири бўлса, иккинчи томондан, унинг талқин этилишига катта ёрдам беради. Инглиз тилинутқий фаолият жараёни билан ўзбек тилидаги муайян дискурс солиштирилса, сўзлашувчининг дуёқараши у қўллаётган лисоний бирликларда яққол намоён бўлади. Айниқса, паремияларда. Масалан, инглиз тилида сўзловчиларнинг сиёсий дискурсида мақоллардан самарали фойдаланишини қуйидаги матндан кузатиш мумкин:

“You do not want to walk around Las Vegas with a picture in your pocket of a man who went bankrupt”. Irrefutable. I asked her to give me hundreds. As she counted out the money, I looked down at sweet, smiling Ben Franklin. I recalled that he had a weakness for fallen women. I recalled that he said, “A fool and his money are soon parted”. I recalled that he discovered electricity – so Vegas could one day look like a phosphorescent candy cane» [Smithsonian. 2010]. Мазкур нутқда Бенжамин Франклин

¹ Маслова В.А. Когнитив тилшунослик. Рус тилидан И.Мирзаев таржимаси. Самарқанд, 2011, 37-бет.

² Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. М., 1993, с. 55.

³ Абдурашидова Н. Инглиз ва ўзбек тилларида ҳуқуқий мулоқотга оид ибораларнинг лингвистик хусусиятлари. “Хорижий филология”, № 2, Самарқанд, 2019, 56-бет.

ажойиб бир ҳикматли сўз айтиб ўз фикрини теран англатишга эришади. Аҳмоқ аёл ва пуллар кишини тез тарк этишини паремия орқали аниқроқ тушунтиришга эришади. Ўзбек тилида ҳам сиёсий нутқларда мақоллардан фойдаланиш ҳолатлари кўп кўзга ташланади. Жумладан, ҳукумат вакилларининг, сиёсатчилар, депутатларнинг халқ билан юзма-юз мулоқоти давомида барчага бирдек тушунарли бўлиши учун паремиялардан, хусусан, мақоллардан фойдаланади:

“Шу кунларда Афғонистонда содир бўлаётган воқеаларни кузатар эканмиз, халқимизнинг “*Ёв қочса, ботир кўпаяр*”, деган бир мақоли ёдга тушади. Мазмунан шунга яқин бўлган “*Ғалабанинг отаси кўп бўлади*”, деган нақлни ҳам эслаб ўтсак, менимча, ўринли бўлади. Яъни, кейинги пайтда Афғонистон ҳудудида бўлаётган ўзгариш ва жараёнларни ўзича таҳлил қилувчи ва улардан турли-туман хулоса чиқарувчилар сони кўпайиб бораётганини табиий бир ҳол сифатида қабул қилишимиз керак, деб ҳисоблайман”.¹

Матнда ажратиб кўрсатилган лисоний бирликлар мурожаат мазмунини акс эттирувчи, таъсирчанликни оширувчи омил ҳисобланади. Мазкур сиёсий дискурс расмий оҳангда ва мазмунда, белгиланган, қолипланган тил бирликларида ифода этилиши ҳам мумкин эди. Бирок, нотикнинг мақсади тингловчиларга таъсир кўрсатиш бўлганлиги сабабли паремиядан фойдаланади. Адресант синоним паремиялардан фойдаланиб, мавзу доирасидаги энг муҳим фикрга урғу бермоқда. “*Ёв қочса, ботир кўпаяр*” халқ мақоли “*Ғалабанинг отаси кўп бўлади*” каби нисбатан кам қўлланилувчи бирлик орқали яна-да кучайтирилмоқда.

А.П.Чудиновдан кейин сиёсий нутқ, ижтимоий ҳаракатлар агенти томонидан, шунингдек, ният омили билан белгиланадиган институционал нутқ деб тушунилади, яъни сиёсатчилар сиёсат ҳақида нима демоқчи ёки нима мақсадда нутқ сўзлашади.² Паремиялар сиёсий айтишувда муҳим ўрин тутаяди. Е.И.Шейгалга кўра, афоризм жамиятда машҳур ва таниқли бўлиб келган сиёсатчиларнинг сўзларини, маълум бир лингвистик маданиятнинг прецедент баёнотлари таркибига кирган ҳикмат ва ибораларни ўз ичига олиши керак. Ушбу мақолада тилнинг паремиялогик фондини ифодаловчи идиомалар, фразеологик бирликлар, афоризмлар, мақол ва ҳикматли сўзлардан, асосан, мақоллар ва ҳикматли сўзлар таҳлилга тортилди.

А.Константинова инглиз сиёсий дискурсидаги паремиялар доирасида тадқиқот олиб борар экан, у паремияга кирувчи бирликлар ҳақида ҳам ўз муносабатини баён қилади. Жумладан, идиома – икки ва ундан ортиқ лексемаларнинг бирикмаси бўлган тил бирлиги бўлиб, унинг маъноси таркибий лексемаларнинг қийматлари йиғиндисига тенг бўлмай, балки бутунлигича тушунилишини таъкидлайди. Фразеология тугалланган шаклдаги нутқда образли образли маъно ва репрезентативликка эга бўлган барқарор ибора, афоризм – ихчам, эса қоларли матн шаклида ифодаланган ва кейинчалик бошқа одамлар томонидан қайта-қайта такрорланадиган доно фикр, мақол –грамматик жиҳатдан тўлиқ гап шаклидаги сўз бўлиб, унда халқ донолиги ибратомуз шаклида ифодаланган фикр, мақол – бу сўзма-сўз ёки мажозий маънога эга бўлган ажралмайдиган таркибнинг қисқа баёнидир, деб таърифлайди.³ Ўзбек тилшунослигида ҳам паремия таркибига кирувчи бирликлар шундай тасниф ва тавсифга эга дейиш мумкин. Масала уларнинг таърифи ёки турлари эмас, балки паремияларнинг сиёсий дискурсда қандай лисоний қийматга эга эканлигидир.

Сиёсий нутқда, Е.И.Шейгалнинг фикрига кўра, мақолларни икки тоифага бўлиш мумкин: умумий тил ва сиёсий. Умумий тилдаги мақоллар ўз мазмунида кундалик воқеликка ҳам, сиёсат оламига ҳам алоқадор бўлиши мумкин, лекин улардаги сиёсий воқелик кейинги ўринда туради.

Конгрессгайилликмурожаатларидан бирида Барак Обама мақолдан фойдаланади: “*And while none of these trends are unique to America, they offend our unique American belief that everyone who works hard should get a fair shot*” (Nyu York Times). Мазкур ифода, бир томондан, Америка кўшма штатлари дуч келган муаммолар бошқа мамлакатларда ҳам бўлиши мумкин, деган маънони англатади ва бошқа томондан, дунёда Америка кўшма штатлари муҳим ўрнини тутишига урғу берилади. Гапнинг иккинчи қисмида қўлланилган мақол (ҳар бир меҳнат қилган киши адолатга эришиши керак) Барак Обаманинг мамлакатдаги иқтисодий муаммолар ва ишсизлик бўйича позициясини акс эттиради.

¹ Шу манба.

² Чудинов А., Будаев Е. Зарубежная политическая лингвистика. Москва, “Литрес”, 2015.

³ Константинова А.А. Современный американский политический дискурс: паремии в риторике Барака Обамы. Вестник Томского государственного университета. Томск, 2010, № 331, с. 7–13.

Шунингдек, Хиллари Клинтон ҳам паремиялар ўз нутқида ўринли фойдаланганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. У Нью-Йоркда партиявий сайловларда ғалаба қозонганидан сўнг шундай нутқ сўзлайди: «*Thank you. Today, today you proved once again there's no place like home*». Шу йўл билан сиёсатчи ўз миннатдорчилигини изҳор қилади, шунингдек, Нью-Йорк унинг уйи эканлигини, уни маҳаллий сайловчиларга яқинлаштирганини таъкидлайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, паремиялар оламнинг лисоний манзарасини англашда ўзига хос лингвистик ҳодисадир. Уларнинг бадиий, сўзлашув ва оммабоп нутқларнинг муҳим таркибий қисми эканлиги ҳаммага маълум, бироқ сиёсий дискурда ҳам адресант ва адресат ўртасидаги муносабатни, мулоқотни самарали қилишда асосий вазифалардан бирини бажаради. Жамиятда стратегик нуқтаи назардан сиёсий нутқнинг, дискурсниги аҳамияти катта. Шу маънода паремияларнинг турли дискурсларда, хусусан, сиёсий дискурда паремияларни когнитив-прагматик тадқиқ қилиш соҳадаги мулоқотнинг, иш юритишнинг юксалишига хизмат қиладди. Мазкур мавзу кенгрок ўрганишни такозо қиладди.

Hamroyeva Maftuna Rasulovna (BuxDU o'qituvchisi) ANTROPONIMLARNING BADIYATI

Аннотация. *Mazkur maqolada antroponimlar va ularning shakllari, o'ziga xos xususiyatlari, badiiy asarda turgan o'rni haqida fikr yuritilgan. Shuningdek, badiiy asarlarda antroponimlarning berilishi misollar vositasida ochib berilgan.*

Аннотация. *В статье рассматриваются антропонимы и их формы, особенности, их место в произведении искусства. Назначение антропонимов в произведениях искусства также раскрывается на примерах.*

Annotation. *The article examines anthroponyms and their forms, features, their place in a work of art. The purpose of anthroponyms in works of art is also revealed through examples.*

Калит со'злар: *antroponimlar, badiiylik, badiiy asar, kishi nomlari, familiyalar, laqablar, uslubiyat.*

Ключевые слова: *антропонимы, искусство, произведение искусства, имена, фамилии, прозвища, стиль.*

Keywords: *anthroponyms, art, work of art, names, surnames, nicknames, style.*

O'zbek tiliga Davlat tili maqomining berilishi, xalqimizning o'zligini anglashi, mamlakatimiz ichki va tashqi hayotida tilning o'rni, milliy ma'naviy va madaniy qadriyatlarni tiklash xalqimiz hayotidagi muhim, o'z oldiga qo'ygan asosiy masalalarning biri ekanligidan dalolat beradi.

Mustaqillikka erishganimizdan so'ng tilshunosligimizda o'zbek tilini har tomonlama rivojlantirishga qaratilgan, tilimizning turkona tabiatini ochib berishga yo'naltirilgan lingvistik muammolarga, xususan, antroponimlar semantikasi va motivatsiyasi, antroponimlarni tasnif qilishning ilmiy tamoyillari, antroponimlarni qardosh va noqardosh tillar bilan qiyosiy o'rganish, antroponimlarni davrlashtirish tamoyillari, o'zbek tarixiy antroponimiyasi, antroponimlarning turli uslublarida, ayniqsa, antroponimiya fondiga ijtimoiy-lisoniy, milliy-madaniy, falsafiy-etnik jihatdan yondashish masalalari, antroponimlarning izohli, imloviy transkripsiya lug'atlarini tuzishning leksikografik talab va tamoyillari, tarixiy yozma obidalar tilidagi antroponimlarni o'rganish, o'zbek tili antroponimikasini yaratish kabi masalalarga alohida e'tibor berila boshlandi. Bu esa badiiy asar matni misolida antroponimik birliklarni amaliy tahlil va talqin qilish orqali tavsiflash, antroponimlarning tarixiy takomilini o'zbek xalqining milliy-ruhiy dunyosi, asrlar davomida shakllangan ma'naviy-madaniy qadriyatlari bilan birgalikda aniqlash, o'z navbatida, dunyo ilm-fanini bundan xabardor etish zaruratini keltirib chiqaradi. Shuningdek, o'zbek tili antroponimikasining izohli va imloviy lug'atini yaratish, ma'no taraqqiyoti haqida yangi xulosalar chiqarish hamda ommaga talqin qilish imkonini beradi.

O'zbek adabiyoti vakillarining hikoyalari, umuman ijodi, leksik jihatdan boy bo'lib, unda hozirgi paytda faol qo'llanilgan so'zlar bilan bir qatorda, tarixiy qatlamga xos bo'lgan lug'aviy birliklar ham uchraydi. Ana shunday qatlamlardan biri antroponimlar. Ularda xalq ijodi, tafakkuri, ong-shuurining izlari saqlanib qolganligi ko'rinadi. Asarlardagi antroponimlarda tasvirlanayotgan davr, zamon tarixi, holati mujassamlashtirilgan, ular nafaqat nominativ, balki stilistik vazifani ham bajarganligini ko'rishimiz mumkin.

Badiiy asar tilini o'rganish hozirgi kunda tilshunoslikning muhim amaliy masalalardan biri bo'lib, u shoir yoki yozuvchining o'ziga xos badiiy vositalarini aniqlashda va undan samarali foydalanishga yor-

dam beradi. Har bir yozuvchi, shoirning o'ziga xos yo'li, badiiy uslublari, tili bo'ladiki, u umumxalq tili qonuniyatlarga bo'ysunadi, unga asoslanadi. Har bir yozuvchi, shoir umumxalq tilidagi ifodalash vositalaridan o'zicha foydalanadi. Shu jarayonda uning asarda antroponimlardan, ya'ni kishi nomlaridan foydalanishida ham o'ziga xoslikni ko'rishimiz mumkin. Xususan badiiy asarda qo'llangan kishi nomlarini amaliy jihatdan o'rganish va tatbiq qilish alohida ahamiyat kasb etadi. Ular asar tilining milliylikka va xalq turmush tarzi-yu urf-odatlariga qay darajada bog'liqligi, mosligini ko'rsatib beruvchi vosita sanaladi.

Antroponimning matndagi uslubiy qiymati, bajarayotgan vazifasi asar g'oyasini ochib berishdagi xizmatini aniqlash orqali shu asarning lingvostilistik xususiyati, asar muallifining individual uslubi haqida so'zlash mumkin bo'ladi.

Masalan, atoqli o'zbek yozuvchisi Tohir Malik asarlarida antroponimlarni qo'llashda o'ziga xos uslubni yarata olgan. Ijodkor hikoyalarida bosh obrazlarni nomlagan, ammo epizodik obrazlarni nomlamagan. Balki, bu bilan ijodkor kitobxon fikrini asosiy masalaga qaratishi kerak demoqchi bo'lgandir. Yozuvchi asarlaridagi antroponimlar tahliliga to'xtaladigan bo'lsak, adibning "Qarg'ish" nomli hikoyasida antroponimlar ma'lum bir uslubiy vazifa bajargan. Ism ma'nosi qahramon hayotining qaysidir bir jihatini ochib berishga bevosita xizmat qilganligini ko'rishimiz mumkin. Masalan, bosh obrazlardan biri Yo'ldosh ismli bola. U oilaning to'ng'ich farzandi, otasi va ukalariga mehribon aka. Bu ismning ma'nosi o'zbekcha otasi yoki akalariga esh, hamroh bo'lib yursin degan ma'noni bildirdi. Jamiyatda shunday shaxslar borki, ular ota-onalari orzu-havas bilan qo'yan ismga munosib yashaydilar. Asarda bu obraz uchun ham ismi jismiga monand iborasini ishlatish o'rinli, albatta. Bu esa hikoyadan keltirilgan quyidagi parchalarda o'z aksini topgan: "O'ylay-o'ylay, jodudan qutulish chorasini topdi: ya-rim kechada turdi-da, "O'lsam o'zim o'lib qo'ya qolay, ukalarimga tegmasin", degan qarorda uyiga qarab bordi".

"Yo'ldosh onasiga ko'maklashishni yoqtirardi. Ayrim ishlarga qo'li ham kelib qolgandi".

Shuningdek, jamiyatda ismiga nomunosib shaxslar ham uchraydi, albatta. Yozuvchi Rahima obrazi orqali esa shuni ko'rsatadi va bunga o'zi ham alohida urg'u beradi: "Bu xotinning ismi jismiga, ayniqsa, ruhiga mos emas, "Rahima" atalgani bilan qalbida rahm-shafqat ozroq edi".

Yo'ldoshning otasi Ergash. Bu ism ham qisman o'z ma'nosidan kelib chiqib, asarda o'z mustaqil fikriga ega bo'lmagan, boshqalar fikriga ergashib ish tutadigan obraz sifatida tasvirlangan. Hattoki ayolining vafotidan ikki oy o'tar-o'tmas qarindoshlarining gapiga ergashib bir ayolga uylanadi, so'ng uning gapi bilan bolalarini ham xolasiga berib yuboradi. Bu ism asarda o'zidagi salbiylikni ko'rsatgan. Aslida farzandiga Ergash ismini qo'yayotgan ota-ona uni yaxshilarga, yaxshilikka ergashishini orzu qiladi. Ijodkor esa so'zning bu ma'nosidan ustalik bilan foydalanib o'zbek tilining so'z ma'nolari naqadar serqirra va boy ekanligini yana bir bor ko'rsatib bergan.

Adib chet elga borgan Yo'ldosh tanishgan qahramonni Mister Belden nomi bilan tilga oladi. Bu ismdan ijodkor o'sha muhitni kitobxon ko'z oldida jonli gavdalandirish uchun foydalangan.

Yuqorida ta'kidlaganimizdek, antroponimlar asarning hayotiylikini ta'minlovchi unsurlardan biri hisoblanadi. Ulardan foydalanish yozuvchi ijodidagi o'ziga xos ideal uslub sanaladi.

Badiiy asarlardagi qahramonlar xarakter-xususiyati va qiyofasini yoritishda esa, ko'pincha, yozuvchilar antroponimik birliklardan, ya'ni laqablardan, qahramon familiyasidan foydalanadilar. Bu kabi birliklar qahramonning kelib chiqishi, hayotdagi o'rni, kasb-kori, hayot tarzi, atrofida qilargalarga munosabati, tashqi ko'rinishi, kiyinishi va hokazolar haqida ma'lumot berishi mumkin. Badiiy asarda antroponimik birliklardan turli maqsadlarda foydalanish mumkin. Jumladan:

1. Biror shaxsni xarakterlovchi, uning ustidan hazil-mutoyiba yoki kamsitish, haqorat vositasi sifatida. Masalan: "...Ertasi Ulton piyonning vahimasiga «ergashib» rayondan chiqib kelgan bir to'da odam Quriqsoy yoqasiga enaverib, ko'ngil aynituvchi manzarani ko'rди» (Sh.Xolmirzayev). Bu misolda piyon so'zidan foydalanib ijodkor qahramonining ichkilikka berilgan kishi ekanligiga ishora qilyapti.

Bundan tashqari, ezmachuruk, shayton kabi so'zlar shaxsni salbiy tomondan xarakterlaydi. Bu xususiyati bilan ular laqabga yaqin turadi. Ammo hali laqab darjasiga ko'tarila olmaydi. Qachonki bunday so'zlar ijodkor tomonidan ko'p bor, o'sha ma'noda, o'sha shaxsni xarakterlash uchun qo'llanilsa, shaxsning doimiy atributiga aylansagina laqab darjasiga ko'tarilishi mumkin. Mana shunday darajaga yetganda bu so'zlar shaxsning ismiga qo'shilib aytila boshlaydi va laqab shakllanadi: Halima ezmachuruk, Karim shayton kabi.

2. Laqablarning shakllanishida laqab vazifasidagi so'zning shaxsning ismi o'rnida qo'llana boshlashi, ya'ni shaxsni ismi bilan emas, laqabi bilan atash odat bo'lishi ham mumkin. Bu holda laqab atoqli ot vazifasini bajara oladi. Laqabning shaxs ismi o'rnida qo'llana boshlanishi uni to'liq, ma'nodagi laqab holida shakllantiradi.

–Sadir Minullin degan odamni taniysizmi?

–Tanimayman.

Ha... To‘g‘ri, Minullinni tanimasligingiz mumkin, lekin Qozon deganni bilishingizni rad etolmasangiz kerak. Qozon – Minullinning laqabi (Tohir Malik).

(Tohir Malik)

3. Ijodkorning yana bir maqsadiga ko‘ra laqabga aylangan, aniqrog‘i laqab vazifasiga ko‘chgan so‘z doim shaxs ismi tarkibida, u bilan birga qo‘llaniladigan yoki ism o‘rnida mustaqil holda laqab vazifasini bajaradigan bo‘lib keladi. Bunda laqabning kishi ismidan keyin kelishi tipik holatdir.¹ Masalan: Po‘lat puchuqqa uchrashgandim, - garajda dispetcher edi, - ”Jo‘rajon, besh yuz so‘m bermasang, moshin ololmaysan” dedi. Menda sariq chaqayam yo‘q. Puchuq ko‘p gapiravergan edi, ”asli meni emas, seni qamashlari kerak edi” dedim. (Sh.Xolmirzayev)

4. Bundan tashqari laqablarning oddiy, funksional-nominativ vazifadan tashqari, uslubiy vazifani ham bajara olishidir. Bunga ko‘ra, o‘zbek tilida mavjud bo‘lgan laqablarning ma‘lum guruhlari badiiy adabiyot tilida uslubiy badiiy vosita sifatida qo‘llana boshlaydi. Badiiy adabiyot tiliga kirgan laqablar asarda ishtirok etuvchi asar qahramonlari, personajlarining xarakterini ochishda, ularni satirik, yumoristik vaziyatlarda tasvirlashda, asar tiliga emotsional-ekspressiv ruh bag‘ishlashda muhim rol o‘ynaydi.

Laqablarning uslubiy xususiyatlari badiiy tilda, ayniqsa, shaxslarning salbiy xususiyatlarini tasvirlash, asar qahramonlarining, qolaversa, yozuvchining laqab egasiga munosabatini ifodalashda juda qo‘l keladi.² Masalan:

–E! – dedi Hasan. Qulluq bo‘lsin, tiling chiqib qopti?

– Ha, tilimni... chiqardingiz, – javob qildi Shodagul pismiq. (Sh. Xolmirzayev)

Badiiy adabiyot tiliga kirgan laqablarning hammasi ham uslubiy bo‘yoqqa ega bo‘lmasligi mumkin. Agar bu xususiyat laqab egasining kasb-kori, mashg‘uloti, o‘zidagi belgi-xususiyat bilan bog‘liq bo‘lsa, yuqorida aytib o‘tilganidek uslubiy bo‘yoqqa ega bo‘lmaydi:

«Shunda Quyun **qo‘rboshi** o‘girildi».

«Uning otasi Rahmon **polvon** qirg‘ yoshida ham kurashda yiqilmagan, keyin bir o‘rta yashar o‘rtacha polvon bir qoqmada yiqitib qo‘yganida dardi shunchalikki, omborga bo‘yra to‘shab, ustidan suv sepi, unga bag‘rini berib yota-yota oldin yo‘talni orttirib, keyin qon qusa-qusa o‘lib ketgandi.»

«Omon **mergan** mahsi ustidan choriq kiyib olgan, oyog‘i yengil, qorga botmasdi.

«...Botir **cho‘pon** iljayib, quvonib dasturxon yozdi».

«Madiyor **dallol**ning o‘g‘li!» (Sh. Xolmirzayev).

Adiblarimizning ismlarni familiyalar bilan ham qo‘llagan holatlarini kuzatishimiz mumkin. Bu kabi ko‘rinishlarni yozuvchi, xususan, Shukur Xolmirzayev uslubida mansabdor shaxslarning obrazini ifodalashida uchratishimiz mumkin.

«**Kozim Puxtayev** ellikdan oshgan, mayin-ipakdek kishi.

«**Dilnura Qosimovani** kuzatib partkom kotibi ham chiqqach, **Husan Keldiyev** stol qoshida bir qo‘lini beliga tiragancha ikkinchi qo‘lini cho‘zib:

–Ana, qog‘oz, ruchka... Yoz, yoz!».

«Boyquvar tashqariga chiqqanida gardishi tepaga qayirib qo‘yilgan shlyapasini boshiga kiygan **Shoyim Shaydulov** bitta byuro a‘zosining «Moskvich» mashinasi yonida edi.

–Ajabo, men bilmay yurgan ekanman. Qoching yo‘ldan, – dedi. – Hov, **Xo‘jamboy Madiyorov!**»

Ijodkor Tohir Malik uslubida esa mansabdor qahramonlarni ularning mansabi orqali ifodalashini kuzatishimiz mumkin:

–**Prokurorning** ayblovinini tushundingizmi? Jinoyatingizga iqormisiz?

Sohib savolni tushunmagaday **sud hakamiga** qarab qoldi. **Hakam** yoshlarning o‘jarlik odatlari borligi uchun ham uni qistamadi.

Hakam prokurorga baqirib yubormaslik uchun, ko‘zlarini undan oldi.

Komissar avvaliga uning harakatini tushunmadi.

Shunday qilib, shaxs nomlariga qo‘shilib kelgan turli xil laqablar, familiyalar ushbu shaxslarning jamiyatdagi mavqeyi, o‘rnini ko‘rsatish bilan birga kitobxonga ma‘lum bir ruhiy zavq beradi, badiiy tasvirda obraz mohiyatini yanada yorqinroq anglashga yordam beradi va har bir ijodkorning o‘ziga xos tasvir vositasi bo‘lib xizmat qiladi.

¹ Тоҳир Малик. Падаркуш. Т., «Давр-пресс», 2014.

² O‘sha kitob.

Adiblarning turli davrlarda yaratgan asarlari til jihatidan bir-biridan farqlanadi. Ijtimoiy hayot taraqqiyoti, undagi o'zgarishlar, yozuvchi dunyo qarashining boyishi va o'zgarib borishi yaratgan adabiy asarlarning tiliga ta'sir etmay qolmaydi. Shuning uchun ham badiiy asar tili o'rganilar ekan, shu asarni yozuvchining boshqa asarlari bilan qiyoslash, o'ziga xos xususiyatlarini aniqlash zarur. Adib ijodiy tilini o'rganishda shu davr tarixiy sharoitini ko'rib chiqish bilan birga yozuvchining siyosiy-adabiy hayotdagi qaysi yo'nalishga mansubligi, uning dunyoqarashi va zamondoshlarining hamda o'tmish ijodkorlarining unga bo'lgan ta'sirini, shuningdek, asarning yozilish jarayonini e'tibordan chetda qoldirib bo'lmaydi.

Badiiy asar tilidagi antroponimlarni o'rganish bir tomondan tilshunoslikning antroponimika sohasi uchun ahamiyatli bo'lsa, ikkinchi tomondan tilshunoslikdagi eng dolzarb masalalaridan biri – badiiy asar tili va yozuvchi uslubi muammosiga ma'lum bir aniqliklar kiritishi bilan ahamiyatlidir. Badiiy asar tilida qo'llaniladigan antroponimlarni o'rganish o'zbek tili tarixida antroponimlarning o'rnini belgilash, bugungi kunga qadar qanday fonetik, leksik va grammatik holatlarni boshdan kechirganligi, semantik taraqqiyoti to'g'risida ma'lum bir xulasalar chiqarish mumkin bo'ladi. Bu, albatta, maqoladan ko'zlangan bir maqsad bo'lsa, ikkinchi maqsad antroponimning badiiy asar tilida qo'llanishini o'rganish bilan uning badiiy asar tilidagi ahamiyatiga e'tiborni qaratareb.

Demak, til juda serqirra hodisa. Shuning uchun ham tilni xalq hayoti bilan bog'liqlikda o'rganish lozim. Buning uchun bizga, birinchi navbatda, badiiy asarlar yordam beradi. Badiiy asardagi onomastik birliklar, xususan, antroponimlar ham mana shu millat, xalq hayoti va o'tmishidan olingan, unda o'z aksini topadi. Xuddi shuning uchun ularni o'rganish va tadqiq qilish muhimdir. Bu orqali biz o'z milliyligimiz, tariximizni bilish va anglashda yana bir qadam oldinga siljiymiz. Men o'ylaymanki, istiqloq davri ijodkorlarining o'lmas merosi bizga ana shu bir qadam oldinga harakat uchun juda kata yordam berdi.

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, badiiy asarda antroponimlar shaxs va jamiyat munosabatlarini ko'rsatuvchi manba bo'la olishi mumkin. Ulardan o'rinli foydalanish esa asar tilini jonli xalq tili bilan yaqinlashtiradi, har qanday antroponimik shakllarni esa, o'z navbatida, milliylikni ko'rsatuvchi qurol sifatida baholashimiz mumkin.

**Раджапова Феруза Абдуллаевна, Урганч Давлат университети
Факультетлараро чет тиллар кафедраси мудири, PhD; feruzakhon2009@mail.ru
СУХБАТЛАРДА ИЖОДКОР АДАБИЙ ҚАРАШЛАРИ**

***Аннотация.** Мақолада Эркин Аъзамнинг адабиёт ҳақидаги қарашлари, фикрлашлари, адабий жараёнга, бадий асарга, адабий муаммоларга муносабати унинг адабий суҳбатларида акс этиши ёритилади.*

***Аннотация.** В данной статье идет речь о взглядах Э.Азема о литературе, литературном процессе, художественных произведениях и проблемах литературы.*

***Annotation.** The views of E.Azam in his creative speeches about literature, the literary process and problems are given in this article.*

***Калим сўзлар:** услуб, характер, сўз масъулияти, адабий таъсир ва жараён, адабиёт, ижодкор шахси, сўз қўллаш маҳорати, кўнгил.*

***Ключевые слова:** стиль, характер, ответственность слова, литературное влияние и процесс, литература, личность творческого человека, способность использования слова, душа.*

***Key words:** style, character, the responsibility of the word, literary influence and process, literature, the personality of the writer, the skills of word using, soul.*

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам ўзбек адабиётининг таниқли намояндаларидан бири. Унинг ижодий бисотини ранг-баранг асарлар ташкил этади: роман, 15 га яқин қисса, киноқисса, 40 дан зиёд ҳикоя, шунингдек, қатор публицистик мақола, миниатюралар ва бошқалар. Мавзу, жанр ва услуб жиҳатдан турфа бу битикларда муаллиф истеъдодли носир, киносценарист, драматург, журналист, умуман, бадий сўз устаси сифатида намоён бўлади. Қувончлиси шуки, унинг қатор асарлари Европа халқлари тилларига таржима қилинмоқда, киноэкранларда намоён этилмоқда. Эркин Аъзамга хос бетакрор талантни фақат бадий тафаккур билан чеклаш бирёкламалик бўларди. Чунки унинг қаламига мансуб публицистик асарларда адабий-назарий қарашлар ҳам муайян ўрин тутадик, улар ижодкор феноменининг кирраси сифатида аҳамиятлидир.

Эркин Аъзам адабий қарашлари унинг фикр камрови, мустақил мулоҳаза доираси кенглигидан, бадий ижоднинг ижтимоий-эстетик моҳиятини чуқур англагани ва асарларининг асосий қис-

мини муаллифнинг адабий суҳбатларидаги фикрлари ташкил этади. Муаллифнинг 15 дан ортик адабий суҳбатлари мавжуд бўлиб, улар катта қизиқиш уйғотган. Зеро, адабий танқиднинг кенг тарқалгани суҳбат жанрида “суҳбатдошларнинг адабиёт ҳақидаги қарашлари, фикрлашлари, бадий ва илмий тафаккур тарзи, адабий жараёнга, бадий асарга, адабий муаммоларга муносабати, эстетик ақидалари ёрқин намоён бўлади”.¹ Бу хусусиятлар адиб суҳбатларида тўла акс этади. Уларда куйидаги масалаларга муносабат асосий ўрин тутлади:

1. Ёзувчи ижодининг шаклланиши, изланиш машаққатлари, айрим асарларининг яратилиши, услуби, характер, образ хусусиятлари.

2. Адибнинг адабий ижодга оид қарашлари, адабиётнинг ижтимоий-эстетик моҳияти, адабий таъсир ва жараён.

3. Ҳозирги ўзбек адабиёти, айрим ёзувчилар асарларини баҳолаш, китобхонлик, адиб ва сўз масъулияти.

Унинг адабий мулоқотларида икки жиҳат кўзга ташланади: 1) олимлар билан суҳбатда суҳбатдоши адабиётшунос ва муҳлис сифатида ёзувчи ҳаёти ва ижодига тўхталиб, унинг бирон жиҳатига оид савол билан мурожаат этади; 2) журналистлар билан мулоқотда бу қисм бирмунча қисқарок бўлиб, тўғридан-тўғри саволга ўтилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам уларни танланган мавзуга муайян алоқадорлиги даражаси маълум бўлади ва асосий фикр адиб жавобларида акс этади.

Табиийки, ҳар бир суҳбатдош адиб ижодининг ўзини кўпроқ қизиқтирган масалаларини билишга интилади. Филология фанлари номзоди М.Қўчқорова ёзувчининг ёшлиги, адабиётга кириб келиши, ижод тадрижи ва ижод типларининг англашини қилишга ҳаракат қилади. Бу хусусда адиб ўзининг оила муҳити, китобга меҳри ва дастлабки машқларини баён этади, ўн тўрт ёшидан ҳикоялар ёза бошлаганини эътироф қилади.

Маълумки, Э.Аъзам санъатнинг уч турида – адабиёт (наср), кино, театр соҳасида ижод қилмоқда. Суҳбатдошининг бу хусусдаги “Бу уч санъат турида бадий шартлилик бир-биридан кескин фарқ қиладимиз?” деган саволига адиб берган жавоб яна-да характерлидир: “Ҳар учала санъат турининг асоси, сарчашмаси битта – Адабиёт, сўз. Ижод шакллари эса турлича. Кино, аввало, тасвир ва ҳаракат негизига қурилади, узокдан-узок изоҳу кўп сўзликни кўтармайди, бадий ижодга яқин туради. Театр санъатида эса “макон+замон” ҳақиқати бирлиги заруриятдир”.²

Филология фанлари номзоди Г.Сатторова билан суҳбат мазмуни бугунги адабий жараён, унинг турли қирралари, типология ва ўзига хослик, адабий таъсир каби масалаларга қаратилган. Адабиётшуноснинг ҳозирги адабий жабҳа ҳақидаги фикри муносабати билан уни (жараёнли) йўл ўртасида тўхтаб қолган аравага ўхшатади. Ижодда таклид ва таъсир хусусидаги “Адабиётдаги уйғунлик ва ўхшашликларни қандай баҳолаш керак? Умуман, адабий таъсир ижобий ҳодисами ёки аксинча қараш тўғрими?” деган саволларга бундай жавоб берилади:

– Таклид, адабий таъсир, ўрганиш деган гаплар янгилик эмас, “сайёр сюжет” тушунчаси ҳам азалдан маълум. Бир-биридан беҳабар ижодкорлар мазмунан яқин, уйқаш асарлар яратиб қўйиши мумкин. Бу асарлардан ҳар бирининг ўз ўрни бор, сиртки ўхшашликларига қарамай, уларнинг ҳар бирида мавзуга алоҳида ёндашув, қўйилган муаммонинг мустақил талқинини кўрамиз, сюжет йўналишида маълум яқинлик кўрилиши мумкиндир, аммо руҳ, талқин, нафас ўзгача, янгича бўлмоғи даркор”.³

Адиб ўз фикрини турли миллий адабиётлар вакиллари Ч.Айтматов, В.Распутин, С.Аҳмад, Г. Матевосян асарлари мисолида далиллайди. Бу ҳол унинг адабиётлар ва ёзувчилар ҳамкорлиги ва боқий ижоднинг алоқадорлик қонуниятидан яхши хабардорлигини кўрсатади.

Ушбу мулоқот давомида суҳбатдош адибнинг баъзи асарлари юзасидан баҳсга ҳам киришадди, ўз позициясини баён этади. Чунончи, “Забаржад” қиссаси қаҳрамони Забаржадни ўзбек қизларидан фарқ қилиши, туйғуларига эрк бериб, кўнгил амри билан яшаши китобхонларга эриш туюлиши мумкинлигига диққат қаратади. Бунга жавобан муаллиф қаҳрамонларни осмондан олиб ё ичидан тўқиб ёзмаганини таъкидлар экан, ўзбек хотин-қизлари фақат Кумушбиби ёки Зеби-Зебоналар эмасдир. Бугун у ўзгарган. Қаҳрамонни кечаги адабиётдан эмас, бугунги воқелиқдан қидирсангиз, Забаржаддан баттарлари ҳам топилади, деяр экан, ўз сўзини қуйидагича яқунлайди: “Му-

¹ Носиров Б., Расулов А ва бошқалар. Ўзбек адабий танқиди тарихи. Т., “Тафаккур қаноти”, 1992, 388-бет.

² Э.Аъзам. Асосий машғулоти – адабиёт, аммо омадим кинода чопди. “Шарқ юлдузи”, 2014, 1, 160–161-бетлар.

³ Эркин Аъзам бадий олами. Тўплам. Тошкент. “Турон замин зиё” нашриёти, 2014, 220-бет.

аллиф ҳаётдан ва адабиётдан хабардор кўзи очик китобхонга ишонади, бу ишга бирон ғараз ёки фирромлик аралашмаган”.

Кўринадики, адиб ўз қарашларини идеал, ўзгармас деб ҳисоблайди, ўз позициясини мажбуран тикиштирмайди, балки суҳбатдошининг эркин фикрлашига имкон беради, уни тўлдиради ёки изоҳлайди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, суҳбатлардаги фикрлар марказида, табиийки, ижодкор шахси, сўз қўллаш маҳорати, бадиий кашф этишдаги ўзига хослик ва адабиётнинг инсонни маънавий юксалтириш каби масалалар туради. Э.Аъзам бу жиҳатдан ўз тажрибасига, бошқа ижодкорлар намуналари ва сабоқларига суянади, мустақил қарашларини изҳор этади. Мулоқотда нисбатан кенгрок мулоҳазалар ижод жараёнига, илҳом, кўнгил ва истевдод биилан боғлиқ тушунчаларга дахлдор. Биламизки, муаллиф “кўнгил”ни қатор асарларида тилга олиб, ижодкор бурчини у билан боғлайди. Унинг фикрича, “кўнгил бир одамга – эгасига оғирлик қиладиган матоҳ”. У жами дардини қоғозга тўқади, аламини қоғоздан олади. Бу олам унга ўзи кўрган, ўзи билган норисоликларни ҳаёлида (бўлажак асарида) саралаб, ижодий ниятига мослаб, айрича бир дунё яратади. Адабиётни бир кўнгилни бошқа бир кўнгилларга арзи ҳоли, ҳасрати деса ҳам бўлар. “Мени ёзганларим, чизганларим чатоқ феълимнинг устидан ғалабадир. Адиблик шаънини қадрлайдиган одам эп-лаб ёзади. Шунда ҳам ўзининг кўнгил хотиржам, ҳам китобхон миннатдор!” Адибнинг ушбу фикрида ижод жараёнида кечадиган тутумлар, ёзувчи ҳаёлининг реаллашуви, характеридаги хусусиятларни асарларида акс этиши, руҳияти билан амалиётининг муносабати каби масалалар қайд этилган. Буларнинг “кўнгил” билан алоқадорлиги ҳам бежиз эмас. Негаки, адибнинг кўпчилик асарларида “кўнгил” образи талқини кўп учрайди, муаллиф унга жиддий бадиий-эстетик вазифа юклайди. Суҳбатларда баён этилган мулоҳазалар мазмуни бир нуқтада – адабиёт ва ижодкор изланишларнинг моҳиятида мужассамлашади ва якуний хулосани умумлаштиради. Қуйидаги савол-жавобда бу ҳол ифода топган:

–Адабиёт дегани нима ўзи? У қандай сирли, сеҳрли кучки, кишининг қалбу шуурини, тафаккурини ўзгача жунбушга солиб юборади?

–Бу борада сиз мenden фавкулдда доно бир фикр кутаётгган бўлсангиз, янглишасиз. Адабиёт, аслида, ҳаётга тақлиддан пайдо бўлган бўлса ҳам, у жўн айнан тақлид эмас – ижодкор кўнгилда қайта ишланган, жило берилган воқеликнинг бадиий тасвиридир. Уни инсонга тасалли берадиган, завқ бағишлайдиган, зарур чоғда ибрат ҳам бўладиган фан дея таърифласак, янглишмай-миз”.

Э.Аъзамнинг адабий қарашлари ниҳоятда кўпқиррали бўлиб, унинг ўтмиш ва ҳозирги жаҳон ва миллий бадиий тафаккури, эстетик фикрларни чуқур билишидан гувоҳлик беради. Уларнинг бир қисми унинг фақат адабиёт хосиятлари хусусидаги қуйидаги оҳорли субъектив мулоҳазаларида кўринади:

1) умр бўйи китоб титиб, XIX аср рус адабиётидан буюкроқ адабиётни кўрмадим; 2) чинакам бадиий асарда фикр-қарашлар гоҳо муаллифни “бўйидан” ўзиб кетиши мумкин; 3) ёзувчилик даъвоси билан чиқдингми, гап санъатга эмас, сўз санъатига амал қилиб ёзинг; 4) мени асарнинг жанри эмас, унда эришиладиган бадиий натижа қизиқтиради; 5) чинакам бадиий асар ҳамиша кашфиёт, янгича бўлмоғи лозим ва уни сира иккиланмай модерн намуналари қаторига қўшса бўлади; 6) ёзувчилик – бир умр ҳаловатсизлик, уни ўзимдан бошқага раво кўрмайман; 7) асл истевдодни эгиб, истевдодсизликни эса даволаб бўлмайди; 8) адабиётни севган, китобни кўп ўқиган одам бой-бадавлат бўлмаслиги мумкиндир, лекин кам бўлмаслиги аниқ”.

Шунингдек, адибнинг ҳозирги адабиётдаги рамзийлик, модерн услуб, китоб тарғиботи хусусидаги фикрлари ҳам теран ва асослидир. Яна бир гап. Э.Аъзамнинг кўламдор адабий-эстетик қарашлари бутун ижодига сочилиб кетган. Уларнинг асосий қисми юқорида кўчирма олинган “Эркин Аъзам бадиий олами” китобига жамланган. Бу битикларни адабий-назарий жиҳатдан яхлит ҳолда талқин ва таҳлил қилиш ёзувчининг нафосат, гўзаллик ва эстетик фикрларини кенгрок билишга, у ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишга имкон беради.

Nematova Nargiza Azimovna (Navoiy davlat pedagogika instituti)

Fakultetlararo chet tillar kafedrasi ingliz tili fani o'qituvchisi; e-mail: nargizanematova@mail.ru

TARJIMASHUNOSLIKDA MARK TVEN ASARLARINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Annotatsiya. Tarjima tufayli buyuk so'z ustalarining o'lmas asarlari dunyoning minglab tillarida jaranglaydi. Gomer, Sofokl, Vilyam Shekspir, Ioxann Gyote, Onore de Balzak, Aleksandr Pushkin, Lev

Tolstoy, E.Heminguey, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur, Gi de Mopassan va boshqa o'nlab adiblarning asarlari dunyoning deyarli barcha xalqlari tillariga tarjima qilingan. Maqolada tarjima san'atining dunyo elatlarini bir biri-bilan muloqotida qanchalik muhim o'rin tutishi va M.Tven ijodining tarjima masalalari yuzasidan fikrlar keltirilgan.

Аннотация. Благодаря переводу, бессмертные произведения великих мастеров слова звучат на тысячах языков мира. Гомер, Софокл, Вильям Шекспир, Иоганн Гете, Оноре де Бальзак, Александр Пушкин, Лев Толстой. Произведения Хемингуэя, Алишера Навои, Захириддина Мухаммада Бабура, Ги де Мопассана и десятков других писателей переведены на языки практически всех народов мира. В статье рассказывается о том, как искусство перевода имеет важное значение в общении мировых элит; приведены примеры перевода из творчества М.Твена

Annotation. Because of the translation, immortal works of the great word masters resonate in thousands of languages of the world. Homer, Sofokl, William Shekspir, Iohann Gyote, Onore de Balzak, Alexander Pushkin, Lev Tolstoy, The works of E.Hemingway, Alisher Navoi, Zahiriddin Muhammad Babur, Gi de Mopassan and dozens of other writers have been translated into the languages of almost all peoples of the world. The article describes how important the art of translation is in the communication of the world nation with one another and opinions on the translation issues of M. Twain's creativity are presented.

Kalit so'zlar: tarjimashunoslik, Mark Tven, yumoristik va satirik asarlar, tarjima, adabiy ta'sir, "variant", Amerika adabiyoti.

Ключевые слова: переводческий, Марк Твен, юмористические и сатирические произведения, перевод, литературное влияние, "вариант", американская литература.

Key words: translation, Mark Twain, humorous and satirical works, translation, literary influence, "option", American literature.

Kirish. Mamlakatlar va xalqlar madaniy hamkorlik va aloqalarining rivojlanishi, mustahkamlanishi, millat va elatlar madaniyati yuksalishi adabiyot, ayni tarjima ishlarisiz tasavvur etib bo'lmaydi. Tarjima xalqlar o'rtasida o'zaro iqtisodiy-siyosiy, ilmiy va madaniy sohalarning takomillashuviga zamin yaratadi. Tarjima – milliy tillarning rivojini va adabiy ta'sir jarayonini tezlashtiradi, lug'at boyligini boyitishga xizmat qiladi. Milliy adabiyotlarda umuminsoniy g'oyalar, yangi mavzu va yangi janrlarning paydo bo'lishiga olib keladi.

Bu borada AQSH yozuvchisi Mark Tven (1835–1910) ijodiga to'xtalishni lozim topdik. Yumoristik va satirik asarlar muallifi Mark Tven ijodining ahamiyati zamonlar o'tgan sari tobora to'laroq ochila borayotgan va jahon adabiyoti tarixida o'chmas iz qoldirayotganligidadir. Adibni hayotligidayoq ayrimlar faqat yumorist, o'tkir kulgi ustasi sifatida baholashsa, ayrimlar unga Amerika jamiyatining tanqidchisi sifatida qarashdi. Mark Tven taxallusi, asl ism sharifi Semuel Lengxorn Klemens 1835-yil 30-noyabrda Floridada (Missuri shtati) tug'ilgan. Amerikalik yozuvchi o'spirinlik va yigitlik yillarida darbadarlikda kun kechirgan, turli kasblar bilan shug'ullanib, tirikchilik o'tkazgan, keyinchalik, gazeta tahririyatlarida ishlagan. U o'z davri bolalar va o'smirlarining tipik namunasini aks ettirgan mashhur asarlar yaratgan. Folklor sujeti asosida yozilgan "Kalaverasdan chiqqan mashhur sakrovchi qurbaqa" asari (1865)da sodadil amerikaliklarning hazil-mutoyibasi va hayoti tasvirlangan.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili (Literature review). Murakkab hodisa hisoblangan jahon adabiy jarayoni barcha adabiyotlarni doimiy bir-biriga u yoki bu darajada ta'sir ko'rsatib turishini taqozo etadi. O'z qonun-qoidalari asosida, tashqi ta'sirdan xoli sof milliy adabiyotni topish qiyin. Biroq adabiyotshunoslikka oid ishlarda adabiy ta'sir masalasini o'rganishda ehtiyot bo'lish kerakligi talab etiladi. "Adabiy ta'sir masalasini o'rganish ilmini turli yozuvchilar ijodidagi hamma va har qanday tashqi o'xshashlik va monandlikni qidirishdan iborat ermakka aylantirib qo'yish yaramaydi".¹Shu boisdan tarjimashunoslik sohasida bir adibni ikkinchi bir adibning "soyasiga" aylantirib qo'yimaslik, bir milliy adabiyotda yaratilgan asarni boshqa adabiyotda mavjud asarning "variant" deb qaramaslik lozimdir.

Adabiyotshunos F.K.Sulaymonova ta'kidlaganidek, "hech qachon hech qaysi xalq, elat boshqa xalqlardan uzilib qolgan, o'z holicha yashagan emas, aks holda, hech qanday taraqqiyot bo'lmagan bo'lar edi".² Bunga ko'ra, har bir elat adabiyoti kelib chiqishi boshqa bir millat adabiyotiga borib taqaladi. Jahon adabiyotida o'zbek adabiyotining o'rni badiiy tarjimalarda o'z ifodasini topadi. Bobur prozasi – fransuz

¹ Salomov G'. Tarjima nazariyasiga kirish. T., "O'qituvchi", 1978, 128-bet.

² Sulaymonova F. Sharq va G'arb. T., "O'zbekiston", 1997, 3-bet.

tilida, Abdulla Qodiriy kitobi – nemis tilida, Abdulla Qahhor komediyasi – grek tilida va hokazolar bunga yaqqol misoldir. Jugʻrofiy “Koordinat”lari tobora kengayib borayotgan katta tarjima adabiyotini ilmiy tomondan yoritish tarjimashunoslik fani oldida turgan dolzarb masalalardan biridir.

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology). Yer yuzida yashovchi barcha xalqlar, ularning vakillari bir-birlari bilan, asosan, tarjima orqali muloqot qiladilar. Xalqlar, millatlar oʻrtasida siyosiy, iqtisodiy, madaniy-ijtimoiy aloqalar kuchaygani sayin tarjima ham, tarjimachilik ham kuchayib boraveradi. “Tarjimachilik faoliyatining bosh yoʻnalishi turli tillarda gaplashuvchi xalqlarni oʻzaro tanishtirish, adabiyot orqali oʻzaro muloqotini tashkil etish, boshqacha aytganda, madaniyatlararo kommunikatsiya imkoniyatini yaratishdir”.¹

Amerika shoiri va publitsisti Lengston Xʻyuz (1902–1967) 1934-yili Oʻzbekistonga tashrif buyurgan, qora tanli boʻlgan bu shoir oʻzbek adib-shoirilari bilan, shu jumladan, Gʻafur Gʻulom bilan doʻstona munosabatda boʻlgan, ijodiy hamkorlik qilgan. “Xʻyuz oʻz ijodida blyuzlar, Jahon xalqlarini bir-birlaridan ajratuvchi ham, ularni birlashtiruvchi vosita ham – tildir. AQSH adiblari asarlarini oʻzbek tiliga tarjima qilib, tarqatish borasida “Jahon adabiyoti” jurnalining oʻrni beqiyosdir. Jurnal 1997-yildan beri oʻnlab AQSH adib va shoirlarining katta-kichik asarlarini eʼlon qildi. XX asr AQSH adabiyoti va sanʼatining yirik vakili Sidni Sheldonning “Orziqib kutaman ertani”, J.X.Cheyzning “Gonkongdan kelgan tobut”, Stenli Gardnerning “Jilmaymagan gorilla” va “Jonsarak qoʻgʻirchoq”, Irvin Shouning “Tungi darbon” va “Boy va kambagʻal”, G.R.Lotmanning “Rotfilʼdlar – bankirlar qirol”, Ken Kizining “Kakku uyasida”, Lesli Uollerning “Bankir” romanlari va J.Filippning “Qingʻir yoʻldan” qissasi, Rey Bredberining “Marsga hujum” va “Farengeyt boʻyicha 451 daraja”, Torn Smitning “Millioner va jodugar oyimcha” fantastik romanlari hamda Reks Stautning “Qayoqqa qarama – oshpaz” detektiv qissasi shular jumlasidandir.²

Tahlil va natijalar (Analysis and results). Amerika yozuvchilari orasidan Mark Tven asarlari oʻzbek tiliga koʻp tarjima qilingani bilan xarakterlidir. 1939, 1940, 1948-yillarda “Tom Soyerning boshidan kechirganlari”, 1947 va 1960-yillarda mazkur asarning davomi “Geklberri Finning boshidan kechirganlari”, 1962-yili “Shahzoda va gado”, 1959-yili “Hikoya va pamfletlar toʻplami”, 1963-yili “Ezma Bessi”, hikoyalar toʻplami va nihoyat, 1966-yili “Janna Dʻark” tarixiy romani oʻzbek tiliga tarjima qilindi. Bu asarlar ichida oʻzbek xalqida chuqur taassurot uygʻotgan. Yozuvchining noyob asarlaridan boʻlmish, sarguzasht asarlari “Geklʼberri Finning boshidan kechirganlari” romanini Odil Rahimiy, “Tom Soyerning boshidan kechirganlari” asarini Ilyos Muslim oʻzbekchaga oʻgirdi. Ushbu sarguzasht asarlaridagi yumorlar har qanday kitobxonni oʻziga rom aylaydi. Bu oʻzbek kitobxoniga ham juda maʼqul tushadi. Albatta, bu borada tarjimaning nechogʻlik mukammal ekaniga ham alohida eʼtibor qaratish lozim. Muvofaqiyatli tarjimani ushbu misolda koʻrishimiz mumkin (Mark Twain (Samuel Clemens) The Adventures of Huckleberry Finn):

“And here was Auntie pegging away at the questions, and me a shaking all over and ready to sink down in my tracks I was that scared; and the place getting hotter and hotter, the butter beginning to melt and run down my neck and behind my ears; and pretty soon, when one of them says, „I’m for going and getting in the cabin FIRST and right NOW, and catching them when they come ”, I most dropped; and a streak of butter come a-trickling down my forehead, and Aunt Sally she see it, and turns white as a sheet, and says: “For the land’s sake, what is the matter with the child? He’s got the brain-fever as shore as you’re born, they’re oozing out! ” And everybody runs to see, and she snatches off my hat, and out comes the bread and what was left of the butter, and she grabbed me, and hugged me and says.”³

Odil Rahimiy tarjimasi (“Geklʼberri Finning boshidan kechirganlari”):

Salli xolaning mendan nuqul gap soʻrayverganini aytmaysizmi! Oʻzim qoʻrqib ketganimdan dir-dir titrab oʻtiribman, uying ichi tobora isib, shlyapam tagidagi moy erib, boʻyinlarimdan va yelkalarimdan oqib tusha boshladi; fermerlardan biri: “Hozirning oʻzida bostirmaga kirib, oʻsha yerda poylab oʻtirish kerak, ular kelishi bilan tutib olish kerak”, – degan edi, oʻtirgan yerimdan yiqilib tushishimga sal qoldi, buning ustiga, moy peshonamdan ham oqib tusha boshladi. Salli xola uni koʻrib qolib oppoq oqarib ketdi-da: Yo xudoyim! Bolaga nima boʻldi-ya? Miyasi yalligʻlanganga oʻxshaydi, qaranglar, miyasi oqib tushyapti!⁴

¹ Amerika hikoyalari. T., “SMI-ASIA”, 2013.

² Sheldon Sidni. Orziqib kutaman ertani. “Jahon adabiyoti”, 1998, № 10,11,12, ruschadan Sh.Usmonxoʻjaev tarjimasi; Cheyz Jems Xeydli. Gonkongdan kelgan tobut. “Jahon adabiyoti”, 1999, № 3, 4.

³ Mark Twain (Samuel Clemens) The Adventures of Huckleberry Finn. August 20, 2006 www.gutenberg.net.

⁴ O.Rahimiy. Geklberri Finning boshidan kechirganlari. Toshkent, 1955, 293-bet.

Mark Tvenning «Tom Soyerning boshidan kechirganlari» va «Gekl'berri Finning boshidan kechirganlari» romanlarida XIX asr ikkinchi yarmi – XX asr boshidagi AQSH bolalarining og'ir qismati haqida hikoya qilinadi.

Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations). Umuminsoniy maqsadni ko'zlab qalam tebratgan har bir yozuvchi va shoirning asarlari faqat o'z xalqining mulki bo'lib qolmay, balki butun insoniyatning ham boyligidir. Barcha xalqlar bir-birining adabiyoti va madaniyati bilan uzviy aloqa o'rnatgan taqdirdagina o'zlarining adabiyoti va madaniyatini rivojlantira oladilar. Jahon adabiyoti durdonalari tarjima tufayli bir tildan boshqa tilga o'girilganda, o'sha tilda so'zlashuvchi xalqning milliy ongini o'stirishda, yangicha estetik did paydo qilishda, dunyoqarashini tarbiyalashda faol rol o'ynaydi. Demak, tarjima tarbiyaviy, ma'rifiy ahamiyatga ega. Original adabiyot orqali o'z xalqimizning o'tmishi, bugungi va kelajak hayotini o'rgansak, badiiy tarjima asarlari orqali o'zga xalqlarning hayoti, o'tmishi, turmush tarzi bilan tanishamiz. Original adabiyot ham, tarjima adabiyoti ham bir xil ahamiyatga ega, ular bir xil rivojlanaadi. Biror asarning boshqa tilga tarjima qilinishi, avvalo, asarning o'ziga, so'ngra uning muallifiga bog'liq. Asar boshqa tilga tarjima qilinishi uchun tarjima qilinayotgan tilda unga ehtiyoj bo'lmog'i lozim. Ana shundagina asar ham, uning muallifi ham o'zga yurtda muvaffaqiyatga erishadi.

Mark Tvenning romanlari o'zbek milliy adabiyot vakillarining asarlaridan qahramonlarining ijtimoiy hayoti va qarashlari bilan tubdan farq qilishiga qaramay, uning ijodi adabiyotimizni hech qachon befarq qoldirmagan. Bunig asosiy sababchisi esa tarjimonlarimizning mahorati va AQSH adabiyotiga bo'lgan qiziqishda, deb bilamiz.

Xudorberdieva Gulasal Shuxratovna (Toshkent davlat texnika universiteti ingliz tili amaliyoti kafedrasida o'qituvchisi), Adilova Shaxnoza Rahimovna (Toshkent davlat texnika universiteti ingliz tili amaliyoti kafedrasida kafedra mudiri)

JOAN ROULINGNING ASARLARIDAGI SEHRLI OLAMNING DINAMIKASI

Annotatsiya. *Hozirgi zamon adabiyotida janrlar xilma-xilligi tufayli, o'quvchini har qanday ijod maxsuliga jalb qilish biroz mushkul. Bu esa, o'z navbatida, butun dunyo ijodkorlariga o'z ustilarida ishlashga katta imkoniyat beradi. Xususan, Joan Rouling tomonidan yozilgan asarlarda o'ziga xos janr qo'llangan bo'lib, unda sehrli olam gavdalanadi. Ushbu maqola ingliz yozuvchisining asarlarining tahliliga bag'ishlanadi.*

Аннотация. *На сегодняшний день читателей очень сложно заинтриговать, увлечь каким-либо литературным произведением, в связи с многообразием литературы всех жанров и направлений. Это повышает планку требований для писателей всего мира. Не у всех получается достигнуть нужного уровня, чтобы их произведения становились бестселлерами. В частности, в произведениях, написанных Джоан Роулинг, использован уникальный жанр, в котором воплощен волшебный мир. Данная статья посвящена анализу произведений английского писателя.*

Annotation. *Nowadays, it is very difficult to intrigue or captivate readers with any literary work, due to the variety of literature of all genres and trends. This raises the bar for writers around the world. Not everyone succeeds in reaching the required level for their works to become bestsellers. In particular, the works written by Joan Rowling used a unique genre, in which the magical world is embodied. This article is dedicated to the analysis of the works of the English writer.*

Kalit so'zlar: *sehr, janr, dinamika, asar, bestseller.*

Ключевые слова: *колдовство, жанр, динамика, произведение, бестселлер.*

Keywords: *magic, genre, dynamic, novel, bestseller.*

Hozirgi zamon yozuvchilari uchun o'quvchilarni hayratda qoldirish va nafaqat sujetni, zamonaviy bo'lgan mavzuni qamrab oladigan chinakam maftunkor kitobni taqdim etish juda qiyin.

1997-yil 6-iyunda Britaniyaning "Bloomsbury Publishing" kitob nashriyotlaridan biri «Garri Potter va Sehgarning toshi» kitobini nashr etadi. Kitob o'quvchilar orasida shiddat bilan muvaffaqiyat qozonadi. Asarning qismlari chiqarila boshlagandan so'ng, sotilgan nusxalar soni keskin o'sib boradi va ushbu kitoblarning sotilish vaqti kamayadi. Statistika uchun yosh sehgargar haqidagi kitoblar 67 tilga tarjima qilingan. Birinchi kitobning birinchi nashri 500 nusxani tashkil yetdi. 10 yil o'tib, 2007-yilda, kitobning oxirgi yettinchi qismi nashr etilgandan so'ng, birinchi kuniyoq 11 million nusxada sotildi. Bugungi kunga qadar Garri Potterni sotilgan kitoblari soni yarim milliarddan oshdi.

Dastlab, ushbu asar sujeti bilan biroz tanishib chiqamiz. Garri Potterni hikoyasi – ota-onasini hiqoyasidagi asosiy antagonisti – Lord Voldemort tomonidan o'ldirilgan yosh sehrar haqidagi hikoyadir. Barcha yettita kitob davomida yosh qahramon yovuz kuchlarga qarshi kurash olib boradi va barcha zamonalarning eng xavfli sehrarlarini va uning tarafdorlarini yo'q qilishga harakat qiladi. Har bir keyingi kitobda Potter yangi xavf-xatarlarga, muammolarga duch keladi, ularni hal qilish uchun, ko'pincha, butun maktab majmuasini, ba'zan esa sehrli qoidalar va qonunlarni buzish kerak bo'ladi.¹

Bola atrofida uni himoya qilishga, yordam berishga va qutqarishga harakat qilayotgan do'stlari va ustozlari bor. Ularning orasida eng mashhurlari Garri Potterni asosiy ustoz – Albus Dambldor, uning dono maslahati unga eng qiyin vaziyatlarda yordam bergan. Ikkita eng yaxshi do'stlar – Ron Uizli va Germiona Greyner, ularning yordami bilan Garri ko'p marta g'alaba qozonadi.²

Yuqorida asar voqealari bizning dunyomizga o'xshash dunyoda sodir bo'lishini aytib o'tgandik, Rouling tasvirlagan dunyoning real dunyodan farqi shundaki, unda oddiy odamlar (Rouling bu o'rinda "magl" so'zini qo'llaydi) bilan birga sehrarlar va afsungarlar ham hayot kechirishadi.

Ular turli afsunlar o'qib, sehrli tayoqchalari yordamida xohlagan ishlarini bajara olishadi, ammo oddiy odamlar, ya'ni magllar o'zlari bilan yondash yashayotgan bunday kishilar borligidan butunlay be-xabar. "Chunki ular hech qachon hech nimaga e'tibor berishmaydi." *'How come the Muggles don't hear the bus?'* said Harry. *'Them!'* said Stan contemptuously. *'Don't listen properly, do they? Don't look properly either. Never notice nuffink, they don't.'*³ Rouling Tolkindan farq qilgan holda butunlay xayoliy dunyo yaratmay, aksincha, real hayotning ayrim ko'rinishlarigina o'zgartirilgan sehrarlar dunyosini tasvirlagan. Qiyoslab ko'radigan bo'lsak, sehrarlar yashaydigan dunyoda ham xuddi biznikidagidek maktab, kasalxona, turli idoralar, temiryo'l, hatto gazeta va jurnallar ham bor. Sehr va afsunlar yordamida hamma ishga qodir bu sehrarlar oddiy odamlar foydalanadigan texnikani o'z hayotlarida qo'llashmaydi. Ularning magllar ishlatadigan texnikaga munosabati Viktoriya davridagi munosabatdan farq qilmaydi, hatto texnikaning sehrarlar dunyosiga kirib kelmasligi Sehrarlik ishlari vazirligining maxsus qo'mitasi tomonidan qattiq nazorat qilinadi. Jumladan, "Garri Potter va maxfiy xona" qismida hech qachon telefondan foydalanib ko'rmagan Ron Uizlining Garriga qo'ng'iroq qilishi lavhasi o'quvchida kulgu bilan birga hayrat uyg'otadi. Nahotki, ko'pgina hayratlanarli ishlarga qodir sehrarlar oddiy telefondan foydalana olishmasa? Bunga o'xshash voqealar asarda yana ko'plab topiladi. Masalan, ular pochta o'rnida xat tashuvchi boyqushlardan, yozuvda esa ruchkalar o'rnida pat va siyohdan foydalanishadi. Elektr toki va elektr uskunalar sehrarlar dunyosi uchun, umuman, begona: maktab va uylar sham bilan yoritiladi, chunki afsun va sehr texnik asboblarni ishdan chiqarib, sehr-jodu qo'llaniladigan hududlarda elektr toki ham ishlamay qoladi.⁴

Maktablarni solishtiradigan bo'lsak, Angliyada o'quvchilar olti yil davomida boshlang'ich maktabda tahsil olishgach, o'n bir yoshda o'rta maktabga o'tishadi. Hogvarts sehrarlar va afsungarlar maktabiga ham sehrarlik qobiliyati bor o'quvchilar o'n bir yoshdan qabul qilinadi. Shu o'rinda aytib o'tish joizki, Hogvarts maktabi Angliyada bir necha asr mobaynida faoliyat yuritib kelgan maktab-internatlarga o'xshash – unda ham o'quvchilar yotoqxonada turib, faqat bayram va ta'tillardagina oilalariga qaytishadi. Hogvarts sehrarlik va afsungarlik maktabi bo'lgani uchun unda ona tili, matematika, tarix va shunga o'xshash fanlar o'rniga sehrarlik tarixi, qora kuchlarga qarshi afsun, kelajakni bashorat qilish, sehrli ichimlik va dorilar tayyorlash kabi fanlar o'qitiladi. Maktab devorlarida osilgan suratlarda tasvirlangan kishilar doim harakatlanib turishadi, ular o'quvchilar bilan salomlashib, ba'zida o'quvchilarning savollariga javob ham berishadi. Eng qizig'i, suratdagi insonlar bir-birlarini ko'rgani borib turishadi.⁵

Bundan tashqari, maktabning har yerida kezib yurgan arvohlarga ham duch kelish mumkin. Sehrarlik tarixi fanidan ham vafot etganiga bir necha yillar bo'lgan professorning arvohi dars beradi. Maktabga ilk bor kelgan o'quvchilarni yanada hayratlantiradigan yana bir holat bu zinaning doimiy harakat qilishidir. Maktabda bunday zinalar soni bir yuz qirq ikkita bo'lib, ularning qay paytda qay yo'nalishda harakatlanishini eslab qolish boshida biroz qiyinchilik tug'diradi. Shuningdek, maktabning shunday qismlari mavjud ediki, ularga qadam qo'yish o'quvchilarga taqiqlangan edi. Yana shunday xonalar bor bo'lib, ularning qayerda ekani va qanday ochish mumkinligini, hatto professor-o'qituvchilar ham bilishmasdi.

¹ Rowling J.K. Harry Potter and the Chamber of Secrets. London, Bloomsbury Publishing PLC, 1998.

² Rowling J.K. Harry Potter and the Philosopher's stone. London, Bloomsbury Publishing PLC, 1997.

³ Rowling J.K. Harry Potter and the Prisoner of Azkaban. London, Bloomsbury Publishing PLC, 1999.

⁴ Rowling J.K. Harry Potter and the Order of the Phoenix. London, Bloomsbury Publishing PLC, 2000.

⁵ Rowling J.K. Harry Potter and the Chamber of Secrets. London, Bloomsbury Publishing PLC, 1998.

“Maxfiy xona” (“Chamber of secrets”) ham xuddi shunday yashirin xona bo‘lib, u aynan qayerda joylashgani va unda nima borligidan hech kimning xabari yo‘q. Ko‘pchilik bu xonani faqat afsona deb o‘ylab, uning borligiga ishonishmaydi.¹

Afsonaga ko‘ra, maxfiy xona Salazar Slizerin tomonidan yaratilgan bo‘lib, uni faqat Slizerinning haqiqiy merosxo‘ri ocha oladi. Garri do‘stlari Ron va Germiona yordamida maxfiy xonaga kirish yo‘lini topadi hamda u yerda bir necha asrlardan buyon yashab kelayotgan dahshatli vasilisk ilonini yo‘q qiladi. Hogvartsda juda ozchilikka ma‘lum yana bir sehrli xona mavjud bo‘lib, uni Bor-Yo‘q xona (“Come and Go Room”) yoki “Darkor xona” (Room of requirement”) deb atashadi. Bu xonaga faqatgina kuchli ehtiyoj tug‘ilgandagina kirish mumkin, shuning uchun u ba’zida paydo bo‘lsa, ba’zida, umuman, yo‘qoladi.

Shunday qilib, Garri Potterda ham odamlarning ko‘rinishi, kiyinishi bizning dunyodan farq qilmasa ham, ular ishlatadigan o‘ziga xos so‘zlar (afsunlar, buyum nomlari, sport turlari va h.k.), transport vositalari, pul birliklari, turli mavjudotlar va kishilarning ijtimoiy guruhlari bizning dunyodagidan butunlay farq qiladi. Sehrgarlar dunyosi oddiy odamlar dunyosi bilan yondash, ammo uning ko‘zga ko‘rinmas qismi bo‘lib, ba’zi hollarda, oddiy insonlar sehrgarlar dunyosi hodisalariga guvoh bo‘lib turishadi. Rouling yaratgan dunyo voqealari bizning dunyoda, biz yashayotgan davrda, asosan, maktabda (garchi u sehrgarlar maktabi bo‘lsa-da) bo‘lib o‘tishi asarning ishonarliligi, shu bilan birga, o‘ziga xosligini ta‘minlagan.

Сайидова Гулрух (Бухоро Давлат университети таянч докторанти) ЎЗБЕК ШОИРЛАРИ ИЖОДИДА ЎХШАТИШЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Мақолада ўзбек шоирлари ижодидда ўхшатишларнинг ўрни қисман аниқланиб, лексик-семантик ва лингвопоэтик аспектда таҳлил этилган, ўхшатишларнинг ўзбек шоирлари ижодидда алоҳида мавқедалиги ва халқимиз тафаккурининг муҳим қисми – ўхшатишларни маданиятимиз тараққиёти билан бевосита боғлиқ ҳодиса, лингвомаданий бирлик еканлиги аниқланди.

Аннотация. В статье рассматривается роль аналогий в творчестве узбекских поэтов. Лексико-семантический и лингвопоэтический анализ притч показывает, что притчи занимают особое место в творчестве узбекских поэтов и что притчи являются важной частью мышления нашего народа – парадигмы, непосредственно связанной с развитием нашей культуры.

Annotation. In the article, the role of analogies in the works of Uzbek poets were shortly identified and analysed in lexical-semantic and linguopoetic aspect. Analysis reveals that analogies have a special place in the works of Uzbek poets and that they are an important part of our people’s thinking that are directly related to the development of our culture.

Калим сўзлар: аналогия, ўхшатиш, ташибх, ўхшаган, ўхшатиш эталони, ўхшатишган, ўхшатиш субъекти, ўхшатиш қайди, ўхшатиш воситаси.

Ключевые слова: аналогия, сравнение, уподобление, подобие, стандарт аналогии, аналогичный, предмет аналогии, примечание по аналогии, инструмент аналогии.

Key words: analogy, tashbekh, the same, etalon of likening, likened, subject of analogy, analogy note, analogy tool.

Ўхшатишлар, дастлаб, фақат тил ҳодисаси сифатида ўрганилган бўлса, кейинги даврларда у инсон тафаккурининг ажралмас бир қисми тарзида ҳам баҳоланиб, шу нуқтаи назарлар бўйича ҳам тадқиқ этилмоқда. Шунга кўра, кейинги йилларда ўхшатишларни тилшуносликнинг янги йўналишлари – лингвокультурология, социолингвистика, прагматингвистика ва психолингвистика каби билар бўйича тадқиқ этиш ҳаракатлари кучайди.

Аёнки, лингвокультурологияда ўхшатишлар, метафора, рамз, мифологема, эталон, паремнологик бирликлар, лакуналар, стереотиплар, нутқий этикет кабилар энг асосий лингвомаданий бирликлардир. Улар орасида, айниқса, ўхшатишлар жуда муҳим ўринга эга.

Қадимда (ҳозирда ҳам) кишиларнинг кундалик турмушида чироқ жуда муҳим ўрин эгаллаган. Бу сўзнинг асл маъноси *хонани, жойни ёритиш учун хизмат қиладиган уй-рўзгор асбоби* бўлиб, у *бола, яқин одам* каби кўчма маънода, аниқроқ қилиб айтганда, метафорик маънода кўп қўлланилади. Шунга боғлиқ тарзда кўпгина иборалар ҳам юзага келган: *чирогини ёқмоқ* (марҳумдан кейин унинг уй-жойини обод қилиб, хотирасини асрамоқ маъносида); *ичига чироқ ёқса ёришмайди* (жуда хафа, тушкун кайфиятда маъносида). Алишер Навоий асарларида мазкур сўз *чароғ*

¹ Литературная энциклопедия. Т., 8. М., гос. словарно-энцикл. изд-во “Сов.энцикл.”, 1934.

шаклида ифодаланган ва у *бола, фарзанд* маъноларидан ташқари *бахт, толеъ* мажозий маъноларида ҳам истифода этилган.¹ «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *чироқ* сўзининг бу кўчма маъноси қайд этилмаган. Эътибор бериб кузатилса, халқ тилида *чироқ* сўзининг *бахт, толеъ* мажозий маънода қўлланиши кузатилади.

Ўзбек халқининг маданий ҳаётида чарх ҳам муҳим аҳамият касб этган. Бу сўзнинг асл маъноси *ип йигирадиган дукли қўл асбоби бўлиб, у гардиш, айлана; осмон, кўк, фалак, дунё* каби кўчма маъноларда қўлланилади. Алишер Навоий асарларида мазкур сўзнинг *тақдир* мажозий маъносида ҳам қўлланиши кузатилади. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да эса *чарх* сўзининг бу кўчма маъноси мавжуд эмас.

Чодирдан қадимда ўзбек халқи жуда кенг фойдаланган ва унинг ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да мазкур сўзнинг ўз маънолари – *матодан қурилган қапа, гўшанга, чимилдиқ, аёллар паранжи ўрнида ёпинадиган махсус ёпинчиқ* кабилар ифодаланган. Алишер Навоий бадиий асарларида мазкур сўз *чатр* тарзида ифодаланган:

*Салтанат авжсида сайр айлаб аён,
Айлагай бир чатр бошим ошиён.*²

Шоир *чодир* сўзини *бахт, толеъ* мажозий маъноларда кенг қўллаган. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *чодир* сўзининг бу кўчма маъноси қайд этилмаган.

Аёнки, қадим тарихига эга бўлган, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жиҳатдан тарққий этган ҳар бир халқнинг тилида ўхшатишлар тизими ўзига хос тарзда шаклланган бўлади. Мазкур ўхшатишларнинг катта бир қисми *мифларга, анимизмга* бориб тақалади. Бу ўхшатишларлар тизими авлодлардан-авлодга ўтиб, таркиби бойиб боради. Ўхшатишларлар халқнинг ўзига хос анъаналари, расм-русмлари, урф-одатлари, диний эътиқоди ва маданияти билан бевосита боғлиқ тарзда пайдо бўлади. Ҳар бир халқда ўхшатишларлар тизимининг шаклланишига қуйидагилар асос бўлади: мифологик дунёқараш, диний эътиқод, ижтимоий ҳаёт, эстетик қараш, географик ўрин, маданий-маърифий даража, халқ оғзаки ижоди ва илмий-бадиий асарлар ва ҳ.к.³

Аксарият ўринларда кишиларнинг кундалик ҳаётида кўп алоқадор бўлган, улар томонидан тез-тез мурожаат этиладиган, жуда ижобий ёки салбий муносабатда бўлинадиган аниқ нарса, ўсимлик ва ҳайвонлар номи ўхшатилади. Масалан, *гулни аксарият дунё халқлари, чунончи, ўзбек халқи ҳам севимли ўсимлик сифатида қадрлайди. Шунга кўра, гўзал, чиройли, латофатли ёр, севикли аёл, азиз ва ёш кишилар* гулга қиёсланди. Ушбу сўз кишиларнинг *энг сараси, яхииси; файз киритувчиси, қизитувчиси (йигитнинг гули* каби) мажозий маънода ҳам қўлланилади.⁴ Бунинг ифодасини Каримбек Камий асарлар тилида ҳам кўриш мумкин.

*Эй, латофат гулистонининг гули киби,
Бу гулистоннинг эрурман булбули.*⁵

Гул сўзининг *ёр, маъшуқа* кўчма маънода ифодаланиши шоирнинг эстетик қарашлари билан бевосита боғлиқ. Мазкур эстетик қараш ўзбек халқининг тафаккурида ва унга тегишли бадиий асарларда қадимда шаклланган. Ўзбек халқ оғзаки ижодида бунга доир мисолларни кўплаб учратиш мумкин.⁶

Шоир маъшуқа тушунчасини ифодалашда *шаҳо, подшоҳ, хони замон* каби сўзлардан кўчма маънода кенг фойдаланган. Мазкур сўзларнинг ўз маъноси *ҳукмдор, улуг, буюк, мутлақ ҳукмрон шахс* бўлиб, унда мутлақ ҳукмронлик, ягоналик ва барчанинг унга тобелиги маъноси яққол намоён бўлиб туради. Камий ана шу хусусиятларни эътиборга олиб, маъшукани мазкур сўзлар восита-сида ифодалайди. Қолаверса, бундай ифодалаш мумтоз адабиётда жуда кўп учрайди. Маъшуқа тушунчасининг *шаҳо, подшоҳ* каби метафоралар асосида ифодаланиши кишиларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва қарашлари билан бевосита алоқадор. Бу сўзларнинг *киши ва нарсаларнинг энг сараси, энг яхииси; умрнинг энг яхши даври* каби кўчма маънолари ҳам мавжуд. Англашиладики, маъшуқа Камий наздида, улуг, буюк, мутлақ ҳукмрон, чексиз ҳурматга лойиқ шахс. Шоир асарларида

¹ Навоий асарлари луғати. Тошкент, “Фан”, 1973, 647-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилд. Тошкент, “Фан”, 1987; 2003.

³ Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. Тошкент, “Фан”, 2005, 161-бет.

⁴ ЎТИЛ, I, 46-бет.

⁵ Навоий асарлари луғати. Тошкент, “Фан”, 1973, 64-бет.

⁶ Шу асар. 161-бет.

диний эътиқод билан боғлиқ *пари, паризот, париваш, пари пайкар, маҳлиқо, малак, фаришта* каби маъшуқа тушунчасини ифодаловчи ўхшатишлар кенг қўлланилган.

Эркин Воҳидов шеърларида анъанавий ташбихлар, чунончи, маъшукани *гулга, ошиқни бул-булга* ўхшатиш кабилар ҳам, янги топилма ташбихлар ҳам мавжуд. Унинг “Шоир қалби” шеърида Эркин Воҳидовгагина хос, ўзбек адабиётида, аввал, учрамаган (учраса ҳам, оммалашмаган) ташбих қўлланилган. Адиб шоирлар қалбини анорга, уларнинг шеърларини эса шу анорни эзиб ундан олинган шарбатга ўхшатади:

*Шоир қалби гўё анор,
Шеъри унинг шарбати.¹*

Шеър ҳажми унча катта эмас, бор-йўғи олти қатордан иборат. Шоир ҳажман шу кичик шеърда катта фалсафий, қиймати юқори бадий-эстетик фикрни ифодалай олган. Маълумки, анор – ичи қизил доналар била лик тўла юмалоқ мева. Кўп ҳолатларда уни қисиб шарбати олинади ва истеъмол қилинади. Шоир кишилар анорнинг қизил доналарини қисиб, шарбатини қандай олсалар, шоирлар ҳам ўз қалбларини эзиб, унга ҳеч шавқат қилмай шеърларини яратадилар. Эзмоқ сўзи *янчмоқ, руҳан қийноққа солмоқ, қийнамоқ, юракни эзмоқ* каби маъноларга ҳам эга. Шоир айтмоқчи, шоирнинг битта шеъри – анорнинг ҳар бир қизил донаси. Шоир аҳли ўз қалбини бир умр анордек эзиши, кишиларни анор шарбатидан мунтазам баҳраманд этиши лозим. Агар шоир қалбини анордек тинмай эзмаса, уни руҳан қийноққа солмаса, қийнамаса, ўша лаҳзада унинг “паймонаси тўлади”, ижод қилишдан батамом тўхтади, шоир таъбири билан айтсак, “қуни тўлади, қазоси этади, ўлар чоғи келади”.

Шоир қўллаган ўхшатиш содда, ихчам, китобхоннинг англаши жуда осон, халқ тафаккурига беҳад тўғри келади. Бу фикрни айтишимизга маълум асос бор. Анор халқимизнинг қадимдан энг севимли меваларидан бири бўлиб келган. Ўзбек санъатшуносларининг эътирофига кўра, ҳозирги даврга қадар оммавий хусусият касб этиб яшаб келаётган халқ амалий санъатининг энг қадимий намуналарида, чунончи, кашталарда анор тасвири энг кўп акс этган экан. Бундан англашиладики, анор халқнинг турмуш тарзига чуқур сингган. Халқ ўзининг орзу-умидларини, севги-муҳаббатини, изтироб ва армонларини анор воситасида ифодалашга ҳаракат қилган. Анор – севги-муҳаббат, меҳр-садоқат, балоғат ёшидаги қизлар рамзи. Эркин Воҳидов шеърида эса анор *шоир қалбининг* рамзи сифатида қўлланилган.

Мазкур шеърдаги ўхшатиш унсурларини таҳлил этадиган бўлсак, *шоир қалби* сўз бирикмаси ўхшаган, *анор* сўзи ўхшатиш, *гўё* сўзи ўхшатиш қайди (воситаси)дир. Англашиладики, таҳлилга тортилган шеърий парчада ўхшаш (ўхшатиш сабаби) унсури қўлланилмаган, бироқ у мазмунан англашилиб туради, яъни анор доналари ва ундан эзиб олинган шарбат ранги инсон қонига монанддир. Иккинчи қатордаги *шеър* сўзи ўхшаган, *шарбат* сўзи ўхшатиш. Фитрат қайдига кўра, шундай турдаги – ўхшаш ва ўхшатиш қайди унсурлари мавжуд бўлмаган – ўхшатишлар “энг кучли” ташбихлардир.

Шоир ижодининг ўзига хос томонларидан бири шундаки, у анор тасвирий воситасига кўп мурожаат этган. Чунончи, унинг бир шеърида инсоният ҳамма учун умумий бўлган она заминни “икки бўлак қилиб сўйган”лиги, бирини Ғарб, иккинчисини Шарқ деб номлагани, бунга ҳам у қаноат қилмай, яна минглаб элатларга, юзлаб мамлакатларга бўлиб юборганлиги ифодаланган. Бу гўёки анорни кесгандан кейин унинг ичидаги доналари сочилиб кетгандай. Шоир хулосавий фикрини қуйидагича беради:

*Дона-дона сочилиб кетди
Анор каби кесилган дунё...*

Англашиладики, шоир мазкур шеърида анорни инсонлар яшаб келаётган ер сайёраси, она ер, она замин, унинг доналарини эса инсонга хос бўлмаган манфаатлар (хусусан, очкўзлик) сабаб бўлиб юборилган элат ва мамлакатлар рамзий маъносида қўллаган. Инсониятнинг барчаси учун ягона бўлган она заминни сунъий ҳудудларга бўлиб юборилганлигидан шоир афсус чекади, куюнади, дили оғрийди.

Шеърдаги ўхшатишни унинг унсурлари бўйича таҳлил этадиган бўлсак, *дунё* сўзи ўхшаган, *анор* сўзи ўхшатиш, *каби* сўзи ўхшатиш қайди (воситаси)дир.

¹ Воҳидов Е. Сайданма. II жилд. Шеър дунёси. Тошкент, “Шарқ”, 2001, 64-бет.

Qo'chqorova Mahina Xojimurodovna (O'zDJTU, katta o'qituvchi; makhina.kuchkarova.1971@mail.ru)
XUDOYBERDI TO'XTABOYEV USLUBINING NAMOYON BO'LISHIDA FOLKLORNING
O'RNI

Annotatsiya. Maqolada uslub hodisasi adabiy-nazariy tafakkurning adabiy ijodga oid eng muhim tushunchalaridan biri ekanligi, uning soha ilmlarida naqadar yuqori darajadagi e'tiborda turishi hamda ayni choqda u ijodkorga qo'yiladigan bosh talablardan biri ekanligini aks ettirishga qaratilgan. Bu maqolada Xudoyberdi To'xtaboyevning ikkita asaridan "Qasoskorning oltin boshi" va "Yillar va yo'llar" romani tahlil qilinadi. Uning avvalgi asarlariga xos uslubiy xususiyatlar, moyilliklarni bu romanda ham ko'rish mumkin. Muallif "Yillar va yo'llar"ning mazmun-mohiyati haqida va qisman "Qasoskorning oltin boshi" romani bilan uning ba'zi o'xshash qirralariga xos uslubiy xususiyatlarga to'xtaladi.

Аннотация. Статья посвящена размышлениям феномена стиля, раскрывает тот факт, что литературно-теоретическое мышление является одним из важнейших понятий литературного творчества, насколько высоко его внимание в области науки, и в то же время это одно из основных требований к творцу. Весь анализ основывается на примерах произведений Худойберди Тухтабоева. Автор статьи сравнивает два романа: «Қасоскорнинг олтин боши» («Золотая голова мстителя») ва «Йиллар ва йўллар» («Годы и дороги»). При сравнительном анализе выявляются общие и отличительные особенности стиля писателя на примере двух романов.

Annotation. The article is dedicated to reflections on the phenomenon of style aimed at reflecting that literary-theoretical thinking is one of the most important concepts of literary creativity, how high is its attention in the field of science, and at the same time it is one of the main requirements for the creator. The analysis is based on the examples of the works of Khudoiberdi Tukhtaboev. The author of the article compares two novels: "Qasoskorning oltin boshi" ("The golden head of the revenger"), and "Yillar va yo'llar" ("Years and roads"). In comparison, the truth is revealed. We have identified the common and distinctive features of the writer's style using the example of two novels.

Kalit so'zlar: folklor, fantaziya, uslub, original, ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy, g'oyaviy-badiiy, real, hajv, yumor, psixologik, ruhiy, portret.

Ключевые слова: фольклор, фэнтези, стиль, оригинальный, социальный, духовно-просветительский, идейно-художественный, реальный, комедия, юмор, психологический, духовный, портрет.

Key words: folklore, fantasy, style, original, social, spiritual and educational, ideological and artistic, real, comedy, humor, psychological, spiritual, portrait.

Bolalarni jumboqlar olamiga sayohat qildirishda har bir yozuvchi o'ziga xos ijodiy yo'lni tanlaydi. Yozuvchining ijodiy individualligi bilan bog'liq bu tushunchani ijodiy uslub iborasi bilan ifodalash o'rindiroq bo'ladi. Binobarin, H.Nazir, H.Po'latov, F.Musajonov, E.Raimov, S.Barnoyevlar ijodida realistik uslub ustuvorlik qilsa, fantastik uslub X.To'xtaboyev, S.Anorboyev, H.Shayxov, A.Obidjon kabi yozuvchilar ijodining ziynati sanaladi. Ularning ichida o'zbek bolalar nasrining taniqli ustasi Xudoyberdi To'xtaboyev asarlari alohida ajralib turadi.¹

X.To'xtaboyev o'zbek bolalar adabiyotida o'zining muayyan uslubi bilan e'tirof etilgan adiblardan biri hisoblanadi. U fantaziyaning ham folklordan oziqlangan o'ziga xos ko'rinishidan olgan ijodiy tasavvurni boshdan kechirgan va xotirada qolgan kuzatishlarining manzaralarini mohirona sintezlab, hamda hammasini o'zining kitobxonlariga ravon, teran, mos-muvofiq taqdim eta olgan. Zero, haqiqiy talant uchun turmushni, odamlar hayotini, muhitdagi yaxshi-yomon tomonlarni, muammolarni kuzatish ijod yo'lida yashash va ezgulik uchun kurashish demakdir. U jiddiy va o'ziga talabchanlik bilan o'zi yashayotgan davrni, ijtimoiy hayotni, uning tarixi, hoziri va istiqbolini o'rganadi, shu asosda original, ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy, qimmatli, g'oyaviy-badiiy saviyasi baland asarlar yaratishga intiladi.

Yozuvchi hayot bag'riga, turmush ziddiyatlari, kurashlar insoniy munosabatlar olamiga qanchalik keng va chuqur kirib borsa, ziddiyatlar, insoniy munosabatlar mohiyatini davr talabi, ilg'or dunyoqarash asosida yoritish, talqin qilish uchun qanchalik jo'shqin va shiddatli bo'lsa, ijodi shunchalik original, o'ziga xos bo'ladi.²

¹ Matchonov S., Qurboniyozov M. Bolalar adabiyoti. Ijodiy uslubiy izlanishlar. O'quv qo'llanma, T., 2009.

² Mamajonov S. Uslub jilolalari. T., 1972, 88-bet.

Adabiyotda o'z so'zini aytish, ijtimoiy hayot kun tartibiga qo'ygan vazifalarni o'zida hal qilishga intilish, shu orqali o'zligini topish uchun o'tmish va zamondoshlar bilan aloqa, o'zaro ta'sirga kirish ijodning zaruriy shartlaridandir. Adabiyotda o'zidan oldin erishilgan g'oyaviy-badiiy tajribani o'zlashtirib olmasdan turib, kuzatilgan va kutilgan natijaga erishish mumkin emas. Shuning uchun ham folklor, an'analar ijodiy individuallikning shakllanishi, kamol topishida asosiy mahorat maktablaridan biridir. Kuza-tishlar ko'rsatadiki, ba'zi janriy taqozolar, mavzular yoki yaratilayotgan xarakterlar tabiatidan tashqari, ijodkor uslubining o'zida ham ma'lum bir yo'nalishga, misol uchun, hajvga, yumorga, folklorga, jiddiy psixologik tasvirga moyillik uslubiy xoslik sifatida mavjud bo'ladi.

“Qasoskorning oltin boshi” dan so'ng yozuvchi X.To'xtaboyev “Yillar va yo'llar” romanini yarata-di. Uning avvalgi asarlariga xos uslubiy xususiyatlar, moyilliklarni bu romanda ham ko'rish mumkin. Avvalo, “Yillar va yo'llar”ning mazmun – mohiyati haqida va qisman “Qasoskorning oltin boshi” romani bilan uning ba'zi o'xshash qirralari xususida to'xtalsak. “Qasoskorning oltin boshi” xalqning milliy qah-ramoni Namozning murakkab, xavf-u xatarga liq to'la fojiali hayoti tarixini yoritishga bag'ishlangan. Sarguzashtlarga moyil tasvir uslubi egasi bo'lgan adib xalq hayotining aniq real lavhalarini chizishni maqsad qiladi. “Qasoskorning oltin boshi” romani, agar paxtakashlarning qo'zg'oloni, ikki tomonlama zulmga qarshi noroziligi ifodasi bilan bog'langan bo'lsa, “Yillar va yo'llar” aravakashlarning, xizmatchi-larning yoppasiga ish tashlashlari va ularning g'alabalari bilan boshlanadi.

XX asr boshlaridagi aholining ahvoli, ko'zi ochilib, haq-huquqini talab qilayotgani, endilikda ongli qo'zg'olon qilayotgan xalqni yozuvchi ayri-cha mehr, xayrixohlik bilan, buning ildizidagi fojia-viylik va umidbaxshlikni his qilgan holda jiddiy uslubda tasvirlaydi. Mahalliy zulmkor amaldorlar imkon qadar o'z mavqeyini ushlab turishga harakat qiladi. Mustabidlikka ular rozi. Ozodlik, tinchlik, mehnatkashlarning erki degan tushunchalarni ular, aslo, tan olmaydi. Xalqning dono, ilg'or fikrli vakillarining harakatlarini har tomondan bo'g'ishga harakat qiladigan amaldorlar, imkon qadar xalqning yo'l boshchilarini tobe qilishga, o'ldirishga intiladi. Ikkala romanda ham ana shunday voqelik tasvir etilgan. Biroq birinchi ro-mandagi xalq ongi bilan ikkinchi romandagi ommaviy dunyoqarashda farq borki, yozuvchi haq-huquqni bilish, talab qilishdagi xalq ongi tadrijini juda ziyraklik bilan ilg'agan.

Yozuvchi juda og'ir ahvoldagi xalqning psixologiyasini sinchkovlik bilan ifodalab beradi. Shakar-xon noib, Xon Eshon xizmatlari, Zokir Sardor, Abdurahmonboy kabi mahalliy zolim amaldorlar, yana bir qator talonchilar zo'r berib mavjud tuzumni ushlab qolishga tirishadilar. Xon Eshon hazratlari fikricha, podsholikning amrlariga qarshi bormoq – yaratganga qarshi bormoq degan bilan tengdir. Boy amaldorlar tobora quvlik, hiylakorlik, vaxshiylik yo'lga o'tadi. Bu keskinlikni va xalq ongida yetilib kelayotgan qat-tiq noroziliklarni xalqning Buzruk Usmonxo'jayev singari navqiron yigitlari sezgirlik bilan ilg'ab olib, kurashga o'tlanadilar. Buzruk ularning boylik bilan emas, quvlik, zolimlik bilan zo'r ekanligini ich-ichidan mushohada qiladi.¹

Roman bosh qaxramoni Buzrukni olomonning ahvoli juda iztirobga soladi. Dadasidagi, xususan, Farg'ona xalqidagi qullik, tobelikka mutelik, befarqlik ruhi qaerdan o'rnashib qolganligi haqida bosh qo-tiradi. Choyxonada odamlarga tushuntiray desa, odamlar eshitmay, tarqab keta boshlaydi. Odamlar qo'r-qadi. Buzrukning boshi qotadi: nahotki, odamlar uni yakalab qo'ysa, u, axir, odamlarga yomonlikni ravo ko'rayotgan emas edi-ku? X.To'xtaboyev Buzrukning o'y-psixologiyasi, mazkur axvol, muhit to'g'risi-dagi ichki tuyg'ularini mohirona chizadi. Buni psixologik monologlar sifatida tushunish mumkin. Yo-zuvchi Buzrukning ruhiy mushohada iztirobi, armonlarini berishda Alpomishni xotirlatadi. Alpomish ham xalq tushunib yetguncha, o'zini sabr ila bosiqlik bilan ushlab turib, vaziyat yetganda, janglarga kirishar edi. Hali xalq yuragida g'aflatning og'ir toshi bor. Bu toshni ko'chirish oson kechmaydi.

Romanda tasvirlangan ilg'or xalq qaxramonlari o'z xalqini chuqur o'ylab ko'radilar. Huquqsiz-likning xalq boshiga solayotgan uqubatlari, kulfatlari ularni uzoq qayg'urtiradi. Yozuvchi uslubining ra-von, xalqona, folklorizm bilan yo'g'rilgani ana shu qahramonlarning xarakterini chizishda ham yorqin na-moyon bo'ladi. X.To'xtaboyev, ayniqsa, roman bosh obrazlari Shakarxon noib, Xon Eshon xazratlari qiyofasini tasvirlashda, ularning mahzunliklari, g'azablari, armon-nadomatlarini, ruhiy tahlilni asoslanti-ruvchi detallarga, ichki portretga, butun mohiyatga ishora qiluvchi maqollar, iboralarga tayanadi. Bu usul-lar muallifning uslubini yanada jiloli qiladi.

Kitobxon o'yg'a botishlarni bir qaxramon yoki boshqa qaxramonlarning ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy muhitni mushohada qilishlarini qiziqib kuzatib boradi. Bulardan har birining xakteri, dunyoqarashi, fikrlash tarzining o'ziga xosliklarini, bu boradagi ularning ilg'or va passiv tomonlarini yaqqol sezib

¹ G'afurov I. O'ttiz yil izhori. “Adabiyot va san'at” nashriyoti. 1987, 309-bet.

turadi. Ayni choqda, u butun jamiyatga daxldor ahvolni, xalqning ruhiyatini, avomning yaxshi va ojjiz tomonlarini–tasvirlanayotgan tarixiy davrga xos barcha umumiy muhitni ko‘z oldiga keltiradi. Yozuvchi uslubida, ko‘pincha, qaysidir qaxramonga alohida moyillik yoki uning aksi sezilmaydi. Voqealarning bayonida ham shu ruh hukmronlik qiladi. Har sahifada uning uslubi betaraf, xolis harakat qiladi.

Ezgulik va yovuzlikni, ilg‘orlik va qabihlikni, yaxshilik va yomonlikni, rostlik va yolg‘onni ajratib olishni o‘quvchilarning o‘ziga zimdan havola qiladi. Yozuvchining “Yillar va yo‘llar”dagi uslubi ham, bir so‘z bilan aytganda, xolis, samimiy, g‘oyalarga o‘quvchini faqat yo‘naltiruvchi uslub sifatida namoyon bo‘ladi. Umuman, yozuvchi uslubining, qaysi toifadagi qaxramon xarakteri bo‘lmasin, psixologik jihatdan ochishga moyilligini ba‘zi adabiyotshunos olimlarimiz o‘z vaqtida ta’kidlashgan.

Munaqqid I.G‘afurov o‘z maqolasida ayni shu “Yillar va yo‘llar” romanidagi qahramonlar ichki olami tasviri haqida shunday yozgan edi: “Qahramonlarning muayyan vaziyat taqozosi bilan tug‘ilgan o‘ylarini izchil yoritadi. Qahramonlarning ziddiyatli xarakterlari, ularning o‘ylarida ishonchli ochiladi. Ayniqsa, bosh qahramon Shakarxon noib, Xon Eshon hazratlari o‘ychanliklari bilan ham ancha chuqur bo‘lib ko‘rinadilar. Qahramonlarning o‘ylarida o‘z xatti-harakatlarini, bo‘layotgan voqealarni tahlil qilish baralla seziladi. Bu ularni juda jonlantiradi va ancha ziddiyatli, murakkab olamga ega qahramonlar kabi gavdalaniradi.

Yozuvchining portret yaratishdagi o‘ziga xos usullarini alohida ta’kidlash kerak. Roman badiiy bo‘yoqlarga boyligi bilan o‘qishli...” Bular, albatta, yozuvchi uslubining bir qirrasidir. Bevosita muallif nutqiga xos uslubiy qurollar kuzatilganda ham X.To‘xtaboyevning muxtasarlikka, xolislikka intilishini, barcha holatlarda muhim voqea, detal, harakatlar ifodasigagina e’tibor qaratilishini o‘z bayonida ham folklorizmdan unumli foydalanishini sezish qiyin emas. Kitobxonga bu uslub butun alomatlari bilan jozi-badorlik, teranlik taqdim etadi.

Пирназарова Манзура (УрДУ) ОМОН МАТЖОН ШЕЪРИЯТИГА ДОИР

***Аннотация.** Мазкур мақолада мутафаккир ижодкор Омон Матжоннинг эстетик қарашлари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, шоир шеърларида ҳаётдаги оддий воқеадан катта фалсафий хулоса чиқариши ҳолати “Ёлгон”, “Қисқа мулоқотлар”, “Мен булут бағрига син солиб боқсам” шеърлари мисолида кўрсатиб берилган. Шунингдек, шоир шеърларидаги самимийлик, ватанпарварлик ҳақидаги тушунчалар очиб берилган.*

***Аннотация.** В статье речь идёт об эстетических взглядах поэта-мыслителя Амана Матжана. Также на примере стихотворений “Ёлгон”, “Қисқа мулоқотлар”, “Мен булут бағрига син солиб боқсам” автор показывает, как поэт из простых, обычных жизненных явлений и событий делает глубокие философские выводы. Раскрыты такие понятия в творчестве поэта, как искренность, патриотизм.*

***Annotation.** This article discusses aesthetic views of thinkers Omon Matjon. In the poem of the poet, such as “Yolg‘on”, “Qisqa muloqotlar”, “Men bulut bag‘riga sin solib boqsam” a big philosophical view from a simple event is described. Besides, the senses of sincerity, patriotism are revealed in his poems.*

***Калит сўзлар:** шеърият, ижод, образ, адабиёт, истеъдод, бадий маҳорат, тамойил, гўзаллик.*

***Ключевые слова:** поэзия, творчество, образ, литература, талант, художественное мастерство, принцип, красота.*

***Keywords:** poetry, creativity, image, literature, talent, artistic skill, principle, beauty.*

Хассос ижодкор Омон Матжон халқ калбидан муносиб жой олган. Унинг илк ижод намуналари жойланган “Очиқ деразалар” 1970 йилда эълон қилинган кунданоқ шеърхонлар шоирни илиқ қабул қилганлар ва ўзбек шеъриятида ўзига хос ўринга эга бўлган.

Шундан буён қирқ йилдан кўпроқ ижодий тажриба ва меҳнат фаолиятига эга бўлган шоирнинг “Карвон кўнғироғи” (1973), “Қуёш соати” (1974), “Драматик дostonлар” (1975), “Ёнаётган дарахт” (1976), “Ярадор чакмоқ” (1977), “Ҳаққуш қичқирғи” (1979), “Сени яхши кўраман” (1981), “Дарахтлар ва гиёҳлар китоби” (1984), “Гаплашадиган вақтлар” (1986), “Минг бир ёғду” (1989), “Ўртамизда биргина олма” (1990), “Одамнинг сояси кўёшга тушди” (1991), “Қуш йўли” (1993),

“Иймон ёғдуси” (1995), “Дийдор азиз” (2011), “Халоскор рух” (2012) каби шеърӣй, насрий, драматик китоблари чоп қилинган.

Ижодкор Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар йўлидан бориб, халқ орасида улкан шоир бўлиб танилди. Омон Матжон лирикасида жўшқин ҳис-туйғулар билан тўйинган ижодий тафаккурнинг кенг қулоч ёйганини, шиддатли тўлқинини кузатишимиз мумкин. Ижодкор асарларини кўздан кечирар эканмиз, инсоннинг яхшилиги, адолатсизликка нафрати, маънавий гўзаллик, эзгуликка содиқлик, табиатга ошuftалик, дўстликка, севги-муҳаббатга, умуман, ҳаёт гўзалликларига садоқатни тараннум қилганини кўрамиз. Омон Матжон Хоразмнинг узок ўтмишларидан ҳикоя қилувчи шеърлари ва драматик дostonларини китобхонларга тақдим этган. Кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган “Минг бир ёғду” дostonи Ҳазрат Навоий бебаҳо ҳазинасининг шоирона талқинига бағишлангани билан ўқувчини завқлантиради. Шоир лирик шеърлар билан бирга лирик қисса ва драматик дoston жанрларида баракали ижод қилган. Омон Матжон ижодидан баҳраманд бўлар эканмиз, шоирнинг эрк, истиклол сари чизилган қатъий ва шиддатли йўлини, соғинч ва изтиробларини, умид учкунларини кўрамиз, ҳис қиламиз. Давр руҳининг ёркин ифодаси тасвирини кузатамиз.

Адабиётшунос олим Улуғбек Ҳамдам тўғри таъкидлаганидек, шеърятимизнинг 60-йиллар авлоди ўзбек ижтимоий поэзиясини даврининг ижтимоий муаммолари ила бойитиш билан бирга, ундаги анъанавий мавзуларни, хусусан Ватан, халқ мавзуларини янгича талқин қилди.¹ Албатта, олим 60-йиллар авлоди деганда шоир Омон Матжон ижодини ҳам назарда тутяпти, деб ўйлаймиз.

Шоир лирикасида воқеа ҳодисаларни, одамлар умри ва тақдирини фалсафий жиҳатдан англаш ва хулоса чиқариш истаги мавжуд бўлган. Ижодининг илк даврларида шеърхонни самимий фикрлашга ундаган бўлса, кейинчалик, умр ва одамлар ҳақида, ҳаёт тўғрисида фалсафий мушоҳадакорликка чорлаган. Маълумки, ҳақиқий маънодаги шеър шоирнинг фикри ва ҳиссиётининг уйғунлигидан юзага келади ва шу вазиятда уйғунлашув ягона бирликда намоён бўлиши поэтик образнинг характерли хусусияти ҳисобланади. Ҳар қандай шеър фикр ва туйғулардан холи эмас. Шундай экан, шеърдаги тафаккур ўқувчи учун фалсафий аҳамият касб этиши учун умумбашарий мазмун касб этган бўлиши лозим. Фикримиз далили учун шоир ижодига мансуб шеърларга мурожаат қилайлик:

“Бу – ёлгон!” – кўкракка муштлади кимдир.

“Ёлгон бу...” ингранди кимдир бағри қон.

“Ҳм-м...ёлгон” ишшайди биров нечундир

Ким “Ҳа, ёлгон!” деди. Кимдир “Йўқ, ёлгон!”

Бири “Ёлгон!” дея кетди эрка, тўқ.

Бири “Ёлгончи!” деб оҳиста кўнди.

Шундоқ битта рост сўз айтилгунича

Ким қанча жонларнинг умиди сўнди.²

Омон Матжон юқоридаги шеърида виждон покизалиги ва адолатсизлик масаласини бош мавзуда кўрсатишга ҳаракат қиларкан, ҳар бир сатрдаги фикр ҳаётгий асосга эгаллиги ҳис-туйғулар ҳаракатининг табиийлигини таъминлайди, яъни ижодкор шу ўринда адолат ва адолатсизликнинг ҳаётдаги аниқ кўринишини ёритади: *“Қадимда бир юртнинг нодон ҳоқони Варрак кашф этганнинг тўкибди қонин”*. Бу каби сатрларда манзара яққол кўз олдимизда намоён бўлади. Ҳаётдаги воқелик жараёнларининг асоси инсонларнинг ўзаро мунасабатига ва фаолиятларига боғлиқлиги, уларни одамларнинг ўзлари юзага келтиришини очиб беради.

“Эҳ, бир шайтон урди”, дейсан ҳар сафар,

Ўзинга олмайсан айбни ҳеч маҳал.

Мундоқ қараб турсам бутун вужудинг

Шайтанатга ўнглаб қурилган шаҳар.³

Кўринадики, маскур шеърда шоир жамият ва инсонлар олдига ўзини доимий маънавий масъул сезади. Масъулият ҳисси шоир шеърларида яхшилик ва ёмонликнинг маънавий ҳамда ижтимоий асосларини излашга даъват этиб туради: *“Тенглик йўқ жойларда ёмондир қисмат, Тили омон бўлса ўлмайди миллат”*. Омон Матжон шеърӣй сўзни ўзига хос тарзда қўллайди. Шоир сўз-

¹ Улуғбек Ҳамдам. Янги ўзбек шеърятӣ. Тошкент, “Адиб” нашриёти, 2012, 191-бет.

² Омон Матжон. Минг бир ёғду. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 21-бет.

³ Омон Матжон. Иймон ёғдуси. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, 25-бет.

ни шундай ишлатадики, унинг маъноси ўқувчи наздида кенгайгандек бўлади. Ёмон феълли одамнинг тубан қилмишларидан ўша одамни ўзини огоҳлантираётгани кўриниб турган юқоридаги сатрларда маъно ва ифода халқ жонли тилининг таъсирида эканлиги натижасида шеъррий ифода яна-да тушунарли бўлган. У руҳи уйғоқ шоир сифатида дунёни, инсонлар қалбини тозаломоқ мақсадида қалам сурди. Омон Матжон одамлар феъл-атворидаги иллатлар билан келишмай яшади. Унинг куйидаги сатрлари шундан далолат беради:

*Терс феълли кимсалар кимнинг зурёди,
Тагин ҳар бирининг бордир устоди!
Покдил эл “Ё ҳақ!” деб ружу қилганда
Буларнинг нимада бўларкан ёди!*¹

Инсонлар феъллидаги камчиликлар боис шоир кўнгли сира тўлмайди. Омон Матжон шеърларидаги фалсафий фикрлар ҳаётгий фактлардан юзага келади. Айниқса, ижодкор умрни, воқелик жа-раёнларини, замондошларини кузатаркан, инсон умри, унинг маънавий гўзаллиги билан боғлиқ ҳаёт гўзалликларининг туйғуларга бой ҳолатларини яратади. Албатта, ана шу руҳий ҳолатлардан фалсафий фикр намоён бўлади.

*Бу гурбат даштидан нечук ўтдим мен,
Кимларга шиониб жсадал этдим мен?!
Изимга қарасам жилмайиб турган
Ишқ билан Имонни идрок этдим мен.*

Ижодкор одамларни нафс исканжасидан қутқармоқни ва тўла комил бўлишини истади. Шоир шеърятининг ҳар бир хужайрасидан ҳаётни ва воқеликни, қалб ҳақиқатини идрок этишга бўлган хоҳиш намоён бўлиб туради. Адабиётшунос Қ.Йўлдош шундай фикрларни келтиради: “Маълумки, ижодкор қандай образни қаламга олмасин, аслида, ўзини тасвирлайди. Ҳар бир одамга олам боридай эмас, балки ўша одамнинг айна дамдаги ҳолату кайфияти кўтарганидай кўринади”.²

Омон Матжоннинг “Қисқа мулоқотлар” деб умумий номланган тўртликларида шундай сатрларни кузатдикки, шоир кичик бир ҳаётгий деталдан ижтимоий воқелик, умр, ҳаёт тўғрисида кенг умумлашмалли поэтик хулосалар чиқариш воқеа-ҳодисалар тасвирини бир нуктага йиғиб, хулосалашга интилиш ижодкор учун характерли хусусият эканлигига амин бўлдик.

*Қай куни синчиклаб боқдим бир қушга:
Нафси деб тутилди олакўз Мошга!
Минг шукур, худойим, қорин бермабсан
Мендаги қанотли хаёлга – қушга!*³

Омон Матжон шеърларида кўзга ташланадиган одамлар табиатидаги яхшилик, маънавий тўқислик, баркамоллик каби хусусиятлар аҳамиятлидир. Шоир талқинидаги лирик қаҳрамон эзгулик, гўзаллик каби миллат кишиларининг нурли фазилатларини ўзида мужассамлаштирган замондошимиз қиёфасида гавдаланади: “*Яшаиш – бу умрнинг гулгун дамларин Эл учун яшамоқ, эл учун бермоқ*”. Омон Матжон шеърларида гавдалантирилган инсон образи умрнинг моҳияти, инсоннинг ҳаётдаги ўрни, табиат ва жамият ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари билан йўғрилган. Бундай ҳолат, айниқса, серташвиш ва ҳаловатсиз дунёдаги замондошларимизнинг кечинмаларини ҳамда ҳаётини тасвирлашга йўналтирилган: “*Дарёни опичиб турган тоғу тош Бари дард билган бир одамча йўқдир*”.⁴ Буюк ва оддий инсонларнинг қалб гўзалликларини, замон, умр, халқ, одамлар тақдири ва келажаги билан боғлиқлиги, ватан олдидаги бурчи каби мавзулар шоир ижодининг асосий мазмунини белгилаб беради.

Кўринадики, Омон Матжоннинг шоирона услубини белгиловчи муҳим омиллардан бири – чуқур ва пурҳикмат фикрлардан иборат ички драматизмдир. Адабиётшунос М.Кўчқорованинг мақоласида келтирилганидек, шоир Ватанимиз тарихи, маданияти, урф-одатлари, фольклорини, ўзга халқлар тарихини чуқур биладиган, бир сўз билан айтганда, катта билим ва тафаккур эгасидир.⁵ Юқорида шоир ижодидан келтирилган мисолларда бу қирралар ёрқин кўринади. Адабиётшунос

¹ Омон Матжон. Иймон ёғдуси. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, 21-бет.

² Қозоқбой Йўлдош. Сўз ёлқини. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбааиждодий уйи, 2018, 117-бет.

³ Омон Матжон. Иймон ёғдуси. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, 20-бет.

⁴ Омон Матжон. Минг бир ёғду. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 9-бет.

⁵ Кўчқорова М. Ўзим-ўз қалбимнинг бўлсам Колумби. “Шарқ юлдузи”, 2013, 1-сон.

Умарали Норматов уни “Омон – жаҳонгашта шоир”, деб таърифлаган эди. Биламиз, шоир кўп дунё кўрган, кўп инсонлар билан танишган, уларнинг ҳаёти, дарду изтиробини чуқур ҳис этган ижодкор сифатида кўз олдимизда намоён бўлади. Омон Матжон шеърларида халққа яқинлик, рамзийлик, ижтимоийлик, насрга хос кенг тасвирни шеърини йўлда ифодалаш, ҳақиқатпарастлик, давр фожиаларини, инсон дардини дадил айтиш жиҳатлари ёрқин намоён бўлади. Ижодкорнинг “Таплашадиган вақтлар” шеърини қиссаси, “Паҳлавон Маҳмуд”, “Хоразмийнинг тўрт саёҳати ва саккиз башорати”, “Тўғон”, “Ҳаққуш қичқирғи” каби драматик, фалсафий, тарихий дostonлари, “Нажмиддин Кубро” трагедияси, “Тўрабекахоним” насрий қиссаларида ҳам бу ҳолатлар яққол намоён бўлганини кўрамиз.

Омон Матжон маҳоратли таржимон сифатида Шиллер, Бодлер, Евгений Евтушенко, Расул Ҳамзатов, Юстинас Марциняквичюс, Шандор Петефи, Берди Кербобоев, Сухроб Тохир, Ибройим Юсуповлар ижодидан таржималар қилди.

Умуман олганда, янги давр ўзбек шеърлятида ўзининг овози ва ўзининг услуби билан алоҳида ажралиб турадиган миллатимиз шоири билан халқимиз фахрланади.

Normurodov Oybek Berdimurod o'g'li (Guliston davlat universiteti)
O'zbek adabiyotshunosligi kafedrasini o'qituvchisi; e-mail: normurodov13@mail.ru)
USMON AZIM IJODIDA IJROVIY LIRIKANING O'RNI

***Annotatsiya.** Mazkur maqola Usmon Azim ijodining badiiy qirralarini ochishga qaratilgan. Unda shoir she'riyatida ijroviy lirikaning o'rni o'rganilgan. Muallif poeziyasida ijroviy lirika shoir uchun keng imkoniyat yaratganligi aniq ko'zga tashlanadi va bu masala tadqiq qilinishi lozim bo'lgan ishlardan biridir. Ushbu masalaning hal qilinishi, birinchidan, tahlil qilinayotgan misralar mohiyatini yanada yaqqolroq ochilishini ta'minlash, ikkinchidan, uning o'ziga xos tomonlarini yoritishga xizmat qiladi.*

***Аннотация.** Данная статья направлена на раскрытие художественных аспектов творчества Османа Азима. Исследуется роль исполнительской лирики в стихотворениях поэта. В поэзии Османа Азима видно, что исполнительская лирика открыла перед поэтом широкие возможности, и это один из важных вопросов, требующих изучения. Решение этой проблемы состоит в том, чтобы, во-первых, более четко понять суть анализируемых стихов, а во-вторых, пролить свет на ее конкретные аспекты.*

***Annotation.** This article is aimed at revealing the artistic aspects of Osman Azim's work. It explores the role of performance lyrics in the poet's poetry. It is clear from the author's poetry that the performance lyric created a wide range of opportunities for the poet, and this issue is one of the works that should be studied. The solution to this problem is, firstly, to provide a clearer understanding of the essence of the verses under analysis, and secondly, to shed light on its specific aspects.*

***Kalit so'zlar:** poeziya, ijroviy lirika, lirik qahramon, avtopsixologik lirika, intim lirika, falsafiy lirika, siyosiy lirika, intellektual lirika, “Dars” to'plami, “Saylanma”, “Maqsud Shayxzoda” she'ri.*

***Ключевые слова:** поэзия, исполнительская лирика, лирический герой, автopsихологическая лирика, интимная лирика, философская лирика, политическая лирика, интеллектуальная лирика, сборник «Урок», «Избранные», стихотворение «Махсуд Шайхзода».*

***Key words:** poetry, performance lyrics, lyrical hero, autopsychological lyrics, intimate lyrics, philosophical lyrics, political lyrics, intellectual lyrics, “Lesson” collection, “Selection”, “Maqsud Shaykh-zoda” poem.*

Ma'lumki, adabiyotshunoslik ilmida lirikaning tematik xususiyatlariga ko'ra intim, grajdanlik, falsafiy, siyosiy, intellektual, avtopsixologik, ijroviy lirika kabi ko'rinishlari qayd etiladi. Bular orasidan ijroviy lirika – kechinma o'zga shaxs tilidan ifoda etiluvchi she'r – o'zbek she'riyatida 60-yillardan boshlab, ayniqsa keng tarqalganligi va 70–80-yillar she'riyatida yanada faollashganligi aytiladi.¹ 70-yillar oxiri – 80-yillar boshlarida “Qayta qurish” siyosatining mamlakat hayotida yangicha o'zgarishlarga olib kelishidan umid qilgan ijodkorlar tarixiy shaxslar va ularning hayoti bilan bog'liq voqealarga murojaat qila boshladi. Bu yillar oralig'ida o'zbek she'riyatiga kirib kelgan U.Azim, X.Davron, H.Xudoyberdiyeva, Sh. Rahmon kabi shoirlar ijodida tarixiy shaxslar tilidan she'rlar yozish birmuncha ko'payganligini ko'rish mumkin. Ana shu ijodkorlar qatori Usmon Azim ham o'zi she'rlarida ijroviy lirikaga urg'u bera boshladi.

¹ D. Quronov va boshqalar. Adabiyotshunoslik lug'ati. T., “Akademnashr”, 2013, 110-bet.

Ijodkorning 1995-yil “Sharq” nashriyotida chop etilgan “Saylanma”sida ijroviy lirika usulida yozilgan o‘ttizga yaqin ohorli poeziya namunalari bor. Ularni o‘z navbatida shartli bir necha guruhga bo‘lish mumkin. Jumladan:

- ◆ ayollar nutqidan aytilgan ijroviy lirika namunalari;
- ◆ ma’lum mansab egalari tilidan aytilgan ijroviy lirika namunalari;
- ◆ podsholar tilidan yozilgan ijroviy lirika namunalari;
- ◆ mashhur ijodkorlar tilidan bitilgan ijroviy lirika namunalari;
- ◆ baxshilar nutqidan kuylangan ijroviy lirika namunalari;
- ◆ mashhur asarlarning qahramonlari tilidan qalamga olingan ijroviy lirika namunalari;
- ◆ gladiatorlar nutqidan aytilgan ijroviy lirika namunalari;
- ◆ suflyor tilidan aytilgan ijroviy lirika namunalari;

Usmon Azimning ayol kechinmalari aks ettirilgan she’rlaridan biri “Lo‘li qizning qo‘shig‘i” deya nomlanadi. She’rda ko‘ngliga ishq olovini solgan yigitga yetishishni, uning qishlog‘ida qolishni orzu qilgan bir lo‘li qizning nutqidan aytilgan so‘zlar bayon qilingan:

*O‘tar edim bir qishloqdan,
Aqlim oldi bir o‘g‘lon.
Qololsaydim shu qishloqda,
Yashar edim bearmon.
Ul yigitga yor bo‘lishni,
Orzu qilaman orzu.
Ammo orzu o‘tkinchidir
Faqat shu yillar mangu. (2. 3-bet)*

Ko‘ngilga buyruq berib bo‘lmasligi, muhabbat oldida barcha barobar ekanligi ushbu muhabbat orqali yana bir bor eslatiladi. Lirik qahramon – lo‘li qiz ham muhabbat oldida o‘jiz qoladi. Tirikchilik ta-shvishi bilan yurgan qiz ko‘chada bir o‘g‘lonni ko‘rib qolib, unga ko‘ngil qo‘yadi. Ammo qiz ushbu sevgini ushalmas orzuga yo‘yib yo‘lida davom etadi. Shoir she’rda muhabbatning azobli iztirob ekanligini birgina lo‘li qizning achchiq taqdiri orqali ko‘rsatib bergan. Ijroviy shakl bunday tuyg‘u ifodasida qulay vosita ekanligi ham anglashilgan.

Shoirning “Mo‘min Mirzoning so‘nggi qo‘shig‘i” nomli she’ri ijroviy lirikaning sara namunalari-dan biridir. Unda Mo‘min Mirzoning o‘lim oldida aytgan so‘zlari va kechinmalari qalamga olingan. Gar-chi she’rda Mo‘min Mirzo haqida gap ketsa-da, uning tub mohiyatida erk uchun kurashga da’vat borligi anglashiladi. Mo‘min Mirzo she’r davomida tutqunlikda bo‘lganligi sababli ozodlik istaydi. Xalqqa mu-rojaat etib, mustamlakachilikni qoralayadi va xalqni erk uchun kurashga chorlaydi:

*Dardimni aytolmayman...
Xalq, tingla bir band ash‘or:
Men ham ilkimda qilich,
Ovlaganman yo‘lbars, sher!
Dushman muzaffar o‘ldi,
Ag‘yor falak qildi yer...”
Meni asir oldilar...
Bo‘g‘zimda erk qo‘shig‘i! (2. 11-bet)*

“Mo‘min Mirzoning so‘nggi qo‘shig‘i” she’ri shoirning 1986-yil nashr etilgan “Dars” to‘plamiga ham kiritilgan. Bu payt mamlakatimiz mustaqillikni qo‘lga kiritmagan, sovet imperiyasining mustamlakasi edi. Ijtimoiy-siyosiy muhit hisobga olinsa, butun xalqning bo‘g‘zida Mo‘min Mirzoning bo‘g‘zidagidek erk qo‘shig‘i bor edi. Agar xalq tilida bu qo‘shiq yo‘q bo‘lsa, ijodkor el ana shu ozodlik qo‘shig‘ini aytishini istagan. Bu esa shoirga Mo‘min Mirzo tilidan yuqoridagi fikrlarni aytishida qo‘l kelgan.

Usmon Azimning “Mirzo Ulug‘bekning o‘kinchi” nomli she’ri shoh, buyuk munajjim, olim Ulug‘bek tilida aytilgan. She’rda Ulug‘bek hayoti shoir tomonidan yuqori pafosga yo‘g‘rilgan holda tasvirlangan. Shoir Ulug‘bek ichki olamini, uning shaxsiyatini chuqur his eta olgan:

*Armonlarim ushalsin deb
Senga qaradim, osmon.
Yulduzlaring duvva-duvva
To‘kildi-ku boshimdan.
Baland bo‘lib, past kunimga*

*Qachon yarading osmon?
Boshlarimdan to'kkaning u
Yulduzlaring tosh ekan.¹*

Ijroviy lirikaning ijodkor uchun qulay tomoni shundaki, u “o‘zga shaxsga evril”gan onda uning nutqidan so‘zlasa-da, aslida muallif “meni” birinchilikda turadi. Usmon Azimning “Usmon Nosirning so‘nggi tushi” va “Oybekning so‘nggi she‘ri” asarlarida shoir garchi ana shu ikki buyuk ijodkor nutqidan gapirsa-da, shoir – Usmon Azim lirik meni birinchiga chiqib qolganligi ko‘zga tashlanadi:

*Tongotarga boqdim-da, birdan –
Ko'kragimni qoldim quchoqlab.
Ufq nega qonga belangan,
Kim osmonni ketdi pichoqlab.²*

Bu misralar Usmon Azimni xassos shoir Usmon Nosirning “*Jim!.. Ufqdan botgan quyoshni Shart kesilgan boshga o‘xshatdim. Parcha-parcha kuygan shafaqlar Tirqiragan qonni eslatdi!*” misralaridan ta’sirlanganligini ko‘rsatsa, “Oybekning so‘nggi she‘ri”da ham Muso Toshmuhammad o‘g‘li Oybekning “Na‘matak” she‘rining ta’siri bor. Bundan tashqari, Usmon Azimning adiblar tilidan aytgan “Maqsud Shayxzoda” she‘ri ham ijroviy lirika shaklida bitilgan.

Muallifning yana bir ijroviy lirika shaklida yozilgan “Mamarayim baxshining bir davrada aytgani” she‘rida poyabzal predmeti badiiy detal sifatida qo‘llanilib, o‘ziga xos ijod namunasi yaratilgan. Har bir jamiyatda shoirlarni o‘z davrida tushunib yetmay, keyinalik, ardoqlanishini afsus-nadomat bilan badiiy qolipga ko‘chiradi:

*Baxshi bobongizni bilmaysiz, ammo,
Bu ayyor o‘yinda sizlarni yutdim!
Menga berolmaysiz hech qanday baho –
Oyoqyalang bo‘lib dunyodan o‘tdim...³*

Usmon Azimning “Otello”, “Brut”, “Gladiator” she‘rlari ham ijroviy shaklda yozilgan. “Otello” she‘rida sahnaga tayyorlanayotgan Otello – aktyor nutqidan, “Brut”da esa Qadimgi Rim imperatorligida xizmat qilgan Brut nutqidan, “Gladiator” she‘rida xojasining rafiqasiga ko‘ngil qo‘ygan gladiator – qul nutqidan aytilgan bu she‘rlar muallif ijodida o‘ziga xos badiiyat namunalari sanaladi.

Alisher Navoiy o‘zidan keyingi barcha turkiygo‘y ijodkorlar uchun ustoz va ilhom manbasi bo‘lib qolgan. Uning g‘azallariga naziralar bitilgan. Keyinchalik buyuk adib nutqidan she‘rlar ham yozildi. Usmon Azimning navbatdagi “Navoiy” she‘ri ham uning nutqidan aytilgan:

*Qudratingdan yaraldi olam,
Yetti kunda yo‘qdan qilding bor.
Darig‘ tutma mehringni mendan,
So‘ssiz qoldim. Tangrim, so‘z yubor.⁴*

Bu misralar nafaqat Navoiy, balki Usmon Azim ruhiy olami, badiiy tafakkuri bilan ham chambarchas bog‘liqdir.

Usmon Azimning “Turdi Farog‘iy” sarlavhali she‘rida XVII asrda yashab ijod qilgan shoir hayoti va uning kechinmalarini ko‘rsatilgan. Bu she‘r shoir tomonidan Turdi Farog‘iy badiiy tafakkur olami chuqur sintez qilingan ijroviy lirikaning sara namunasi.

*...O‘ylayman, saksovul, hey
Aytsam armonlarim ko‘p.
Bu elni, bu tuproqni
Uloq qilib chopishdi.
O‘ylayman. Boshim uzra
Kalxatlar uchar to‘p-to‘p.
Echkemarlar tegramda
Haykal kabi qotishdi.
Ko‘ksimda otash qaynar,
Bo‘g‘zim bormoqda yonib.*

¹Usmon Azim. Saylanma. She‘rlar. T., “Sharq”, 1995, 13-bet.

² Shu manba. 14-bet.

³ Shu manba. 26-bet.

⁴ Shu manba. 69-bet.

*Til-u dilning orasi
Olov bilan tutashdi.¹*

Turdi Farog'iy asarlari Buxoroda hukmronlik qilgan Subqonqulixon davrida yozilgan. Adibning asarlarida millatning dardi, xalqning og'ir ahvoli aks ettiriladi. Turdining hayoti og'ir kechganligini qayd etgan adabiyotshunos olim, professor Abdurauf Fitrat: "Uning she'rlari o'zining Subqonquli saroyidagi raqiblari bilan bo'lgan kurashni aks ettirgan", – degan edi.² Usmon Azim yuqorida qayd etilgan misralarida mana shu jihatga e'tibor qaratgan.

Usmon Azimning "Ayol maktubi", "Go'ro'g'li", "Sirk. Muallaqchi ayol", "Sirk. Ilon o'ynatuvchi ayol", "Gamlet" she'rlarini ijroviy lirika usulida yozilgan she'rlari sirasiga kiritish mumkin. Bu she'rlarning har birida ma'lum bir shaxs tilidan aytiladi. Muallif ularning xarakterini, ichki ruhiy olamini, ko'ngil tovlanishlarini ifodalashga intilgan edi.

Usmon Azimning ijodida ijroviy lirika usulida yozilgan poeziya namunalari salmoqli. Muallifning bu yo'nalishdagi she'rlarida lirik qahramon, ko'pincha, erkni istaydi. Shoir o'zbek adabiyotida ijroviy lirikaning o'ziga xos namunalari yaratish orqali uning rivoji uchun xizmat qildi. Yuqorida tahlilga tortilgan parchalar buning dalilidir.

Агажанов Сарвар (УрДУ) ЭРКИН САМАНДАР ШЕЪРИЯТИДА СТИЛИЗАЦИЯ УСУЛИ

Аннотация. Мақолада Эркин Самандар шеъриятидаги стилизация усули таҳлил этилади. Шоирнинг халқ достонларига, халқ ижодкорларига бўлган муносабати ўрганилади. Шу жараёнда шоир шеъриятидаги халқона тасвирнинг услубий ва мазмуний кўринишлари ёритиб берилади.

Аннотация. В данной статье рассматривается приём стилизации в поэзии Эркина Самандара. Исследуется отношение поэта к народному эпосу, творцам. Освещаются стилистические и содержательные планы образа народа в лирике поэта.

Annotation. The article analyzes the method of stylization in Erkin Samandar's poetry. The poet's attitude to folk epics and folk artists is studied. In this process, the stylistic and semantic aspects of the simply image in the poet's poetry are highlighted.

Калим сўзлар: Эркин Самандар, лирика, стилизация, халқ кўшиқлари, достонлар.

Ключевые слова: Эркин Самандар, лирика, стилизация, народные песни, поэмы.

Key words: Erkin Samandar, lyrics, stylization, folk songs, epics.

Ижодкорнинг фольклордан фойдаланиш тамойилларининг доираси ниҳоятда кенгдир. Айникса, стилизация соҳасида унинг ижодий имконияти яна-да кенгайди. Чунки фольклордаги турлар, жанрлар, улардаги образлар, мотивлар, ҳар бир жанрдаги ўзига хосликлар, услубий локаллик каби қатор омиллар ёзувчи томонидан ўзлаштирилиши мумкин.

“Адабиётнинг халқ ижодидан озиқ олиши, табиий ҳол. Бироқ ушбу жараён конкретлаштириладиган бўлса, ҳар бир ёзувчи фольклордан ўрганган ва эшитганларини ҳеч қачон айнан такрорламайди. Ундаги кўплаб нутқий тажрибаларни умумлаштириб, матннинг лисоний асосини ўзи яратади”¹

Халқ оғзаки ижодига хос усулларни ёзма адабиётга татбиқ этиш учун миллий фольклорни чуқур идрок этиш зарур.

“Халқ ижодини ўрганиш бу халқнинг турмуш тарзини, урф-одатини, анъаналарини, тарихини, бугуни ва келажagini, ўю кечинмалари ва руҳиятини ўрганиш демакдир. Унда миллатнинг ўзини билиш, англаш, ўзини намоён этиш хислатлари, уринишлари, халқнинг минг йиллик ҳаёт тарзи, дунёқараши акс этган бўлиб, оддийроқ тилда айтганда халқ ижодини ўрганиш бу бевосита халқнинг ўзини ўрганиш демакдир”²

Бунинг учун ижодкор ўша халқнинг ардоғида ўсиб камолга етган бўлиши керак.

¹ Shu manba. 97-bet.

² Fitrat. Tanlangan asarlar. T., "Ma'naviyat", 2000, 71-bet.

¹ Ковтун Л.С. Сближение обиходно-разговорной речи с художественной. Поэтика и стилистика русской литературы. Л., "Наука", 1974, с. 372.

² Эшонкул Жавббор. Эпик тафаккур тадрижи. Т., "Фан", 2006, 33–34-бетлар.

Эркин Самандар Хоразмда туғилиб ўсган, ўз элининг тарихи ва турмуш тарзини пухта ўзлаштирган тажрибали ижодкордир. Унинг барча асарларида халқ ижодининг баракаси таъсири сезилади.

Фольклор асарларидан стилизация тамойили асосида фойдаланишнинг доираси анча кенгдир. Ижодкор асарини замонавий мавзуда ёзса ҳам, фольклорнинг шаклий компонентлари асосида иш кўради, яъни услубга эргашади. Бу вазифани уддалаш ёзувчи маҳорати билан узвий боғлиқдир. Бадиий адабиётдаги услуб масаласини таҳлил қилиш мураккаб бўлиб, “...бунинг учун тилшуносликка ҳам, адабиётшуносликка ҳам яқин айти пайтда, унисидан ҳам, бунисидан ҳам фарқ қиладиган филологик фанга оид предмет яратиш зарур”.¹

Дарҳақиқат, услуб ҳақида сўз юритиш масалага ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик илмини пухта эгаллаш лозим. Чунки бу соҳада лингвопоэтикага алоқадор кўплаб масалалар майдонга чиқади. Биз таҳлилни ушбу доирада олиб борамиз.

Эркин Самандар Хоразм фольклорини, унинг ижрочилари ва ижодкорларини, машҳур дostonлар ҳамда уларнинг халқ севган қаҳрамонларини яхши билади, шеърларида уларни илҳом билан тилга олади.

*Ошиқ юракларнинг орзу, оҳини,
Оҳ уриб қирғоқда турган **Моҳимни**,
Чайқалиб сандиқда оққан **Тоҳирни**,
Тоҳир, деб дод солган **Зухрони** кўрмиш.
Шоир қўлидаги сергак қаламни,
Бахши созидаги дарду аламни,
Ошиқ Ғариб билан маъшуқ **Санамни**,
Ёридан айрилган **Ҳамрони** кўрмиш.²*

Шоир Хоразмдаги таниқли халфа ва халқ шоирларини шеърларида ҳурмат билан эсга олади. Бу борада унинг халқ шеъри услубида ижод қилган “Бу боғни қайси боғ дерлар” кўшиғи алоҳида эътиборни тортади:

*Кезиб Қурбон ота кун тун,
Диёр хонишларини айтди.
Муганний куйлади мафтун,
Дилин ёнишларин айтди.*

*Кўшиқ айтди Анаш халфа,
Бу боғни қайси бор дерлар. (Назм нафаси. 43-бет)
Ижодкор Ожиза халфага атаб махсус шеър битган:
Қорачиқсиз кўриб дунёни,
Гул ҳуснига бўлибсан ошиқ,
Тошганидан қалбинг тугёни,
Тилингдан ҳеч тушмайди кўшиқ.*

*Ҳайрон боқиб кузатаман жим,
Гулзор ичра сени ҳар саҳар.
Нени суюб, нени куйлардинг.
Кўзинг очиқ бўлганда агар?.. (Назм нафаси. 11-бет)*

Ижодкорнинг ушбу шахсларни ўз шеърларида эҳтиром билан қайд қилиши шоирнинг халқ ижодига бўлган ҳурматининг ифодасидир.

Стилизация–адабиёт нуқтаи назаридан олганда, ўхшатиб ёзмок, тақлид қилмок демакдир. Бу муаммо ёзувчи ижодида кенг доирани ташкил қилади.

Оғзаки адабиёт билан ёзма адабиётнинг ўхшаш томонларининг нақадар кўп эканлиги ўз-ўзидан маълум.

Эркин Самандар ижодида халқ кўшиқлари услубига яқин, қофия, банд, оҳангдорлик жиҳатидан ҳамоҳанг шеърлар анчани ташкил этади. Шулардан бири “Одамзод” шеърдир, шеър 17 банддан иборат бўлиб, эпик характерга эга. Унда одамзоднинг пайдо бўлишидан то ҳозиргача бўл-

¹ Виноградов В.В. О языке художественной литературой. М., “Наука”, 1959, 3 – 4-бетлар.

² Эркин Самандар. Назм нафаси (сайланма). Т., “Turon zamin ziyo”, 2015, 82-бет.

ган ҳаёти қисқа сатрларда қайд қилинади. Унинг оловни кашф этишидан бошлаб, атом асригача бўлган ҳаёти фақат тало тўплардан иборат бўлиб, уруш, қон тўкиш мунтазам давом этгани, бунга одамзоднинг ўзи айбдор экани қайд қилинади. Бундай олиб қараганда шеър худди эртақдай туюлади китобхонга:

*Не давронлар ўтмади,
Не инсонлар ўтмади,
Не бахт келиб-кетмади,
Нола чекди зор-зор,
Одам ўгли адмзод.*

Асар анча илгари ёзилгани сабабли халқимиз тарихидаги аянчли даврларга ҳам урғу берилади:

*Ўз ерингда ўзинг қул,
Тил остингда сўзинг қул,
Етим –есир, бева –тул,
Кўзда ёшинг шайқатор,
Одам ўгли одамзод.*

Шоир инсоният тарихидаги фожеаларга бир-бир тўхтаб, ниҳоят, уни огоҳликка чақиради:

*Дунё иши антиқа,
Гоҳ сизмайди мантиққа,
Гоҳ юрар бордан йўққа,
Эсингни йиғ, торт ҳушёр,
Одам ўгли одамзод. (Назм нафаси. 47–50-бетлар)*

Шеър самимий ва содда ёзилган, равон ўқилади. Унда ўзига хос панд-насихат, дидактик руҳ барқ уради. Ушбу фазилатларнинг барчаси унга халқ шеърятини таъсири билан боғлиқдир.

Халқ шеърятини шакли ва оҳангига мос ёзилган яна бир шеър “Бир сўз билан” деб номланган. Шеър халқ ижодидаги мураббаъ шаклида битилган. Унинг барча мисралари ҳикмат билан суғорилган:

*Ақлу шуур ҳукмрондир жаҳонга,
Ақлу шуур бамисли жон инсонга,
Ақл қочган жойда фойда зиёнга,
Гина ўчга, гавго жангга айланур.*

*Жангда ботир нетайин деб ўйланмас,
Душманга сўз қотайин деб ўйланмас.
Бир сўз билан душман дўстга айланмас,
Бир сўз билан дўст душманга айланур.*

Турмуш воқеаларини чоғиштириш, яхши-ёмонни таний билиш, дўст-душманни ажрата олиш каби фалсафий ғоялар халқ эпосида бош қаҳрамон тилидан баён қилинади. Ушбу мисралардаги халқона оҳанглар, турмуш тажрибасидан келиб чиққан ҳаётий хулосалар “Юсуф-Аҳмад” дostonидаги қуйидаги парчага анча ҳамоҳанг келади:

*Муханнаслар асло билмас масканин,
Бозбон бўлса топа билмас гулшанин,
Мард йигитлар агар кўрса душманин,
Саваш этар соат замон истамас.¹*

Иккала шеърда ҳам шаклий ўхшашликдан ташқари мазмундаги фалсафий руҳ, сокинлик, ибратомузлик оҳанглари ўзаро яқинлик касб этади.

